F. 440

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK


Экз 2



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

11 / 2018



Чингиз АЙТМАТОВ
(1928 – 2008)

Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони,
Қирғизистон халқ ёзувчиси,
давлат ва жамоат арбоби

Муқова-3

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЭЖ № 2

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддиқова
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумақул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Шерзод Ирзоев
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Умарали Норматов
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари — Азиз Саид
Масъул котиб — Дилором Муротова
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Наср бўлими мудири — Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

11
2018

УШБУ СОНДА:

ДУРДОНА

МАНАС

Қирғиз халқ эпоси



Манас аскарининг Олатовга келиши

"Уюр соғиниб – от келар,
Эл соғиниб – эр келар.
Эл бошига кун туғса –
Эл туғдирган шер келар.
Қора бўрон кун ёғса –
Бу Манас –
Қалқон бўлар чоғи бор..."

Кенеш ЖУСУПОВ



УСТОЗ

Ҳозир Чингиз Айтматовнинг орамизда йўқлиги ҳар тарафдан билиниб турибди. У тирик бўлганда бундай бўлмасди: ёзувчининг бизга омонат қолдирган васиятларини дилдан уқиб, ҳаётимизга, дунёқарашимизга олиб киролмаяпмиз. Айни дамда адабиётга, маданиятга юксак эътибор қаратаётган халқлар, давлатлар Чингиз Айтматовнинг асарларини ўз тилларига таржима қилиб, улуғ адибнинг номини абадийлаштириш мақсадида кўча ва мактабларга номини бериб, эсдалик лавҳалари, ёдгорликлар ўрнатмоқда.

НАСР

Бейшенбай УСУБАЛИЕВ

МИНГ

Ҳикоя



Ниҳоят, Акмат кўнди. "Отасининг гўри, – деди ўзига-ўзи, – бунинг қистови билан шаҳарни ҳам кўриб келаман. Нимасидан чўчийман, ўрис тилида нон сўрашни ҳам биламан". Тайёргарлик узоқ чўзилди. Хотини пулни қайси чўнтакка солиш ва уни қандай асраб-авайлаш ҳақида кўп гапирди: "Кулиб қараганлардан эҳтиёт бўл, авраб туриб, шипириб кетишмасин. Бозорга кирсанг, оғзингни очиб анграйма. Четдан келганларни дарров билиб олишади, деб эшитганман. Лўлиларга яқинлашма!.."

Акбар РИСҚУЛ

ТАҚДИР МЕНГА ТОПИШМОҚДАЙ КЎРИНДИ

Шеърлар



Эл олдида айтилган ўлан
Сел қилади мени ошиқиб.
Қани кўкка юксал, ҳаволан,
Дилга яқин, севимли қўшиқ!

Совронбой ЖУСУЕВ

ЧИН ДИЛИМДАН ШИВИРЛАЙМАН ХАЛҚ СЎЗИН

Шеърлар



Шул чинордан юрагимга нур олдим,
Қўшиқ олдим, қалбимга сурур олдим.
Халқим – чинор, умрбоқий дарахт-ку,
Мен бир чивиқ – новдаман, толеим шу.

Муҳаммад ШАРИФ

МЕНИНГ КИРГИЗИМ

Ҳикоя



"Биз – онам ва сингилларим ташқаридаги манзарадан кўз узолмаймиз: муаззам тоғлар, тик қоялар, улкан ва силлиқ тошлар, кўм-кўк ўтлоқлар, шарқираган жилғалар, лекин дарахтлар кам. Онда-сонда йўл четида ўн-ўнбеш туп терак ёки қайрағоч учраб қолади, бошдан-оёқ қушлар инига тўла. Инларнинг кўплигидан шохлари ғиж-ғиж мева туккан дарахт каби эгилиб қолган".

Олатов чўққиларидек юксак, Иссиққўл сувларидек тиниқ ижод

Хайриддин СУЛТОНОВ

(Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб, Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган анжуманда сўзланган нутқ)

Ассалому алайкум, муҳтарам устозлар, азиз дўстлар!

Ҳурматли қирғизистонлик меҳмонлар!

Адабиётимиз ва санъатимизнинг қадрли мухлислари!

Биз бугун ушбу муҳташам кошонада маънавий ҳаётимиздаги улкан бир воқеа – буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Аввало, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев номларидан сизларни, бугунги анжуманга йиғилган иштирокчилар ва меҳмонларимизни самимий қутлаб, барчангизга у кишининг ҳурмат-эҳтироми ва эзгу тилакларини билдиришга ижозат бергайсиз.

Маълумки, ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир-бири билан елкадош, тақдирдош бўлиб яшаб келади. Асрлар синовидан ўтган бундай дўстлик ва қардошлик кейинги вақтда тобора мустаҳкамланиб, янгича мазмун ва руҳ билан бойиб бораётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Хусусан, икки давлат раҳбарлари томонидан амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар давомида халқларимизни янада яқинлаштириш, дўстлик ришталарини кучайтириш борасида тарихий аҳамиятга эга келишувларга эришилди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар тарихида янги давр бошланган бугунги кунда улуғ сўз санъаткори Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз бутун халқимиз қатори Чингиз Айтматовнинг бетакрор ижодига доимо юксак эҳтиром билан муносабатда бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум.

Хайриддин СУЛТОНОВ – 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. Адибнинг "Қуёш барчага баробар", "Бир оқшом эртаги", "Онамнинг юрти", "Умр эса ўтмоқда", "Бобурнинг тушлари", "Бобурийнома" каби китоблари нашр этилган.

Бу борада "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" жорий йил 2 апрелда қабул қилинган Президент қарори ана шундай эҳтиромнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Қарорга асосан, мутафаккир адибимизнинг ноёб адабий меросини кенг тарғиб этиш, унинг ёркин хотирасини абадийлаштириш борасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилди ва улар ҳақида бугунги анжуманимизда атрофлича сўз юритамиз, албатта.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан юртимизда қардош халқлар адабиётининг мумтоз сиймолари, жумладан, Абдурахмон Жомий, Махтумқули – Фироғий, Абай Қўнонбоев, Якуб Колас сингари улуғ ижодкорларнинг адабий меросини ҳар томонлама ўрганиш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистонда **адабиёт йили, маънавият ва маърифат йили** бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Муҳтарам Президентимиз ўтган йили Чингиз Айтматовнинг ўзбек тилида нашр этилган "Сайланма" асарлар тўпламига сўзбоши ёзиб, ушбу китобнинг биринчи нусхасини Қирғизистон раҳбариятига тақдим этганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Мазкур сўзбошида ғоят ўринли таъкидланганидек, **"Чингиз Айтматов нафақат қирғиз халқи, айни пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва суюкли сиймодир"**.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунёда Чингиз Айтматов асарлари энг кўп таржима қилинган ва нашр этилган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Юртимизда унинг китоблари кириб бормаган бирорта хонадон, бирорта маърифат масканини топиш қийин.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллик қутлуғ байрами нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизғин нишонланмоқда.

Жумладан, Туркий маданият халқаро ташкилоти – ТУРКСОЙ томонидан 2018 йил Чингиз Айтматов йили деб эълон қилинди ва бу борада ғоят муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида ёзувчининг муҳташам ҳайкали ўрнатилди.

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида Чингиз Айтматов номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғи ташкил этилди.

Ўнлаб давлатларда адибнинг китоблари минг-минглаб нусхаларда нашр қилинмоқда. Асарлари асосида янги-янги бадиий фильмлар, спектакллар яратилмоқда.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ва буларнинг барчаси Чингиз Айтматовнинг ноёб шахсиятига, унинг Олатов чўққиларидек юксак, Иссиққўл сувларидек тиниқ ижодига ер юзидаги миллионлаб адабиёт муҳибларининг чексиз ҳурмат-эҳтиромидан далолат беради.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йилларида халқимиз бошига "пахта иши", "ўзбек иши" деган кулфат тушган оғир дамларда Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳимояси учун мардона отланиб майдонга чиққани, қабиҳ бўҳтон ва туҳматларга қарши собиқ Иттифоқнинг юксак минбарларидан туриб: **"Ўзбекистон – бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиздир. Ўзбек халқининг пок сиймосига ҳеч нарса доғ сололмайди"**, деб айтган оташин сўзларини эл-юртимиз ҳамиша миннатдорлик билан эслайди.

1990 йилда Ўш воқеалари юз берган таҳликали кунларда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш учун Ўзбекистоннинг атоқли давлат ва жамоат арбоблари

қаторида Чингиз Айтматов ҳам ҳақиқий жонбозлик намунасини кўрсатганини ҳеч қачон унутмаймиз.

Бу улуғ ва бағрикенг инсон нафақат XX аср жаҳон адабиётининг улкан намояндаси, шу билан бирга, бепоён Туркистон диёрида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшиб, минтақамиз халқларининг юксак ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган атоқли жамоат арбоби ҳам эди.

Хусусан, Чингиз Тўрақуловичнинг 1995 йил Тошкентда ташкил этилган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ташаббускорларидан бири, унинг президенти сифатида қардош элларимиз бирдамлигини кучайтириш йўлидаги хизматлари беқиёсдир.

Чингиз Айтматовнинг ибратли адабий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Адиб Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофотлари – "Буюк хизматлари учун" ҳамда "Дўстлик" орденлари билан тақдирлангани фикримизнинг далилидир.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Барчамизга аёнки, Чингиз Айтматов биринчи навбатда, ҳеч шубҳасиз, қирғиз халқининг миллий ёзувчисидир.

Айни вақт унинг оламшумул ижоди, маънавий мероси бебаҳо умумбашарий бойликка айланганини барчамиз фахру ғурур билан эътироф этамиз.

Асарлари дунёнинг 128 та мамлакатида 176 тилда, 100 миллиондан зиёд тиражда чоп этилиб, Африка ва Осиё, Европа ва Америка қитъаларида, Австралия минтақасида севиб мутолаа қилинаётган адибнинг, халқона ибора билан айтганда, "етти иқлимга машҳур ва манзур" экани шундан далолат беради.

Сайёрамизнинг турли ўлка ва мамлакатларида, мутлақо бошқа муҳитда яшайдиган миллионлаб инсонлар Айтматов яратган бадиий оламда аввало ўзларининг ҳаёти ва тақдирини, орзу-умид ва интилишларини, афсус ва армонларини, севги-муҳаббат қиссаларини, қалб туғёнларини кўрадилар ва шу боис уни ўз ёзувчиси, деб биладилар.

Муқаддас китобларимизда Оллоҳ таоло инсонни азиз ва мукаррам этиб яратгани алоҳида таъкидланади. Шу маънода, Чингиз Айтматов ижодининг ўқ илдизи, олий моҳияти юксак гуманизмдан иборат, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Биз бугун Чингиз Айтматов таваллудининг қутлуғ 90 йиллик санасини кенг нишонлар эканмиз, унинг бебаҳо асарларини она тилимизга ўгириб, ўзбек китобхонларини тенгсиз бадиият дурдоналаридан баҳраманд этган Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев каби атоқли таржимонларимизнинг, айтматовшунос олимларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мана шундай моҳир таржимонларимизнинг нодир истеъдоди, машаққатли ижодий меҳнати, Айтматов даҳосига меҳр-муҳаббати ва садоқати туфайли буюк қирғиз адибининг барҳаёт сўзи бугун ўзбек тилида мислсиз бир жозиба, виқор ва шукуҳ билан янграмоқда.

Фақат битта мисол келтирмоқчиман.

Ўзбекистон санъат арбоби Асил Рашидов таржимасидаги "Оқ кема" қиссасининг сўнгги сатрларига қулоқ тутайлик:

"Сен оғиб кетдинг. Энди шуни айтишим керакки, сенинг гўдак қалбинг нимани нохуш кўрган бўлса, барчасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да.

Инсондаги гўдаклик виждони худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгинаси, куртаксиз уруғ униб чиқмайди. Биз дунёга келмасдан аввал, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмоқда.

Бўталоғим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзларингни яна бир бор такрорлайман: "Салом, оқ кема, бу мен!"

Қандай оташин ҳарорат, қандай чексиз изтироб, қандай теран фалсафа бор бу сўзларда!

Ҳассос шоир Қайсин Қулиев таъбири билан айтганда, **"Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан..."**

Қадрли дўстлар!

Чингиз Айтматов Ўзбек адабиётининг Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберген Қаипбергенов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари машҳур намояндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи нашр этилиб, катта шуҳрат қозонди. Асарнинг рус тилига таржимаси билан танишган Чингиз Айтматов "Литературная газета"да ўз таассуротлари битилган теран бир мақола эълон қилган эди.

Мақолада у атоқли ўзбек адибини таваллуд айёми билан қутлаш баробарида, туркий халқларнинг буюк фарзанди, машҳур аллома Мирзо Улуғбек ҳақида олмосдек ўткир фикрларини баён этади.

Ушбу мақоладан кичик бир парчани оригинал тилида эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

"Улугбек – наша боль и выстраданность права судить о мире и быть судимыми миром по полному счету высокого человеческого опыта.

Этот опыт вовсе не научные открытия Улугбека, этот опыт – вечная и неизбывная трагедия интеллекта и праведного человеческого духа.

Улугбек для меня велик не потому, что он выдающийся ученый средневековья, а потому, что именно ему суждено было пережить самую сложную и величественную трагедию бытия среди людей, вступить в противоречие с общепринятым каноном своего времени.

Опыт "Улугбеков" возвышает человеческий род в собственных глазах.

Ко всему тому, говоря об Улугбеке, я испытываю чувство тюркской гордости".

Тарихий-фалсафий таҳлилнинг ноёб намунаси бўлган бу сўзларни тўла асос ва ишонч билан Чингиз Айтматовнинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, у нафақат буюк адиб, айни чоғда ўз даврининг, ўз замонасининг қаттол тартиб ва арқонлари билан боғланган бўлса-да, уларни ақл ва заковат, инсоф ва диёнат билан енгиб, беҳад маънавий юксакликка кўтарила олган буюк шахс эди.

Унинг ижоди, ўлмас асарлари, унинг қудратли руҳи бизнинг қалбларимизни инсонийлик, мардлик ва олижаноблик туйғуси, туркий ғурур билан мунаввар этади.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Ер юзида токи ҳаёт бор экан, ҳақиқат ва адолат, эзгулик бор экан ва ана шу эзгуликни қадрлаб, эъзозлаб яшайдиган инсонлар бор экан, Чингиз Айтматов ижоди безавол яшайди.

Оламга Чингиз Айтматовдек буюк санъаткорни берган қирғиз ери ҳамиша бор бўлсин!

Чингиз Айтматовни ўз адиби, ўз фарзанди, деб биладиган, у билан ғурур ва ифтихор қилиб яшайдиган Туркистон ўлкаси, ўзбек замини дунё тургунча турсин!



Манас

Қирғиз халқ эпоси[1]

Манас аскарининг Олатовга келиши

...Манас қўшини бобо юртининг чегарасига етиб келди. Ана тоғ, ана сув, ана яйлов, ана бойлик...

Қирон Манас, мард ўғил –
Келди ерин четига,
Келди элин четига,
Мақтай олар қандоқ тил:
Ўрмони бор, кўли бор,
Тоғдан тушган йўли бор.

Ерига етган ботирда
Севинч тошар кўринглар.
Қайси бирин кўрай деб,
Кўзи шошар кўринглар.
Манас тўра қўл билан
Куйган тошлоқ йўл билан,
Оқ дасталик туғ билан
Айҳою қий-чув билан,
Довул қоқиб, гунгираб,
Тоғ кўчгандай дунгираб,
Сел юргандай гуркираб
Ўрт куйгандай диркираб,
Эр Манас йўл солибди.
Иссиқ кўлни ёқалаб,
Юртига жўнаб қолибди.

Адири, ўтлоғи бор,
Баланд-баланд тоғи бор,
Тепаси бор, бели бор,
Жонга ёқар ели бор...

[1] Эпосдан парча.

Манас қўшини ва ўзи овга, юрт сайрига берилиб кетди. Тоғда така, олқор кўп, қуш кўп, сайр кўп. Манас қўлига дурбин олиб, тоғлар томошасига банд.

Тоғма-тоғ йўл ўтиб, Манас ҳали кетмоқда. Йўл-йўлакай Манас уч қўйчи ва бир йилқичи учраб, салом беради ва суҳбатлашиб турганда, пастдан қийчув, додвой кўтарилади. Манас бундай қараса – Алокенинг минг отлиқ қалмоғи чопқин қилиб, қирғиз йилқисини талаб ҳайдаб кетаётган экан. Манас тўқсон мергани билан қалмоқларнинг йўлини тўсиб, уруш қилади. Қалмоқни титратиб, қириб қувади, асир олади. Ҳамма Манасни танимай, ким экан бу деб, ҳайрон туришибди.

Эли қайси – билолмай,
Ёви қайси – уролмай,
Қоғози турар қанқайиб,
Қирғизи қолди анқайиб;
Йилқига теккан қалмоқлар
Умбалоқ отиб, ялпайиб,
Ярадори ундан кўп,
Ётишибди шалпайиб;

Йилқига чопган қалмоқлар
Кириб кетиб боради,
Ҳар жилғага от бошин
Буриб кетиб боради,
Қувлаб отдан тушириб,
Қалпоғидай учириб,
Қирон Манас – кўкёл эр.

Уриб кетиб боради,
Этакларин бошига
Туриб кетиб боради.
Жануб томон, бет олиб,
Суриб кетиб боради.
Қирғий тўрғай қувгандай
Ҳайдаб кетиб боради.
Кетидан тўқсон мерган ҳам
Жойлаб кетиб боради.

Йилқиси талон бўлиб, гангиб турган қирғизлар яна онг-тонг бўлишиб: “Йилқини қайириб қолган, ёвдан айириб олган ким ўзи?” деб бирбиридан сўрашмоқда; йилқиларни санашиб, қалмоқдан ўлжа отларни талашиб: “Ердан чиқдими бу одам ё сувдан чиқдими бу, бир ўзи шунча иш кўрсатдия!” демоқда. Шу вақт Манас қирқэллик чопқинчи қалмоқни асир қилиб, келиб қолди. Йиғилган эл Манас эканлигини билиб, ўта хушвақт бўлди, уни қўноқ қилишга, сийлашга тушди. Туғишганимиз экансан, ботирлигинг аниқ, бизга унутмас яхшилик қилдинг, деб туришибди. Шунда Манас тўпланиб турган юртга қараб айтади:

Уринадиган тов ётар,
Уришадиган ёв ётар,
Ошадиган бел ётар,

Алокенинг измида –
Олишадиган эл ётар.

Ажал етса – ўлармиз,
Келган чоғи кезаги,
Даврон сурган Алоке
Кия келса кировка,
Бир чалишиб кўрармиз,
Оққулар юзган кўл топдим,
Тулпорим тўхтар тўр топдим.

Қалмоқ кўрса – қайишган,
Мўғул кўрса – майишган,
Туғилган қирғиз эл топдим.
Қапчиғай топдим, тўр топдим,
Ҳайдаган молим тўлгудек,
Овулим кўчиб-қўнгудек
Ойдин Талас ер топдим.
Жондошимай, халқимай,
Қабул бўлсин тилагинг.
Ўрнига тушсин юрагинг,
Ажал етмай, кун битмай
Бунчалар зулм кўрмагинг.
Ёндошолмай бировга,
Ялтоқ бўлиб қолибсан,
Бақириб келса қалмоқлар,
Юртим – эй,
Қўрқоқ бўлиб қолибсан.
Ота-бобо макони –
Тоғ сеники эмасми,
Тиниб оққан ўзанда –
Сув сеники эмасми?
Одам бўлиб, сўз бўлиб,
Эркак бўлиб, от миниб,
Ота юртни олдирсак –
Бизни Худо урмасми?

Агар сизга эп келса,
Манас гапи-гап бўлса,
Эрсиниб отга минибман,
Эр аталиб юрибман –
Кимга тиргак бўлайин?
Керага ёйиб, уқ тикиб,
Мен шу ерга қўнайин.

Тағин ўжар ёв келса –
Мен олиша юрарман.
Тағин қаттиқ дов келса –

Тўр талаша юрарман.
Ҳовлиқиб қалмоқ қўл солса –
Солғулашиб кўрарман.
Аттанг, қирғиз, не дейин,
Сен деб, жон ҳам берарман.

Сўз шу ерга келганда,
Юрт уқиб, фаҳм қилганда,
Кўзёшлари тўкилиб,
Юрак дарди сўкилиб,
Юзларига қон югуриб,
Айланиб ҳам ўргулиб,
Кўнгли бўшаб сўйлашар,
Не яхшилик ўйлашар:
“Уюр соғиниб – от келар,
Эл соғиниб – эр келар.
Эл бошига кун туғса –
Эл туғдирган шер келар.
Қора бўрон кун ёғса –
Бу Манас –
Қалқон бўлар чоғи бор.
Элни қураб, соғ юрса –
Орқа бўлар чоғи бор.
Эгар солиб, от миниб,
Пастгамас, қирга қўниб,
Одам бўлар эканмиз.
Қўшинга қўша боришиб,
Қўшқўллаб тиғ солишиб,
Ёрдам бўлар эканмиз.
Кўрадиган кунимиз,
Ичадиган сувимиз –
Ҳали борга ўхшарку.
Боёқиш юртга бу Манас
Туғдай соя солувчи,
Балодан асраб қолгувчи –
Зўравонга ўхшарку”.

Қиргизчадан МИРТЕМИР таржимаси



Миртемир – (1910–1978) Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти билан тақдирланган. Самарқанд педагогика академиясини тугатган. Шоирнинг йигирмадан ортиқ китоби нашр этилган.



Айтишувдан Айтматовгача

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

Ўтган асрнинг ўттизинчи-олтмишинчи йиллари Ер юзининг олтидан бирини ташкил этган мамлакат учун омоч билан иш бошлаб, космосгача чиқиш замони, деб таърифланади. Дарҳақиқат, ўтган юз йиллик, ҳарқанча талафот ва қирғинбаротларга қарамай, инсоният учун мисли кўрилмаган тараққиёт даври бўлди. Бу ҳар бир халқ тақдири мисолида ҳам аён кўринади.

Қирғиз эли XX аср бошларига қадар асосан кўчманчи чорвадорлик билан кун кечирган. Бинобарин, қирғиз адабиётининг нафақат илк манбаи, балки асосий ўзани халқ оғзаки ижоди – мақол-маталлар, топишмоқлар, лирик қўшиқлар, эртаклардан тортиб қўлами бўйича дунёда тенги йўқ "Манас" эпоси каби улуғ достонлардан иборат. Илк ёзма асарлар фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлабгина майдонга келган. Бунда ҳозирги Қирғизистоннинг энг ички туманларига қадар оиласи билан кўчиб бориб, мактаб очиб, масжидлар барпо этиб, элга маърифат тарқатиш ва болаларни исломий руҳда тарбиялашга жаҳд қилган татар ва ўзбек муллаларининг хизмати беқиёс. Шунингдек, Ўш, Андижон ва Наманган мадрасаларида ҳам жуда кўп қирғиз ёшлари таълим олиб, кейинчалик, мулла, қози, аълам, ҳарбий ва бошқа соҳалар мутахассислари бўлиб етишишган. Бизга маълум бўлган энг улуғ қирғиз манасчиси Соғимбой Ўрозбеков (ундан ёзиб олинган достон воқеалари 180 минг мисрадан ортиқ) 9-11 яшар чоғларида Иссиққўл яқинидаги овулда ўзбек мулласи очган мактабда таълим олган – Соғимбой "Манас"ида диний лексиканинг нисбатан кўпроқ ва исломий руҳ устувор бўлишининг сабаби ҳам шунда.

Мактабларда савод чиқарган дастлабки ўқувчиларнинг айримлари кейинчалик шоир бўлиб ҳам етишган. Булар – XIX асрнинг саксонинчи йилларида қўлёзма асарлари билан танила бошлаган Мўлда Қилич ва Тўғалоқ Мўлда, улар изидан келган Алдаш Мўлда, Исоқ Шайбеков, Абилқосим Жутакеев, Тўқтарали Талқонбаев каби ўнга яқин ижодкорлар эди. Уларнинг асарларида қирғиз оғзаки ижодчилиги анъаналари етакчилик қилар, бу оқинларнинг ўзи ҳам, вақти келса, эл олдига чиқиб, асарларини оғзаки тарзда ижод қилиш қобилиятига эга бўлишган. Пешқадам мулла Нурмўлда эса бадиий ижод билан бирга, Наманган мадрасасида ўзбек ва қирғиз талабаларига сабоқ берган.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ – филология фанлари номзоди. 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Икки юздан ортиқ мақола ва рисолалари нашр этилган.

“Манас” эпосидан ташқари, “Қурмонбек”, “Хўжажош”, “Жаниш-Байиш” каби “кичик эпослар” деб номланувчи ўнлаб халқ достонлари, илдизи миф замонларига бориб тақалувчи сеҳрли эртаклар, йиғи-йўқловлар, айниқса, тўй ва бошқа халқ маросимларида оқинларнинг оғзаки мусобақалашиши – айтишувлар қирғиз фольклорининг асосий жанрларидан бўлган. Айтишувларда оқинларнинг бадиий қуввати, гапга чечанлиги синовдан ўтган. Ҳар бир йирик атоқли оқин қошида бир неча шогирд бўлиб, оқин уларга куй чалиш, турли жанрларга мансуб ирларни куйлаш, шеърий стереотипларни қўллаш, халқ олдида ўзини тутиш ва бошқаларни ўргатиб борган. Тўқтағул, Ниёзали ва бошқа кўплаб истеъдодли шоирларнинг асарлари асосан шу йўналишда. Бироқ ўтмишда айтишувлар асосан давранинг икки томонида турган оқинларнинг бир-бири билан беллашиб, ўзаро ҳазил-мазах қилиши, ўзини ҳамда унга ҳомийлик қилувчи бойлар ва бийларни мақтаб, рақибини ерга уришга интилиши тарзида бўлган ва шу сабабли ҳам асрлар давомида бу жанр унча ривож топмаган.

XX аср бошларига келиб, аввало, ижтимоий турмушда рўй бераётган ўзгаришлар, чунончи, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи бир қисм қирғизларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши ва бошқа кўплаб омиллар таъсирида, қолаверса, ўлкага маърифатнинг кириб келиши, ҳукумат томонидан бепул мактаблар очилиши, қирғиз ҳаётини ўрганувчи олимлар рағбати ва ҳоказолар шарофати билан айтилган сўзларни “қоғоз бетига” туширишга интилиш авж олди, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида дастлабки профессионал қирғиз адиб ва шоирлари майдонга чиқди.

Қирғиз матбуоти пайдо бўлди (унинг биринчи қалдирғочи – 1924 йилда Тошкентда чоп этилган “Эркин тоо” (Озод тоғ) газетаси эди, унинг илк сонида Тошкентда ўқиётган қирғиз талабаси, кейинчалик Меҳнат Қаҳрамони, академик шоир бўлган Аали Тўқамбоевнинг шеъри босилиб чиққан), юзлаб қирғиз ёшлари Тошкент, Олмаота, Оренбург, Қозон ва Уфа шаҳарларидаги ишчилар факультетларини, олий ўқув юртларини тамомладилар.

Қирғиз насрининг илк намуналаридан бири Қосимали Боялиновнинг “Ажар” (Ҳожар) қиссаси ҳисобланади (1928). 1034 йилда Илёс Муслим ўзбекчалаштирган бу асарда қирғиз халқи бошига тушган оғир кун – 1916 йилда кўтарилган исён учун чор ҳукумати босқинчилари икки юз мингга яқин қирғиз элини ўз уй-жойи, ер-сувидан мосуво қилиб, жазо отряди билан қувиб, Хитой чегарасидан нарига ўтказгани, тутқунликда шу мингларнинг бири – оддий қирғиз қизи бошига тушган оғир кунлар ҳақида ҳикоя қилинади.

20–30 йилларда қирғиз ёзма адабиётида бадиий таржима ҳам пайдо бўлди ва у миллий сўз санъати ривожига беқиёс куч бағишлади. Қирғиз ёзма адабиётининг дастлабки вакиллари ўз асарлари билан бирга рус ва бошқа тиллардан жуда кўп асарларни она тилларига ўгириб, бу орқали ҳам ўқувчиларни дунё адабиёти намуналари билан таништирдилар, ҳам ўз қаламларини чархладилар. Хусусан, Алиқул Ўсмонов таржима қилган Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони шу қадар довруқ қозондики, қирғиз тилида у ҳозирга қадар етти бора нашр этилган.

Аали Тўқамбоев (“Танланган шеърлар”), Қосимали Боялинов (“Иссиққўл бўйида” романи), Узоқбой Абдуқаюмов (“Фронт” романи), Алиқул Ўсмонов (“Менинг уйим” шеърий тўплами), Тугелбой Сидиқбеков (“Тоғлар орасида” романи), Шукурбек Бейшеналиев (“Оқ бўталоқ” қиссаси), Тўқтабўлат Абдумўминов (“Виждон кечирмайди” драмаси) каби адиблар етишиб чиқди. Аммо олим ва шоир Қосим

Тинистанов каби миллат ижтимоий фикрининг бир қанча етакчилари 1937 йилда қатағон қилиндилар.

Бундан етмиш йил муқаддам, 1948 йилда саккиз етук қирғиз шоири биргалашиб Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонини ўгирдилар. Бу асар туркийда аруз тизимида ёзилган асарнинг қирғизчага илк таржимаси эди.

Эллигинчи йиллар қирғиз сўз санъатининг энг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Айнан ўша ўн йилликда жуда кўп тарихий романлар, йирик поэмалар, бир талай драматик асарлар майдонга келди. Тўғўлбой Сидиқбековнинг йирик эпик полотнолари, Аали Тўқамбоевнинг фалсафий шеърлари қирғиз адабиёти учун катта воқелик бўлди.

Эллигинчи йилларнинг охирида адабиётга кириб келган Чингиз Айтматов эса миллий сўз санъатини янги босқичга кўтарди. Айнан Айтматов ижоди билан нафақат қирғиз, балки бутун собиқ Иттифоқ адабиётида одамни фақат ижтимоий тип сифатида эмас, балки инсон: ўз фикр-ўйларига, иккиланишларига, ички драмаларига эга шахс сифатида тасвирлаш бошланди. Унга қадар эса – кенг маънода олганда – барча насрий асарларда, ҳатто улар нафақат бугунги кун, ҳатто тарихий ўтмишга бағишланган қисса ё келажак ҳақидаги фантастик ҳикоя бўлса ҳам, аввалдан оқ ва қора кучларнинг ўзаро зиддияти, пировардида эзгуликнинг ғалабаси, агар воқелик бунинг акси бўлса, маънавий-руҳий ғалабаси муқаррар эканлиги етакчи пафос қилиб белгиланган, асарлардаги барча персонажлар баайни давлатнинг "планли-пропорционал" режаларидаги каби, олдиндан белгиланган йўл асосида ҳаракат қилар, ҳаёт фаровон, турмуш шодликларга тўла бўлар эди.

Айнан Чингиз Айтматов асарларида персонажларнинг ҳар бири алоҳида шахс бўлиб кўринди. Бунинг устига, ҳар бир янги асарида улуғ ёзувчи нафақат миллий, балки умуминсоний миқёсда янги гап айтишга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Шу маънода, унинг ижодий йўлини кузатсак, дастлабки ҳикоя ва қиссаларидаги бадиий ширази қуюқ бўлган беллетристика жуда тез барҳам топиб, ёзувчи асарларида ижтимоий публицистик руҳ кучайиб борганини, услуби ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгарганини кўришимиз мумкин. Айтматовнинг романлари Марказий Осиё адабиётини янги маррага олиб чиқди, ундан кейин аввалги йўсинда бир нималарни қоралаб бўлмай қолди.

Айтматов нафақат наср, балки умумадабиёт савиясига ҳам кучли таъсир қилди. Олтмишинчи, айниқса етмишинчи йиллардан бошлаб қирғиз шеъриятининг тематик диапазони кенгайди, шоирлар энди қирғиз поэзиясига аввалларидан хос бўлган насиҳатомуз йўсиндаги шеъриятдан бутунлай воз кечиб, дунё миқёсидаги муаммоларга бадиий ечим топиш йўлида изланишга киришдилар. Чингизнинг тенгқурлари ва ундан кейинги авлодгина эмас, балки Суюнбой Эралиев, Темиркул Уметалиев, Совронбой Жусуев, ҳатто қирғиз ёзма адабиётининг отахони бўлган Аали Тўқамбоев шеърларининг руҳи ҳам янгиланиб кетди. Жўлан Мамитов, Ўмар Султонов, Кенгеш Жусупов, Қаримшоқ Тошбоев, Акбар Рискул, Беганас Сартов каби бир қур шоирлар шеърият майдонида улуғ ёзувчига ҳамдастлик қилишга интилдилар. Уларнинг асарларини ўқисангиз, ижодкорларнинг бугунги кунга ҳамнафаслигини яққол сезасиз, асарлари матнида нафақат қирғиз лексикони, балки халқаро атамалар ҳам бемалол қўлланишига, ҳар бир шоир ўзини дунёнинг энг қайноқ нуқталаридаги кишилар тақдирига шерик деб билишига, ижтимоий пафоснинг юқорилигига гувоҳ бўласиз.

Мустақиллик даврида қирғиз шоир ва ёзувчилари мамлакатдаги ижтимоий эркинликдан фойдаланиб, дунёнинг жуда кўп давлатларидаги адиблар билан

ҳамкорликни кучайтирдилар, шу билан бирга, миллий сўз санъатининг энг нодир намуналарини жаҳонга танитиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. “Манас” эпосининг 1000 йиллиги (1995), “Олой маликаси” Қурбонжон додхоҳнинг 200 йиллиги (2011), оқин Тўқтағул таваллудининг 150 йиллиги (2014), Аликул Ўсмоновнинг юз йиллиги (2015) каби тадбирлар халқаро миқёсда нишонланиб, мамлакатда тўй уюштирилди ва буларнинг барчаси халқ ижтимоий фикрининг шаклланишига, миллий ифтихор туйғуларининг юксалишига олиб келди.

Ҳозирги қирғиз адабиёти – “Манас” эпосининг, Тўқтағул ижодининг, Чингиз Айтматов асарларининг меросхўри. Бугунги ёш ижодкорлар (улар орасида Қирғизистон халқ шоири Қўжагелди Қултегин, Жумаохун Шарипов каби ўнлаб шоирлар, кўплаб ёзувчи ва драматурглар бор) миллий адабиётнинг ана шу донғил йўлида дадил қадам босиб, ўз зиммаларига юкланган вазифани – юксак бадиий асарлар орқали бутун бир миллат руҳиятини парвариш этишда улуғ аждодларнинг муносиб давомчилари бўлишга интилиб қалам тебратмоқдалар.

Кейинги йилларда янгича мазмун касб этиб бораётган дўстлик алоқалари икки халқнинг адабий ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Айниқса, қирғиз ва ўзбек адабиётларининг кўзгуси бўлган “Ала-Тоо” ҳамда “Шарқ юлдузи” журналлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик икки халқ ўқувчиларини бениҳоя қувонтирмоқда. Жорий йилда қирғиз ёзувчиларининг минбари бўлмиш “Ала-Тоо” адабий журнали ўзининг 8-сонини ўзбек адабиётига бағишлаган эди. Энди мана, қўлингизда қирғиз адабиётига кенг ўрин ажратилган “Шарқ юлдузи” журналининг махсус сони “Манас” эпосининг гўзал бир лавҳаси билан очиладиган ушбу журнал ўзбек китобхонига қирғиз адабиётининг мумтоз ва замонавий адиблари ижоди ҳақида кенг тасаввур бериши шубҳасиз. Адабиётлар дўстлиги – кўнгиллар дўстлиги демакдир. Зеро, қирғиз ва ўзбек халқларининг нафақат замини ва тарихи, балки, орзу армонлари, қувончу ташвишлари ҳам бир-бирига туташдир.

Баҳодир қўшинга бошчилик қилади,

донишманд йўл очиб беради.

Қирғиз халқ мақоли



Акбар РИСҚУЛ

Тақдир менга топшимоқдай кўринди

Ота юрт ўғлонларига

Нозим Ҳикматона

Мен суймасам,
сен суймасанг,
у суймаса,
Ота Юртни ким суяр?!

Мен куймасам,
сен куймасанг,
у куймаса,
Ота Юртга ким куяр?!

Мен гуноҳкор,
сен гуноҳкор,
у гуноҳкор бўлмасин...
Юрагингда Ота Юрт деб яшнаган
меҳр гули сўлмасин!

Бир-бировга тиш қайрашган замонда
Хизр бўлиб йўлдошинг,
Оллоҳ ўзи қўлласин!

Акбар РИСҚУЛ – Қирғизистон Республикасининг халқ шоири. 1953 йилда туғилган. Қирғизистон давлат университети филология факультетини тамомлаган. Қирғизистон Ёзувчилар миллий иттифоқи раиси. Унинг "Кабутарлар баланд учади", "Умид – ҳадик" ва бошқа кўплаб шеърий тўпламлари ҳамда таржима китоблари чоп этилган.

Полапон билан одам

Муштдеккина қоролу[1]дан сўрдим бир кун:
– Қиш қаҳридан қочиб юрар қушлар нечун?

"Чирқ-чирқ" этди бутоғида қушча шу дам:
– Сен бандасан, чида, – деди, – бўронга ҳам!

– Жавоб бергин саволимга, – дедим яна, –
Оғриқларга йўлиқади нега тана?

У шундай дер, қанот қоқиб кенглик сари:
– Одам учун синов эрур бунинг бари!..

Ўхшаш чиқиб ўйларимиз қиш кунида,
Бизлар келдик бир фикрга қуш тилида:

Тақдирга тан бермоқ полапонга мосдир,
Курашиб яшамоқлик одамга хосдир!

Умид ва ҳадик

Тақдир менга топишмоқдай кўринди.
Ўйлаб-ўйлаб хаёлларим бўлинди:
ким тарқатган
йўқлов билан баётни,
ким яратган
ўлим билан ҳаётни?!

Топишмоқдай бир берилган умрни
англай дея, қирқ қобурғам эгилар:
шодлик надир,
алам нима –
ким билар,
тўр ва гўр не,
юрак шўрлик
сиқилар?!

Тақдир чигал!..
Тотимасдан талх майни,
нетар чалсам карнай ила сурнайни?!
Яшар шодлик билан қайғу
ёнма-ён,
эгизакдир умид-ҳадик
бегумон!

[1] Қоролу – қуш номи.

Томчилар

Рафиқам Пакденайга

Томчилар мўлтирар узумдай,
томири узилиб-узилмай...
Ҳовучимни тўлдирай дейман,
сабаби сезилиб-сезилмай.

Нақорат:
Деразам ёнидан узилмай,
томчилар мўлтирар узумдай,
узсам-да қўлимни теккизмай
сўнг берсам биргина ўзингга-ай!

Тақдири кенгмикин ёки тор,
томири йўқмикин ёки бор?..
Деразам ёнида мўлтирар
томчилар... томчилар... томчилар...

Нақорат:
Деразам ёнидан узилмай,
томчилар мўлтирар узумдай,
узсам-да қўлимни теккизмай
сўнг берсам биргина ўзингга-ай!

Томчининг кўзёши хуморми,
"чак" этиб тўкилмай турарми?
Бўйнингга тақолсам тип-тиниқ
томчидан ясалган туморни.

Нақорат:
Деразам ёнидан узилмай,
томчилар мўлтирар узумдай,
узсам-да қўлимни теккизмай
сўнг берсам биргина ўзингга-ай!

Севимли қўшиқ

Дилга яқин, севимли қўшиқ –
Эл олдида айтилган ўлан.
Агар уни тингласам жўшиб,
Сеҳрлайди оҳанги билан.

Юракда ҳисларим тошмаса,
Олмаса булоқдан андоза,

Яралмабди севимли қўшиқ
Маъсум гўдак қалбидай тоза.

Сеҳрли, ёқимли туйғулар
Бахш этмаса кўнглимга сафо,
Яралмабди ҳали у қўшиқ –
Илк муҳаббат каби мусаффо.

Эл олдида айтилган ўлан
Сел қилади мени ошиқиб.
Қани кўкка юксал, ҳаволан,
Дилга яқин, севимли қўшиқ!

Қирғиз тилидан Сирожиддин РАУФ таржимаси

Тилдан ҳам бол томар,
ҳам – заҳар.

Қирғиз халқ мақоли



Сирожиддин РАУФ

1967 йилда туғилган. Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини ҳамда Тошкент давлат юридик университетини битирган. Шоирнинг "Йиғлаётган ой", "Кўк гумбаз", "Сиз менга кераксиз", "Ташриф", "Муаллақ чексизлик" каби шеърий китоблари нашр этилган.



Чин дилимдан шивирлайман халқ сўзин

Совронбой ЖУСУЕВ

Баҳор келдида...

Зилол сув куйлаб оқар,
Ой кулиб, илиқ боқар,
Оқ кийган ўрик ёқар,
Баҳор келдида...

Кўкда жилмаяр юлдуз,
Роҳатбахш кеча-кундуз,
Нимадир кутар гул юз,
Баҳор келдида...

Булбул куйин басталар,
Нафас ростлар хасталар,
Жамланар гулдасталар,
Баҳор келдида...

Чақалоқ кўз очади,
Дилларга нур сочади,
Армон нари қочади,
Баҳор келдида...

Дала тўла одамлар,
Арига ем бодомлар,
Қиз талашар нодонлар,
Баҳор келдида...

Ҳаво исир, гоҳ совир,
Даладан қочар ҳовир,

Совронбой ЖУСУЕВ – (1925-2016). Қирғизистон Қаҳрамони. Қирғизистон халқ шоири. Шоирнинг ўттиздан ортиқ китоблари чоп этилган.

Кампирлар кўрпа қовир,
Баҳор келдида...

Нон исроф бой хонада,
Она кўнгли болада,
Бола-чи, чойхонада,
Баҳор келдида...

Бўй қизлар соч ўришар,
Совчилар уй сўрашар,
Бўйдоқлар-чи, курашар,
Баҳор келдида...

Хўроз уриштирган бор,
Мучал суриштирган бор,
Ғийбат қориштирган бор,
Баҳор келдида...

Ота уйин қиз йўқлар,
Бемеҳр ука ухлар,
Кабобга боқар суқлар,
Баҳор келдида...

Қўшиқ тинглашар ёшлар,
Аммо тебранмас бошлар,
Қизда терилган қошлар,
Баҳор келдида...

Жонон бозор кезади,
Пулдорга кўз сузади,
Эссизни пул бузади,
Баҳор келдида...

Қизғалдоқ тоғ – чўлида
Қайчи чоллар қўлида,
Янги йил ўнг-сўлида,
Баҳор келдида...

Анҳор бўйида чечак,
Ўзгарди кийим-кечак,
Ғўра қўмсар келинчак,
Баҳор келдида...

Йигит, қиз ер музқаймоқ,
Ишқ ўтидан сўз қаймоқ,
Эсланар ёш кез қайноқ,
Баҳор келдида...

Ўзгариб борар олам,
Майсалар мисли гилам,
…Севгим келяпти бирам,
Баҳор келдида...

Олтин чинор

Ой ёғдуси, кун нурига чўмилар,
Атроф қуюқ соясига кўмилар.
Олтин чинор қулоч ёяр осмонга,
Тоғ қўйнида йўқ бу чинор кабилар.

Чинор бир пайт жабру жафо кўп кўрди,
Селлар оқиб, заминини ўпирди.
Шатир-шутур муздай дўллар савалаб,
Шамол баргу бутоқларин учирди.

Кузда бўрон яланғочлаб шохларин,
Қиш-қаҳратон эшитмади оҳларин.
Баҳор келиб қушлар қўнди, сайради,
Чинор шунда яшилланди, яйради.

Шул чинордан юрагимга нур олдим,
Қўшиқ олдим, қалбимга сурур олдим.
Халқим – чинор, умрбоқий дарахт-ку,
Мен бир чивиқ – новдаман, толеим шу.

Олтин чинор олтин нурга чулғасин,
Олатовнинг ўр-қирларин, жилғасин.
Чин дилимдан шивирлайман халқ сўзин:
"Чивиқ синса синар, чинор синмасин!"

Доно аёл

Тоғ, яйловли Олайим,
Тағин шеърга солайин.
Гарчи, уққансан бундай
Мақтовларнинг талайин,
Додҳо она тўй қилар,
Қандай четда қолайин.
Сўз айтилмай кўп йиллар,
Тўсилган эди тиллар…
Ғоят келиб хуш замон
Додҳони эслар эллар.
Улуғ инсон тўйига
Келар одамлар оқиб,
Оқбўсаға кутади –
Ҳар ўтовда уч соҳиб.

Сийлар руҳин онанинг
Ул азиз зотга боқиб.
Азиз ота-боболар
Сақлаб қирғиз элимни –
Ардоқлаган ҳамиша
Қирқ кокил қиз-келинни.
Бежиз Жанғил Мирзани
Эл хон дея юрмаган.
Атоқли ботир Сайқалга
Манас ҳам қарши турмаган.
Чопқир от билан олғир қуш,
Ақли тиниқ қиз-келин –
Эркакдай баланд кўтарган
Обрўсин она юрт – элин.
Уларнинг шону шавкатин
Ардоқлаб, сийлаб келамиз.
Муносиб бунга ҳар қачон
Қурвонжон додҳо энамиз.
Айттирмай юрган шўрога
Дилларда нафрат – ўт ёнди.
Уйқуда ётган элимиз,
Шукурки, эрта уйғонди.
Аждодлар қандай кечирсин.
Унутсак агар ўтганни?
Таъзим қилиб қутлаймиз
Тўй қилиб, меҳмон кутганни.
Бу эртакмас, ҳақиқат,
Тарих барин бот ёзган.
Генераллар тан бергач,
Эли суйиб қад ёзган.
Бел ечмаган бекка тенг
Аёлнинг додҳо бўлгани.
Ўйласам ўша замонни
Юрагим кетар тўлғаниб.
Шабдон келса Кеминдан,
Йўқотмай салча ўзини –
Ҳар бирига юк-юклаб
Айтган додҳо сўзини.
Ўрда беклари ичра
Додҳо шу ёлғиз аёл.
Эркакларга бу ҳолат
Келгандир анча малол.
У Нодирабегимнинг
Ашъорин севиб ўқиган.
Гап бор – эрин сўтига
Куйитдан шеър тўқиган.
Додҳога додҳо ёр бўлган,
Ғанимга тикка ор бўлган.

Суюмли Қамчибегига
Номус – арқон, дор бўлган.
Панд айтган, йиғламаган –
Гарчи дунё тор бўлган.
Сўз қийқимин айтмаган,
Ёвқурликдан қайтмаган,
Донишманди кўп учун
Қирғиз элим бор бўлган.
Ҳеч кимга ёмон соғинмай,
Покдомон дала – тоғиндай,
Яхшиликни пойдорлаб
Яйловин тоза сақлаган.
Жапалак қизи бўлса ҳам
Олайни суюб мақтаган.
Ёрига тикка қарамай
Аёллик бурчин оқлаган,
Хониша бўлиб кетса ҳам
Эл деган, элин ёқлаган,
…Шу куннинг келин-қизлари
Ибрат ол доно додҳодан.


Қирғизчадан Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ таржимаси

Агар чин инсон бўлсанг,
пўлатдай махкам бўл.

Қирғиз халқ мақоли

Устоз

Чингиз Айтматов таваллудига 90 йил!



Кенеш
ЖУСУПОВ

Яратганнинг пешонамизга ёзиғи шундайми, ортга назар солсак, қирғиз халқи учун жон куйдирган, эл бошин бириктирган, маънавий дунёсини бойитган, ҳаёти, ижоди билан ибрат бўлган ақли донишлар кўп ўтган экан. Ўтган алғов-далғовли XX асрни олсак, бу каби буюкларимиз талайгина. Ана шундай улуғ инсонлардан бири – Чингиз Айтматов.

Менинг тақдиримда, ёзувчилик фаолиятимда Чингиз Айтматовнинг ўрни ва улкан ҳиссаси борлигини мамнуният билан айта оламан. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари университетни тамомлаб, Нориндаги вилоят газетасида ишлаб юрдим. Бир йилдан сўнг "Эне кудурати" номли ҳангомам "Ала-Тоо" журналида босилиб чиқди. Ўша кезларда Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларга катта эътибор қаратилар эди. Улуғ ижодкорлар шаклланаётган адабиётнинг янги авлоди ижоди билан мунтазам танишиб борар, бу борада тез-тез тадбирлар ташкил этиларди. 1963 йилда "Қирғиз комсомоли" газетасида Чингиз Айтматовнинг бир гуруҳ ёш ижодкорларга оқ йўл тилаб ёзган таҳлилий мақоласи чоп этилди. Улуғ адиб мазкур чиқишида адабиёт соҳаси билан бирга театр, кино, рассомчилик йўналишларида қайноқ ижод қилаётган ёшлар ҳақида сўз юритади. Албатта, уларнинг орасида менинг ҳам исми-шарифим бор эди. Бу эътибор мени чунонам руҳлантирди, ижодга илҳомлантирди, катта сабоқ бўлди. Ўша ондан бошлаб Чингиз Айтматов менинг устозим бўлиб қолди.

1986 йилда Чингиз Айтматов қирғиз ёзувчиларининг қурултойида уюшмага раис этиб сайланди. Ушбу қурултойда собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасидан вакиллар билан бирга Қирғизистон компартиясининг биринчи котиби қатнашган эди. Москвадан келган вакил бир қатор қирғиз ёзувчиларига қўшилиб, ажойиб ёзувчи Тўғолбой Сидиқбоевнинг таклифига эътироз билдирди. Менга кеч сўз берилса-да: "Оғанинг сўзлари ҳақиқат, бугунги қайта қуриш сиёсатига мос", деб ўз фикримни билдирдим. Ёзувчи-шоирлар бир овоздан сўзимни маъқуллади. Насиб экан, ушбу қурултойда мен ҳам Ёзувчилар уюшмаси котиби бўлдим.

Биз Чингиз Айтматов етакчилигида К. Акматов, Ў. Даниқиев, А. Жакшиликов, Ж. Мамитов – бирга ишладик. Улуғ ёзувчининг юксак обрў-эътибори, саъй-

---

Кенеш ЖУСУПОВ – Қирғизистон халқ ёзувчиси, II даражали "Манас" ордени соҳиби. 1937 йилда туғилган. Қирғизистон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Кўплаб қисса, ҳикоялар, ҳажвия ва публицистик асарлар муаллифи. Асарлари ўзбек, рус, қозоқ, француз, инглиз, украин тилларига таржима қилинган ва чоп этилган.

ҳаракати билан Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасининг айни дамдаги кўркам биносига эга бўлганмиз. Бирга ишлаган пайтларимизда Чингиз оғанинг кўп фазилатлари, юксак инсоний сифатларини кашф этганман. Тоза кўнгли, самимияти, ватанпарварлиги, ташкилотчилиги унинг улуғлигидан далолат бериб турарди. Бу улуғ ёзувчи қирғиз элининг сўзини дунёга айтди. Юракларни жунбушга келтирадиган, одамзотни уйғотадиган, қалбларни тарбиялайдиган, келажакка тамал тоши бўладиган улкан хазинани яратиб кетди.

Жаҳондаги маданияти юксалган халқлар, ўлкалар билан тенглашаман деб, бизнинг қаторимиздан чиқиб дунёга юз очган, қирғиз халқи ҳаёти, маданияти, тарихи акс этган асарларнинг мауллифига айланган Чингиз Айтматов бир умр шу юрт, шу элнинг қаддини ростлашга хизмат қилди. Қирғиз халқининг улуғ донишманди, фахрига айланди.

Мен буюгимизнинг ижодини, ўзгача маъно ва мазмун касб этган мақолаларини, хотира ва эсдаликларини қайта-қайта ўқийман. Ҳар мутолаада янгича қарашларни кашф этаман. Оқилона ўйлари, ҳикматлари, мулоҳазаларини ён дафтарчамга "илдириб" қўяман. Бир туркум шу каби ҳикматли сўзлари газетага ва академик Абдиллажан Акматалиев тайёрлаган "Айматовнинг асил ой берметтери" китобига кирди. Қирғиз ва рус тилларида чиққан ушбу китоб буюк ёзувчининг руҳоний дунёсини акс эттириш билан бирга ёш ижодкорлар учун қўлланма вазифасини ўтаб, уларнинг ижод сирларини англашга ўргатади. Бундан ташқари, бу китоб келажакда ҳар бир қирғиз боласи учун яқин дўстга айланади, деб ўйлайман.

Чингиз Айтматов дунёдаги адабиёт ихлосмандларига суюк, бетакрор ва буюк, асарларида инсон омили, инсоният муаммоларини ўзига хос тарзда акс эттирган улкан қалб соҳиби эди.

Олимлар улуғ ёзувчининг аждодлари ва унинг болалик чоғларини ўрганиб, таълим-тарбияси, истеъдодини ўзгача баҳолайди. Аввало, Яратган Эгамнинг назари билан ноёб хислат ва фазилатларга эга бўлгани, халқ оғзаки ижодининг билимдони бўлган момосининг сабоқлари, жаҳон адабиётининг нодир асарларини кўп ўқигани келажакда залворли асарлар яратишига замин ҳозирлаган, дейди айтматовшунослар. Отасининг аянчли тақдири бола қалбини қаттиқ жароҳатласа-да, билим олишдан, меҳнатдан бош тортмади, сабр-тоқат, матонат билан буюк келажагини яратди. Донишмандларнинг ҳикмати бежиз айтилмаган: "Боланинг исмига яраша келажак беради". Бунга Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ёркин мисол бўла олади.

Эндиликда Чингиз Айтматовнинг буюк ёзувчи эканини бутун дунё тан олди. Унинг асарларини ўқиб ҳайратланди. Айниқса, Ч. Айтматовнинг буюк даҳо экани япон адиби Икэдо билан бўлган суҳбатида янада ёркин очиб берилган. Ёзувчи мазкур суҳбатда, нафақат ижодкор сифатида, арбоб сифатида ҳам улкан ишларни амалга оширгани, дунёнинг йирик мамлакатлари етакчилари билан очиқ музокаралар олиб боргани, адолатпеша ва ростгўйлиги, ақлнинг олтин томирини топиб, меҳнат ва ижод заҳмати билан умр сурган улуғ инсон экани очиб берилган. Инсоният муаммоларини англаган, унинг барҳам топиши йўлида тафаккур қилган қирғизнинг жасур фарзанди эканини исботлади.

1987 йилда Чингиз Айтматовнинг ташаббуси ва тавсияси билан "Ала-Тоо" журналига бош муҳаррир бўлдим. Ўша кезларда улуғ ёзувчининг рус тили ва бошқа тилларда эълон қилинган мақола ва суҳбатлари, асарларини қирғиз тилига таржима қилиб, журналда чоп этиб турдик. Чингиз Айтматов таваллудининг 60 йиллигида дунёга донг таратган ёзувчи, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган жаҳон адабиётининг устунлари бўлган таниқли замондош адибларнинг ўй-фикрлари,

мулоҳазалари, қизиқарли хотираларини рус, инглиз, хитой тилларидан ўгириб журнал саҳифаларида бериб бордик. Ўша кезда ўтказилган "Иссиқ-Кўл форуми"га "Ала-Тоо"нинг бир сонини бағишлаганмиз.

Чингиз Айтматов дунё маданияти ва адабиёти ривожига ҳисса қўшиш, истеъдодли ёш ижодкорларни кашф қилиш, ижод сабоқларини ўргатиш, ижодини тарғиб қилиш мақсадида, дунё мамлакатлари билан ҳамкорликда ва уларнинг кўмаги билан Иссиқ-Кўл бўйида ёзги мактаб ташкил қилган эди. Ушбу ижод мактабида жуда кўп ёшлар шаклланди. Бугун ҳам улар ўша дамларни мароқ билан эсласа керак.

Чингиз Айтматовнинг ҳаёт йўли, ижоди, ҳикмати ва сабоқлари бизга ва келажак авлодларга улкан сабоқхона вазифасини ўтайди. Албатта, биз у кишидан қарздормиз. Ростини айтганда, Чингиз Айтматовни биз ва замондошлари, давр амалдорлари, ўзга эллар кўзига суртган истеъдодини, бизга зарурлигини, улуғ мутафаккир эканини ўз вақтида англай олмадик ва қадрламадик. Аксинча, ёзувчини ўзга эллар, миллатлар орқали таниб турдик. Айтиш жоиз бўлса, биз қаламдошлари ҳам майда гуруҳларга бўлиниб, улуғ адибни хафа қилган кунларимиз бўлди.

Ҳокимиятдагилар ёзувчининг Ғарбдаги элчилик хизматларини олмаса, тинч яшар, янги асарлар яратар, умри янада узаяр эди, деган халқ орасида гаплар юради. Жамиятимиздаги уқубатлар, ҳаётимиздаги арзу додимиз, муаммоларимиз улуғ адибнинг ижодига бирмунча тўсиқ бўлди. Ёзувчининг кўп вақти ва қувватини биз олдик.

Адиб гина-кудурат сақламас эди. Хафагарчиликда узоқ юрмас, унутиб юборар, қувонса, боладек қувонар, кўнгли тоза, самимий инсон эди. Улуғ инсонлар ана шундай феъли кенг, қалби очиқ, элпарвар ва бағрикенг бўлади.

Ҳозир Чингиз Айтматовнинг орамизда йўқлиги ҳар тарафдан билиниб турибди. У тирик бўлганда бундай бўлмасди: ёзувчининг бизга омонат қолдирган васиятларини дилдан уқиб, ҳаётимизга, дунёқарашимизга олиб киролмаяпмиз. Айни дамда адабиётга, маданиятга юксак эътибор қаратаётган, халқлар, давлатлар Чингиз Айтматовнинг асарларини ўз тилларига таржима қилиб, улуғ адибнинг номини абадийлаштириш мақсадида кўча ва мактабларга номини бериб, эсдалик лавҳалари, ёдгорликлар ўрнатмоқда.

Қирғиз маданияти адабиёти фаолларининг, адабиёт ихлосмандларининг, ҳукуматимиз Бишкекда Чингиз Айтматов маданият марказини барпо этса, деган бир тилак ва истаги бор. Ушбу марказ халқ маънавияти ва маданияти юксалишига улкан наф келтирар эди. Ўшанда бутун дунё бизнинг ўлкамиздан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар, улуғ инсонларнинг барҳаёт номини ёдда сақлар эди. Эсга олайлик, бугунги кунда қадимги юнон цивилизацияси ҳақида гап кетганда, ўша давр юнон подшолари, бою беклари хусусида сўз юритилмайди. Аксинча, юнон маданиятини яратган Гомер, Гиппократ каби афсонавий олиму мутафаккирлари, файласуфлари ёдга олинади. Тарихда моддий маданиятдан кўра, маънавий мерос тўлалигича яшаб қолишини унутмаслигимиз, бу – бизга сабоқ бўлмоғи керак.

Шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда Қирғизистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти улуғ ёзувчини доимо ёдга олиб, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига юксак эътибор қаратиб, илмий-амалий семинарлар, адабий кечалар ўтказиб, адиб ижодини тарғиб этишга қаратилган мукофотлар таъсис этиб, китобларини нашрдан чиқариб қирғиз халқининг буюк фарзанди, бетакрор ижодкор Чингиз Айтматовнинг ижодига янги ҳаёт бахш этаётганидан чексиз қувончдаман.

Қирғиз тилидан Фахриддин ҲАЙИТ таржимаси



Маънавий дарддошлик

Абдулла ОРИПОВ

Бадиий тафаккур тонгидан бошлаб маҳобатли Шарқ, жумладан, туркий халқлар жаҳонга ўнлаб улуғ адибларни берди. XX асрнинг ана шундай жаҳонгир адибларидан бири, шубҳасиз, Чингиз Айтматовдир. У кишининг номи ҳар қандай шарҳу изоҳларсиз дунё китобхонлари сингари ўзбек ўқувчисига ҳам таниш ва қадрдон. Чунки Чингиз Айтматов аллақачон Шарқ халқлари, жумладан, ўзбекнинг ҳам адибига айланиб улгурган; унинг ҳар бир яратган асари сиёҳи қуримасдан ўзбек тилига таржима қилинди. Улуғ адиб барҳаётлигида бундан чандон фахрланарди. Чингиз оға ўзбек ўқувчисининг хонадонига жаҳоний ёзувчи бўлиб кириб келди. У дунёга Марказий Осиё, Шарқ адиби бўлиб танилди – бундан биз фахрланамиз. Чингиз оға ҳам ўз навбатида ўзбек адабиётига катта меҳр, катта ҳурмат билан қаради; уни ҳимоя қилди; ўзбек адабиёти билан дўстлашди ва уни ўзининг жонажон адабиёти деб билди.

Чингиз Айтматовнинг ёзганлари нега ўзбек китобхонининг қалбига бунча яқин? Бунинг биринчи сабаби шуки, ёзувчи қаламга олган қаҳрамонлар турмуши, психологияси, орзу-интилишлари ўзимизникига жуда ўхшайди. Айтматов қаҳрамонларига қайси томондан ёндошманг, тарихан ўзбек халқи ҳаётига муштарак. Саида, Танабой, Дуйшен, Олтиной, Бўстон, Эдигей, Илёс... – булар ҳаммасининг кечмиши ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаётини эсга солади. Ёзувчи ижоди ўзбекларникига муштарак руҳий анъаналар асосида шаклланган.

Баъзан ўйлаб қоласан киши: Абдулла Қодирий, Ойбеклар узоқроқ яшаганда – қаттол замоннинг қурбонларига айланиб, ижодларига раҳна солинмаганда, жаҳон адабиётини яна қандай асарлар билан бойитган бўлардилар! Тақдир гўёки Чингиз Айтматов тимсолида туркий халқлар адабиёти олдидаги мана шу айбни ювгандай. Адиб биз ўзбекларга ҳам туркий халқлар ҳаёти юксак бадиият билан тасвирланган асарларни ҳадя қилди. Мана шу ўринда дунё тан олган устоз адиб Мухтор Авезовни ҳам эсламаслик мумкин эмас.

Абдулла ОРИПОВ – (1941–2016) Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Митти юлдуз" китобидан "Танланган асарлар"ининг етти жилдлигигача олтмишга яқин тўпламлари чоп этилган. Шеърлари дунёнинг қирққа яқин тилларига таржима қилинган. Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси муаллифи.

Иккинчидан эса, Чингиз Айтматов асарлари умуминсоний ғоялар меҳварида туриб ёзилган. Масалан, "Жамила"ни олайлик. То шу пайтгача шундай ўхшаш сюжет қолипи бор эди: бой ўз батрагининг гўзал хотинини севиб қолади, батракни сургун қилиб, зўрлик билан чўрига уйланади... Албатта, бу ўтмиш ҳаётда бўлган гап, унда киши қалбини титратадиган, бадиий асарга моя бўладиган драма бор. Аммо Чингиз Айтматов мана шу қолипни синдирди, ишқ-муҳаббат сюжетини янги руҳ билан бойитди. У жаҳолатга қарши қалб эрки ғоясини улуғлади. Жамиланинг муҳаббати шарқона менталитетдан қанчалик ташқари бўлиб туюлмасин, биз, барибир, унга мафтун бўламиз. Бизни мафтун қилган нарса – тор қобиқлардан ташқари чиқа олган қайноқ туйғулар тасвири, жаҳолатга қарши жасорат билан йўғрилган гўзал инсоний муҳаббатдир.

Жеймс Жойс, Габриэль Гарсиа Маркес, Поуло Коэло дунёга танилган ёзувчилар, уларнинг ўзига хос услуби бор. Уларни, булҳавасликка деймизми, олифтагарчиликка деймизми, ҳамма ўқийди, аммо ҳамма ҳам тушунавермайди. Чингиз Айтматов эса анъанавий насрда – ҳаммага тушунарли услубда ёзди. Унинг ёзганларидан баҳра олиш учун адабиётга оид махсус билимлар шарт эмас. Бадиий адабиёт фақат насиҳатгўйлик учун ёки ўз қаламининг кучини кўрсатиш учун ёзилмайди, ундан қалб таъсирланиши, кўтаринки руҳ олиши ёки инсоний изтиробларга дўст тутиниши керак. Китобхон Чингиз Айтматов асарларини зўриқмай, чинакамига эстетик баҳра олиб ўқийди.

Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир. Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири қуйидагича: Чингиз оға ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиёмига етказиб, ўринлатиб айта билишини исботлади. Адибнинг "Алвидо, Гулсари" асарини эсланг. Асар қаҳрамони Танабойнинг ҳам, унинг содиқ йўлдоши Гулсари лақабли отнинг ҳам навқирон чоғлари жамият хизматига сарф бўлди. Бироқ, улар қартайгач назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадиий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётий қимматини йўқотган эмас. Албатта, ҳар қандай буюк адибнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илғаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кузатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дарҳол топа оламиз. Булар – чуқур инсоний фалсафа ҳамда ғоят гўзал поэтик руҳдир".

Айтматов халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис этади, буюк алломаларимиз билан ўзбек халқи каби фахрланади. Унинг қисса ва романларида, публицистик мақолаларида Ўзбекистон, ўзбек халқи, қадим тарихимиз, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси, Самарқанд ва Бухоро тарихи билан фахрланиш, Орол қўлининг тақдиридан куюниш билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди. Шу жиҳатдан қараганда, Ч. Айтматовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги йирик публицистик мақоласи ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилида чоп этилаётган асарларидан кўра ҳам кўп нусхада босилаётгани, "Сарвқомат дилбарим", "Момо Ер", "Оқ кема", "Алвидо, Гулсари", "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" каби асарлари ўзбек саҳналарида намойиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани,

республиканинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд эди.

Чингиз Айтматов миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган, дунёга донғи кетган роману қиссалар муаллифи, инсон, унинг руҳияти ёзувчи ижодининг бош мавзуси бўлди, ҳамиша даврнинг энг долзарб, салмоқли, чатнаб турган мавзуларида қалам тебратди, майда, ўткинчи туйғулар билан ўралашмасдан юксак, гўзал, умуминсоний кечинмаларни, дардларни маҳорат билан тасвирлаб бера олди. Ўзбек китобхонлари учун Чингиз Айтматов ўз ёзувчисидек эди. Айни чоғда "Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги юзимиз ва сўзимиз" деган адибнинг юртимизга бўлган меҳри бўлакча эди.

Ўтди Чингиз оға,
Тенгсиз бир даҳо,
Улуғ бир қиссагўй, тугма донишманд.
Майда туйғуларни суймасди асло,
Маҳобати эса Манасга монанд.
У инсон дардини куйлади тўлиб,
Сўзни азиз билди нон билан тўздек.
Меҳру садоқати мустажоб бўлиб,
Адибни бошига кўтарди ўзбек.
Ота юрти учун курашларга шай,
Не буюк зотларга бўлди ҳамнафас.
Қирғиз эканлигин зарра унутмай,
Тулпорин бошқача кишнатмади, бас.

2012 йил

Тоғ кўриндими,
демак у яқин.

Қирғиз халқ мақоли

Учрашамиз энг биринчи тор билан



Майрамхон АБИЛҚОСИМОВА

Бир сен учун

Урилдимда,
Уриндимда, озайдим,
Улғайдимда,
Юрагимдан тозардим.
У шиддаткор
Дарёлардек тўкилиб,
Уймаландим,
Ич-ичимдан яшардим.

Синдим, битдим,
Оқсоқлаб юрдим,
Миш-миш ичра
Муздай эридим.
Лек, Ватанни
Ёшлигимдай ардоқлаб,
Сафарларда
Товон бўлиб ярадим.

Озод бўлдинг,
Бешикдошим, жигарим.
Тирикликдан
Бўлмас энди қайтарим.
Бир қаро кун
Мақсадингдан қайтмасанг,
Бир сен учун,
Оқса майли, қонларим.

Майрамхон АБИЛҚОСИМОВА – Қирғизистон халқ шоири. 1936 йилда туғилган. Шоиранинг ўндан ортиқ шеърий китоблари нашр этилган.

Доим

Сени доим омон кўрсам дейман, мен,
Боягидек ҳилпираган рўмолда.
Сўзлай дейман, ўнглолмайман сўзимни,
Беморга сўз топмоқ қийин бу ҳолда.

Ёз кечикмай келар деган умид бор,
Учрашамиз энг биринчи тор билан,
Кўксимизда анча-мунча тилак ёр,
Қутлагаймиз уни номус, ор билан.

Кўргилик

Ўрнин бузиб кетган экан тош қулаб,
Кўз очибди ўшал ердан оқ булоқ,
Ўрни тўлмас дунёдайин кўриниб,
Тумрайганча қолар йўлда ҳар ботқоқ.

Булут тўхтаб, туман тўхтаб, кеч тушиб,
Улар энди келмай қолган кўринар.
Оқ қайинни йиғиштириб токчага,
Яхшиликдан ёмонликлар кўп бўлар.

Қайси элнинг аёллари бепарво,
Момоларнинг этагидан тутмаса.
Ўшал элнинг эрига қўй айбни,
Бу мусибат жон-жонингга ўтмасдан.

Қиргиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси



ШАҲРИЁР – 1998 йилда туғилган. Шеърлари "Жилғалар қўшиғи", "Ёшлик илҳомлари" жамоат тўпламларида ва Республика матбуотида эълон қилинган.

Биз Туронга бораяпмиз уланиб



Абдураҳмон АЛИМБОЕВ

Турон замини

Улуғ тоғдан бошланади Сирдарё,
Сувлари чўнг қояларга буланиб.
Биз Турондан келаяпмиз қадимий,
Биз Туронга бораяпмиз уланиб.

Бу аймоқда қирқ улуғ эл яшаган,
Бир замонлар от ўйнатиб алплари.
Бу ер азал қирғиз юрти аталган,
Бу кўк азал ўғузларнинг минбари.

Ушбу майдон узра чопган кўчманчи,
Ушбу чўлдир телба-терслар ўтган чўл.
Мана бу тоғ – сиғинган тоғ ўғузлар,
Мана бу кўл – юлдуз қайнаб чўккан кўл.

Қуёш сачраб чиққан ерга етгунча
Бари ўғиз элларининг макони.
Кун ботиши Карпат билан чекланар,
Бир ёни ҳинд, эронийлар бир ёни.

Қанча ёвқур боболарим жон берди,
Ватан қўриб кетдилар тинч уйқуга.
Турон бизнинг азал ота юртимиз,
Турон бизнинг маконимиз мангуга.

Улуғ тоғдан бошланади Сирдарё,
Сувлари чўнг қояларга буланиб.
Биз Турондан келаяпмиз қадимий,
Биз Туронга бораяпмиз уланиб.

Абдураҳмон АЛИМБОЕВ – 1956 йилда туғилган. Қирғизистон университетининг тарих факультетини битирган. Шоирнинг ўнга яқин китоблари нашр этилган.

Арғумоқ от

Жарда қашқа тулпор отим,
Тусинг – қизил олтиндай.
Ўрим-ўрим ёлинг сенинг,
Ўрлагувчи ёлқиндай.

Ота-бобо йўлин улаб,
Тўсиқларни бузайлик.
Олтин юган солган отим,
Ойни кўзда чизайлик.

Икки кўзим кулгу сочиб,
Гуллаб турсин қучоғим.
Кумуш юган солган отим,
Кундай бўлсин учмоғим.

Сени кўриб душманларнинг
Ўчсин сариқ туркълари.
Дупурингдан денгиз тўлиб,
Зир титрасин ер шари.

Бор Осиё оралаб,
Мағриб томон борайлик.
Боболарнинг изи билан
Ёвкурликка ярайлик.

Отлиғ эллар келмоқда деб,
Жўшиб хабар берайлик.
Чу! Жонивор! Арғумоғим –
Ер айланиб келайлик!

Қирғиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси

МИНГ

Ҳикоя



Бейшенбай УСУБАЛИЕВ

Акмат билан қизи тонг-саҳардан йўлга ҳозирлик кўра бошлашди. Улар шаҳарга боришмоқчи. Акмат аввалига унамади: “Бир марта ҳам кўрмаган бўлсам, уят-да...” Буни эшитиб хотинининг авзойи бузилди:

– Касал-пасал эмасмисан?! Нимадан уяласан, бегона одамнинг боласини етаклаб боряпсанми? Ойжонни ҳалиги ётоқхонага жойлаштиргин-да, изингга қайтавер. Бошқалар шаҳарни кўролмай юрса-ю...

Ниҳоят, Акмат кўнди. “Отасининг гўри, – деди ўзига-ўзи, – бунинг қистови билан шаҳарни ҳам кўриб келаман. Нимасидан чўчийман, ўрис тилида нон сўрашни ҳам биламан”. Тайёргарлик узоқ чўзилди. Хотини пулни қайси чўнтакка солиш ва уни қандай асраб-авайлаш ҳақида кўп гапирди: “Кулиб қараганлардан эҳтиёт бўл, авраб туриб, шипириб кетишмасин. Бозорга кирсанг, оғзингни очиб анграйма. Четдан келганларни дарров билиб олишади, деб эшитганман. Лўлиларга яқинлашма!..” Унинг гапларига индамай қулоқ тутиб турган Акмат ўзича ғудраниб қўйди: “Қизим деб куярмиш, қизи тўғрисида ўйлаб ҳам кўргани йўқ, худди отаси пулдан ўлгандай...”

Шундай қилиб, улар жўнашди. Акматнинг қўлида катта қора жомадон.

Уйидан кўп ҳам узоқлашмай қўшниси Қурманга йўлиқишди. У билса ҳам, ўзини билмасликка солиб, гап қотди:

– Эй, тонг-саҳардан қаерга отландинглар?

– Минг билан боряпман, Кўке, – деди Акмат унинг саволини эшитмагандай, – отасининг гўри, ўзинг биласан-ку!..

– Минг билан дейдими? – деди Қурман ўзига-ўзи. – Эй, минг деганинг нимаси?

– Нима бўлиши мумкин? – деди Акмат яхши кайфиятда. – Ҳаммангиз биласиз, лекин... – Яна такрорлади. – Минг билан боряпман!..

Қизи юрмайсанми, дегандай отасига қаради. Акмат жомадонни кўтариб, йўлга тушди. Қурман Акматнинг гапларига бироздан кейин тушунди-да, уни кузата туриб: “Афанди деса!..” деб кулиб юборди.

Акмат бироз юргач, ўзи билан бирга ишлайдиган Карипга дуч келди. Қочиб кетсамми, деб ўйлади-ю, юзи чидамади. У яқинлашиб қолганида жилмайиб:

Бейшенбай УСУБАЛИЕВ – филология фанлари доктори, профессор. Халқаро Чингиз Айтматов академияси академиги. 1954 йилда туғилган. Қирғизистон миллий университетининг филология факультетини битирган. Кўплаб қисса ва ҳикоялар муаллифи.

– Қочиб кетяпман, бригадирга айтма, – деди.

– Қаерга? – деди Карип хавотирланиб.

– Шаҳарга! – Қўли билан қизини кўрсатди. – Ўқишга.

– Аа-ай, ота! – Карип норози бўлиб қўлини силтади. – Далани бир ўзим суғорар эканман-да. Ўзини ёлғиз юборсанг, бўри емаса керак?

Акмат хафа бўлди. Карипнинг ўрнига ишлаб қолган кунлари кўп бўлган. Ўшанда ҳам индамаган, бригадирга ҳам оғиз очмаган. Бу эса... Акмат ўшаларнинг ҳаммасини айтаман деб йўлидан тўхтади, лекин тағин жаҳлини чиқариб юбормай деган андишага борди.

– Ҳеч қанақа ер қолгани йўқ, – деди жавдираб, – анови ерни суғоришга ҳали барвақт, қайтишим билан кечасими, кундузими, суғориб қўяман. – Сўнгра бироз ўйланиб турди. – Ўзини юборсам ҳам бўларди, ўрис тилини мендан яхшироқ билади. Бироқ... – бироз овозини пасайтирди, – минг билан юборсак, бир нима бўлмасин деб...

– Минг билан?!

– Ҳа-да! – деди Акмат қувончини яширмай. – Минг билан боряпман, отасининг гўри!..

Карип тушунмади. У индамай турди-да, бўпти дегандай, тушкун ҳолатда ўз йўлига кетди. Гапини тўлиқ тушунтира олмагани учун Акматнинг таъби тирриқ бўлди.

– Учрагандан суюнчи олаверасанми? – деди қизи норози бўлиб.

– Нима?

– Минг билан боряпман! Минг билан боряпман, дейсан!

– Айтсам, нима бўпти?

– Уят-да!

– Нимаси уят! – Акмат аччиқланди. – Ўғирлаб олган бўлмасам. Ўзимнинг пулим. Кигиз, суғориш... – деб қизига ўгирилди, – тағин уч юз қўшганида бўлармиди?

– Нима учун?

– Етмайдими, дейман-да.

– Нега етмайди? Менга кераги йўқ. – Қизининг қовоғи уюлди. – Ўзинглар қўймай...

– Сен бир илож қилиб ўтиб кетсанг, бўлди, – деди Акмат қизини юпатиб. Хотинидан аччиқланди. – Яна уч юз қўш деса, отаси пулдан ўлгандай, шунинг ўзи етади деди! – Яна юмшади. – Пул ўлсин, топилади!.. Сен эплаб ўтиб кетсанг...

Отасига қараб қизнинг раҳми келди, негадир ичи ачишди. Иккиси индамай йўлда давом этишди.

Йўл ёқасига келишди. Бу ерда кўк дўкон бор. Машиналар дўкон олдида кўп тўхтайди. Шунинг учун кўпчилик шу ерда машина кутади. Ҳеч ким йўқ экан. "Яхши бўлди, шаҳарга ёруғда етарканмиз", деб ўйлади Акмат суюниб. Шу пайт нариги томонда Асқар пайдо бўлди. Кийимлари қўлидаги халта каби кир.

– Қаерга боряпсиз? – деди у гуноҳкордай кулимсираб.

– Шаҳарга! – дея жавоб берди Акмат ёқинқирамай.

– Ўқишгами?

– Ҳа.

– Қайси ўқишга? – Қизга тикилди. У жавоб бермади.

– Сўтликка! – деди Акмат ранжиб. – Ҳозир қизларнинг ҳам сўт бўлгиси келади. Шунинг учун мелисада икки йил юрди-да, ҳалигини чиқиллатиб.

Қизи унга норози бўлиб қараб, минғирлади: "Чиқиллатиб... чиқиллатиб..." Акмат қизининг ўқийман деганига қарши бўлмади. Аксинча, қувонди: "Ўқиб олсин!

Бўлмаса, хор бўлади, бунинг устига, бирорта арақхўрга тушиб қолса... Ўғил болага нима, кетмон чопиб бўлса ҳам, бир кунини кўради. Мен ҳам кетмон билан ўлмай юрибман-ку! Лекин нега бунчалик сўтликка бораман деб...

Акмат қизи ўнинчини битириши биланоқ тушунтирганди: "Сўтликни нима қиласан? Ундан кўра, муаллим бўл, хотинларга шу ярашади. Ана, Айтқулнинг қизини кўр, кечагина келиб, бугун директор бўлиб, савлат тўкиб юрибди... Сўтлик нима, турган-битгани – ёмонлик!" "Ёмонлик! Бир нима бўлса, дарров ёмонлик. Нима ёмонлик қиляпти?!" деганди қизи йиғламсираб. Акматнинг жони ачишганди: "Ҳой, сенингча, одамни қамаш яхшиликми?" "Қамалгиси келмаса, гуноҳ қилишмасин!" дея қизи унинг оғзини ёпганди. У айтганида туриб олиб, икки йил давомида судда котиба бўлиб ишлади. Буни эслаган чоғида Акматнинг тили тутилади, қизим элнинг қаҳрига қолмасин, деб чўчийди. Унингча, ҳамма судья билан милицияни ёмон кўрадигандай эди. Шунинг учун қизи тўғрисида сўраганларга: "Юрибди-да, ҳалигини чиқиллатиб", дерди кайфияти тушиб...

– Бизни сўт қилар экан-да! – деди Асқар ўзича хулоса чиқариб.

– Ия! – Акмат сакраб тушди. – Нимага сўт қилади, жинни бўлдингми?

– Мен шунчаки... – Асқар гуноҳкордай ерга қаради.

– А-а... – гапни бошқа томонга бурди, – бугун ҳам ўша ерда тунадингми?

– Йўқ! – деди Асқар чўчиб, қўлидаги халтани кўрсатиб... – Мен буни...

– Сени биламан... Уялсанг бўларди... Ишласанг бўлмайдими? Ёшсан. Сенга нима етишмайди? Уйинг бор, хотининг бор, болаларинг ўйнаб юрибди. Арақ нима? Эҳ!.. – Қўлини силтади.

Асқар индамай кулиб тураверди.

– Ота, автобус! – деди қизи шошилиб.

Акмат яхши қол дегандай, Асқарга қараб қўйди-да, қизи турган томонга юрди.

– Яхши боринглар! Ўтиб кетсин!..

Акмат ортига ўгирилди:

– Нима дейсан?

– Ўқишга ўтиб олсин дейман. Яна... қизингиз... – деди Асқар аланглаб. Қўрққанини яширмоқчи бўлиб кулди. – Яхши сўт бўлсин...

Акмат Асқар томон юрди. "Бир нимадан умидвор бўляпти". Асқар кетмоқчи бўлди. Акмат унга яқинлашиб:

– Ҳозир кутиб тур! – деди-да, дўконга кириб кетди.

Автобус келиб тўхтади. Қизи дўконга югуриб кирди-да, навбатда турган отасига:

– Ота, автобус?.. – деди.

– Ия?! – Акмат шошилди. Югуриб чиқмоқчи бўлди-ю, ёдига нимадир тушиб, тўхтаб, қўлини силтади. – Майли, кейингиси билан... Машина...

Қизи тўлиқиб чиқиб кетди. Бироздан кейин Акмат ҳам дўкондан чиқиб, Асқарга шиша узатди:

– Ма, ичгин, бу қариндошингнинг тортиғи.

– Оо-ой, оға, жимгина...

– Олабер... Берганда, жон дегин...

– Вино...

– Нима винодан бошқасини ичмайсанми?

– Йўқ-йўқ! – деди Асқар шошиб. – Вино олсангиз ҳам бўларди, дейман-да...

– Бу тоза-да! Ма, энди ол.

Асқарга тутқазди. Унинг қўли қалтираб кетди.

– Оғиз теккизиб кетинг, оға. – деди у.

– Йўқ, ўзинг ич! Атайлаб сенга... – Акмат тўхтади. – Майли, отасининг гўри, яхшилик бўлсин. – Шишанинг қопқоғини очиб, ичиб, бошини чайқаб қўйди-да, Аскарга узатди. – Ма, қолганини ўзинг ич.

Аскар нима дейишини билмай кулди.

– Бор! – деди Акмат. – Бор энди, бундоқ одамга ўхшаб ичгин. Уйингга бориб ичиб, дамингни ол. Ёт...

Аскар маъқул дегандай, бош ирғади. Акмат қизи томонга юрди.

– Қолиб кетдик-ку! – деди қизи.

– Майли, тағин келади-да.

– Арақ ичиб олиб... – Қизи йиғламсираб минғирлади.

– Ким?!

– Сен-да!

– Менми? Мен озгина оғиз тегиздим, холос, бир қошиқ ҳам келмайди. Кўнгли оғриб қолмасин деб...

– Нега кўнгли оғрийди? Ўзинг олиб бериб, яна...

– Кўнгли оғримасин, одам-да!

– Одам?!.. – Қизи жирканиб юзини буриштирди.

Акмат ранжиди:

– Сенинг одамларинг кимлар ўзи?! Ҳалигиларми?

– Қайсилар?

– Карип билан ҳалиги... – Талмовсиради. – Яхши бор дейишгани ҳам йўқ. Бу эса...

– Айтади-да! – Қизи масхараомуз кулди. – Ичкиси келиб турса!

Акмат чидай олмасдан, қичқириб юборди:

– Сен қаердан биласан ичгиси келиб турганини! Қаердан?!

Қизи индамади, унинг гапини ёқтирмагандай нари кетди. Акмат ўйланиб қолди. Аскарни эслади. Ёмон бола эмас, саломни канда қилмайди. Лекин ичади, йиқилиб қолгунча ичади. Эҳ!.. Умидвор бўлса, бўлгандир, нима бўпти! Ҳалигилар-чи? Қайтадан кўнгли кўтарилди. Қизининг ёнига келди.

– У халтани нима қилади?

– Ўтказади-да!

– Халтаними?

– Шишани! Шалдиратиб кўтариб юрибди-ку!

– А-а... У нима ҳам бўларди дейсан, йигирматага ҳам етмайдиганга ўхшайди. Ўн тийиндан бўлса... – деб ичида ҳисоблай бошлади.

– Ўн иккидан! – деди қизи ғаши келиб.

– Нима?

– Шиша. Ўн икки тийин туради.

– Ўн иккими? Мен доим ўн тийиндан ўтказаман. Ҳалиги қуда келганда...

– Сендан уриб қолишган-да!

– Эҳ, итлар-эй! – Акмат дўкончилардан аччиқланди. Қизига қараб, ўзи-ўзига гапирди. – Энанг билан сен билмаган палакат йўқ!.. – Тағин дўкончиларнинг қилмишидан жаҳли чиқди. – Эҳ, итлар! Мендан уриб қолишгани рост. Қанчадан-канча шиша топширдим. – Топширганлари ўн икки тийиндан бўлса, қанча бўлишини ҳисоблаб кўрди. – Шунинг учун айтаман-да, хотин қолганини қаерга йўқотдинг, деб беҳуда безилламаган экан! Қараса...

Бировнинг овози унинг хаёлини бузиб юборди.

– Э, қайси амалдор экан десам, сен экансан-да? Кийинсанг, нақ министрнинг ўзи бўларкансан. – Асан салом-алик қилмасдан гап бошлади. Кайфи борга ўхшайди.

Акмат ўнғайсизланди:

– Киймай қўяқолай десам, ҳалиги...

– Кийсанг нима бўлибди?! – деди Асан жавдираб. – Киявер, отасининг гўри, ўзингникими...

Акмат унинг сўзини бўлди:

– Қаерда?! – деди у баттар ўнғайсизланиб. – Қудадан кийганман.

Асан қаттиқ кулди:

– Ия, қуда берганни кийсанг, ўзингники бўлмай қоладими?

Акмат жавоб бера олмай қаловланди. Қизи отасининг гапидан хафа бўлди: "Қудадан кийдим, қудадан кийдим... Бутун элга ёймаса бўлмайди, шекилли!"

– Шундай қилиб, жўнаяпман дегин, – деди Асан ниманидир айтмоқчи бўлгандай.

– Ҳа, боряпман. – Акмат айтсамми, айтмасамми, дегандай қизига қараб олди-да, – минг билан боряпман, – деди ниҳоят.

– Мингни қўйсанг-чи! – деди Асан бир нимани эслаб. – Анови ёмон хотин олиб...

– Ким?

– Ақил-чи? Иккинчи ўғлим. Хотин оламан дейди, олсанг, олавер дедим.

– Нима қилар экан?

Асан овозини пасайтирди:

– Хотинни нима қиларди, хотин қилади-да!

– Биламан... – деди Акмат ўнғайсизланиб. – Ҳозир ёшлигида ўқиб олса...

– Тўйдим ўшанинг ўқишига! Ёши йигирмада-ю, биринчи синфнинг ҳисоб-китобини ҳам билмайди.

– Йўғ-э?

– Ит бўлайин! Бир куни менинг кўз олдимда ҳисобни чиқара олмади. "Мактабда нимани ўқидинг?" десам: "Бизнинг даврда бундай эмасди, буни пропессор ҳам аранг чиқаради", дейди. Кеча эса... – Жаҳли чиқди. – Икковимиз ўн саккиз кило шакар қанча бўлишини билмай, тортишдик. У йигирма бир сўм деб айтади, мен бир сўмдан бўлса, зўрға ўн саккиз сўм бўлади, йигирма бирни қаердан олдинг, дедим. Шакарнинг килоси етмиш саккиз тийин эмасми?..

– Кейин чиқардими?

– Ҳисоблаб ётиб чиқарди... Шундай экан, ўқиб кимни бой қиларди. Ундан кўра, эски тракторни тариллатиб юра берсин-да, тўғрими?

Акмат кулиб бош ирғади.

– Шундай қилиб, боряпман дегин. – деди Асан қайтадан. – Тўйга қатнашмай кетар экансан-да?

– Кейин... Мен бўлмасам ҳам, хотиним бор-ку. Унинг оғзи тегса...

– Сеники бошқа-да. Иккимизни эркак дейишади!..

Индамай жим қолишди.

– Қўй, ундай бўлса, кетайин, – деди Асан, – озгина пул излаб чиққандим. Ҳеч кимда йўқ экан. Дўкончиларда ҳам... Сенда... – Ялтоқланди.

– Менда қаердан ҳам бўлсин?

– Биламан. Бирор иложи бўлганида...

Акмат атрофга қараб олди, қизи йўлнинг нариги томонида турганини кўриб, Асаннинг енгидан тортди:

– Юр...

Иккови дўконнинг ортига ўтишди. Акмат чўнтагидан пул чиқариб, Асанга узатди:

– Эллик сўм. Етадими?

Асан қувониб кетди:

– Қўй! Уят-да! Ўзингиз йўлда қолиб кетмайсизми?

– Етади. Бу томонимда бир юзу эллик бор. – Асанни ўзига тортиб, ички чўнтагини кўрсатди. – Бу ёқда ҳам минг бор!

– Минг деганинг нима?

– Пул. Минг билан боряпман дедим-ку. Отасининг гўри, эплаб ўтиб кетса... Пул нима?! Ма, ол...

Асан олди-да, бошини чайқади. Суюнди. Тағин жим қолишди.

– Қўй, бўлмайди! – деди Асан шошилиб. – Бўлмайди! – Хуржундан бўш шишани суғуриб олди. – Оғиз тегизиб кетмасанг, бўлмайди, яхшиликка-да. – Хуржунни қайтадан ағдара бошлади. – Боя грузовойдан биттасини солиб қўйгандай бўлгандим... А-а, топдим.

– Бўлмайди-да, йўл юраман...

– Йўқ десанг, ярмини ол. Маза қиласан. Кун ҳам салқин.

Акмат стакандаги арақнинг ярмини ичди. Қолганини Асаннинг ўзи ичиб, шишани хуржунга солди-да, отига минди.

– Энди кетайин. Яхшилигингни... Ўлгунча... Унутмайман.

– Э, қўйгин... – Акмат қўлини силтади.

– Келишинг билан қайтараман. Сўзсиз. Зориқиб турганимда, ҳиммат қилдинг.

Асан анчагача ўзи-ўзига гапириб борди. Акмат қизининг ёнига келди.

– Иккита автобус ўтиб кетди! – деди қизи ранжиб.

– Иккитами? Тўхтатмадингми?

– Тўхтатмадингми? Ўзи ётиб олади-ю... – деди қизи йиғламсираб.

– Майли. Машина тўлиб ўтяпти. – Акмат кулиб қизини чалғитди. – Ҳалиги Ақил хотин олса, ҳаммаси бошидан бошланади, хотин эмас, ўтин олади.

– Қайси Ақил? – деди қизи қовоғини солиб. – Ҳалиги дарс билмаган аҳмоқми?

– Аҳмоқ! Аҳмоқ! Дарсни билмаган одам аҳмоқ бўлиб қоладими?

– Бўлмаса, нима?

– Сенинг аҳмоқ эмасларинг нимани қойил қилишяпти? Ҳалиги Карипнинг боласими, катта ўқишда зўр ўқийди деб мақтайсизлар, ўзини осмонда сезиб, салом ҳам бермайди... Бу эса парвона бўлиб, оғалаб, саломини узмай...

– Салом берса, ақллими?

– Унда ким ақлли?! – Акмат қизини гапиргани қўймади. – Бурни кўтарилганларни бошимга ураманми?.. Мана, Шоурукни қарагин.

– Шоурук... – Қизи масхараомуз кулди.

– Бизнинг овулда биргина ўшанинг ордени бор. У қаерда ўқибди. Ҳеч нимани билмай қолганида, муаллим: "Миянг қаерда сенинг, миянг қаерда!" деб бақирса, "Миям чийнинг тагида қолиб кетибди, эртага олиб келаман, мулла ака", дебди. Ҳозир, қарагин, кўксида орден, ҳамма яхши кўради... Нима, у аҳмоқ бўлса, эл яхши кўрадими, ҳукумат орден берадими?! Аҳмоқ деб!.. – Ғижиниб қўлини силтади.

Қизи норози бўлиб, нарироқ кетди-ю, кўп ўтмай ўзича пиқиллаб кула бошлади. "Миям чийнинг тагида қолибди", деди ичида. Акматнинг ёдига нимадир тушиб, қизининг ёнига келди-да, кулиб:

– Қўрқмай қўя қол, минг тугал. Эллик нима?! Зориқиб турганда...

Қизи гумонсираб қараб қўйди.

Акмат кўзини олиб қочиб, нари-бери юра бошлади. Ўзини бироз босиб олди. Қизидан тағин аччиқланди: "Қаердан ўрганиб олганини билмайман, бир нима

бўлса, дарров аҳмоқ деб туради. Шундан кейин ҳам у қандай қилиб сўт бўлсин?! Худо ақл бермаса, нима қилиш керак?!" Бирданига юқори томондан бир отлиқ кўринди. Акмат бир чўчиб тушиб, унга тикилиб қолди. "Ўша, – деди кўзини узмай, – ўша, энангни!.. Етказган экан-да! – У атрофга қаради, кўзига хожатхона чалинди. Уни чамалаб қадам ташлади. – Кетмай туриб олса, нима қиламан, кечгача ўтираверамани? Йўқ..." Ортига бурилди. Чиндан ҳам бригадир экан. У яқинлашиб қолганида, Акмат тағин сўкинди: "Энангни!.. Аллақачон етказишган!.. Энди бу бошлайди!" Бригадир қулиб келаверди:

– Пўрим кийиниб... Бу ким бўлди экан, деб ҳайрон бўлдим. Бундай қарасам, ўқишга отланган Акмат экан. Ҳалигача кетолмадингларми?

– Автобус йўқ. – Акмат кўнглидагини айтди. Кейин пичирлади. – Ҳозир бошлайди!..

– Борганга яраша, ўтиб келинглар... – Бригадир индамай бироз турди. – Шошиб турибман. Карипни кўрдингми, сув бошида ҳам, уйида ҳам йўқ. Уйига борсам, сувга кетган дейишди...

– Боя далага бораётган эди.

– Шеригинг у ерда йўқ. – Бошини чайқади. – Ер ёниб боряпти.

– Меники...

– Сеникини биламан, – деди бригадир унинг сўзини бўлиб. – Аллақачон битказиб қўйгандирсан. Сенга ишониб, ерингга қараганим йўқ...

– Ҳа! – Акмат суюниб кетди. – Ҳалиги... – Қайта ўзини ўнглаб олди. – Ўзини юборсам бўларди, лекин минг билан... – деди гуноҳкордай бошини эгиб.

– Бола дегани шу! – деди бригадир унинг гапига унчалик ҳам эътибор бермай. – Бир жойда тутиб туролмайсан!.. – Отининг бошини бурди. – Қўябер, осонгина ўтиб келинглар, тағин қора жомадонни кўтариб, қайтиб келма... – Бироз нарига бориб қичқирди. – Акмат, бозорлик дегани бўлади, унутма. "Пшеничный" деганлари у ерда оқиб ётади дейишади...

– У нима?

Бригадир эшитмади шекилли, индамай отини чоптириб кетди.

– "Пшеничний"и нима? – деди Акмат қизига.

Қизи ғазабланди:

– Арақ!

– Э, яраси енгил экан. – Акмат кулди.

Севинди. "Ҳеч гап эмас экан. Эсли-да! – Карипни ўйлаб, ўзини айблай бошлади. – Бояқишни жўнгина жўнатибман!.."

Ҳаяжонланиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бирданига эсига суғорилмай қолган ери тушди. "Ҳозир бўлмайди. Суғоришга ҳали эрта..." деди ўзини овутиб. Бироқ бу фикр миясидан чиқмай қолди, ўзини шунчалик яқин тутган бригадир ҳам кўз олдига келди. Энди тинчсизлана бошлади. Унутгиси келди. Аксига олиб, машина ҳам ўтмайди. Ёш боладай қувонган Асанни эслади. Нима қиларини билмади. Нарибери юрди... Қизининг ёнига келди.

– Машина ўтмайдиганга ўхшайди, – деди ниҳоят. Бироз индамай турди. – Эрталаб кетсак қандай бўларкин? Эртага йўлга барвақт чиқамиз...

– Эртагами? – қизининг жаҳли чиқди. – Кечикаман-да! – йиғламсиради. – Ҳар куни эртага!

– Нега кечикасан, ҳали вақт кўп. Машина ўтмаяпти, бунинг устига пешин бўлиб қолди. – Қизи индамагани учун нима дейишини билмай қийналди. Тағин ялингандай: – Бунинг устига, бригадир ҳам уришиб...

– Қачон уришди! – деди қизи қичқириб. – Яхши боринглар деб, кулиб кетди-ку!..

– Ҳамма эшитганинг тўғри! – деди пичирлаб. Қизига ўгирилди: – Сенинг олдингда сўкиниши керакмиди? Ер ёниб кетяпти деди, шу етарли эмасми? – Жомадонни олди. – Кел, қайтайлик... – Уйи томонга қадам ташлади.

– Кўринган билан арақ ичиб!..

Қизи йиғламсираб унинг ортидан эргашди. Акмат билиб-билмаганга олди. Бироз енгил тортди. "Бугун туни билан қолган ерни суғориб, эрта билан жўнаб кетаверараман. Йўқ, Асанникига боришим керак. Кетиб қолганимда бошқа гап эди, кетмагандан кейин... Соат ўнгача уникида бўламан, кейин тун бўйи экин суғораман. Саҳарлаб йўлга чиқамиз. Уйку нима? Бир кун ухламаса, Худо урмайди!.." Акматнинг кўнгли ёришди.

– Ана, ҳалиги? – деди қизи аччиқланиб.

– Ҳалиги! Ким?

– Пиянистанг! Асқар-чи?

– Қани?

– Ана.

Қизи қўли билан кўрсатди. Акмат ўша томонга қаради. Ҳеч ким йўқ.

– Қани?

– Келаётганди. Яширинганга ўхшайди... Қочиб кетди.

– Қочиб? Кимдан?

– Сендан-да!

– Менданми? – Акмат чинакамига ажабланди. – Нега? Мен мелисамидим?

– Билмайман! Ҳалиги ёмон халтасини кўтариб келаётганди. Бизни кўриши билан...

– Одам экан-да! – деди Акмат суюниб.

– Одам?

– Қизиқ, нега қочади? – Қизининг сўзига эътибор бермай кулди. Сўнг гапга тушди: – Ҳой, у мелисадан қочмайди. – Қаттиқ кулди. – Мелиса уни нима қилади, жарима тўлашга тангаси ҳам бўлмаса...

Қизининг жаҳли чиқди:

– Ўзи-чи?

– Ким?

– Мелисанг!..

– Ия?..

– Ўзи ҳам маст бўлиб юради-ку...

– Қачон?

– Ҳар кун. Кеча ҳам маст бўлиб хотинини қувиб юрганди.

– Маст бўлса ҳам, уни мелиса дейишади! – Акмат қизининг жиғига тегди. – У ҳеч кимдан қўрқмайди!

– Қўрқмаса, ичиб юраверадими?

Акмат жавоб топа олмай қолди. Бироздан сўнг деди:

– Ичса ҳам, ўша керак бўлди-ку. Сен учун югуриб, начальнигига айтиб, ишга жойлаб...

– Ўзим ҳам жойлашардим!

– Жаҳлимни чиқарма! – Акматнинг феъли бузилди. – Яхшиликни билиш керак!..

Қизи индамади. Чиндан ҳам Акматнинг қизини мелиса ишга жойлаштирган. Хотини: "Кўп бўлса, икки шиша арақдир. Бориб айт, шимингни ечиб олмайди-ку!" деб ҳар куни тинмай жавраб Акматни кўндирганди. Борса, у маъқуллади. "Мелиса-

нинг қўлидан ҳам яхшилик келар экан!" деб Акмат суюниб қайтганди. Энди қизи бунинг ҳаммасини унутиб!.. У қизига қараб, бошини чайқаб қўйди. Ўзини босди, қизи кўзига аянчли аҳволда кўринди.

– Сен яхши мелиса бўл, – деди кулиб, – ичмайдиган...

– Мен мелиса бўлмайман!

– Унда ким бўласан? Шуни деб икки йил юрдинг-ку, чиқиллатиб...

– Бир нима бўлса, дарров чиқиллатиб!.. Мен терговчи бўламан.

– Ҳаммаси бир! – деди Акмат қизишиб. – Иккови ҳам одам қамайди!

Қизи жаҳлланиб қўлини силтади. Акмат уни енгани учун қувониб кулди-да, ўзича гапира бошлади:

– Авваллари мелисани билмасдик, онда-сонда кўрсак, қўрқиб кетардик. Ҳозир... Йўл бўйида "ГАИ"миз деб учтаси ўтиради қимирламай. Кўпайди. Нима, эл шунчалик бузилиб кетдими? – Қизига қаради, у жавоб бермади. Ўзига-ўзи деди: – Эл қайдан ҳам бузилсин ҳозир, мелисалар яна кўпайса керак. Хотинлар ҳам... – Қизига қараб қўйди.

Уйларига яқин келишди. Қаердандир келаётган хотини уларни кўриб, турган жойида қотиб қолди.

– Ана, мелиса! – деди Акмат.

– Қани?! – қизи чўчиб тушди.

Акмат кулиб, хотинини кўрсатди. Қизи ҳам кулиб юборди. Иккисининг баравар кулаётганини кўриб, хотини баттар анграйди. Яқин келиши билан Акмат унинг оғзини очирмай, гапира бошлади:

– Қўрқма! Эртага жўнайлик дедик. Машина йўқ. Автобуснинг бирортаси ҳам бўш эмас, тиқилинч. Минг жойида. Эллик нима?! Беради-да, бермаса... Етади! Нима мен "гулят" қилгани бораётганим йўқ-ку...

Акмат гапираверди. Отасининг ёлғонни қалаштираётганини кўриб, қизининг манглайи тиришди. Хотини ҳеч нарса тушунмай, ҳанг-манг бўлди...

...Акмат ёлғон гапира олмайди.

Қирғиз тилидан Авлиёхон ЭШОН таржимаси



Авлиёхон ЭШОН – 1957 йилда туғилган. Ленинобод давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини битирган. "Тунги тиловатлар", "Қайғу гули", "Тилсим", "Кўзгу ичида", "Сирли пардалар", "Яхшилик", "Райҳоний рангли суврaтлар", "Тавба эшиги", "Маҳжуб", "Икки маҳал гуллайдиган олмалар" каби китоблари чоп этилган.



Муҳаббат қуши сайрайди

Эркали ЎСКЎНАЛИ

* * *

Юрак ёмғир тўкканда,
Эй қиз, чодир ташларсан,
Бир жодули жилмайсанг,
Йил бўйи шод яшарман!

Оппоқ либос кийган ер,
Унда ўзинг мен суйган.
Асра, сендай ойчалар,
Кўпни авраб ўлтирган.

Мовий либос кийган ер,
Бунда ўзинг мен суйган.
Эсла, сендай кундузлар,
Кўпни алдаб ўлтирган.

Юрак йиғлаб турганда,
Юзинг бурма сен бунча.
Бир ўптириб қўйсанг, бас,
Бахтиёрман ўлгунча!

* * *

Қулоғингга тунда шивирлаб,
Гул суратин чиздим сўз билан.
Қўйнимизда юлдуз шиғирлаб
Қанот ёзиб учдик кўк билан.

Кўксингдаги оппоқ олмани
Эҳтиётлаб, қўлим яйради.

Эркали ЎСКЎНАЛИ – 1958 йилда туғилган. Қирғизистон миллий университетини битирган. Шоирнинг "Йиллар – дарё", "Шеърланган ой" каби кўплаб китоблари нашр этилган.

Лабларингга лабим текканда
Эҳ, муҳаббат қуши сайради.

Қор сочади ташқарида қиш,
Сен апрелни мендан қизғандинг.
Оқармаган тунлар оқаргай
Ойдек юзи билан қизларнинг!

Қирғиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси



Эр яхши бўлса, хунук хотин ҳам гўзал бўлур.

***

Биринчи бойлик – соғлик,
иккинчи бойлик – оқ рўмол
(яъни хотин).

Қирғиз халқ мақолларидан





Бахтиёрлик доим сенга оқин бўлсин

Турар КОЖОМБЕРДИЕВ

Чарчаган ел

Шамол бугун, ахир, қайга боргани йўқ,
Бир ҳилпираб ўйнаб келди, армони йўқ.
Ва энтикиб япроқларга ётиб қолди,
Шу ўрнидан жилмоққа ҳам дармони йўқ.

Қуюн каби яна қайга боргани йўқ,
Бир қутуриб ўйнаб келди, армони йўқ.
Кенг далага ётиб олди тўрт оёқлаб,
Бир қўзғалиб қўймоққада дармони йўқ.

Кўп изланиб қайга яна боргани йўқ,
Қизиқ кунлар ўтказдику, армони йўқ,
Қилт этмасдан ухлаб қолди ястанганча,
Бир қимирлаб қўймоққада дармони йўқ.

Суйган шаҳрим

Бир сўрайин, сўрамоққа ҳаққим бўлса,
Бахтиёрлик доим сенга оқин бўлса.
Фақат мени кечиргил, эй суйган шаҳрим,
Қишлоқларим сендан бироз яқин бўлса.

Кўркамлигинг бу кўнглимни кўтаради,
Жилвалари кун нурида акс эттирар.
Қачон, сени қанча кўрсам, шунча яхши,
Лекин қишлоқ мени кўпроқ соғинтирар.

Турар КОЖОМБЕРДИЕВ – (1941-1989) Қирғиз халқининг машҳур шоири. Ўн олтита шеърий тўплам муаллифи, таниқли бастакорлар томонидан куйга солинган қатор шеърлари қирғиз халқининг севимли қўшиқларига айланган.

Қишлоғимни соғинтириб борганданми,
Оз бўлсада ундан меҳр кўрганданми?
Ўшал томон бўлар доим хаёлларим,
Ойдеккина болалигим қолганданми?!

Мени кечир, суйган шаҳрим, илтимосим,
Келбатингни кўрганда-ку, қувонаман.
Қишлоқ томон кетсам дейман, сенда юрсам,
Мен негадир қучоғингда бегонаман...

Киргиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси



Йўлдошсиз эр йўлдан адашар,
раҳбарсиз халқ йўлдан озар.

* * *

Фикрнинг туби йўқ,
сўзнинг – чегараси.

Қирғиз халқ мақолларидан





Аман САСПАЕВ

САРАЛА ИТ[1]

Ҳикоя

Бир пайтлар мен кўрган ғалати феъл-атворли Сарала ит ҳозирга қадар ёдимдан чиқмай, турли мулоҳазаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Жониворлар ичида бундай бўш-баёв ва боқибеғам итни кўрмаганман. Бу дунёда яшашни "кураш" деб атаймиз. Балки унинг тирик юриши ҳам курашдан иборатдир, лекин ит ҳаёт кечиришнинг қурт-қумурсқаларга хос йўлини танлаб олганга ўхшайди.

Сарала итнинг тирик чоғида бир марта бўлса ҳам "ау" деб ҳурганини ёки уй бекаси кўрадан қувиб чиққанда, биқинига теккан муштумдай тошнинг зарбидан "канк" деб қўйганини эшитмаганимиз, мени ҳам, бошқаларни ҳам ўйга толдиради. Итнинг бу қадар сабр-тоқатли бўлишининг сабабини билиш қийин. Одамларга кўпдан бери маълум бўлган хулосага таянсак, Сарала ит яшаш учун курашдан қаттиқ чарчаганга ўхшайди. Ҳар қадамда учрайдиган қарама-қаршиликлар унинг ҳафсаласини пир қилиб, бошини кўтаролмайдиган аҳволга солиб қўйганди. Бечора ит ҳамманинг олдида ўзини гуноҳкор сезгандай, одам ва ҳайвонлар тугул, табиий ҳолда ўсиб ётган ўт-ўланларга ҳам ишончсизлик билан қарайди. Энг ўкинчлиси, боғловдаги тиши қичишган итлар ҳам уни кўриб, кўрмаганга олишади. Ҳар қандай ит адашган кўппакни кўрганда, жонжаҳди билан акиллаб ортидан етиб бориб, кейин унга зўрлик қилиб, қуйруғини кўрсатиб, у ер-бу ерини ҳидлаб кўришини эл яхши билади. Лекин дайди ит рўпара келиб қолса ҳам, Сарала ит унга тик қараб қўймайди. Доимо терлаб турувчи кичик малла-қизил бурнини ишга солиб, чиқинди ташланган жойларда, ўнқир-чўнқирларда шунчаки изғиб юраверади. Итнинг юриши ҳам ўзгача, бирор нимага алаҳсимай, ниманидир кўзлаб тўғри кетиб бораётганини ҳеч ким кўрмаган. Бир жойда ётиб ҳам олмайди, уни гоҳ яйлов, гоҳ кўча, гоҳ кўрада кўриб қоламиз. Ҳаво ҳаддан ташқари қизиб кетган кунларда ҳам бирор дарахт остида соялаб ётганини кўрмадик.

Кўчамизнинг эркаклари бу ёруғ дунёда Сарала итнинг нари-бери босиб, топганини еб жон сақлаб юрганини хаёлларига ҳам келтиришмайди, лекин аёллар ундай

Аман САСПАЕВ – 1929 йилда туғилган. "Бир чимдим туз", "Мурод", "Майда тўлқинлар", "Семруғ", "Мўъжиза қуши", "Янги уй тонги" сингари китоблари чоп этилган.

[1] Сарала ит – сариқ ола ит, олапар.

эмас, уни "ўғри ит" деб ёмон кўришади. Уриб, қўрадан ҳайдаб чиқадиганлар ҳам ўшалар. Бечора Сарала ит калтак еб, кўрадан қувилиб чиққанидан кейин ҳам, орсизлиги туфайлими, бир зумда таққирланганини унутиб, тағин ҳеч нима бўлмагандай, бошини қуйи солиб ер босиб кетаётганини кўп кузатганман. У гуноҳсиз бўлса ҳам қувилаверади. Шунда ҳам ортига қайрилиб қарамайди. "Қараганим билан бирор нима ўзгариб қолармиди?" деб ўйлайдиганга ўхшайди. Ёки кимдир қувса ҳам, унинг урмаслигига қатъий ишонса керак. Чиндан ҳам, ҳеч ким уни олисроққа қувиб боргани йўқ. "Чиқ!" деган ўзига тегишли ҳукм шалпайган қулоғига етиши билан ҳеч кимдан норози бўлмай нариоқ кетади. Баъзан кўрага кириб, кир ювиб ўтирган хотинни кўрса, "Хамир қоряптими?" дегандай тикилиб қолади. Агар хотин ўтин ёриб турган бўлса, "Бу хотин қачон "чиқ" дейди экан?" деган хаёлга боради. Бир нимани ўғирлаб емаса ҳам, зериккан итнинг шунчаки тикилиб туриши аёлларга ёқмайди.

У сонда бор, саноқда йўқлиги туфайли итлар тўдасига ҳам, одамлар қавмига ҳам тирноқча наф келтирмади. Агар бошқа итларнинг ёнида шунчаки турганида ҳам, Сарала итнинг тўдага манфаати тегар экан, десак бўларди. Унинг одамга фойдасизлиги ҳақида умуман гапирмаса ҳам бўлади. Бир пайтлар уни қанчалик тўйдириб бокса ҳам, ит бирор марта ҳуриб, эгасини қувонтира олмабди. Ўлдириб юборишга кўзи қиймаган хўжайини, "Бор, кунингни кўр!" деб бўшатиб юборган экан. Соҳибининг уйини қўриқлаш у ёқда турсин, азбаройи зерикканидан овоз чиқариб қўйганида ҳам, у одамларнинг эътиборига лойиқ бўларди.

Сарала итнинг бор қилиқ-йўриғларидан хабардор киши унинг сандиқлаб тирик юрганидан кўра, тезроқ тупроққа айланиб кетишини истаб қолиши табиий. Хуллас, у фойдасиз жон эди. Ҳатто ўсимликлар ҳам уруғ қолдириш учун қуёш нурини талашиб, бир-биридан баландроқ ўсишга интилганини ўйлаганимда, Сарала итнинг итлигини ҳеч кечира олмасдим.

Бир куни чол билан кампир яшаган чеккароқдаги кўрада "оқ рўмолли алвасти" кўрингани ҳақидаги гапни эшитиб, овулдагилар мириқиб кулишди. Ўтинлик учун қуриган новдаларни олмоқчи бўлиб кўрага кирган кампир ой ёруғида деворнинг туйнугидан "оқ алвасти" унга бир қараб, шошилмай бошини тортиб олганини кўриб қолади. Ўтин тугул, ўзини "олдириб" юборишига озгина қолган кампир қути ўчиб, қалтираб уйга қайтади. Чол, "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим", деб ўзи билган сурани ўқиб, унутган жойларини ўзидан қўшиб, кўранинг ортига ўтади. Қараса, у ерда Сарала ит турибди.

Ўшанда болага зор бўлиб юрган чол тушмагур: "Худога шукр, кампиримнинг бўйида бўлмагани яхши бўлди, акс ҳолда, кўрққанидан боласи тушиб қолиши турган гап эди!" деб кулиб уйига киради. Уни чўчитган алвасти эмас, Сарала ит эканлигини билган кампир бор йиғиб-терган қаҳр-ғазабини итнинг бошига ағдаради.

Мана шу кезларда катаклардан тухум йўқолиб, ёрилган сузма халталарнинг ўтўлан орасида ётганини кўришади. Кимдир, "Бу Сарала итнинг иши, деб овулда гап тарқатади.

"Алвасти"ни кўрган кампир атайин келиб, сузмасини йўқотган аёлга Сарала итнинг кўчада сузма халта кўтариб кетаётганини айтади. Аслида, йўқолган сузмани откулоқнинг остида бошқа ит еб турганида, Сарала ит ариқ бўйидаги чиқиндиларни искаб, тентираб юрган эди. Аёл откулоқнинг остидан йиртиқ халтани топганида, Сарала ит қандайдир ҳидни сезиб шу ерга келиб қолади. Аёл уни узоқ қарғаб, ер-

дан тош олиб отади. Сарала ит ўзининг ит эканлигини яхши билгани учун аёлга қараб ҳам қўймай, одатдагидай, кечиримли бўлиб, ўз йўлига кетаверади.

Бу воқеадан кейин Сарала ит "ўғри" деган номга кўникиб, кўчадаги жониворлар ичида аввалгидан баттар сўхтаси совуқ махлуққа айланади. Ит ишнинг бунчалик ёмонлашиб бораётгани ва унинг охири нима билан тугашини ўйламай, лоқайдлик билан ер босиб юраверди. Ўзига тик боқиб турган кўзлардаги нафратни ит қайдан ҳам англай олсин!

Бизнинг кўчада тухум ейдиган, бу ҳам озлик қилса, товуқнинг ўзини ҳам тутиб еб қўядиган итлар бор. Улар эгасининг бергани билан қониқмай, топганини ерга кўмиб, кейин емоқни яхши кўришади. Ўзининг бошқа итлардан эпли эканлигига қувониб, димоғдорлик билан қадам ташлайди. Бундай исковуч итлар дуч келган жойни ҳидлаб, танг қоларли тезлик билан егулик топганини кўрганингизда, кўнгилсиз ўйларга борасиз. "Шунинг учун ит дейишади-да!" деб уларнинг шундай ном олганига ачинмайсиз.

Айбсиз Сарала итнинг манглайига босилган тамға ўша дайди итларнинг касофати туфайли эканлиги ойдай равшан бўлса ҳам, хотинлар уларни ёмон демайди, аксинча, сийлаб суяк ташлашади.

Бир куни қайсидир ит ўша сузма йўқотган аёлнинг товуқхонаси катагидаги иккита тухумни еб кетибди. Бу пайтда аёлнинг эри катакдан тумшуғини ялаб чиқиб келаётган ўзларининг Тўрткўзини кўриб қолади. Хотин гумони Сарала итда эканлигини айтади, эри эса кўрганини гапиради. Суҳбатга аралашган қўни-қўшнилар аёлнинг фикрини маъқуллашади. Чунки Тўрткўз қўлда боқилган, дайди эмас. Ўғрилик қилганини ҳеч ким кўрмаган... Шунинг учун айбни Тўрткўз эмас, Сарала итга тўнкамоқ анча ўнғай ва ишонарли-да!

Шундай қилиб, эркак милтиғини ўқлаб, "кўпнинг тинчини бузган" итни отиб ташламоқчи бўлиб кўчага чиқади. Бу чоғда Сарала ит ҳеч нарсадан хабарсиз, овқатдан ўзга нарсанинг исини сезмайдиган бурнини ишга солиб, эринчоқлик билан чиқиндиларни тинтиб юрганди. Милтиқ эгаси Сарала итни нишонга олади. Ит унга ажабланиб қараб, "Бу киши нега менга милтиқ ўқталяпти?" деб ўйланиб турганида, милтиқ "тирс!" этади. Сарала ит "қанг!" этиб қулаб тушади. У шу биргина "қанг!" этган товушни ўлар чоғигача сариқ мойдай асраганини биламан. Бир пайтлар биқинига тош текканида "қанг"лай олганида, балки кейинги гал жонига ўқ ботганида "ау" деганини ўзи ҳам сезмай қолармиди? Шундай қилиб, бирда "қанг" этиб, бирда "ау" деб ҳура билганида эди, эҳтимол, унинг умри бунчалик қайғули тугамасди!

Тўғрисини айтганда, "ау" деган товушнинг асоси "қанг" этиб ғингшимоқ эканини бечора Сарала ит тушунмай кетди! Милтиқ отилганда, тухум ўғирлаб еган Тўрткўз дарҳол етиб келди. Кейин жон талашиб, кўзлари олайиб типирчилаётган Сарала итни кўриб, оҳиста улиб қўйди.

Бу ҳодисадан қониқиш ҳосил қилган хотинлар итнинг ўлимига обдон қувонишди. Лекин эртасигаёқ бир халта сузма ва бир неча дона тухум йўқолди. Балки буни Сарала итнинг ғазабланган "арвоҳи" қилгандир...

Қиргиз тилидан Авлиёхон ЭШОН таржимаси

Ошиқлигим, сен томонга қайрилдим



Бурулкан
КАРАГУЛОВА

* * *

Юрагим титради,
Тўққиз баллга.
Сейсмолог текшириб,
Тўққиз эмас, ўн бир дейди.
Ўн бир дейди...
Уқдимда, тарс ёрилдим,
Титради бор вужудим.
Ғишт каби синиб тушди,
Оёғим, қўлим, белим.
Кўзларим чарс-чурс этиб,
Тушларимга сачради.
Кўзимнинг синиғига
Қара, ер қайнаб қолди.
Ёйилган сочларимнинг
Тартиби қайда қолди?
Ўзимни тополмадим
Осмоний булутлардан.
Ўзимни тополмадим
Туманли сукутлардан.
Бошимни излаб ётдим,
Бу қандай азоб дедим.
Бошимни топсам агар,
Дунёни топар эдим.
Сейсмолог: ўн бир балл!

Бурулкан КАРАГУЛОВА – 1957 йилда туғилган. Қирғизистон миллий университетини тамомлаган. "Хаёл кемаси", "Юрагимни қувонтириб кетдинг", "Бу дунё кўрклидир севгинг билан", "Тўхтагул қўли – кўзёшим" каби шеърий китоблари чоп этилган.

Бўлди – деди.
Табиблар: Йўқ, ёлғон!
Севди – деди.
Ҳаё-ҳайт! – деб кўз очдим.
Тушим экан.
Юрагим сокин ётар,
Тирик экан.
Қара, замин оппоғдир –
Қорда қолган.
Юрагим соппа-соғдир –
Ёрда қолган.
Оқ қорга ёзиб қўйдим:
Мен севгимни баралла:
"Юрагим зўр титради
Ўн бир баллга!
Ўн бир баллга!"

* * *

О, қоғозлар, туйғудошим, эрмагим,
Бугун сен бор, эрта недир эртагим?
Оқ юзингга қаро бўёқ тортдими,
Шеър аталган бебошгинам, тентагим?

О, қоғозлар, азобимда, ёрлигим,
Ошиқлигим, сен томонга қайрилдим.
Оқ сўзимни либос этдим эгнингга,
Сен бор учун ёлғизликдан айрилдим.

Сенсиз яшаб бўлар деса бирор ким,
Ишонмасдан, кўзёшимга ўтингум!
Воз кечаман тунги ширин уйқудан
Ҳамда сени жим кучоқлаб ўлтиргум!

Қиргиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси

Қалб ҳамиша юксакда



Канишай АБДИБАЛИЕВА

***

Қанот қоққан бахтнинг қушидай
Хаёлимни бошқага бурмай.
Қизиқ ўйлар ичра гул тердим,
Қизғалдоқлар ёнган тандирдай.

Хавотирда кўнгил ёзилмас,
Совуқ қотган элат қишидай.
Соғинчларда ўтган тунларни,
Хотирлайман мен ана шундай.

***

Онанинг сутидек покиза
Бўлган қалб ҳамиша юксакда.
Шодликка бурканган даргоҳда,
Туғилар норасда гўдаклар.

Феълингда бўлса гап ёруғлик,
Бирлашган жонларни тамшатиб,
Яралур, ишонгин, даҳолар,
Уйғонур ҳеч йўқса шам ёқиб.

Юрагинг бақувват, саломат,
Ёшликни мақсадга тукканда,
Жонингга озиқдир ўйламоқ,
Не етсин донишманд туққанга.

Қиргиз тилидан ШАҲРИЁР таржимаси

Канишай АБДИБАЛИЕВА – 1957 йилда туғилган. Педагогика фанлари номзоди. Қозон университетининг физика факультетини битирган. "Кўпайиш" китоби, "Жонзирак" шеърий тўплами нашр этилган. Қиргизистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Бердибек ЖАМГИРЧИЕВ

Бахтим бўлиб юрагимда қол

* * *

Қайғурмагин, менинг илк севгим,
Сўйла, боқма кўзларимга жим.
Мени ғамга йўлиқтирма, кул,
Яшамоққа илинж – табассум.

Ўтли шеърлар ёзаманми, йўқ,
Турмуш – кўксим яра қилган ўқ.
Дил ёришар сени ўйласам,
Севгинг билан тирикдир борлиқ.

Ахтараман, олов меҳринг чин,
Азоб босиб қолар севинчим.
Ўтди ёшлик, ўтди бариси,
Оқ юзингга армон ўпичим.

Севгим, бағрим тирнама фақат,
Эркам, қайда сенга ёзган хат?
Турна бўйнинг дилга ўт қалаб
Кўринардинг олисдан сарв қад.

Сув ташийсан, чўмиласан гоҳ,
Сувдек зилол экан муҳаббат.
Яноқларинг юрагимдек ол,
Сени раво кўрмади қисмат.

Вужудимда унган гул мисол,
Бахтим бўлиб юрагимда қол.
Унутмайман нигоҳларингни
Гарчи, насиб этмади висол.

Бердибек ЖАМГИРЧИЕВ – 1987 йилда туғилган. Бишкек ижтимоий фанлар университетининг қирғиз филологияси факультетини тамомлаган. "Юракда қолган бир исм" номли китоби чоп этилган.

Айро кетдик, биз икки довон,
Ушалмаган севги – бебаҳо.
Етолмадик бир-биримизга
Орзуимиз бўлмади бажо.

Этагимдан тутади рўзғор,
Асов бошда метин юган бор.
Армоним бор – ғўр кезларимда
Асролмадим севгимиз, дилдор.

Соғинганда, кўксим ёнар, оҳ,
Муҳаббатдан бахт топдим, бироқ,
Сен яшарсан хотиржам, балки,
Мен яшайман йўлингга муштоқ...

* * *

Ёмғир ёғар, кўзда баҳор, кўнгилда куз,
Билмам, қайси манзил, қайси ҳаётдамиз?
Шивирлайсан, томчилардек ҳазин бир сас,
Ёмғир каби тўкилмагин, тўхта, ҳаргиз.

Тўхтагим йўқ, не учундир, тўхтагим йўқ,
Ўтиб кетган оғриқларга ўхшагим йўқ!
Ўлгим келмас, яна қайта унгим келар,
Ёлғизликнинг овозидан қақшагим йўқ.

Юрак хоқдир, қадрдоним, таним тупроқ,
Ҳаёт сира аямайди, дилим ғамнок.
Курашмоққа кучим етмас, бемажолман,
Тақдир мени қай сиёҳда чизган, э воҳ?!

Оёғимда кишан, бошим алангада,
Кутган бахтим қолди олов чангалида.
Юпатманглар, овутманглар, оғритманглар,
Киргим келар шу гулханнинг рангларига.

Кўзда булут, кўнгилда кун, ёшим ёмғир,
Куйиб кулга айлантирди мени тақдир.
Ғўр ёшлигим, гул ёшлигим олиб қўйди
Қобирғамнинг қат-қатида яшринган нур.

Қароғимда гулга кир, умрим баҳори,
Шошма, тўхта, кўзларимни яшна, ёрит.
Ғунча бойла, япроқ ёзгил қайта яна,
Баҳор бўлиб юрагимдан дардни арит.

Ёмғир ёғар, кўзда баҳор, кўнгилда куз...

Қиргиз тилидан Фахриддин ҲАЙИТ таржимаси



Рисгул
ИЗЗАТОВА

Киприклардан қушдек уйқу учди жим

Ноумид

Деразадан юзга тушар кун нури,
Киприклардан қушдек уйқу учди жим.
"Ҳарир тонгни қандай қарши олди" деб,
Кўз очдиму дарров сизни ўйладим.

Майда-чуйда ташвишлардан чекиб ғам,
Билмам, балки, солиб тургансиз қовоқ.
Битмай қолган юмушлар деб, муҳтарам,
Уйғонгансиз ҳар кунгидек эртароқ.

Соғинч менинг кўксимни қон айлаган,
Юк босади юрагимга тўлиб мунг.
Қадар тутса тақдиримнинг жиловин,
Ёнингизга елдек елиб борардим.

Айланасиз ин излаган қушдек маст
Ва сезасиз бедор тунлар тўлғониб.
Ҳаёт тўхтаб қолмагунча иш битмас:
"Учрашайлик" деб, қўйсангиз бўлгани...

Унутилган узр

Ишқ измида ловиллайди юраккинам,
Ҳисларимни пайҳон этар, кўзларим нам.
Ундан кўнгил узолмайман, мубталоман,
Ёлғончи ёр ўзгани деб, ўртанса ҳам.

Рисгул ИЗЗАТОВА – 1994 йилда туғилган. Атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг тўқсон йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг яхши шеърлар" танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Ҳоритади руҳимни ёр озорлари,
Бир боқмади ўксик дилим юпатгали.
Ёлғон дея, ёрилади сўзлар бир кун,
Жазолайди қоғоздаги шеърлар ҳали.

Йўл охири кўринмади, кўнглим, оҳ ур,
Яшаяпман, булутлардек сочиб ёмғир.
Сўзлар, мени афв этинглар, кечиринглар,
Мен ёримни унутолмай руҳим оғрир...

Киргиз тилидан Фахриддин ҲАЙИТ таржимаси

Халқ сўзида
ёлғон бўлмайди.

***

Тоғу тошни сел емиради,
инсонни – ҳасад.

Қирғиз халқ мақоллари



Фахриддин ҲАЙИТ – 1980 йилда туғилган. Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг "Илинж", "Ҳар юракда бир Ватан", "Шоколадли туш" тўпламлари чоп этилган.



ТОҒЛИК ҚИЗ

Ҳикоя

Абдиламит МАТИСАКОВ

Уқўшиқчи эмас. Ёшлар тўпланган кечаларда қўшиқ айтиб бер, деган қистовга, "Қўшиқ айтишни билмайман, билганимда, айтган бўлардим. Унинг ўрнига кўрган-билганларимдан қизиқроғини сўзлаб бераман", деб қутилиб қолади. Лекин ёлғизлигида тўрт қатор шеърни секин хиргойи қилиб юради.

Асман бизнинг қўшнимиз. Ўттизга чиқиб қолганига қарамай, менга ўзининг тенгқуридай муомала қилади. Уйидагилар уйланиш ҳақида гапиришса, ўрнидан туриб, индамай чиқиб кетади. Одатимга кўра, бўш пайтимда қўшнимизникига кирдим. Қиш куни қисқа бўлади. Ёғоч сўрида тўшак қавиб ўтирган Асманнинг онаси мени кўриб:

– Кел, юқорига ўт, аввалларинг тез-тез келиб турардинг, кейинги пайтларда кўринмай кетдинг. Энанг "белим" деб юрганди, тузалиб кетдими? – деди юмушини тўхтатиб.

– Шукр, кириб-чиқиб юрибди.

– Илойим, шундай бўлсин. Хаста бўлса ҳам, бошингизда тургани катта давлат. Сизларни не-не азоблар билан улғайтирди. Энди қўли ишдан бўшаб, келин тушиradиган вақтида қумга бораман, даволанаман, дейдиган бўлди.

– Ҳозир йўлланма йўқ экан, келаси йил борадилар...

– Борсин. Қумнинг иссиғи касалига даво бўлиши мумкин.

У қўлидаги нинасини бошидаги рўмолига санчиб, тўшакни икки буклаб, тиззасига тортди.

– Қиш куни одамни зериктиради. Бекор ўтирмасдан, буни қавиб қўяй дедим. Битиролмаяпман.

Бошидаги нинани пайпаслаб топиб, унга ип ўтказди:

– Қани, гапир, акангни уйлантирамиз дейишяптими? Ёки Асманга ўхшаб у ҳам хотинсиз ўтаман дейдими? Ҳозирги болалар ҳам қизиқ-да...

– Билмадим, акам ўқишга бораман деб юрибди.

– Уни қара-я, ҳали ўқишни ҳам қойиллатиб қўйса керак, мактабни зўрға битирди деб айтишганди.

Гапнинг чувалашиб кетишини истамай, сўзини бўлдим:

Абдуламит МАТИСАКОВ – 1956 йилда туғилган. Қирғизистон давлат университетини тамомлаган. "Тандир", "Оқ қўрғон", "Отамни кўрган элбўсин" каби қатор китоблари нашр этилган.

– Асман оғам уйдами?

– Уйда эмас, молхонада хашак қирқяпти. Соғиниб қолган бўлсанг, бор, лекин бугун кайфияти йўқроқ... Қиш кунида молга қараш қийин. Бунисини тутсанг, унииси қолади...

Молхона томонга юрдим. Асал опанинг кейинги гапларини яхши эшитолмадим.

Эшикдан энкайиб кириб, бўсағада туриб қолдим. Ичкари қоронғи бўлгани учун кўзим ҳеч нимани илғамади. Бироздан кейин мол бойланадиган қозиқ билан охур кўринди. Ёлғиз кўзли дарчадан тушган ғира-шира ёруғлик туфайли бурчакда хашак майдалаб турган Асманнинг қомати эртакдаги алпнинг шарпасига ўхшаб кўринди. У қўлидаги болта билан тоғ пичанини бир текис қирқиб, ўша қўшиғини хиргойи қиляпти. Мени пайқамади. Болта овози туфайли яхши эшитилмаса-да, қўшиқ сўзлари менга таниш эди:

О-о, Кўкбелга чиқиб қарасам,
О-о, кўринади Шангхол қалъаси.
О-о, бир кўриниб йўқ бўлган,
О-о, сен юракнинг давоси...

Қўшиқни бузгим келмади. Уни тинглаб, Асман ўша мунгли, сирли сатрлар тўқилган лаҳзалар хаёли билан яшаётганини сездим. Ташқарига чиқиб, қизариб ботаётган қуёш нурларидан кўзим қамашиб, узоқ туриб қолдим. Молхона ичидан чиқаётган болта овози Асманнинг қўшиғига жўр бўлаётгандай эди.

Онаси қавиб битирган тўшагини сўридан йиғиштириб кетибди. Ўрнида қийқимлар қолибди. Бу гал Асман билан гаплашмаганимга ўкинмадим. Қўшиғи ҳам менга ёд бўлиб қолганди. Ўзимча уни хиргойи қиламан...

...Атиги тўрт қатордан иборат бўлган қўшиқнинг пинҳоний сирини кейинроқ Асманнинг ўзидан эшитдим.

Баракасини тўкиб улгурган қўнғир тусли куз фасли кириб келган бўлса ҳам, ҳали кўпчилик яйловдан қайтмади. Асман отасидан рухсат олиб, қишлоққа тушди. Ёлғиз яшайдиган холасининг уйида ўрим-йиғим ишларига қарашиб, икки кун туриб қолди. Холаси билан олмаларни қоқиб, қишда сақлаш учун қалин тўшалган сомон орасига териб чиқишди. Эртаси йўлга отланди.

Йўл йироқ... Атроф кимсасиз қир-адир. Довон этагида кўринган эшак минган одам билан отлиққа кўзи тушиб, эрталабдан бери ўзини қийнаб келаётган ёлғизликни унута бошлади. Улар яқинлашавергач, олдиндагиси эллик ёшлардан ошган аёл, орқароқда келаётгани эса енгил шамолда ҳам учиб кетадигандай нозик-кина, ўн саккиз ёшдаги қиз экани маълум бўлди. Асман тизгинни бўшатиб, қизни бир сидра кўздан кечирди. Унинг эгнида онаси кийдирган янги кўйлак, бошида оқ дурра. Эшак ортидан келаётган отнинг юришига қараб одимлайди. Аёл ортига ўгирилиб гапирадиган бўлса ҳам, қўлидаги қамчисини кўтарса ҳам, бир маромда секин йўрғалайди.

Бироз наридаги йўлни кесиб оқадиган тоғ булоғи Асманнинг ёдига тушди. Булоқ ёрилган қоятош орасидан сизиб чиқиб, сал нарида билакдай сувга айланиб, ёғоч нов орқали йўлни кесиб оқарди. Унгача масофа яқин эди. Тезроқ юриб, уларни ўша ерда кутмоқчи бўлди. Булоққа етиб отдан ирғиб тушган Асман сувлиқни чиқариб, муздай сувга қўлини ювди. Яқинлашиб қолган икки аёлдан нигоҳини узмай турди. Булоқ ёнида қиз олдинга ўтди, отдан тушиб, эшакдан тушмоқчи бўлган аёлга кўмаклашди. Қиз рўпарасида турган Асманга қизиқсиниб бир қараб қўйида, аёлга сўз қотди:

– Опа, овул яқин қолди. Шошмасдан юраверайлик. От озгина ўтласин. Унгача намозингизни ҳам ўқиб оласиз. – Қизнинг овозида бироз саросималик ҳамда ҳаяжон сезилди.

– Йўқ, Жарқиной, шошилиш керак. Бугунги намозни ўқиб тугатдим. Бизни кутиб туришибди-ку. Қудаларнинг ваъдаси кеча эди. Қоронғи тушмай етиб борганимиз яхши. Отинг сув ичиб олса бўлди-да, қизим...

Аёл семиз, қизил юзли, лаблари бир-бирига тегиб-тегмаса ҳам, кескин гапирадиган экан. Эшакка минаётиб, Асманга кўз қирини ташлади-да, атрофида ҳеч ким йўқдай, этагини кўтариб, эгарга маҳкам ўрнашди. Асман безовталанди. Қиз унга тикилди. Асманнинг наздида аёл тилидан бол томиб, қизни авраётган ёсуман кампирга ўхшаб кўринди.

– Опа, отимнинг айили бўшаб қолибди. Олис йўлга чиқсанг, шошилмай юр, деб ўзингиз айтгансиз, – деди-да, қиз Асманга ўгирилди. – Оға, отнинг айилини тортиб берасизми?

Йигит тушунди. Унинг кўнглидагини сезган қиз Асманнинг нигоҳига дош беролмай, уялиб ерга қаради. Кекса аёл буни сезиб:

– О-о, садағанг бўлай, болам, шундай қил. Яхшилаб тортиб бер. Йўлимиз йироқ... Қаердансан? Танишга ўхшайсан. Элдан олисда юриб, овулнинг болаларини ҳам танимай қоляпман. Бу ҳам қариликнинг аломати бўлса керак? – деб жим қолди.

Асман отнинг чилвирини қизга тутқазиб, эгар-тўқимни ўнглаб, айилни шошилмай маҳкам қилиб тортди.

– Тоққа кўп бозорлик олганга ўхшайсиз. Қандай катта олмалар! – Қизнинг порлаган нигоҳи хуржун эмас, йигитга қадалди.

– Йў-ўқ, бу бозорлик эмас. Овулдан беришди. Холамнинг олмаси. Иниларингга олиб бор дедилар. – Йигит шошилганидан гапини давом эттиролмади. – Ол, йўлда эрмак бўлади. – Хуржуннинг кўзидан бир неча олма олиб, қизга узатди.

– Қўй, бўтам, бизга озгинаси етади. Тоққа олиб бор! Биз олманинг ўзига боряпмиз! – деди аёл.

– Бу олма сенга, қариндошим! – Асман аёлнинг гапини эшитмагандай, кўзни яшнатувчи катта қирмизи олмани Жарқинга узатди.

Қиз гапни бошлаб қўйиб, кейин шошилиб қолди. Нима қилишини билмай, қўлидаги олмани айлантириб томоша қила бошлади. Юзи қизариб, аввалгидан ҳам сулув бўлиб кетди.

– Раҳмат...

Асман қизнинг тирсагидан тутиб, отга миндирди. Эгарга ўтириб, тизгинни қўлига олган қиз Асмандан нигоҳини узиб кета олмади. Икки юракда туғилган ҳис-туйғулардан ҳаяжонланган йигит билан қиз жим қолишди. Аёл бу ердан тезроқ кетишни истади. Эшагининг бошини йўлга бураётиб:

– Яхши етиб ол, йигит. Қаерда турасизлар? Анови яйловдами? Биз ундан нарироқданмиз. Қани, Жарқин, энди "чу" дегин. Жонивор ҳам яхшигина дам олди.

Қиз хумор кўзларини ортидаги тоғларга қадади.

– Мен тоғликнинг қизиман. Тоғда туғилиб, тоғда улғайдим. Сиз ҳам тоғликмисиз? – Унинг кўзларида тоғларга бўлган меҳр сезилиб турарди.

– Биз тоққа ёздагина келамиз. Мени ҳам тоғликнинг ўғли дейишади! – деди Асман.

Чиндан ҳам шундай эди. Қиз ўзини эшитмаганга солди. Тоғлардан кўнгил узолмай, тоғлик йигитнинг ёнидан кетгиси келмай қолди.

– Тоғлар жуда ҳам чиройли, шундай эмасми?! Ундан узоқлашиб боряпман. Болалигим ўтган жойларга қайтиб келаман-ми-йўқми, билмадим... Тушларимга кирармикин? – Қиз хўрсинди. Кўзида қалқиган томчи от ёлига томиб кетгандай бўлди. Асман унинг чилвир тутган қўлини секингина силади. Қизнинг қўли қаттиқ ва илиқ эди.

– Яхши боргин, тоғликлар от устида ҳам, йўлда ҳам йиғлашмайди. Йироқ кетса ҳам, тоғни соғинишади. Биз яқинда қишлоққа кўчамиз. Сени излаб топаман. Кейин тоғларга бирга келамиз.

Қиз бошини кўтарди, кўзларида ёш кўринмади.

– Йўқ, жон оға, бизнинг йўлимиз ҳеч қачон кесишмайди... Яхши қолинг, – деб отнинг бошини буриб, унга қамчи босди.

Эшак устида ўтирган аёл қизга норози бўлиб қаради-да, тизгинни бўшатди. Сал наридаги бурилишда қизил кўйлак лип этиб кўздан ғойиб бўлди. Атроф бўшаб қолди. Хаёли қочган Асманнинг қўлидан чилвир ерга тушди. От эгасидан олисламай ўт чимдиб, ҳар замонда бошини кўтариб, секингина пишқириб қўярди.

Асман ўзининг сўзини эслади: "Тоғликлар..." У отига чаққонлик билан сакраб миниб, булоқнинг этагидан кечиб ўтгач, жониворга қамчи босди. Қаршисидан эсган тоғ шамоли баданини жунжиктириб, кўзидан ёш чиқазди.

Қирғиз тилидан Авлиёхон ЭШОН таржимаси

Бахт асоси –

бирлик.

Қирғиз халқ мақоли



Ҳали ҳаммаси эмас

Гўзал БЕГИМ

Туркум

1

Кузнинг олтин тусига кирдим,
Бўяб чиқдим хотирасини.
Кетаётган ким? Ўйим бурди,
Бутоқларда гул чилласими?

Ковушимни қўлимга олиб
Чопдим, дунё охиринг йўққу?
Айлана ичида айланиб,
Юрагингдан чиқдим, овлоққу!

Болаларин шамол қувлаган
Куннинг кўнглин топиб бўларми?
Боғлар – денгиз, мавжлар қайнаган
Қарағим бўш, қайтиб тўларми?

Ўмбалоқ ошади минг йиллик
Юрагимнинг чордеворидан.
Гир атрофим қий-чув – жимжитлик
Киримни куз йиғар доридан.

Кузак шитоб япроқларини
Қоқар, жонга ёқади нутқи.
Яширмайди мажнунлигини
Қўймас ҳеч нимани унутиб.

Гўзал БЕГИМ – 1974 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Москвадаги Олий адабиёт курсини битирган. Шоиранинг "Сукунат сояси", "Учаётган япроқ сояси", "Мажнунсоат", "Ёки" номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

2

Жалолиддин юраги оққан
Аму сувинг қайтсин ортига.
Томчиларга марварид тақкан
Ё Ҳақ, ҳақлигига тортдида.

Қучоқлайман оқни, қорани
Ўзимга мен кўп сўз бермайман.
Ҳисларингга тўғри боргани
Гул ямоқли бир йўл қургайман.

Қувурларни тозалагайман
Асрлардан қолган қонимнинг.
Дона-дона ёзиб олгайман:
"Ҳайтовур-эй!" деган онини.

3

Мактублардан сарой қурдим, мен,
Шеър битилган ҳар қобирғаси.
Тун соянгни олиб юрибман
Ва титраган шамол жиғаси.

Мактубларга кўмдим, яширдим,
Дард, ҳасратим қучар дулдулни.
Орзуларни сенга топширдим –
Оқ виждонли ол атиргулим.

Мактубларим яшайди мендан
Чаққон, чайир ва савдойироқ.
Замон, юз-кўзинг демасман,
Ичимда бор момақалдироқ.

Яшар улар ўзига ўхшаб,
Яширмайди яраларини.
Қаергадир кетмайди ташлаб
Дил сўраган болаларини.

Мактубларим чапани, дарвеш,
Вақтга кўзин чиртта юмади.
Сен қаерда бўлсанг, бояқиш,
Шу нуқтада бахт тирилади.

Мактубларим мўғул чангларин
Жондан қоққан жангари малак.
Ҳали давом этар жангларим,
Жоним, жонни қилма жонҳалак.

"Милтиғига бинафша тақиб",
Жангга кирган санамдир хатим.
Хотирани куйдир, ўт ёқиб,
Юрагингдан ўтсин қанотим.

4

Навбатда турибман бахтли бўлишга,
Майсадай кулишга, сувдай тўлишга,
Япроқнинг томирин ушлаб кўришга
Навбатда турибман.

Буркситиб-буркситиб тутун тортишга,
Лабимга насли пок кулги экишга,
Муҳаббат таъбида кўйлак тикишга
Навбатда турибман.

Қисмат ипларини ечиб-бойлашга,
Иродам қолдиғин тўкиб жойлашга,
Умрингга бостириб кириб, йиғлашга
Навбатда турибман.

Ҳаллослаб югурар олов-алангам,
Чап юзила тушар шоҳ аксли тангам,
Айрилиқни дилга босганча маҳкам
Навбатда турибман.

Навбатда турибман типирлаб оёқ,
Навбатда турибман сўқир, гунг қароқ,
Вақтга шипшиб қўйиб этаман огоҳ –
Навбатда турибман.

Навбатда бенавбат турдим шошилиб,
Ҳафсалам тўкилди, оғриб ғурури,
Ҳеч ким сўрамади, кимдир охирги
Навбатда турибман.

5

Қўлдан тушиб кетди юрагим,
Думалади яқин-узоққа.
Келаяпти киприк тирагим –
Қароғимга сиғмаган боққа.

Ушлаб қолгин мени, манаман,
Турибман ҳавонинг ортида.
Қаричлайсан ифорлар – чаман
Ўйларимни ўйла тортқилаб.

Артиб ташла дард юкисини,
Хотирангга юкла исмимни.
Алмаштиргин ҳиссим дўқ урсин,
Туғилдим ҳадя эт ўзингни.

Ушла мени, тут юрагингга,
Нондек ушат сукунатимни.
Мен турибман ўтмиш-эртага,
Сўнгагимдан от эртагимни.

Тушиб кетди юрагим қўлдан,
Сенчи, пинагингни бузмайсан.
Туйғуларни қургандим нолдан,
Узилмайман, дилинг узгайман.

6

Ўзингни севдир менга,
Ўзим каби ўтсин ҳар куним.
Ахир, бу дил тортяпти кимга,
Кўзгунинг кўзида тутуним.

Ўзингни севдир менга,
Қаҳқаҳалар отсин шодлигим.
Булутлар қўлида чирманда
Ўтар йўллар, йиллар туртиниб.

Ўзингни севдир менга,
Иккиланган илинж илисин.
Қара, елкамдаги юкимга,
Бир кун минг кун бўлиб сурилсин.

Ўзингни севдир менга,
Тутсин юртни севги чанқоғи.
Қараб турдим сен – талотўмга,
Ёпма ҳисларимнинг қопқоғин.

7

Ҳали ҳаммасимас, етишга
Юриб турар икки оёғим.
Розимасман шундоқ кетишга,
Ушламанг, дардимни қўйворинг.

Ийманишга келганим ҳам йўқ,
Лўппи-лўппи ҳислар экканман.
Тарозингда турибман тўлиқ,
Жимлигимда ҳам энтикканман.

Бармоқларим барқут бахтланиб,
Эшигингдан ўтиб қайтади.
Кўз ёшимни туртсам, шодланиб,
Айт, исмимни ким уйғотади?

Ернинг қай бурчида думалаб,
Ётар исмим бўлиб ғужанак.
Кунботарми, кунчиқар, ё Раб,
Юрагимга отди бир данак.

Рўмолимни тўғирлаб олай,
Тўғирлансин тарқоқ ҳарфим ҳам.
Эртам тугамайди, бир талай
Эс-ҳушингда маржон эласам.

Бармоғимни гар қисирлатсам,
Бўшатади япроқлар ерни.
Ипак кўнглим бир қиқирласа,
Титратади шу ярим шарни.

Дил остига кўмилиб кетган
Соқов ҳислар, гунг дудлар ҳаққи.
Тушларимда кеч бўйи етган
Илтижолар, бир бор тутоқинг.

Мен юракни ўзгартирмадим,
Чиқиллаши, ҳе, ўша-ўша.
Уйингизни бузиб кирмадим,
Нигоҳларим турибди қақшаб.

Ҳали ҳаммаси эмас, кетмайман,
Юрагингда ер қимирлатмай.
Соялар жарангин элтгайман,
Сирқирайди ул соя тинмай.

МЕНИНГ ҚИРҒИЗИМ

Ҳикоя



Муҳаммад ШАРИФ

Нафасим бўғзимга тиқилгандек бўлди. Рақибим ҳам толиққан шекилли: икковимиз бирдек ҳарсиллаб, пишқириб, каллама-калла тиралишиб қолдик. Миямда фақат бир хаёл чарх уради: қанийди ҳаммаси тезроқ тугай қолса... Пайт пойлаб, ярим қадам ортимга силтандиму кўкрагини мўлжаллаб калла қўйдим. Вой аблаҳ-эй! Ғирт тошнинг ўзи-ку! Қайтанга миямдан ўт чақнаб, ўзим ортга қалқиб кетдим. У бўлса қоққан қозиқдек ўрнидан жилмади. Кўпдан бери бунақанги кучли рақибга дуч келмовдим. Ёмон алам қилди, устига-устак иккиланиб қолганимни кўриб, атрофимдагилар шовқин кўтарди.

– Ур, нега қараб турибсан?

– Сол оч биқинига қирғизни!

– Қараб турма, шаштинг қайтади! Тупроқ ялатмайсанми бу – шўртумшуқни?!

– Урманглар! Урманглар мени қирғизимни, у биззи меҳмонимиз, отамга айтаман сенларни! – деб бақиради Шодмон жонҳалак. У бизни ўраб олган болалар ҳалқасидан ўтишга уринади, лекин уни туртиб-нуқиб четга чиқариб юборишади.

– Нима бўпти сени қирғизинг бўлса? Отангни эмас, энангни бошлаб келмайсанми!? – калака қилишади уни.

Шодмоннинг илтижоли нидолари мени баттар ғазабимни қўзғайди: бало бормиди қирғизингни кўчага етаклаб чиқиб ҳаммага кўз-кўз қилишга. Ўртоқлар гижгижлаши билан ўзим жанжални бошлашга бошлаб, энди тугатишга кўзим етмай турибди. Шу хаёл билан Шодмонга ғазаб билан ўқрайиб қўяман. У эса бир иш қўлидан келмаслигини тушуниб, кўзининг ёшини милтиллатганча, қирғизига гуноҳкорона ер остидан чорасиз боқади.

Қирғиз бола чайир экан. Миқти гавдаси жўхори янчадиган келимиздек оғир, ўрнидан қўзғатиш қийин. Беш-олти марта тагимга босиб оламан деб уриндим, лекин бўй бермади, билакларим саксовулдек, ўзим чалқанча йиқилишимга бир бахя қолди. Лекин энди ортга йўл йўқ, нима қилиб бўлсаям уни йиқитмасам, шарманда бўлишим бор гап. Ўзимизнинг кўча қолиб, ундан нари яна икки

Муҳаммад ШАРИФ – 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоялари 2016 йили Лондонда ўтказилган Очиқ Евроосиё адабиёт фестивалида иккинчи ўринни олган. "Қулдиргич" ҳикояси Россиянинг "Звезда" журналида чоп этилган. "Толқўприк" китоби муаллифи.

маҳаллада тенгкур болалар билан беллашиб, кўпини йиқитиб юрганим бир пул бўлади. Бир белидан олганда оёғини осмондан келтираман деб ўйлагандим, чучварани хом санабман. Энди охирги, айёрона усулни қўлламоқчи бўлдим. Гавдаси остига ўзимни ташлаб, гўё уни шу тарзда оёқларидан тортиб йиқитмоқчига ўхшадим. У фирибга илинди ва мени белимдан кўтариб, боши узра отмоқчи бўлди. Шунда дарров икки қўлини билакларим орасида қайириб, ёнбошга бир айланиб, тагимга босиб олдим. Ҳа, бу усул доим иш беради! Акамнинг бир ўртоғи ўргатган менга: рақибнинг оёғи тагига ўзингни ташлаш унча ёқмасада, ёши ёки гавдаси катталар билан курашганда зўр иш беради. Болаларнинг ур-сол деган ҳайқириғи остида қизишиб, рақибимга бир-икки мушт туширдим, лабининг четидан қон чиққанини кўриб тўхтадим. Кейин уст-бошимдаги тупроқни қоқиб, болалар қуршовида уйим томон ғолибона қадам ташлаб кета бошладим. Шодмон қирғизини қўлидан тортиб, ётган жойидан туришига ёрдам берар экан, ортимдан йиғламсираб қичқирди:

– Отамга айтаман ҳали сени!

Айтса айтар, дейману кўчкордек кучли рақибдан зўрға қутулиб олганимга енгил тортаман. Бироқ кўнгилда барибир ҳадик бор, дадамнинг қаҳри қаттиқ: ўзимни мол-қўйга қараш билан оворадек тутиб, қош қорайгунча остонамизга қадам қўймадим. Ҳарқалай Шодмоннинг отаси шикоят қилиб келмаган шекилли, опасингилларимдан суриштириб, ҳеч гап йўқлигига амин бўлгач, билинтирмай уйга кириб олдим.

Эртасига эрталаб кўчада Шодмоннинг қирғизини боплаб адабини бердим дея кўкрак кериб юрибман-ку, ўтган-кетгандан мақтов кутиб. Лекин кўчада мақтов айтадиган кимса йўқ, ҳамма далада. Бўғотлар, тол ва тут ковакларида полапонлар чириллайди холос.

Ўша куни қишлоққа ипак қурти уруғи тарқатилди. Бизга ҳам ўн беш грамм беришибди. Ўзимиз ўтирган уйнинг бир хонасини қурт учун бўшатиб, печка ўрнатдик. Шу билан ўйинлар, кўча кезишлар барҳам топди. Акаларим ғўза ягана қилиш учун далага ётоққа кетган, мол-қўй қарови, қуртхона печкасига ўтин қилиш, барг теришда онамга ёрдам бериш мен билан сингилларимга қолди. Бошида қийин эмас, бирор ҳафтадан кейин қуртлар йириклашиб, "китир-китир" барг ейишга астойдил киришганда шўримизга шўрва тўкилади: анҳорнинг нариги бетидан тут шохларини кесиб келиш, картлаш, қуртхонани ғаналаш, кунига икки маҳал сўқчак тагида тўкилган қуртларни териш – энг ёмон кўрган ишим. Катталар гоҳо таърифлаб қоладиган узоқ ўрмонларга ёки тоғларга чиқиб кетгим келади.

Ҳовлимизнинг иккита эшиги бор. Бири кунчиқарда, эрталаб дарвоза очилганда қуёш баланд тераклар ва улар ортидаги кенг далалардан бош кўтараётган бўлади. Иккинчиси – бир қанотли орқа эшигимиз кунботишга қараган. Чиқсанг, қаршингда қўнғир тоғлар қад ростлаб туради, узоқ эмас, нари борса беш-олти километр. Гоҳо чордоққа пичан ташлаш учун чиққанимда нарвоннинг энг тепа поғонасида ўтириб, қизғиш тоғ чўққиларига тикилганча ўйланиб қоламан, намунча тақир бўлмаса, ҳеч бир гиёҳ унмайди, бундай тоққа чиқиб кетганинг билан бир кун ҳам яшолмасанг керак. Ҳаво очиқ кунлари, қўнғир тоғ ортида осмонни тираб тургандек, мовий чўққилар кўринади. Хаёлимни онамнинг чақириғи бўлади: қўйларга ўт солиш, кейин печкага олов қалаш керак.

Шундай кунларнинг бирида чинакам қувончли хабар келди. Тоққа читир ўргани борадиган бўлдим. Яқинимиздаги тақир ва қўнғир тоғларга эмас, ундан нари, Чотқол тоғларига. Бурнинг ерга теккудек бўлиб тутшох ташиб қурт катта қиласан,

лекин пилла ўрашга келганда улар инжиқ, даста танлайди, дея нолишади катталар. Пилла ўрашга энг яхши даста читир экан. Шунга колхоз машина ажратибди. Ҳар бир хонадондан бир бекорчи бўлса, тоққа читир ўришга бориши мумкин. Дадам, акаларим чопиқда бўлгани учун уйда қолган ёлғиз эркак мен эдим.

Ҳаяжондан туни билан уйқум келмади. Тонг саҳар онам бир белбоққа битта нон, бир ҳовуч-бир ҳовучдан туршак билан жийда тугиб бериб, қўлимга ўроқ тутқазар экан, тоғда тошдан-тошга сакрамаслигим, қоя ва даралар ёнига яқин йўламаслигимни қаттиқ тайинлади. Тез орада колхознинг "Газ-53" юк машинаси сигнал чалиб, қишлоқ оралади. Кўчага отилиб чиқдим. Машина юкхонаси тўлай деб қолибди, аксарияти катталар, аёллар ҳам бор.

Чамамда йигирма дақиқалардан сўнг Қирғизистонга ўтдик. Атрофни томоша қилиш учун ўрнимдан туриб олгим келади, бироқ катталар ўтириб ол, дея бошимдан пастга босади. Илкис ҳамма ўрнидан туриб, эрталабки қуёш нурларида жилваланиб турган улкан кўлга ишора қилди: "Ана! Ана Косонсой сув омбори!"

Уйимдан бу қадар узоқ келганим, атроф-теваракнинг дақиқа сайин ўзгариши мени тўлқинлантириб юборганди. Бирор соатлардан кейин машина кучаниб тоққа ўрлай бошлади. Одамлар Тераксойдан ўтдик, шу кетишда Оқтомга етиб қолсак керак, дея муҳокама қилишарди. Машина тоғ ўркачининг ярмига чиқиб, улкан тик қоя остида тўхтади. "Узоқ кетиб қолсак қайтишимиз қийин бўлади, шу ерда тушиб ишга киришинглар", деди ҳайдовчи.

Орзуимдаги арчали тоғ! Тоғ ёнбағирлари кўм-кўк ўтлоқ, тепасида осмонўпар чўққилар. Қарасанг, бошдаги дўппинг сирғалиб тушади. Катталар дарҳол ишга киришиб кетди, мен эса тик қояларга, бошим узра қўл узатса етгудек сузиб юрган булутларга суқлик билан тикиламан, ўтлоқда узала тушиб, бу азим тоғларга тикилганча, қилт этмай ётгим келади. Лекин вақт тиғиз, улгурганимча читир ўришим лозим. Қуп-қуруқ қўл билан қайтиб боролмайман-ку. Читир деганлари яккам-дуккам ўсар экан, ҳали юқорига, ҳали пастга чопаман, қидираман, ора-сира лолалар чиқиб қолади, териб олгим келади, лекин читир тўплаш керак. Тоғнинг улуғворлиги ичимда бир нималарни жўштириб юборади, шартта ўроқни улоқтириб, қия ўтлоқда ҳайқирганча чопгим келади-ю, қияликда ўзимни тўхтата олмай пастга, чуқурликка қулаб кетишдан қўрқаман. Ҳаяжон, ҳайрат ва қўрқув бир дамнинг ўзида юрагимни ҳаприқтиради.

Йўл узоқ, ҳайдовчи ҳаммани тезроқ ишлашга ундайди: "Қоронғига қолмай йўлга тушишимиз керак", дейди. Ҳаш-паш дегунча кун кеч бўлди, ҳамма ўриб келган читирини боғлаб, машинага ортди. Кейин устига ўзимиз чиқиб олдик. Мен ҳаммадан кам, уч боғ ўрибман, лекин шунга ҳам хурсанд эдим.

Тоғдан қайтгач икки-уч кун ҳаяжоним аримай юрдим. Шодмоннинг дуч келган жойда оғиз кўпиртириб мақтаниши бежиз эмас экан. Нега бизнинг қирғизимиз йўқ, деб ўйлаб қолдим. Қишлоқда кўпчиликнинг қирғизи бор, қишда бирор ҳафтага тоғдан тушиб келиб қўноқ бўлади, шаҳарга тушиб бозор-ўчар қилади, мезбонининг етовида тўйма-тўй юради. Ёзда эса булар тоққа, қирғизиникига меҳмонга боради. Қимиз ичиб, тоғда сайр этиб, дам олиб қайтади. Эрта баҳор бериб юборган қўйлари кўпайган бўлса, танлаб-танлаб семизини етаклаб келади.

Ҳа, шунақа, кўпчиликнинг қирғизи бор, бизда эса йўқ. Бу ҳақда дадамга айтишга чўчийман, унча-мунча гапларни айтавермаймиз, онамга айтсам бўлади, лекин кўнглини чўктиргим келмайди. Ёки бобомга айтсаммикин?

Ўша йили қишда ниҳоят мен кутган воқеа юз берди. Дадам бир қирғиз меҳмон бошлаб келди.

"Энди бизнинг ҳам ўз қирғизимиз бўлади, онаси! Ошни катта дамлайвер", деганини эшитиб қолдик. Уйда ҳаммамизнинг қувончимиз ичимизга сиғмай кетди. Ҳар ким ўзича турли саёҳат режасини тузишга киришди.

Қўрғонимизнинг жануб томонида меҳмонхонамиз бор эди, ичкари хона, даҳлиз, ромли айвон ва бир кичик ётоқхонадан иборат. Айби фақат куёшга тескарилиги. Қишда иситиш қийинроқ, кўп ўтин кетади. Ёзда аксар меҳмонларга хизмат қилади. Отам бошлаб келган қирғиз киши ўша уйнинг ётоқхонасига жойлашди. Ҳаммамиз ётоқхона деразаси остидан қизиқсиниб бўйнимизни чўзиб ўтамиз. Энг катта акам тўнғиллаб бизни жеркийди: "Бўлди-да, нима, одам кўрмаганмисанлар?"

Онам ошни сузиши олдидан ниҳоят қирғиз кишини кўриш вақти келди. Меҳмон келганида овқатдан олдин уларнинг қўлига сув қуйиш менинг вазифамга кирарди. Елкамда сочиқ, чап қўлимда чилопчин, ўнг қўлимда обдаста, эшикни аста очиб, салом бериб кириб бораман. Дадам бу маросимга жиддий эътибор беради: дастурхоннинг четини қайириб эҳтиёт қадам босишиму тизза-лаб, чилопчинни паст тутишим, сувни меҳмоннинг ҳовучидан тоширмай, уч карра узиб-узиб қуйишимни кўз остидан кузатиб туради. Бу бир имтиҳондек гап. Қўрқмасам ҳам бўлади, бобом тез-тез уюштириб турадиган мавлуд ва қурбонликларда чолларнинг қўлига сув қуяверіб, тажрибам ошиб кетган. Чоллар қўлини ювиб бўлгач, "Тахаракаллаху мин жамийн иззунубика", дейди. Мен дарров жавоб дуони ўқишим лозим, йўқса ювилган қўл ҳалол бўлмай қолар экан. Бобом ўргатган арабча "сеҳрли" сўзларни одатда ичимда айтаман. Бироқ баъзида қитмир чоллар учраб қолади, жавоб дуони эшитмагунча, сочиққа қўл узатмай, узун ва қоқсуяк бармоқларини чилопчин устида муаллақ осилтириб, кўзимга синовчан тикилганча тураверади. Шунда мени ҳам қитмирлигим тутиб, атай индамайман. Қайсар чол эса катта товоқда ҳовури чиқиб турган қайнатма гўштни бўлаклаётган бобомга қараб: "Мулла Муҳаммадқул ака! Ўзингиз илмдан гапирасиз, лекин неварангиз дуони билмас экан-ку", демоққа чоғланиб оғиз жуфтлаганида мен илкис: "Валака мисли залика", деб юбораман. Ўжар чолнинг бобомга қаратилган истеҳзоли луқмаси бўғзида қолади, мен ичимда севиниб қўяман.

Ичкари хонада узоқдан келган меҳмондан ташқари, отамнинг уч жўраси пахта экиладиган ерлар тобора кенгайиб, мол-қўй боқиш қийинлашгани, ем-хашакнинг нархи кўтарилиб бораётгани ҳақида гаплашиб ўтиришибди. Қирғиз киши тўрда, биқинига ёстиқ қистириб, негадир елкасини деворга қаттиқ тираб ўтирибди, ёки менга шундай туюлди. Дастурхоннинг четини қайириб, тўрга ўтдим ва қирғиз кишига чилопчин тутар эканман, зимдан афти ангорини кузатдим: икки юзи қип-қизил, бўйни ва бармоқлари калта, кўз қараши қаттиқ, мўйлови тамаки тутунидан сарғайган миқти киши экан. Зиёфатма-зиёфат юраверіб тўйиб кетган шекилли, гоҳ кекириб қўяди, гоҳ тиш ковагидаги гўшт қолдиқларини чиқармоқчи бўлиб "чирт" этиб лаби билан лўнжини сўриб қўяди. Дадамнинг жўралари ҳам унга жўр бўлади, "чирт-чўлп-чирқ" этган товушлар чиқади.

Қирғизимиз ҳақидаги илк тасаввурим шунақа омухта бўлса-да, келажакда унинг ўғиллари билан танишиш, тоғма-тоғ чопа-чоп ўйнаш орзуси боис хурсанд эдим. Қирғиз киши беш кун меҳмон бўлди. Орада дадам билан шаҳарга тушиб, анча бозор-ўчар қилди. Кетишида қўйхонамиздаги учта қилтириқ қўзини етаклаб кетди. Дадамнинг режасича, эти устихонига ёпишган бу қўзилар келаси кузда тоғу тошнинг доривор гиёҳларига тўйинган, серкиллаган қўйларга айланиб қайтиши керак эди.

Ёзга чиқиб қирғизимизни йўқлаб борадиган бўлдик. Қувончимнинг чегараси йўқ. "Жигули" машинамизнинг юкхонасини мевaларга тўлдириб йўлга чиқдик. Ўзимизнинг тақир, қўнғир тоғ ўркачларидан ошиб ўтгандан сўнг Қирғизистон бошланди. Юқорига ўрлаб-ўрлаб Шакафтар, ундан сўнг Сумсардан ҳам ўтиб, қайдасан Кўктош деб кетяпмиз. Мен бу номларни билмасдим, йўлма-йўл дадам тушунтириб борди. Биз – онам ва сингилларим ташқаридаги манзарадан кўз узолмаймиз: муаззам тоғлар, тик қоялар, улкан ва силлиқ тошлар, кўм-кўк ўтлоқлар, шарқираган жилғалар, лекин дарахтлар кам. Онда-сонда йўл четида ўн-ўн беш туп терак ёки қайрағоч учраб қолади, бошдан-оёқ қушлар инига тўла. Инларнинг кўплигидан шохлари ғиж-ғиж мева туккан дарахт каби эгилиб қолган. Бунақанги кўп қуш уясини кўриб, ўзимни машинадан ташқари отгим келади, лекин дадамнинг жиддий қиёфасига қараб, дамимни чиқармайман. Дадам машина ҳайдай бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

"Қирғизнинг милисаси учраб қолмаса бўлди, бир "жўк" дедими, тамом, қайта гапга кўндириб бўлмайди. Қош қораймай манзилга етиб олишимиз керак," деб қўяди бизга хавотир билан.

Кўктошга яқинлашган сари тоғ ёнбағирларида арчалар кўпая борди. Булутлар пасайиб, биз билан тенглашгандек эди. Мен олазарак музли булутларни қидираман. Шодмон мақтанарди: "Қирғизим билан тоғ чўққисига чиққанимизда музли булутдан бир парча кўчириб олиб, музқаймоқдек ялаганмиз". Яна айтардики, "Қоп-қора булутларнинг четида мўмиё осилиб туради, қирғиз овчилари уларни милтиқда отиб тушириб, бизга келтириб сотишади".

Бобомнинг тоби қочганда энам мўмиё эритиб ичирарди. Шодмондан эшитган гапимни бобомга айтганман. "Мўмиёни овчилар ҳам уриб туширади деб эшитганман, лекин булутдан эмас, тик қоялардан. Мўмиё қоялар остида сумалакка ўхшаб осилиб турар экан. Силлиқ қоятошларга чиқиш имконсиз бўлганидан мерганлар мўмиёни уриб туширади", деганди бобом.

Манзилга яқин қолди шекилли, ахён-ахёнда оппоқ уйлар кўзга ташланиб қолди. Бу уйлар бизнинг далаларда қурилган, одамлар "типовой" дейдиган, тўрт томонида ҳам деразаси бор замонавий шийпонларга ўхшарди. Лекин уйлар бир-биридан узоқда. Отам йўлма-йўл отлиқлардан қирғизимизнинг манзилини сўраб, ниҳоят унинг уйини топиб бордик.

Қирғизимиз яшайдиган оққа бўялган уй тоғ ёнбағридаги текислик ўртасида экан, сал нарида жарлик ва даралар. Уйнинг олд томонида эса тоғ чўққисига қараб ўтлоқлар ястанган, юқорида арчали ўрмон. Юрагим қувончдан қинидан чиқиб кетишга чоғланади.

Қирғизимиз дарҳол қўй сўйди. Катталар гўшт нимталаб зиёфат тадоригини кўра бошлашди, аёллар ўчоққа уринди. Мен эса қирғизимизнинг ўзим тенги ўғли билан танишмоқчи бўламан, лекин гапни нимадан бошлашни билмайман, у ҳам мени қизиқсиниб кузатади. Исми Турдиқул экан, мендан бир ёш кичик, лекин бўйи бўйимга баробар, пишиқ-пухта болага ўхшайди. Бироз элакишиб қолганимиздан сўнг, "Кетдик чўққига чиқамиз!" дейман. У эса кулади. "Яқин кўрингани билан аслида жуда узоқ, қоронғига қолиб кетсак, тоғамизнинг қўлига тушиб, шўримиз курийди, эртага эрталаб йўлга чиқсак бўлади", дейди. Тоғаси жуда жаҳлдор одам бўлса керак, деб ўйладим.

Кечқурун қовурдоқни паққос туширар эканмиз, қирғизимиз чорва ҳақида гапириб, дадамга шикоят қилди. "Кеча тунда тоғаларимиз яна иккита қўйни кўтариб кетишди", деди. Менинг ҳайратим ошди. Турдиқулдан: "Тоғаларингдан

қўрқасизларми, нега қўйларингни кўтариб кетса индамайсизлар?" деб сўрадим. У яна кулди: "Ҳа, тоғаларимиздан жуда қўрқамиз, улар ёмон" деди кўзларини олакула қилиб. Кейин билсам, улар бўрини "тоға" дер экан.

Ўша тун минг хил ҳаяжон ва қувонч билан уйқуга кетдим.

Эрталаб кўзимни очганимда гўё эртакда яшаётгандек эдим. Нонуштага қандайдир тоғ гиёҳининг томиридан тайёрланган оппоқ бўтқа едик, худди картошка бўтқасига ўхшаш, лекин юмшоқ ва ширали. Катталар қимиз, биз эса қайнатилган эчки сутини ичдик. Дадам мезбон билан қишлоқ айлангани кетишди, онам ва сингилларим Турдиқулнинг онаси ва опалари билан уйда қолишди. Биз тўғримиздаги азим чўққи сари интилдик.

Тиззадан тепага урадиган ўтлоқдан кетиб борар эканмиз, Турдиқулдан: "Отларинг йўқми?" деб сўрадим шу чоғ роса от мингим келиб.

– Отларимизни чўпонларимиз миниб кетган, от мингинг келса, ҳозир топамиз, – деди у мени чап томондаги тепаликка бошлаб. Тепалик ортида яна бир кенг ўтлоқ бор экан, беш-олти чоғ киши от чоптириб юрибди. Турдиқул икки бармоғини оғзига солиб ҳуштак чалди, шундай чалдики, қулоғим чийиллаб кетди. Отлиқлар узоқдан бизнинг қорамизни илғаб, шу томон от қўйишди, биз улар томон тушиб бордик. Чавандозлар яқинлашганда уларнинг олдида итлар чопиб келаётганини кўриб, таққа тўхтадим. Назаримда, ҳўкиздек келадиган итлар эди. Турдиқул менга ҳайрон боқди, унга итлардан қўрқишимни айтдим. У менинг ёнимга келди. "Итлар етиб келганида қаттиқ ҳаракат қилма", деди. Кейин ўзича ғудраниб: "Алимбек уларнинг орасида кўринмайди-ку", деди талмовсираб. Яқинлашиб келаётган отларнинг тоғу тошни ларзага солгудек дупур-дупур шовқинидан ёки отлиқларнинг ҳайё-ҳув деган чинқириғиданми, ҳаркалай юрагимга қаттиқ ғулғула тушди. Улар етиб келганида пешонамдан совуқ тер чиқиб кетганди. Мен Турдиқулнинг ортига яшириниб олгандим. Бизни ўраб олиб акиллаётган ҳайбатли, калласи катта-катта итларни Турдиқул ҳайдаб солди. От минганларнинг бари ўзимиз тенги болалар экан. Улар атрофимизда гир айланиб от чопишди, мени обдон кўздан кечиришди. Орасидаги ёши каттароқ бола қўлидаги қамчисини менга ўқталиб: "Ким бу?" деб Турдикулдан сўради. Турдикул: "Бу бола бизнинг қариндошимиз бўлади, от минмокчи", деди. Болалар қий-чув қилиб мени масхара қилиб кулишди, атрофимда яна от ўйнатиб айланишди. Шундан сездимки, уларнинг нияти яхши эмас. Ўша ёши каттаси қўққисдан менга тиккасига от солди. Отнинг пишқиришидан чўчиб ўзимни ортга ташладим.

– Бул сага кандай тууган болот? – деди у отнинг жиловини тортиб. – Аттан коркот, иттен коркот, сарт-ко мунунг!

– Жоқ, тууганыбыз болот, – деди Турдиқул довдираб.

– Былжыраба. Сарттын баласы бул! – деб отдан эпчиллик билан сакраб тушиб, ёнимга келди, кўзимга тикилди.

– Аттан коркосунг, иттен коркосунг, менден-да коркосунгбу, сарт?!

Яна қийқирув бўлди. Ҳамма жойда хўроз бир хил қичқирар экан, бу ерда ҳам муштлашиш шу гапдан бошланар экан-да. Ичимдан зил кетиб турган бўлсам-да: "Йўқ, қўрқмайман", дедим. Шунда у чап елкамга нуқиди, сездимки, зарбаси кучли эмас. Қараб турсам бўлмасди, мен ҳам унинг елкасига нуқидим. Атрофимиздаги болалар яна ҳайё-ҳуйт деб қичқиришди. У ортга тисарилиб менга мушт солмокчи бўлди, мен энди олишмаган номард дея унга ташландим. Айтдим-ку, зарбаси кучли эмас, зуваласи ҳам бўшроқ экан, белидан қисиб даст кўтардиму оёғига чалиш бериб, йиқитиб олдим. Бироқ биров ортимдан бошимга мушт солди. "Ур сартни!"

деган ҳайқирикларни эшитдим. Мени уриб-тепкилай кетишди. Бошимни чангаллаб энкайиб олдим. Илкис қамчининг чийиллаган товушини, болаларнинг дод-войини эшитдим. Турдиқул боши узра қамчи сермаб, ҳамқишлоқларини мендан нари хайдарди, бир-иккитасини тарсиллатиб солди ҳам. Болалар биздан узоқлашиб, кейин Турдиқулга дўқ қилишга ўтди.

– Сарт кетет, сен каласынг, эненгди таанытабыз, – деди ўша каттаси. Турдиқул унинг гапига парво қилмади, аксинча қамчини янаям қаттиқ сермаб, мени ўтлоқ четидаги харсангтошли сўқмоқ томон етаклади. Отлиқлар қирра тошли сўқмоққа чиқа олмасди.

– Кана бироонг жақындашып корчу менин сартыма! – деди Турдиқул биз тепага чиқиб олганимиздан сўнг.

Улар пастда туриб яна анча-мунча дўқ-пўписа қилгач, ҳали қўлимизга тушасанлар, дея қичқириқ ила пастликка қараб от чоптириб кетишди.

Тепки тушган жойларим зириллаб оғрирди, лекин бурним қонаб, янги кўйлагимни доғ қилгани алам қилди. Турдиқулнинг хижолатдан қизарганини кўриб: "Ҳеч нарса қилмайди, дадам билмаса бўлди, йўқса, қайтиб бу ерларга олиб келмайди", дейман уни юпатмоқчи бўлиб. Биз ҳеч нарса бўлмагандек яна қоя томон йўл олдик. Олдимиздан кичик бир жилға чиқди. Кўйлагимни ечиб, муздек сувда ювиб, тошларга ишқалаб доғини кетказдим. Турдиқул ўзининг кўйлагини менга бериб, ўзи майкачан қолди. "Мен кўникиб кетганман, киявер ўзингники қуригунча", деди. Ҳансиллаб, тошдан-тошга сакраб юқорига ўрладик.

Қуёш тиккага келганда биз қоя устида турардик. Оёғимиз остида сийрак булутлар сузади, лекин бир парчасини узиб олиб, музқаймоқдек сўрса бўладиган музли булутлар йўқ экан. Албатта, бу ҳақда Турдиқулдан сўраб ўтирмадим, мен гўё анча улғайиб қолгандек эдим. Шу пайт ўтган йилги воқеа, Шодмоннинг илтижоли нигоҳи, тагимга босиб олиб урганим – унинг қирғизи ёдимга тушди. Турдиқулнинг бундан хабари бўлмаса-да, негадир ўзимни жуда ўнғайсиз, мулзам ҳис қилдим. Турдиқул эса аллақачон қуёшда қизаришга улгурган елкаларини шамолга тутиб, қоя учида парвозга шай бургутдек турарди. Менинг қирғизим, дея унга ҳавас ила қарар, ўзимни шу азим тоғлардан-да юксакликда ҳис этардим. Кўнгилда эса қайтиш йўлида ғанимлар кутиб туришмаганмикин, деган жиндек ғашлик бор эди холос.

Кун ботса ҳам,
охир яна тонг отар!

Қирғиз халқ мақоли



Таъзим қилгум элнинг сабрига

Усмон ТЕМУР

Айтдим

Бугун ҳурмиз, олам эзгулик,
Мустақилмиз Худога шукур.
Кураш сўнгги – эрку эзгулик,
Енгиб чиқар эл бўлса бикир.

Таъзим қилгум элнинг сабрига,
Бераолди орзусига зеб...
...Бориб чўпон отам қабрига
Айтдим: "Энди мустақилмиз!" деб.

Чучмомалар

Кўтарилар кўп нарса ёддан,
Лекин, бари унутилмайди...
...Бир иш бўлган экан ҳаётда,
Сўзламасам сира бўлмайди.

Мўғул босган чоғда Туронни,
Боққан элга боққандай итга.
Депалатган отга "Қуръон"ни,
Отда кириб Чингиз мачитга.

Шериклари халқни қилиб жам,
Йўл олинглар адирга деган.
Тўрт томонда яшиллик, кўклам,
Чучмомалар очилган экан.

Мўғул ундан тўрт-бешта олиб,
Ёй ўқига маҳкам боғлаган.

Усмон ТЕМУР – 1940 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг йигирмадан ортиқ шеърий ва насрий тўпламлари нашр этилган. 2018 йилда вафот этган.

Не десин эл! Ёв эди ғолиб,
Ўзини мард, улуғ чоғлаган.

Ўй-хаёлга ёвуз ўй кўчган,
Сопол қилган ҳаммаси юзни.
Сўнг, гулли ўқ учган ва учган,
Учган чоғлаб юрак ва кўзни.

Жазиллатган у қари танни,
Не кўкракдан суту қон оққан.
Нобуд этган гулдай баданни,
Ёвузларга эса шу ёққан.

Қочолмаган бирон ёш, қарри,
Чучмомали ўқ тегар экан.
Гулга томган қайноқ ёшлари,
Чучмомадан ўлаяпмиз деган.

Бу қирғинга лоқайд тикилган,
Томошага анча ўч само.
Мағлубларда шундай ўй бўлган:
"Ўч олаяпти биздан чучмома..."

Ёка тутган ботмай қолган ой,
Камонларнинг эгилган бели.
Тугамаган адирда оҳ-вой,
Тугасада қирларнинг гули...

...Ҳушёрликни унутма бир он,
Мустабидни кўп кўрган элим.
Яшар шунда суйганинг Турон,
Чучмомалар ташимас ўлим.

* * *

Ўй сураман, ўйлар сураман,
Юраккинам хоҳлаган пайти.
Етти эмас, етмиш бобомнинг
Келганимда қабридан қайтиб.

Ўй сурганда, хаёлим учиб,
Бир фикрни олиб елади.
Ўтган буюк, суюк боболар
Қабрларин кўргим келади.

Йўлга чиқиб, бошимни аста
Эгай десам, қабрида бир дам –
Ал-Фарғоний, ал-Хоразмийнинг
Қабрлари қаерда, билмам.

Борай десам, таъзим қилгани,
Ҳеч бўлмаса бир кўрай десам.
Минг афсуски, улуғ Форобий
Дамашқда ётар ҳали ҳам.

Кўриш, оят ўқимоқ учун,
Етарлидир камина азми.
Абу Райҳон Беруний бобом
Ғазнидадир – нотинчроқ Ғазни.

Гарчи, яшар биз билан бирга,
Гарчи, илми, исми жондадир.
Боролмайман – тенгсиз аллома
Ибн Сино Исфаҳондадир.

Суратини кунда кўрсам ҳам,
Ҳикматлари турса ҳам ёдда.
Боболари бобомга юртдош –
Мир Алишер ётар Ҳиротда.

Минг армони бўлса ҳам дилда,
Бир учқунин ғазалга тутган:
Бобур Мирзо ўзини не ҳол,
"Боғи Бобур" ичра беркитган.

Яна қанча бобом, момомни
Ўзга ерлар бағрига олган.
Аллакимлар этгач мосуво
Шоир Фурқат Ёркандда қолган.

Тоғам ўткач турмада билдим,
Ҳаммасидан қатағон ёмон.
Улуғларим – Қодирий, Фитрат,
Чўлпон қабрин топмадим ҳамон.

Кўрай десам, йўқроқ иложи,
Кўрмай десам, алам-армондир.
Саждагоҳим – Тошкент, Самарқанд,
Қўқону Ўш, Шоҳимардондир.

Саёҳатлар олса гар ҳушим,
Юриш насиб этса хорижда –
Баъзилардай гангиб юрмасдим:
Афина, Рим ёки Парижда.

Кўрар эдим уларни бир-бир,
Бу зоти турк шоирнинг сўзи.

Буюкларга – туғилган ер ҳам,
Ватан бўлган гарчи ер юзи.

Дейман, имкон топади авлод,
Қолмас биздай ўкинч, армонда.
Мен бир оддий одамман, аммо,
Кўз юмай Ўш ё Аравонда...

Бу тунги ўйлар

Хуфтон. Тинар шовқин-сурон,
Синоларга яна юкун.
Қандай бўлур энди бўрон,
Бўлмаса ҳеч тортиқ қирон?
Ким билади,
Айтади ким?

Туғилганда ўзбек туғул,
Ҳаёт ўйин-кулги нукул.
Наҳот, ҳамма қизу ўғил –
Қўшиқ, мусиқага йўғил?
Ким билади,
Айтади ким?

Дунёнинг оз шафқатлари,
Лекин, кўп ғам, дов қатлари.
Тикланармн сарҳадлари,
Маконнинг шон-шавкатлари?
Ким билади,
Айтади ким?

Мизғир тоғлар, мудрар уйлар,
Тиниб-тиниб имкон куйлар.
Ўйи тугаб, юрак сўйлар,
Келур эрта қандай ўйлар?
Ким билади,
Айтади ким?



Абдумажид АЗИМ

Оқибатдан олардик сабоқ

Йўллар

Йўллар, бекатлардан ўтиб бораман,
Сабру саботимни тўплаб юракка.
Кундуз юраман, кеча юраман,
Тин олмасдан етгунча тилакка.

Кўтарилган ҳаётим елкани,
Еллар шошилтирар: Ҳой, тезроқ бўл!
Далли дарё экан умр дегани –
Умр дегани чексиз, туганмас йўл!

Йўллар пешвоз чиқади қаршимга,
Сурур беради кўнгилларга йўл.
Қуёш тушиб келару аршидан,
Жилмайиб менга узатади қўл.

Дейман: севаман, севаман қуёш,
Кулиб-кулиб уфқлардан тарат нур.
Сенга талпинади борлиқ, тоғ-тош,
Жами тириклик сендан олар қўр.

Кетар ётоғига оқшом куёш,
Бир кунимни юлқиб ҳаётимдан.
Осмондаги оқ юлдузлар – бебош,
Пиқир-пиқир кулар ортимдан.

Абдумажид АЗИМ – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. Шоирнинг "Қалбимнинг Ватани", "Руҳи равоним", "Ошиқ дилим", "Умид беланчаги", "Қадр кечаси" китоблари нашр этилган.

Ўтди неча қимматли фурсатим,
Вақт оқади мендан изн сўрамай.
Юракка йиғиб имкон, ҳиддатим,
Йўл босарман ортимга қарамай.

Йўл босаман, манзил узоқ-узоқ,
Юракда туганмас сабру бардош.
Менга онамдай очади қучоқ,
Фалак уммонида боқий қуёш.

Маҳкам суяниб ер меҳварига,
Пойимда юлдузларни кўраман.
Коинотдан чиқиб ташқарига
Ўз-ўзимга чуқурроқ кираман.

* * *

Тилим яна келмайди сўзга,
Хазонларни шопирар шамол.
Ҳусн берар иккиқат кузга
Япроқларнинг товланишин ол.

Турар вазмин ўйларга ботиб,
Дов-дарахтлар қабосин ечган.
Вужудимни зир-зир қақшатиб,
Тошиб келар саволлар ичдан.

Нима қилдим шу ёшга кириб,
Босиб келар саволлар уст-уст.
Эшигимдан кирмасдан туриб
Мендан ранжиб кетдими ё дўст?

Боғларимда кузак еллари,
Турар Ҳаққа саловат айтиб.
Хайр, энди, ўтган йўлларим,
Ўтолмасман сизлардан қайтиб.

Бу ҳаётдан ахтариб маъно,
Гоҳ қоқилиб, гоҳи суриндим.
Бир одамдай яшашга, аммо,
Умр бўйи тинмай уриндим.

Яхшиларга бўлай деб мухлис,
Умид қилдим борича имкон.
Келмасада қошимга иблис,
Шерикларин йўллади ҳар он.

Дунё кириб борсада кузга,
Дилда кўклам кўрсатар жамол.

Бахт боқмаса, боқмабди бизга,
Орзуларим топмангиз завол.

Олдда қанча умидлар ҳали,
Орзуларга очарман қучоқ.
Атрофда куз, аммо, таажжуб,
Гуллаётир бошларим оппоқ.

Бир ишқ бўлса

Бир ишқ бўлса.
Кўклардан келса,
Бир ишқ бўлса, қадди навниҳол.
Қийиқ кўзли жилмайиб кулса,
Ҳавас қилса осмонда ҳилол.

Бот-бот боқса нигоҳлар хумор,
Ишқ шавқида кўкларда учсанг.
Севдим десанг, дунёда бир бор,
Ялангоёқ ўт-олов кечсанг.

Бир ишқ бўлса.
Севсанг, севилсанг,
Ойу йиллар билдирмай оқса.
Узоқлардан ташналаб келсанг,
Сув узатса муздай бир коса.

Билмай, сира не алам, ҳижрон,
Суяверсанг, тоабад суйсанг.
Кўнгилларинг юксалса осмон,
Ишқинг кўкка бекитиб қўйсанг.

Тугамаса феруза тонглар,
Кечаларинг кундуздай оппоқ.
Уммон каби кўпирса қонлар,
Арш аълода қийилса никоҳ.

Бир ишқ бўлса.
Кўклардан келса,
Қайғуга эш бўлмаса сира.
Бу оламда бир сени деса,
Бир ишқ бўлса тоза, бокира.

* * *

Ойга боқма ой юзим,
Ой ҳам тошу тупроқда.
Офтобдан олов олиб,
Шуълаланган чироқда.

Ойга боқма ой малак,
Ой биздан кўп йироқда.
Ёр дардида жон ҳалак,
Юзи рангпар, оппоқда.

Ойга боқма ой санам,
Бағри қуроқ-қуроқда.
Дардига излаб малҳам,
Кезар овлоқ-овлоқда.

Ойга боқма ой пари,
Куйи "Чўли ироқ"да.
Суйганига етолмай,
Ёнар мангу фироқда.

Ота уй, қора қумғон ва танча ҳақида

Болалигим ажиб афсона,
Кийик эдим мисоли тоғда.
Улғайгандик мехрдан қона,
Саховатли бир Эрамбоғда.

Ака-ука, опа-сингиллар,
Оқибатдан олардик сабоқ.
Ой нуридай тоза кўнгиллар
Бир-бирига бўларди муштоқ.

Ҳаёт тўрт тарафга бизларни
Тарқайдин сочдику бир пайт.
Яширамиз қайноқ ҳисларни,
Кўришганда бепарво, лоқайд.

Бориб қолсам толиқиб йўлда,
Дарвоза ҳам инграйди маҳзун.
Болаликда қадрдон уйга
Бегонасан дегандек, бу кун.

Кимлар, энди, бу уй эркаси,
Танчадаги олов ланғиллар.
Ўтиради қисиб елкасин
Ака-ука, опа-сингиллар.

Тиллар дарров қовушмас сўзга,
Пасту баланд, росту ўтриклар.
Отам кўприк эдику бизга,
Ёниб битмиш эсиз, кўприклар.

Тушунишни бошлаймиз базўр,
Тилдан эмас, соғинч, нигоҳдан.
Қайнаб тошар, қиламан ҳузур,
Қора қумғон танча ўчоқда.

Қора қумғон эски қадрдон,
Беш ёшимда куйдирган қўлим.
Кимлар келди ўшандан буён,
Бурди кимлар узлатга йўлин.

Ортга сира қайтмайди, кетган,
Ғаниматдир умри бебақо.
Ким дунёнинг тубига етган,
Азиз экан, дийдорлар танҳо.

Ёзилади чигил, ғуборлар,
Болаликни бир-бир эслаймиз.
Қайтмас бўлиб кетган баҳорлар,
Кўчасига қайта юзлаймиз.

Гапларимиз қовушар секин,
Ёришади хира кўнгиллар.
Қора қумғон куйлайди бетин,
Чуғурлаймиз ака-сингиллар.

Яхшиямки, экансан омон,
Қора қумғон ва танча ўчоқ.
Отамизни эслатиб бир он,
Оқибатдан айладинг сабоқ.

ОЙБЕК ШАҲРИСАБЗДА

Эссе



Жаббор ХАЛИЛ

"Салом, катта инсонлар"

Ўқитувчимиз хурсанд келаяпти. Кузатиб турибмиз. Худди биров билан гаплашаётгандай пичирлаб кулиб келди-ю:

– Кетдик, – деди бирданига бизларга зийрак қараб. Ҳаммамиз устозга эргашдик. Яқинлашганимиз сари бизни ҳаяжон босяпти. Гўё бизлар жуда катта бир улуғ инсон олдига келаётгандай ҳис қилардик ўзимизни. Уч-тўрт киши бизларга қараб жилмайиб туришибди. Шоирнинг катта-катта кўзлари биз болаларга қадалганча кулимсираб боқарди. Бошқа кишиларнинг эса қўллари олдида қовуштирилган. Улар ҳам бизларни кутаётганга ўхшарди. Биз яқинлашгандан саломлашдик. Шоир турган жойидан бир-икки қадам олдинга босиб:

– Салом, катта инсонлар! – деб қўл чўзди-да, ҳаммамиз билан кўришиб чиқди. Қўллари юмшоқ, бирам ёқимли сезиларди. У киши ҳечам улуғвор, сиёсатли одамлардай кўринмасди энди бизга. Аксинча ўз ўқитувчимиздек меҳрибон киши бўлиб гапирарди.

– Яхши ўқийсизларми? Қандай китоблар ўқияпсизлар? Эртак китоблардан ҳам ўқийсизларми? – деб сўради.

Бизлар "Ҳа!"– деймизу шоирдан кўзимизни узмай у кишига ҳавас билан тикиламиз. Бошқа одамларнинг нигоҳлари эса биз ёш болаларга қадалиб турибди, ҳамманинг эътибори шоир билан бизларда эканлиги шундоққина кўриниб турарди.

– Булар ажойиб болалар, домла, сизнинг янги шеърларингиздан ҳам ёдлаб келишган, – деб биздан олдин жавоб қилди ўқитувчимиз.

– Шунақами? Қани, эшитамизми, Хуррам ака? – дея ёнларида жимгина қўл қовуштириб турган ўзларидан калтарок, унчалик семиз бўлмаган соқолли одамга қаради Ойбек шоир. Бу орада ўқитувчимиз бизларни бўй-бўйимиз билан сафлаб қўйишга улгурганди.

– Хўш, қани катта инсонлар, эшитамиз, – деди яна биринчи бўлиб Ойбек домланинг ўзлари юзимизга хурсанд тикилганларича. Ўқитувчимиз ҳам "Бошланглар!" –

Жаббор ХАЛИЛ – 1937 йилда туғилган. Қарши давлат педагогика институтининг (ҳозирги ҚарДУ) рус филологияси факультетини тамомлаган. "Довул", "Тақдир бекатлари" асарлари, "Кеш ва Соҳибқирон" тарихий романи, бир қанча қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

дегандай қўллари билан ишора қилиб қўйди. Навбат билан йўлда муаллимнинг ўзлари ўргатгандай қилиб, шеър ўқишни бошладик:

Куйлаганда беш аср бурун
Халқни, Ҳақни, ишқни бу инсон.
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун
Дарди билан тепарди ҳар он.
Улуғ Ватан кўксида шоир
Бугун қаддин кўтарди баланд.
Абадий тош либосидадир,
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан.

– Ассалом, Навоий! – дейди ёш авлод,
Олқишлайди халқи бахтиёр.
Шоир арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграр, кўнгилларда ёд.

– О-о-о, гўзал, гўзал, гўзал-ку бу ёшлар! Қаранг, Хуррам ака, бу катта кишилар қандай зўр ўқийди, бирам мафтункор. Яхши, яхши. Ўқинг, яна бир такрор!

Ойбек домла бу сўзларни шундай берилиб қувонч билан айтардики, қўлларини ўйнатиб, қулочларини кериб, бошларини баланд кўтариб, кўзларини беихтиёр юмиб, худди актёрлардай беғубор ва айни пайтда ҳайротомуз кўринарди бизга. Ҳаммамиз маҳлиё бўлиб қараб турибмиз. Одамлар, ҳатто муаллимимиз ҳам чурқ этмай, кўзларини адибдан узмасди. Бирдан Ойбек домла жиддий тусга кириб:

– Исми шарифлари нимайди? – деб қолди муаллимимизга тикилиб.

– Шариф, Шариф Воҳидов, – дея тезгина жавоб қилди ўқитувчимиз ҳурмат билан қўлларини кўксига қўйиб.

– Раҳмат сизга! Зукко, билимдон этиб тарбиялабсиз шогирдларингизни, ўзларини тутишларини қаранг буларни. Аниқ ва тиниқ гапиради.

Домла Ойбекнинг гаплари шу жойга етганда, ҳалиги Хуррам ака деган киши:

– Сизни отангиз ўқитувчи эмасмиди, йигитча? – деб қолди муаллимимизга қараб.

– Ҳа, отам ўқитувчи бўлган. Сиз отамни танирмидингиз? – Жавоб билан бирга савол ҳам берди ўқитувчимиз, у кишига.

– Раҳматли Абдувоҳид кўп билимдон, камтарин инсон эди. Мен уни танирдим. У тоғли қишлоқ мактабларига отда, гоҳида эшакда юриб китоб-дафтар тарқатиб чиқарди. Менимча ўша мактаблар унинг зиммасига юклатилган бўлса керак эди, – деди Хуррам ака. Кейин Ойбек домлага қараб яна нималарнидир таърифлай бошлади:

– Ҳазора ажойиб манзарали боғ-роғлар билан бурканган узумзор жой. Бунақа ширин узумни бошқа ҳеч бир жойда учратолмайсиз. – Хуррам бобо ниманидир эслагандай хаёлга чўмиб, бир зумгина ерга боқиб олди-да, давом этди. – Сира эсимдан чиқмайди, 1933 йили мамлакатимизни кўп жойларида қурғоқчилик бўлганди. Шаҳрисабз муҳитини ўрганиш мақсади-да бўлса керак, бир неча киши билан Йўлдош ота Охунбобоев келганди. Мен ўша пайтда ички ишлар ходими бўлиб ишлардим. Катталарни бошлаб юриш менинг зиммамга юкланди. У пайтларда машиналар йўқ ҳисоби. Битта кичик юк машина бўларди. Уни "Полуторка", яъни "бир ярим тоннали" юк машинаси дейиларди. "Полутурка"га миниб йўлга тушдик. Оқсув дарёсининг нариги томонидаги ноқулай йўллардан

борардик, кутилмаганда машинамиз бир ариқчага тиқилиб қолса бўладими? Машинани ўша жойда қолдириб, тезда келтирилган уч-тўртта отларга миндикда, Мираки қўрғонидан айланиб, Ҳазора қишлоғининг лалмикор экинзорлари бўйлаб кетдик. Тоғларга туташиб кетган қир-адирлардан иборат заминда экилган арпа-буғдой ердан униб чиққанидан кейин икки қаричларга келиб қавраб ётарди. Дон олиб ҳам улгурмаганди. Ўшанда Ҳазоранинг шовуллаган узумзорларини ҳам томоша қилгандик, – деб Хуррам ака ҳикоясини тугатганида Ойбек шоир хўрсингандай бўлиб:

– Ҳа, жуда оғир кечганди халқнинг аҳволи у йиллар. Мамлакатнинг кўп ерларида қурғоқчилик бўлиб, одамлар оч-ночорликда яшаганди, – деб ғамгин гапирди шоир.

– Ойбек ака, – деб бирдан гапни бошқа ёққа бурди Хуррам ака. – Бу ёшлар ўша Ҳазора қишлоғидан келишган. Улар сизга ўз боғларидан узум олиб келишибди. Бир татиб кўринг-чи?

Шундай деди-ю, Хуррам бобо идишда тозагина қилиб ювилган узумни тутди. Адиб бир бош сурхак узумини қўлларига олиб, узоқ томоша қилди-да:

– Тозалигини қаранг-а, биллурдек тиниқ кўринади-я.

Шундай деб бир шингилини олиб оғзига солди-да, ҳузур қилиб еди. Кейин "Қани, катта инсонлар, ўзларинг ҳам олинглар-чи", – деб ўз қўли билан бизларга ҳам узум едирганди.

* * *

Болалигимнинг энг бегубор онлари кечган ўша 1950 йилнинг ёз фаслида сўлим Қаъни қишлоғининг гўзал манзарасида буюк шоир Ойбекдек улуғ инсон билан учрашиб, бир олам завқларга тўлганча орқамизга қараб-қараб қайтгандик. Бир пайт ўқитувчимиз:

– Шошманглар, – деб қолди бизларга. Тўхтадик. "Қаранглар", – деганча қўл чўзиб орқа томонни кўрсатди.

Биз қайтган уйнинг бу томонидаги катта бир ёнғоқ дарахти устига чиқиб икки ўғил бола китоб ўқиб ўтирибди, дарахт остидан эса икки аёл олдида бизлар тенги бир қизча ва ўғил бола билан дарахт устидаги болаларни пастга тушишга ундарди.

– Бу болалар менимча Тошкентдан келишган, мана шу домла Ойбекнинг фарзандлари бўлсалар ажаб эмас, чунки, улар шаҳарда ўсган. Шаҳарда катта бўлган болалар бизнинг қишлоқникидек манзарали жойларда кам бўлади. Қишлоққа келишса, бу жойларнинг манзаралари жуда бошқача кўринаверади, уларга. Кўраяпсизларми, дарахтнинг шохига чиқиб китоб ўқиш ҳам завқ бераяпти шаҳарлик болаларга, – дейди устоз бизга. Ҳаммамиз ўша болаларга завқланиб қараймиз, аммо уларнинг олдига боргимиз келсаям, уялганимиздан буни ўқитувчимизга айтаолмагандик.

Келган йўлимиздан қайтиб кетаяпмиз, "Кўрдингларми, меҳмон болалар китоб ўқишни қандай севаркан, ҳатто оналари пастга тушинглар деб чақирсалар ҳам улар китобдан бошларини кўтаришмайди. Нега? Улар ўқишга берилиб кетганларидан китобнинг ўша қизиқ жойини ўқиб тугатмагунларича пастга тушгилари келмаяпти. Сизлар мактабга борганда бугунги саёҳат ҳақида ҳам, ана шу болаларнинг дарахт шохига чиқиб олиб китоб ўқиётганларини кўрганларинг тўғрисида албатта синфдошларингга сўзлаб берасизлар. Ҳали биз бу саёҳатимиз тўғрисида ҳикоялар, иншолар ёзамиз. Тушунарлими?

– Тушундик, – деймиз биз бир олам қувончларга тўлиб.

Шундай ажойиб ва тарихий хотиралар билан кечга яқин Ҳазора қишлоғимизга кириб келдик.

Аслингга қараб наслинг

Кундалигимда шундай қайдлар бор. 1967 йил 20 февраль. Бугун ҳам Тошкентдаман. Йигирманчи асрнинг "Навоийси" – Ойбекдек буюк инсонни яна бир бор кўриш насиб этганди менга. Афсуски, бу сафар нохуш ҳолатда эди..."

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри. Алишер Навоий номидаги театр олди одамларга тўлиб кетган. Халқ оқими бетиним тўлқинланиб келарди. Театрнинг шундоққина ўнг томонида, Бухоро кўчасидаги 26-уй ҳозирги "Шарқ зиёкори" китоблар марказий дўкони жойлашган бинода собиқ "Совет Ўзбекистони" – ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти фаолият олиб борарди. Табиийки, таниқли ва эндигина умид билан қўлига қалам тутиб, ижод боғига қадам босган ҳар қандай ижодкор вақт топдим дегунча ўша катта нашриёт томон чопарди. (У пайтларда нашрлар жуда кам, борлари ҳам фақат давлат ҳисобида бўлиб, хусусий ва нодавлат деган гап йўқ эди), мен ҳам ўша куни таҳририятга ижодий иш билан киргандим.

Таҳририят ходимлари орасида Ҳабибий домла ҳам бор экан. Ходимлар билан бирга-бирга бинодан чиқиб, театр томондаги одамларнинг катта оқимига бориб қўшилдик. Одамлар чунонам тирбандки, театр эшигидан ичкари хонага оқимни ёриб кириш қийин. Орамиздан ўрта ёшли бир киши домла Ҳабибийга: "Устоз, сиз у томондан, махсус эшикдан бориб кирсангиз қулайроқ бўлармиди, катталарга у томондан рухсат этилган-ку, – деб таклиф қилганди домла: "Мақсуджон энди қайтиб келармиди, уни сўнгги бор кўриш учун бўлса ҳам озгина хизмат қилиб кирсам дейман", – деб жавоб қилди.

Домланинг устларида майин, юмшоқ жунли узун қора пальто, бошларида қўнғир тусли сур телпак, қоматлари тик, бўйлари барчамиздан узунроқ эди. У киши олдинда, атрофларидан тиқилишиб театрнинг олдинги эшигидан ичкарига кириб бораяпмиз. Халқимизнинг севимли фарзанди шоир Мақсуд Шайхзода гулларга ўралганча тобутда салгина боши кўтариб қўйилган ҳолда ётибди, устида ҳаётлигида қандай кийимда юрган бўлса, ўшандай тоза костюм-шим. Ўнг томонида Ойбек домла, чап томонида машҳур ҳофиз Сирож Аминов, ҳар икковларининг ҳам билакларига қора латта бойланган, қўл қовуштириб туришибди. Ҳофиз ғамгин қиёфада йиғлаб хиргойи қилиб турибди. Кўзёши юзларидан оқиб тушяпти. Ойбек домла бўлса, қип-қизил танғизиб кетган, юз-кўзлари ҳам бошқача, устиларида сарғиш тусли макентош, улкан қоматли, ўта ғамгин кўринишда. Марҳум билан видолашиб ўтаётган одамлар оқимига не-не маъноларда жавдираб қарарди. Одамлар ҳам меҳр ила домлага сас чиқармай салом берарди. Ўша пайтларда Ойбек домланинг хасталик азобидан азият чекишини эшитмаган, билмаган ва ич-ичидан эзилмаган маърифатли инсон кам эди. Ўнг қўллари яхши ишламас, ўзлари равон гапиролмас, ҳатто ёзолмасди ҳам. Афсус, ўшанда ёнимда фотоаппарат бўла туриб, Ойбек домла, Сирож Аминларнинг шоирнинг жасади ёнида йиғлаб турган ҳолатни суратга олишга журъат қилолмаганман. Ноқулай деб билганман.

Ўша куни пешинларга бориб театр биносидан шоир Мақсуд Шайхзоданинг тобутини кўтариб чиқиб, усти очиқ, тайёрлаб қўйилган катта юк машинаси устига олишди. Шу пайтда орқа томондан бўлса ҳам секингина суратга туширдим. Марҳумнинг ортидан одамлар оқими Чиғотой қабристони томон йўналди.

Қабристон. Бу ерда не-не буюклар, донолар, ғарибу ғураболар, ўн гулидан бир гули очилмаган ёшлар, дунё ташвишларини тортган кексалар, босган изларида

гулу, боғ-роғлар ўстириб кетган сонсиз-саноқсиз инсонлар мангу уйқуда ётибди. Қабристон эшигидан кирганлар бу ердаги марҳумлар хотирига қалбларидан дуо ўқиб қўлларини юзларига яширинча тортади, овоз чиқармай, фотиҳа қилади.

Оқ волгадан олдин Ойбек домла, кейин Ҳабибий домла, энг кейин академик шоир Ғафур Ғуломнинг хотини Муҳаррам опа тушди. Опанинг устида мотам либоси, оёқларида калиш-маҳси эди. Машинани бошқариб келган киши Омонбек – Ойбек домланинг тўнғичи эди. У ҳаммадан кейин машинадан чиқасолиб отасининг ёнига борди-ю, қўлларидан тутишга уринди. Домла эса нимадир деб чап томонни кўрсатди. Кейин барчалари ўнг томонда Мақсуд Шайхзоданинг одамлар қуршовидаги қабри томонга эмас, чап томонда аниқ кўриниб турган академик шоир Ғафур Ғуломнинг қабри томон юрди. Олдин улуғ шоирни зиёрат қилишдида, сўнгра Омонбек билан опа машина олдида қолишиб, Ойбек домла билан Ҳабибий домлалар янги қабр бошига келаверишди. Одамлар бирин-кетин четланиб, домлаларга йўл очаверди. Икковлари ҳам эгилиб, уюлиб ётган қабр тупроғидан олдида, унга нималарнидир пичирлаб, тупроқни, қабр устига сочди. Одамларнинг меҳр тўла нигоҳлари шу икки улуғ сиймога тикилиб турарди.

Замона зайли шу қадар нозик эдики, у пайтларда марҳумларга жаноза ўқилмас, ҳатто фотиҳа қилиш ҳам ўша даврнинг иллати, эскилик сарқити, ўз замонасининг тилида айтилса, бидъат ҳисобланарди. Коммунистман деган шахс борки, миллий урф-одатлардан мутлақо йироқ бўлиб, дин афюн деган эътиқодда зўраки суғорилган, ҳатто отасининг тобутдаги жасадига қараб йиғлаб юзига қўлини олиб боролмасди. Бир воқеани ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг айтиб берган гаплари ҳамон эсидан чиқмайди.

Абдулла Қаҳҳордек атоқли ёзувчининг отаси ўлганда, марҳумнинг тобутга солинган жасади атрофида видолашиш учун келган халқ мустар бўлиб тўпланиб тураркан. Жаноза ўқишга ҳеч кимнинг журъати етмайди, юрак ютиб ўқишдан қўрқади. Бир пайт Шоир Ғафур Ғулом тўдадан икки қадам олдинга чиқиб:

– Халойиқ, – дебди. – Раҳматли Қаҳҳор ота "Мабодо мен ўлсам, мусулмончиликни унутиб жанозасиз кўмиб юборманглар яна? – деб илтижо қилганди. Отахоннинг васиятини бажариш учун ёлғондан ўқиб юборса ҳам бўлаверадими? – дея мурожаат қилса, тўпланиб турганлар орасидан биров баланд овозда "Бўлаверади! Ўзингиз ёлғондан бўлса ҳам ўқиб юбора қолинг, васиятдан қутуласиз", – деб атай ҳазилга ўхшатиб айтиб юборган экан. Шунда бирданига Абдулла Қаҳҳорнинг отаси жанозасини академик шоир Ғафур Ғуломнинг ўзи ўқиган эмиш.

Ғафур Ғулом жанозани ўзи ўқиб, кўзёшини ичига ютиб, ғамгин бош эгиб турган ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ёнига борса, у шоирга қараб, секингина: "Ғафур, сени елкангни пайғамбар силаганда-а?" – деган экан.

Мана, ҳозир ўзбек ва озор халқларининг севикли улуғ шоири, икки буюк миллат фарзанди Мақсуд Шайхзоданинг муборак қабри устига одамлар кўзёшлари ила гулчамбарлар қўймоқдалар. Севикли шоирнинг қабри гулчамбарларга бурканди. Аммо жаноза ўқилмади. Гуллар тўшаги остида безаниб қолган шоир қабридан кўз узмай, не-не хаёлларга чўмиб турган Ойбекдек, Ҳабибийдек инсонлар қалб-қалбларидан йиғлаб кўзларида қалқиб турган ёш ила қўлларини юзларига тортди.

Азиз шоирнинг минг-минглаб шогирд ва мухлислари қаторида мен ҳам у буюк зотнинг муборак қабрига бир сиқимгина тупроқ сочиб, халқ меҳри ила гулларга безаниб қолган қабрнинг шу кўриниш ҳолида сувратга олдим (Архивимда улар ҳамон сақланмоқда).

Одамлар тарқалди. Фақат марҳум шоир Мақсуд Шайхзоданинг Озарбайжондан етиб келган авлодлари-ю, яқинларигина қабр бошига тиз чўкиб қолишганди. Ажаб

эмас, "Ҳечдан кўра кеч бўлса-да", улар орасидан кимдир мусулмончиликни бажарган бўлса.

"Сизни танийман, сиз ёзувчимиз Ойбексиз"

Ҳазрат Сулаймоннинг узуги кўзида: "Бу ҳам ўтади", деган ёзув бўларкан. Дарҳақиқат, ҳамма нарса ўткинчи. Йиллар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, шунга қараб инсон руҳияти, дунёқараши, тафаккури янгиланаверади. Демак, замон ва адабиётда ҳам ўзгаришлар эврилишлар, янгиланишлар нимадандир кечиш ва ниманидир бунёд этиш жараёни кечаверади. Ҳеч бир нарса макон ва замондан ташқарида мавжуд бўлмаганидек ёзувчи ва унинг ижоди, яратган асарлари ҳам макон ва замонда мавжуд бўлиб, замонни ва халқ дардини куйлаб келаверади. Бунга шубҳа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта.

Хотиралар, воқеалар, ҳодисалар тарих каби тиллардан тилларга кўчиб келаверади. Авлодлардан авлодларга ўтиб, мангу барҳаёт жаранглайверади.

1975 йиллар эди ўшанда. "Ёш гвардия"да, нашриёт директори – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ёзувчи Эмин Усмон, таржимон Эркин Миробидовлар билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Улар нашриётда ишлашарди. (Миробидов тошкентлик бўлиб, 1957 йил Тошкент давлат университетини битиргач, йўлланма билан Шаҳрисабзга келиб, ўша пайтда Амин Умарий номи билан юритиладиган, ҳозирги Ойбек номли ўрта мактаб ёшларига тарих фанидан дарс берарди. Биз шу мактабда бирга ишлагандик). Йигитлик бурчимни буюк адиб Расул Ҳамзатовнинг юрти, Доғистоннинг пойтахти Махачқалъа шаҳрида ўтаб қайтганман. Гап айланиб, Ойбек домланинг Шаҳрисабзда бўлганликларига тақалди. Шунда Худойберди ака: "Жаббор, сиз домла Ойбек юртингизга бориб, уйида яшаб, ижод қилган ўша бир фидойи инсонни топиб, у киши билан батафсилроқ суҳбатлашсангиз яхши бўларди-да, ахир, у киши ҳам кексариб қолгандир. Улар тирик тарих-ку, мумкин қадар у кишининг ўз овози билан қилган суҳбатингиз ёзиб олинса, қандай улуғ иш қилган бўлардингиз. Ойбек домланинг саксон йиллигига яхшигина бир мақола ёзилса, ажойиб туҳфа бўлармиди?" – деган фикрни айтди.

– Яхши иш бўларди-да, дўстим Жаббор. Шу баҳонада ўзларимизнинг ҳам ўша улуғ заминларда кечган ёшлик онларимиздаги иш фаолиятимиз ҳам эслаб ўтилса, ёшларимиз учун қандай бир эсдалик хотиралар бўлиб қолармиди, – деб улуғимизнинг фикрларига қўшилди Эркинжон. (Миробидов ўша пайтда Александр Фадеевнинг "Разгром" ("Тор-мор") асарини русчадан ўзбек тилига таржима қиларди. Эмин Усмонни "Тилла чаноқ" дейилган китоби чиқаётганди. Мен ҳам нашриётга биринчи ҳикоялар тўпламимни олиб борган эдим. Тўпламни шу жойда Худойберди аканинг ўзлари кўриб, ярим бетлар чамаси сўзбоши ёзиб бердида: "Жаббор ҳазилга мойилроқ нарсаларни кўпроқ қаламга олади, кичик-кичик комик асарлари, миниатюралари театрларда, ойнаи жаҳон орқали ҳам намойиш қилиняпти-ку. Булари ҳам матбуотларда эълон қилинган, тайёр асарлар экан. Ўзингиз муҳаррирлик қилақолинг", деб шу ернинг ўзида тўпламга "Учрашув" деган ном ҳам қўйди ва нашриёт ходими, ёзувчи Эмин Усмонга топширди.

Кейин, Худойберди ака гапга якун ясаш мақсадида бўлса керак: "Онамни соғликлари яхши эмас, лекин мени Москвага чақиришган, бормасам бўлмайди", деб айтди. Биз у кишига оқ йўл тилаб хайрлашдик. Афсус-надоматларким, Эмин Усмон билан ҳам, Эркин Миробидов билан ҳам ўшандан кейин бошқа кўришиш насиб этмади.

Нашриётдаги ўша суҳбат туртки бўлиб, шундан кейин мен ўз ҳамюртим, табаррук инсон Хуррам бобо Боқиевни излаб топдим ва кўп маротаба учрашдим. Бу кишидан буюк инсон – Ойбекнинг Шаҳрисабзда кечган ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳали фанимизда маълум бўлмаган, ҳеч жойда ёритилмаган жуда кўп нарсаларни билиб олдим. Ҳатто муборак қўллари билан ёзган учта қўлёзмаларини ҳам топдим. Уларни кўз қорачиғимни асрагандай архивимда сақлаб келаман.

Буюк адибнинг Шаҳрисабзнинг чекка бир сўлим гўшасига келиш сабабларига қизиқмаган китобхон кам топилса керак, албатта.

Биз отахон билан у кишининг ўз қўллари ила яратилган боғларидаги гилос дарахти остида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Атроф ям-яшил дарахтзор. Олдимизда дастурхон. Ҳар хил мевалар, олтиндай товланиб, пишиб етилган ширага тўла гилос ва буғи таралиб турган кўк чой. Табиийки дастлабки суҳбатимиз буюк адибнинг шу кишиникида бўлиши тўғрисида эди:

– 1950 йил эди ўшанда, – деб ҳикоя қила бошлади Хуррам бобо. – Айни сурхак узум пишган пайт. Вилоят сув ва ўрмон хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Бекмурод Усмонов бир гуруҳ меҳмонлар билан боғимизга кириб келишди. Бекмурод акани раҳбаримиз бўлгани учун яхши билардим. "Шу жойда бир гўзал боғ яратиб, бу ерни обод этинг. Болаларингиз, оила аъзоларингиз билан майли истаганингизча манфаат ҳам кўринг", деб ўзлари шу жойни менга тоширганди. Ишларимни кузатиш мақсадида келиб, топшириқлар бериб турарди. Мен болаларим, қариндош-уруғларим билан бирга шу қалин теракзор атрофларида дарё қирғоқларидаги ташландиқ жойларни янада кенгайтириб, боғзорга айлантирдим. Шу ерда яшаш учун уй-жойлар ҳам қилиб олдим.

Бекмурод ака вилоят ходимлари билан Шаҳрисабзга, Миракига келганларида албатта биз барпо қилган боғимизга кириб, сайр этиб, томоша қилар, баъзан дам олиб қайтган пайтлари ҳам бўларди.

Бугун у киши бошлаб келган меҳмонлар орасида шоир Ойбекни мен бирдан танидим. Ҳаяжонланганимдан: "Сизни танийман, сиз ёзувчимиз Ойбексиз", деб юборибман.

Бекмурод ака одатига кўра дарров гапни ҳазилга буриб кетди.

– Ҳа, бу киши сизнинг ёзувчингиз, бизнинг божамиз Ойбек бўлади. Бу киши Зарифа опа, сизнинг шоирингизни аёли, бу киши эса, Шарифахон – бизнинг жононимиз бўлади, – деб роса кулдира-кулдира меҳмонларни таништирган эди.

Меҳмонлар орасида Ойбекнинг ўғли Бекжон, қизлари Гулранг, Бекмурод аканинг ҳам Камол ва Рустам исмли ўғиллари бор эди. Биз меҳмонлар билан тезда танишиб, инок-тотувлашиб кетдик. Биздаги манзара уларга жуда ёққанидан "Қандай хушманзара жойлар экан-а, қушларнинг сайрашини", деб ёшлар сакраб-сакраб ўйнашарди. Ҳали хоналарга киришмасдан, нарсаларини қўясолиб, катталар ҳам бир-бирларини етаклашиб, атрофларга, зилол сувлар ва ранг-баранг дарахтлару қушларнинг наволарига маҳлиё бўлиб томоша қилишга киришиб кетди.

Кейин билсам, Ойбек домла Покистон сафаридан жуда толиқиб қайтгач, бир қанча шаҳарларнинг курорту санаторийларига бориб дам олса ҳам тобора қийналиб, руҳан ўзларини ёмон сезавераркан. Ёзувчининг соғлиги ҳам, кайфияти ҳам унчалик яхши бўлавермагач, Бекмурод ака билан Зарифа опалар адибни гўзал, сўлим ва тинчгина жойда дам олдириш мақсадида келишилган ҳолда бу ерга, биз томонга бошлаб келган эканлар.

Бекмурод Усмонов ўзлари тошкентлик бўлсалар-да, узоқ йил Қашқадарё вилоятида сув ва ўрмон хўжалиги бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаб, Қарши шаҳрида

яшарди. Ўз соҳаси бўйича вилоятда жумладан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида айниқса, Қарши чўлига каналлар қаздириб сув чиқаришда, жуда кўп жойларни ям-яшил боғ-роғларга буркашда, сувсиз ерларни сувлик майдонларга айлантиришда бош-қош бўлиб, савоб ишларни амалга оширган, халқпарвар, бир сахий инсон эди. Афсус-афсус, у киши 1994 йили қазо қилди. Бизлар у кишини кўл остида ишлаган бир неча одам Тошкентга бориб, яқинлари, фарзандларига таъзия билдириб келгандик.

"Зарифа, қара, нечук мафтункор оҳанг-а?"

Дарё тўлқинланиб, ўркач-ўркач бўлиб, даҳшат солиб оқар, қандайдир ёқимли қўшиқ оҳанглари эшитилгандай бўларди.

– Тингланг, тингланг! Қўшиқ жаранглаяпти, – дейди ҳаммадан олисроқда турган шоир. Бирдан бошқалар ҳам ўша томонга, сувдан кўз узмай тикилиб турган Ойбекнинг олдига келишади. Адибнинг хаёл оғушида эканлигини тезгина илғаган Зарифа опа келиб, унинг елкасига бошини қўйиб, қўлидан оҳиста тутди: "Демак, Ойбегимга бу табиат ёқаяпти", деган хаёл билан бошини баланд кўтариб эрининг ҳамон сувга тикилиб турган чеҳрасига жилмайиб қаради. Бир энтикиб қаради-ю, Ойбек ўзига суяниб турган Зарифасини сезиб, уни кифтидан қучди ва ҳамон ўша хаёлда:

– Гўзал! Гўзал! Зарифа, қара, нечук мафтункор оҳанг-а? – деб юборди. "Балки, бу ҳолатини ҳозир унинг ўзи ҳам сезмаётгандир", деган хаёлга борган олима севикли Ойбегининг елкаларини нозик бармоқлари билан силаб-сийпалаганча юзларига термилиб боқди. Эҳтимол шу пайт уларнинг ёшликдаги олов дамлари, ўқиш онлари, бири Тошкента, иккинчиси Петроградда ўқиб, титраб-титраб, бир-бирларига севги мактубларни шеърга солиб изҳор этган дамлар, қайноқ ва ширин даврлари эсга тушгандир. Ёки шундай беғубор, самимий, дилкаш инсонга шафқатсизларча отилаётган тошларни эслаган бўлсалар не ажаб. Уларнинг шу ҳолатини анча олисдан кузатиб турган Бекмурод ака билан хотини Шарифа опалар бир-бирларига маъноли қараб, уларга ҳаваслари ортиб гапиришяпти:

– Ойбек хурсанд, Шарифа.

– Опамни қаранг. Қандай ярашиб туришибди-я!?

– Бу ернинг мусаффо, тоза ҳавоси уларни мафтун этаяпти.

– Шу жойга бошлаб келганимдан хурсандман, – дейди Бекмурод ака хотинини секин қучиб.

Табиатнинг гўзаллигини қаранг, дарёдан чунонам ёқимли шабада эсяптики, таърифига тил ожиз, – дея жилмаяди Шарифа. Шу пайт уларга яқин келиб, Бекжон ялпоқ бир тошни олди-да, сувга қулочкашлаб отди. Силлиқ тош сув юзида уч-тўрт сакраб кетди. Уни кузатиб турган болалар роса қийқиришиб кулди. Жажжи қизалоқ Гулранг бўлса, акаси Бекжонга термилиб:

– Қандай отдингиз? Тошни сув юзида сакрашини биринчи бор кўришим. Яна ирғитинг, – деб ўйноқларкан болалар ҳам қувончларга тўлиб: "От-от, яна бир ирғит-чи", дея шовқин солаверишди. Уларнинг шодликларидан катталар янада завқ олиб: "Булар бунақа катта ва зилолдай тоза сувли, тезоқар дарёни биринчи бор кўрганлари учун ҳайратланмоқдалар!" дейишарди. Афсуски, Бекжон қанчалар тош олиб сувга отмасин энди тош сув юзида сакрамади.

Сайёҳлар дастлабки кичик ва ҳаяжонли саёҳатдан бир олам завқларга тўлиб, мезбон Хуррам акаларнинг камтаргина аммо сўлимдан-сўлим кулбасига қайтди.

Шундай қилиб ҳали дастурхон атрофига ўтирмасдан меҳмонлар келганларидан сўлим манзараларни деярли бир соатлар чамаси айланишиб қайтсалар, шиғилдай мевали шохлари осилиб турган тўртта олма дарахти остида ясалган жуда катта

супа устида кенг қилиб жой ҳозирланган, дастурхонлар тузалган, турли хилдаги мева-чеваю сабзавотлар, таомлар кўзни ўйнатиб турарди.

Меҳмонлар хоналарга кириб кийим-бошларини алмашлаб чиқишгач, ҳаммалари катта ва кенг супадаги жойда, бир дастурхон атрофида жойлашиб ўтирди. Бу жой меҳмонларни беҳад қувонтириш билан бирга таажжублантирарди ҳам. Чунки, оддийгина лойдан ясалган шундай катта ва чиройли супанинг тўрт четида тўртта олма дарахти бўлиб супага соя ташлаб турарди. Кундуз кунлари тангадай қуёш ёруғи тушмайдиган соя-салқин бўлса, тунлари дам олишга қулайлиги беқиёс эди.

– Офарин, – деди Ойбек домла дарахтларга назар ташлаб. – Бу мевали дарахтлар дид билан экиб парваришланган. Қарангиз, қанчалик ижодкорона меҳнат қилинган бу ерда.

– Биласизларми, супанинг атрофларига атайлаб олма дарахтлари экилган? – деб кимёгар олима Зарифа опа хушкайфиятли Ойбегининг фикрини қувватлаш мақсадида.

– Чунки, – деб бирданига домла Ойбекнинг ўзи жавоб қилди. – Ёз пайтлари далада, очиқ ҳавода ухлаш мароқли бўлур. Олма дарахтининг остида ётиб нафас олиш янада шукуҳли ҳамда шифобахшдир. Албатта шу жойнинг бунёдкори ана шуларни олдиндан пухта ўйлаб қилганлиги ойнадек равшан бўлиб кўриниб турибди.

– Жуда тўғри фикр, – деди-ю Бекмурод ака гапни янада жиддийроқ ҳазилдан бошлаб юборди:

– Шарифахон, опангиз – кимёгар домла Зарифахондан сўранг-чи, шу пайтгача у киши севикли Ойбеклари билан кўп жойларда бўлишган бўлсалар-да, шундай тинчгина сўлим манзараларни кўрган эканларми?

– Йўқ! Йўқ! Ростданда биз Зарифа билан кўп ва турли шаҳарларнинг истироҳат гўшаларида бўлганмиз, бироқ уларнинг барчасидан-да бу жойнинг манзараси гўзалроқ кўриниш бермиш бизга.

Ҳаммадан олдин ёш боладай беғуборлик билан кулганларича Ойбек домланинг ўзлари тўлиқиб жавоб қилиб қўяқолди.

Зарифа опа билан Шарифахонлар эса бу сўлим манзарали жой адибга манзур бўлаётганлигидан завқланиб кулганларича, болаларига қараб:

– Сизлар тортинмасдан, дастурхондаги таомлардан олиб ейаверинглар, – деб уларни ҳам завқлантиришга ундарди. Суҳбат борган сари жонланиб бораркан, Зарифа опа оқшом тўғрисидаги бу ўтириш ҳақида изоҳга ўтди:

– Бундай бирга ўтириб овқатланиш табиатдан, завқ олиш ҳаётимизнинг эсда қоладиган энг ажойиб дамларидан бири бўлиб қолажак. Гап шу жойга етганда икки қўлида чойнак кўтариб келаётган уй бекаси:

– Вой, нега қараб ўтирибсизлар? Қани, дастурхонга қараб ўтирсаларингиз-чи, – деди шошилиб. Ҳали уй бекаси қўлидаги чойнакларни дастурхонга қўйиб улгумасидан Бекмурод ака атайлаб жавоб қайтаряпти.

– Ҳалиям қараб-қараб ўтирибмиз, келинойи. Яна нима қилишимиз керак?

"Гур" этиб кулги кўтарилди. Айниқса гапнинг моҳиятини тез англаган Шарифахон билан Зарифа опалар роса мириқиб-мириқиб кулишарди. Уй бекаси бўлса ўзи айтган гапидан завқланиб кулганича "Ахир бу нарсалар ким учун тайёрланган? Уларга қўл урмай ўтирибсизлар-ку! Қараб-қараб ўтирингизлар-да", деса бўладими яна. Бу сафарги гап тоза ҳам ҳангомага мойил бўлиб, барчани, ҳатто Ойбекдан тортиб болаларгача роса кулдириб юборди...



БИЗ ДАРЁМИЗ, У – ДЕНГИЗ

Тўра МИРЗАЕВ

Қадимги юнон академияларида илм суҳбатларда туғилиб, суҳбатларда камолга етган. Ўқиш ва ўқитишнинг, ўрганиш ва ўргатишнинг бу анъанавий усули шарқ илм академиялари учун ҳам бегона эмас. Қурилган мадрасалар, хонақоҳлар, устоз уйидаги мактаблар бунинг исботи. Суҳбат асносида устоз-шогирднинг нафақат билимига, муайян касбни эгаллашига, балки унинг инсоний фазилатларига ҳам ишлов берган. Устоз шогирдида тақдирдошлик туйғуларини уйғотган.

Шу маънода академик Тўра Мирзаевнинг "Ҳоди Зариф суҳбатлари" китоби катта қимматга эга. Бу китоб ва китобдан жой олган суҳбатлар бизни бахшилар дунёсига боғлайди. Бугунги суҳбатимизда биз олим Тўра Мирзаев орқали ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, Ҳоди Зариф орқали ўзбек бахшичилигининг булбули Эргаш Жуманбулбул ўғлининг достончилик оламига янада яқинлашишни ният қилдик.

Шаҳноза Назарова: Устоз, айтинг-чи, Ҳоди Зариф Эргаш Жуманбулбул ўғли билан илк марта қаерда кўришган, қандай танишган? "Ҳоди Зариф суҳбатлари"га киритилмаган хотиралар ҳам бордир?

Тўра Мирзаев: Суҳбатимизни саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб беришдан бошлай қолай. Устоз Ҳоди Зариф билан менинг устоз-шогирдлик мулоқотларим ўн бир йил муттасил давом этган (1961–1972). Ўша йиллари биргаликда ишлаш давомида деярли ҳар куни учрашиб турар эдик. "Ҳоди Зариф суҳбатлари" китоби эса бу мулоқотдан қирқ йил кейин ёзилган. Айрим қайдларни ҳисобга олмаганда, бу суҳбатларни мен ўз вақтида ёзиб бормаганман. Шундай қилмаганим кейинчалик менга бир умр армон бўлиб қолди. Бундай ҳолатда суҳбатларнинг қайбирлари унутилган бўлиши, қайсиларидир китобга киритилмаганлиги табиийдир.

Жумладан, мен ҳали аспирантурага ўқишга кирмасимдан олдин, 1960 йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Жалойир қишлоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан (1889–1971) иккита фольклор асари ёзиб олган эдим. Бахши унинг биринчисини "Бир бой қизининг туши", иккинчисини "Қадимги ҳикоя" дея айтиб берган эди. Биринчиси шундай бошланади:

Тўра МИРЗАЕВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби. 1936 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини (ҳозирги БухДУ) тамомлаган. Унинг "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари, "Халқ бахшиларининг эпик репертуарлари", "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди", Олий ўқув юртлари учун дарслик (ҳаммуаллифликда), "Эпос и сказитель", "Ҳоди Зариф суҳбатлари" каби китоблари чоп этилган.

Қиз тушини чечасига айтиб тургани:

Оч газадан чанг чиқди,
У нимадир, чечажон?
Жўра отли бир чиқди,
У нимадир, чечажон?..



Шаҳноза НАЗАРОВА

Шу тариқа қиз ўз тушини ўттиз мисрада ўн беш савол тарзида баён этади. Чечаси (янгаси) ҳам уни шу маромда таъбир қилади:

Оч газадан чанг чиқса,
Совчи келар, она қиз.
Жўра отли бир чиқса,
Қуда келар, она қиз...

Иккинчиси айтишув тарзидаги яна бир бошқачароқ намуна эди:

Эшикдан келди бир гадо,
Ҳассасин тираб: – Ҳув, – деди.
Уйдан чиқди бир моҳпора:
– Уйнинг эгаси йўқ, – деди.

Кейинчалик суҳбатларнинг бирида ушбу намуналарни устозга ўқиб бериб, уларнинг жанр мансубияти ҳақидаги мулоҳазаларини сўраганимда, шундай жавоб берган эдилар: "Бу намуналар қайсидир эпик асарнинг узинди парчаларига ўхшайди. Улар қайси асар таркибида келганлигини, яъни асл манбани ҳозирча мен ҳам айта олмайман. Шу сабабли уларнинг биринчисини мавжуд мустақил ҳолида тўй маросими узвлари билан боғлиқ яхлит сюжетли, савол-жавобга асосланган мураккаб топишмоқ, иккинчисини айтишув тарзидаги лирик қўшиқ сифатида баҳолаш мумкин". Ўшанда суҳбат давомида кутилмаганда, иккинчи намунанинг биринчи бандини ўзларича хиргойи қилиб, уни 1927 йилда Термиздан қайтиб келган таниқли фольклоршунос ва драматург Ғулом Зафарий куйлаб берганлигини айтиб, ўзбек фольклорининг дастлабки тўпловчиси ва тадқиқотчиларидан бири Ғулом Зафарий ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб берган эдилар... Шунингдек, Элбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзодалар билан боғлиқ суҳбатлар ҳам китобга кирмай қолган. Улуғ олим билан бўлган суҳбат ва мулоқотлар мавзу доираси жиҳатидан кенг ва хилма-хил бўлганки, уларни бир китоб доирасида баён қилиш имкониятдан ташқари. Агар диққат қилган бўлсангиз, китобда маиший-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар бутунлай четлаб ўтилган. Асосий диққат фольклоршунослар, фольклор ёки фольклоршуносликнинг айрим масалаларига Ҳоди Зарифнинг муносабати ва қарашларини баён қилишга қаратилган. Шу сабабли "Ҳоди Зариф суҳбатлари" китобининг тўлдирилган иккинчи нашрини амалга ошириш ёки бошқа бир китоб яратиш керак бўлади. Бу энди келгусининг вазифаларидандир.

Шаҳноза НАЗАРОВА – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). 1987 йилда тугилган. Ўзбекистон миллий университетини тамомлаган. Унинг 3 рисоласи (1 таси хорижда), 30 га яқин мақолалари (1 таси хорижда), 20 га яқин тезислари (3 таси хорижда); "Мувозанат", "Оҳанг" номли шеърий тўпламлари ва бадиий таржималари, "Огаҳий ижодига янгича бир назар", "Хаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида" рисолалари чоп этилган.

Энди саволингизнинг асосий қисмига келсак, мен устоздан ўз вақтида улуғ достончи Эргаш Жуманбулбул ўғли билан илк марта қаерда кўришгани, қандай танишганини сўрамаган эканман. Аммо шуни қатъий айтиш мумкинки, Ҳоди Зариф Бокудаги Ўқитувчилар семинариясини битириб, 1926 йилда Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий Марказининг Ўзбекларни ўрганиш қўмитасида иш бошлаганининг дастлабки кунлариданоқ Самарқандда атоқли достончи билан танишган. 1927 йилнинг май ойида, иккинчи маълумотга қараганда, июль ойида Хатирчи тумани Қатағон қишлоғига – Пўлкан шоир ҳовлисига бориб, бу ерга етиб келган Эргаш Жуманбулбул ўғли билан биргаликда тоғ ошиб, Эргаш шоирнинг юрти – Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғига бориб, Қўрғон бахшилари билан учрашувлар ўтказган. Афсуски, бу учрашув ва суҳбатларнинг ёзувлари сақланиб қолмаган. Ўшанда Ҳоди Зариф, ўзининг айтишича, профессор Абубакр Диваев маслаҳати билан ўзбек халқ мақолларини 1923 йилдан бошлаб йиғишга киришган, Бокуда бўлганида озарбайжон оталар сўзларини ўрганган, халқ ижоди намуналарини тўплашда муайян тажриба орттирган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, 21-22 ёшлардаги навқирон йигит, Эргаш Жуманбулбул ўғли эса Бухоро мадрасаларидан бирида бир муддат таълим олган, бахшилик санъатининг барча нозикликларини ипидан игнасигача пухта билган ўта маҳоратли достончи, 58 ёшдаги донишманд мўйсафид бўлган. Ёш жиҳатидан улар орасида катта фарқ бўлишига қарамай, бу икки буюк инсон умрларининг охиригача бир-бирларига нисбатан катта ҳурмат, меҳр-оқибат ва садоқат билан яшаганлар, ҳатто мен айтар эдимки, уларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликлари ота-ўғил муносабатлари даражасидан ҳам юксакроқ бўлган. Чунки уларни бир олийжаноб мақсад – халқ достонларини мумкин қадар кўпроқ ёзиб олиш ва сақлаб қолиш, Эргаш ота таъбири билан айтганда, "маорифга хизмат қилиш" бирлаштириб турар эди.

Бундай ижодий ҳамкорликни Эргаш шоир достонларини ёздираётганда қистирма мисраларда ва термаларида бот-бот такрорлаб берганлиги ҳам тўла тасдиқлайди.

Бизлар суханварлардирмиз,
Шоирларга раҳбар Ҳоди,
Тошкент элда ўз хилига
Ҳаммасига сарвар Ҳоди.

Ёки:

Тўрт шоир келибди, Ҳоди раҳбари,
Лекин суханварнинг ўзган сарвари.

Ёхуд: "Холдорхон" достонини ёздирар экан, лирик чекиниш қилиб, фольклоршунос ва достончи муносабатларига доир қуйидаги мисраларни қистириб кетади:

Суханвар ҳам афта берса,
Гапи кетмасин кўпайиб,
Бўлак сўзни айтибсан, деб
Мулла Ҳоди юрса койиб.
Энди гапни қўяйик,
Кетмасин гап кўп бўп бойиб.
Ўтган катта шоирларга
Гап айтмоққа менман нойиб.

Ўз навбатида Ҳоди Зариф ҳам Эргаш шоир ижоди ва достончилик маҳоратига юксак баҳо бериб, уни доимий равишда тадқиқ этиб келди. Умрининг сўнгги йилларида шоирдан ёзиб олинган достон ва термалардан иборат беш жилдлик китобни нашрга тайёрлади. Шунда устозга: "Халқ достонлари асрлар давомида куйланиб келинади. Уларни бир бахши муаллифлигидаги асарлар тўплами тарзида нашр этсак, қандай бўлар экан? Эргаш шоир ўтганларга нисбатан бир ижоддош-ку", – дея савол берганимизда, улкан олим шундай жавоб берган эди: "Йўқ, ундай бўлмайди. Беш жилдлига "Булбул тароналари", дея умумий бир рамзий ном берамиз. Чунки илгари ўтган бахшилар ҳам "Булбул", Эргаш шоирнинг ота-боболари ва момолари ҳам "Булбул", достончининг ўзи ҳам "Булбул". Тўпламнинг бундай номланишида асрлар давомида халқимизнинг ҳамкорликдаги оғзаки ижодкорлиги бардавомлиги ҳамда Эргаш отанинг улкан ижоддош-санъаткор эканлиги ўзининг яққол ифодасини топади. Келгусида "Фозил шоир куйлайди" деган умумий ном остида улуғ бахшидан ёзиб олинган достон ва термалардан иборат ўн жилдликни ҳам тайёрлаш лозим". Шу тариқа "Булбул тароналари" беш жилдлиги 1971–1973 йилларда нашр этилган эди.

Бугунги кунда Қўшработ тумани, Жўш даҳаси, Қўрғон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уй-музейи ташкил этилган. Нурота тумани маркази ва Қўрғон қишлоғида шоирнинг ҳайкаллари, Самарқандда эса улуғ санъаткорлар – Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоирларнинг суҳбатлашаётган ҳамда достон куйлаётган ҳолати тасвирланган монумент ўрнатилган. Ҳоди Зариф тайёрлаган ва нашр этилган "Булбул тароналари" беш жилдлиги, шунингдек, рус тилида олим тартиб берган "Песня Бульбуля" номидаги уч жилдлик кабилар ҳам улуғ достончи хотирасига қўйилган ўзига хос бир тарздаги муносиб ҳайкалдир.

Умуман олганда, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва бошқа бахшиларнинг аниқланиши ҳамда улар репертуаридаги достонларнинг ёзиб олина бошлашининг ўзи бир тарих. Ўтган асрнинг 20-йиларига қадар, бахшилар ўзлари яшаётган ҳудудларда тўй-томошаларда, байрам ва тантаналарда танилган бўлсалар-да, уларнинг номлари, куйлаётган асарлари илм аҳлига, кенг халқ оммасига маълум эмас эди, вақтли матбуотда ҳам бу ҳақда айтилмасди. Шу сабабли XX асрнинг бошларигача ҳатто энг илғор Европа фанида ҳам ўзбек халқ эпосининг жонли оғзаки эпик анъаналари сақланиб қолмаган, кўп асрлик мумтоз адабиёти ва юксак даражадаги шаҳар маданияти уни сиқиб чиқарган, деган хато фикр ҳукмрон эди. Шу маънода жонли оғзаки эпик анъаналарда етиб келган халқ достонларини бевосита бахшилар оғзидан ёзиб олина бошланиши ўзбек фанининг буюк кашфиёти бўлган эди, дея дадил айта оламиз.

Шуни айтиш керакки, бахшиларнинг, жумладан, Фозил Йўлдош ўғлининг биринчи аниқланиши Ғози Олим Юнусов номи билан боғлиқ. Олим 1922 йилнинг ёз ойларида ҳозирги Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва қисман Фарғона водийсида тўрт ой давомида халқ урф-одатлари, уруғлар, фольклор асарлари, атамалар тўплаш учун экспедицияда бўлган. Ўшанда биринчи марта Фозил Йўлдош ўғли, Ҳамроқул бахши билан учрашиб, "Алпомиш" достонидан парчалар ёзиб олган ва бу парчалар "Билим ўчоғи" журналининг 1923 йил 1-2-қўшма сонида нашр этилган эди.

Кейинчалик Ўзбекистон Халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси халқ достонларини мунтазам равишда тўплашга киришди. Ўшанда биринчи достон Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Ёзиб

олиш ишлари асосан 1926–1928 йилларга тўғри келади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирларнинг ўзларидангина 40 дан ортиқ халқ достонлари ҳамда ўзларининг асарлари ёзиб олинган. Бу асарларнинг ёзиб олиниши бевосита Ҳоди Зариф номи билан боғлиқ. Ҳоди Зарифнинг ўзи Эргаш Жуманбулбул ўғлидан "Равшан", "Холдорхон"нинг бош қисми, Фозил Йўлдош ўғлидан "Ёдгор", "Рустамхон", Пўлкан шоир ва Фозил Йўлдош ўғлидан "Юсуф билан Аҳмад" достонларини ёзиб олган. Бир қанча достонларни бошқа тўпловчилар ёзиб олган бўлса ҳам, шу ишни ташкил қилган олим Ҳоди Зариф ҳисобланади.

Ҳаёт қизиқ экан. Бахшилар яшайдиган қишлоқларда достонларни ёзиб олишга деярли шароит йўқ. Ўша йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандга олиб келинган бахшилар ўз қишлоқларига тез-тез кетиб қолаверишган. Сўнг Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси 1926–1928 йилларда Булунғур туманининг Қирқшоди қишлоғида яшовчи Муҳаммадиса Эрназар ўғли ҳовлисидаги бир меҳмонхонани ижарага олиб, ёзиб олиш ишларини ташкил этган. Бахшилар шаҳар муҳитига мослаша олмагач, шундай йўл тутилган. Шу тариқа ҳатто достонни куйлаш шароити ҳам яратилган. Бахшилар вақти-вақти билан шу қишлоқда яшаганлар. Ҳоди Зариф ўз мақолаларидан бирида: "Қирқшоди қишлоғи машҳур ўзбек халқ шоирлари – Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканларнинг қароргоҳларидан бири, фольклор асарларини тўплашдаги фаолиятнинг қишлоқдаги муҳим пунктларидан бири бўлган", – деб ёзган эди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли халқ бахшиларини аниқлаш жараёнида кўплаб маълумотлар берган. Ҳоди Зариф эътирофича, Эргаш Жуманбулбул ўғли бунда халқ бахшиларини олға етаклаган. Мана бир мисол. Пўлкан шоир 1926 йилда негадир илмий ходимлардан қоча бошлаган, яширинган. Ҳатто қишлоқ шўроси раиси билан келишибми, Хатирчидан ўзи ҳақида "ўлди" деган сохта маълумот ҳам жўнаттиради. Пўлкан шоир Эргаш Жумàнбулбул ўғли таъсиридагина хатосини тушуниб етади ва Қирқшоди қишлоғига келиб достонларини ёздира бошлайди. Мана сизга Эргаш Жуманбулбул ўғлининг маърифатпарварлик қиёфаси. Халқ бахшилари саводсиз эдилар, деган гапга Ҳоди Зариф мутлақо қарши бўлган. Улар улкан оғзаки билимга эга бўлган ўта донишманд кишилардир. Имлони билмаслик уларни саводсиз дейишга асос бўлмайди, деб ҳисоблаган. Бу ерда бевосита Ҳоди Зарифнинг ўзи билан боғлиқ қизиқ бир ҳолат бор. Ҳоди Зариф 1927 йилда янги ташкил этилган Самарқанд педагогика академияси (ҳозирги СамДУ филология факультети)га ўқишга кирган, икки-уч ой ўқигач, ихтиёрий равишда ўқишни ташлаб кетган. Кейин бирор олий ўқув юртида таҳсил олмаган. Номзодлик, докторлик илмий даражалари ҳам эълон қилинган ишлари бўйича берилган. Олим олий ўқув юртини ташлаб кетишининг асосий сабаби қилиб бахшилар билан учрашувларини кўрсатади. "Халқ бахшилари тимсолида буюк бир хазина топгандай бўлдим, олий ўқув юрти дарсхоналарига қатнашдан кўра ўз вақтимни бахшилар билан мулоқотлар ва улар билган асарларни ёзиб олишга сарфлашни афзал билдим. Шу маънода Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли каби улкан достончилар менинг маънавий устозларим бўлганлар", деганди. Буни олимнинг, фольклор тадқиқотчисининг халқ бахшилари юксак оғзаки билимга эга эканликларининг ўзига хос эътирофи деб тушунмоқ керак. Олим уларнинг ўзини бир дорилфунун деб қабул қилган. Шунинг учун ҳам бутун кучи, имкониятини бахшилар репертуаридаги асарларни ёзиб олиш, нашр этишга сарфлаган. Ҳақиқатда ҳам бугунги ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архи-

вида сақланаётган материалларга бир назар ташласак, бадиий жиҳатдан энг гўзал асарлар худди шу йилларда – 1926–1930 йилларда ёзиб олинган.

– Ҳоди Зариф Фозил шоирни ҳам, Пўлкан шоирни ҳам яқиндан билган. Мени кўпроқ қизиқтираётган нарса шуки, Эргаш шоирнинг Фозил Йўлдош ўғлида ёки Пўлкан шоирда бўлмаган қайси хусусиятларини қадрлаган ва шунчалик ўзига яқин олган?

– Ҳоди Зарифнинг Эргаш Жуманбулбул ўғлидаги энг қадрлаган сифатлар унинг маҳоратли достончи бўлиш билан бирга дунёвий ва диний илмлар, шунингдек, мумтоз адабиётни пухта билишлигидир. У бошқа бахшилардан фарқли ўлароқ фольклор асарларини ўзига хос равишда баҳоловчи ижодкордир.

Бу ўринда Ҳоди Зариф мақолаларидан каттароқ бир хулосавий кўчирма келтириш билан юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқламоқчимиз: "У устодларига катта ҳурмат билан қараган ҳолда ўрганган достонларини қайта ишлар, ижодий қобилиятини ишга солиб, достонларнинг бадиий қимматини ошириш учун тиришар эди. Эргаш ёзма адабиётдан ҳам бахраманд бўлгани учун Навоийдек улуғ шоирларнинг санъатларидан озиқланганидан шерикларига нисбатан яна ҳам сўзга бойроқ эди. Унинг достонлари "Равшан", "Қундуз билан Юлдуз", "Далли", "Кунтуғмиш" ва бошқалар республикамиздаги бизга маълум халқ шоирларининг достонларидан бадиий ишланиши жиҳатидан анча устун туради. Достонларимизнинг кўпида шеър тузилишида примитив шакллар кўзга ташланиб тургани ҳолда, Эргаш достонларида шеърларнинг маълум бир қолипга солингани ва аксар изчиллик билан давом этганини кўрамиз. Эргашда қофиялар ранг-баранг. У радифдан кўп фойдаланиш билан баробар қийин шаклларни ҳам топиб ишлата билади. Эргаш достонларидаги вазн ҳам бошқа достонларимизга нисбатан бойроқ. Эргашнинг катта талант эгаси эканини унинг ҳамма асарларида кўриш қийин эмас. Шеърда сўзларни мумкин қадар иқтисод қилиш, ортиқча сўзлар билан тизимни чўзиш каби ҳоллардан қочиб, ҳар нарсанинг ўз характерини ифода эта биладиган сўзларни танлаб, бир-икки байт ёки банд билан бутун бир ҳаётий лавҳа беришга интилишда Эргаш ҳамма достончиларимизга намуна бўла олади".

"Эргашдаги ҳофиза қувватининг кучлилиги, – деб ёзган эди Ҳоди Зариф, – кишини ҳайратга солади. У ўзбек тилидаги бирор шеърий асарни иштиёқ билан бир-икки маротаба эшитса ёки ўқиб чиқса, бошдан-оёқ эсида қолар эди". Устоз Эргаш шоирдаги бу тенгсиз қобилиятни, унинг бадиҳагўйлик санъатини оғзаки суҳбатларда ҳам тез-тез такрорлаб турарди: "Мен ҳаётимда ноёб хотирага эга икки кишини кўрганман. Бири – тилшунос Е. Д. Поливанов, иккинчиси – Эргаш отадир. Эргаш ота бир кўрган нарсасини ипидан-игнасигача хотирасида сақлаб, батафсил айтиб бериш қобилиятига эга эди".

Шундай қилиб, Ҳоди Зариф Эргаш шоирни билимли, достонларининг бадиийлигига алоҳида эътибор берадиган санъаткор, достон ва достончиликни халқона баҳоловчи донишманд сифатида эъзозлаган. Биз Эргаш отадан аввал айтилган достонларни билмаймиз, кейингиларидан хабардормиз. Агар Эргаш шоир куйлаган асарларни, дейлик Пўлкан шоирдан ёзиб олинган намуналар билан қиёсласак, композицион жиҳатдан ҳам, шеър қурилиши, шеър вазнлари хилма-хиллиги, шеърий бандларнинг изчиллиги, ҳатто 50–60 мисрали триадаларнинг мавжудлиги, қофияларининг такрорланмаслиги ва оригиналлиги жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутадики, Ҳоди Зариф Эргаш шоир достончилик маҳоратидаги мана шу томонларни алоҳида қадрлар эди.

– Устоз, фикрларингиздан олим ва бахши бир-бирини шакллантирган, бир-бирини тарбиялаган, кўмак берган ва ўртада шу илм юзага чиққан, деган хулосага келишимиз мумкинми?

– Бундай хулосага келиш бир томонламадир, балки тўғри эмасдир. Чунки фаннинг янги йўналишининг, бу ўринда фольклоршунослик илмининг шаклланиши ва юзага келиши ўнлаб омиллар билан боғлиқ. Юқорида баён қилинган Эргаш отанинг достон ва достончилик ҳақидаги мулоҳазалари, бошқача айтганда, Эргаш шоирнинг бадиий-эстетик қарашлари унинг бир жиҳати, холос. Аслини олганда фольклоршунос ва достончи ўртасидаги ўзаро таъсир биз ўйлагандан бошқачароқ. Саволингизга бир мисол билан жавоб бераман. 1937 йилдаги суҳбатларнинг бирида Эргаш шоир бахшилар орасида кенг тарқалган ҳамда Гўрўғли тилидан айтиладиган "Армоним қолмади" термасини айтиб беради. Уни тинглаган Ҳоди Зариф: "Ота, жуда яхши терма. Лекин унинг айрим бандларида бироз умидсизлик руҳи бор. Булут чайнаб, музни пуркаб ғурурланиб юрган Гўрўғлида унсизлик кайфияти сезилади", деган.

Ўшанда Эргаш ота бу эътирозга муносабат билдирмаган. Аммо бироз жиддийлашганлиги, эътирозни тўла маънода маъқулламаганлиги қиёфасидан билиниб турган. Бунда муайян асос ҳам бор эди. Чунки бу терма бахшилар орасида мустақил равишда кенг куйланиши билан бир қаторда айрим достонларнинг якуний таркибида мослаштирилган ҳолда турли ҳажмларда ижро этиларди. Жумладан, Эргаш шоирнинг ўзи ҳам шу термани 1927 йилда "Холдорхон" достони таркибида 103 банд, 1926 йилда "Қундуз билан Юлдуз" достони таркибида 43 банд ҳажмида айтиб берган. Бу термадаги ғурур ва армон руҳи бахшилар орасидаги "Кунларим", "Кунларинг", "Тўрамсан", "Султоним", "Борми жаҳонда", "Гўрўғлининг ҳасрати" каби термаларда ҳам ўз ифодасини топган.

Эртасига шоир шу термани "Армонинг қолмасин" номида қайта айтиб беради ҳамда 37 бандли бу асарни Ҳоди Зариф ёзиб олади. Бунда шоир янгидан нималарнидир ижод қилмайди, балки тўрт мисрали бандларнинг тўртинчи мисрасидаги сўзларнинг шаклини ўзгартирган ҳолда янги маъно ташувчи бешинчи мисрани яратади. Бунда бирор сўз қўшилмайди, балки тўрт сатрдан иборат бўлган бандлар беш мисрали тизимга айланади. Терма аввалгисида шундай бошланган:

Аввал бу дунёга келдим,
Мисли гулдай бўп очилдим,
Душман элда ғариб бўлдим,
Бўлдим, армоним қолмади.

Кейинги, қайта айтилган вариантда:

Аввал бу дунёга келдим,
Мисли гулдай бўп очилдим,
Душман элда ғариб бўлдим,
Бўлдим, армоним қолмади,
Бўлма, армонинг қолмасин.

Ёки:

Хитой, Хўтан кезиб юрдим,
Осмон остини қидирдим,

Ер юзини бир-бир кўрдим,
Кўрдим, армоним қолмади,
Кўргин, армонинг қолмасин.

Қаранг, Ҳоди Зарифнинг биргина эътирози термага янги руҳ бахш этган. Агар терманинг айрим бандларида умидсизлик кайфияти сезилган бўлса, унинг номининг ўзгартирилиши ҳамда тўрт мисрали бандлар охирига бир мисра қўшилиши билан, айтиш мумкинки, янги бир асар пайдо бўлган.

Устозим менга буларни сўзлаб бераётганларида сўрадим: "Домла, бахшилар айтганини ўзгаришсиз ёзиб олиш керак дегандингиз-ку. Ўзингиз матнни бузган бўлиб чиқмайсизми?" "Йўқ, – дедилар, – қўшилган бир мисрани мен тўқиганим йўқ. Термада фақат қандай руҳ борлигини айтдим. Бахшининг ўзи кечаси билан ўйлаб, шу бир мисрани қўшиш орқали янги бир асар яратган. Бу аралашиш ёки таҳрир эмас". Бу бахшининг чиройли бир топилдиғидир.

– Устоз, Эргаш Жуманбулбул ўғлини Ҳоди Зариф ўрганди, сизлар ўргандингиз. Кейинги авлод фольклоршунослари бахшининг қайси жиҳатларини ўрганиши керак, нималар қолиб кетди, деб ўйлайсиз. Устозингиз қайси томонлари етарлича тадқиқ этилмади, дея армон қилган эдилар?

– Саволни шундай қўйдингизки, унга жавоб бериш учун бутун бошли китоб ёзиш мумкин. Чунки ўзбек халқ достончилиги, жумладан, Қўрғон бахшилик мактаби, шу мактабнинг улкан ижодкори Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди шу қадар поёнига етиб бўлмас хазинаки, уни ўрганганимиз сари кам билишимиз, ниҳоятда кам ўрганганлигимиз, улар куйлаб келган асарларнинг атиги ярминигина ёзиб олганлигимиз аёнлашаверади. Бу ўринда бир-икки жиҳатни қайд этиш билан чекланаман.

Аввали шуни айтиш керакки, Эргаш шоир ижодини, умуман, фольклор масалаларини тадқиқ этмоқчи бўлган ҳар бир киши аввало Ҳоди Зариф тадқиқотларини пухта ўрганиши лозим. Чунки биз бугунги кунда ўтган олимлар, жумладан, Ҳоди Зариф асарларини мутлақо ўқимай қўйдик. Эргаш шоирнинг:

Тоғнинг адири ўради,
Ўрага қўйлар ўради,
Уч тол қилиб санамлар
Чочини майда ўради,

– деган бир тўртлиги бор. Шоир ижодининг бундай намуналарини Ҳоди Зариф "тажнисли тўртликлар" деб атаган. Шу тўртликка бағишланган Ҳоди Зариф таҳлилларини тўла келтиришни лозим кўрдик. Зеро, Ҳоди Зарифдаги масалага кенг ва ҳар томонлама ёндашиш, фольклор асарларини халқ маиший ҳаётининг турли жиҳатлари билан боғлаб ўрганиш, биринчи навбатда уларнинг бадиий-эстетик маоҳиятига алоҳида эътибор бериш бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам эътиборини тортса. "Биринчи сатрдаги *ўра* сўзи от бўлиб, деб ёзган эди Ҳоди Зариф, инсон ва ҳайвон учун машаққат билан аста-аста кўтариладиган юксакликни билдиради. Жумланинг бошланишидаги *тоғнинг адири*, деб қайд этилиши (сўз ҳар бир адир устида эмас, қир адирлари ҳам кўп. Унга чиқиш учун кўп уриниш ҳам керак эмас) ҳавас билан, завқ, тилак билан юқорига интилиш, кўтарилиш, бу эса фазилатда юксалиш символи сифатида кенг маънога эга. Бу ҳол айниқса, ўзбек халқ достонларида қаҳрамоннинг ўз орзу-тилакларига эришиш учун сафар-

да тоққа кўтарилиши эпизодларида ҳам анъанавий бадиий бир услуб даражасида мустаҳкам ўрин олган.

Иккинчи сатр яна шу тилак билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг жуда кўп ерларида кун қизиғи билан дашт ўтлари тезда қовжираб қолиб, чорва моллари тоққа қараб ҳайдалар эди. Чорва озиқ учун кўк ўт орзусида секин-секин тоғ ораларига ўрмалардики, бу табиий талаб айрим жойларда ҳозир ҳам бор, чунки ҳаёт шуни талаб қилади.

Тўртинчи сатрдаги саъжли қофия аёлларнинг соч ўриши ҳақида бўлса ҳам, бунинг юқоридаги икки сатрга мантиқий боғланиши бор, деб тушунамиз. *Уч тол қилиб санамлар, Чочини майда ўради* жумласидаги марҳумларга фольклоршунос сифатида назар ташласак, ўзбек қизларининг қиёфий гўзаллик белгиларидаги нафосатдан кичкина, лекин муҳим, эътиборга лойиқ этнографик деталлар кўз ўнгимиздан кечади. Қора сочни икки ўрим қилиб саллониш гўзаллик меъёрларидан бири сифатида аёлни ҳам, эркакни ҳам қанчалик ўзига жалб этса, сочнинг бир неча толасини бирлаштириб, силай-силай гўё бир толга келтириб, уч толни бармоқлар орасида унисидан-бунисига, у қўлдан бу қўлга ўтказа-ўтказа майда қилиб ўриб чиқиш, кейин қирқ кокилни орқа бўйлаб ёйиб, завқ билан юриш ўшанчалик жозибадордир. Бунда гўзаллик, завқ-шавқ тажассуми бор. Энди кўкаламзор тоғ бағрига ўрмалаб турган қўйларни, уларнинг хатти-ҳаракатларини узоқдан кузатилгандаги завқни эсласак, бир-бирига мутлақо алоқа бўлмагандай икки байтдаги параллелизм бир даража англашилади".

Эргаш шоир ижоди ва репертуарининг биринчи тадқиқотчиси Ҳоди Зарифнинг биргина тўртлик таҳлилига бағишланган мулоҳазаларини тўла келтиришдан мақсад, бир томондан олим тафаккур доирасининг миқёсдорлигини кўрсатиш бўлса, иккинчидан, унинг фольклорга ёндашув усулини тарғиб қилиш, ундан ўрганишга даъватдир. Чунки ҳар қандай янги тадқиқот мустаҳкам илмий асосга эга бўлиши зарур. Зеро, шоир ижоди ва репертуарининг салмоғи, унинг ғоятда бадиий ўзига хослиги янги-янги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда.

Тўғри, Эргаш шоир ижоди ва ҳаёти, унинг бой репертуарини ўрганишда ўзбек фольклоршунослигида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ундан ёзиб олинган асарлар деярли тўла равишда нашр этилди. Аммо унинг "Холдорхон", "Қундуз билан Юлдуз", "Далли", "Хушкелди" каби кенг миқёсли достонлари ҳамон тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шоирнинг шўро даври ўз ижоди ҳам янгича баҳолашни талаб қилмоқда. Шоир қолдирган улкан адабий мерос асосида фольклор поэтикаси ва бахши бадияти, анъанавий жанрлар ва поэтик жанрлар ривожи, достончиликнинг стадиал тараққиёти, бахшилик мактабларидаги услубий ўзига хосликлар ва бошқа ўнлаб муаммолар бўйича янги тадқиқотлар яратилиши зарур.

– Мазмунли суҳбатингиз учун журналхонлар номидан миннатдорлик билдирамиз. Саломат бўлинг!

ЕТТИНЧИ ТОНГ

Роман[1]



Шойим БЎТАЕВ

Кундузги тўс-тўполон шамол Уташан осмонида ҳамиша муаллақ турадиган Чингизхоннинг оқ булутини қайларгадир ҳайдаб юборгач, сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари тиғдек тилиб ўтар эди. Таранг тортилган ёғий камонидан учган ўқлардан жони узилган юртпарвар навкарлар шу тариқа яқинларига осмон илми орқали мужда етказишга жаҳд қилишаётгандек туюларди. Осмон – шаҳид юлдузларнинг гўристони. Бу ҳодиса-белгилар ярим тунда Уташаннинг кекса муждачи-хабарчиси Юнус отани ҳам безовта қилиб, уйқусини учириб юборган эди. Ўша, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупанинг нариги четида, савачўп билан саваланган пахта солинган кўрпа қатида Норвиш бувиникидан ғалати аҳволда, худди азадан келгандек келган кампири она қурсоғидаги каби ғужанак ҳолда узанган эди. Ҳатто ёмон кўрган одаминг азасига борганингда ҳам барибир хушнуд бўлолмайсан. Нега бунақа бўлдийкин, улоқ гўшти ёқмай қурсоғини оғритдимикан? Подачи кампирларга қанақа улоқ сўйиб бердийкин – бичма бўлсамикан ёки сасиб кетган сассиқ такамикан? Йўқ, гап улоқда эмас, агар шунақа бўлгандайди кампири тун бўйи ётолмай ҳовли этагидаги ташнобга қатнар, оҳ-воҳлаб ўз нафсидан ўзи қойиниб шикоят қилган бўларди. У эса келганидан буён тескари ўгирилганча қимир этгани йўқ, нимадандир хижолат чекаётгандек ҳатто нафас олаётгани ҳам билинмайди.

Безовта куннинг эртасига ўтар тун. Таҳликааро сезилмагандек туюлган кундузнинг бошоғритар безовта ташвишлари, осмон қозонида чатнаган юлдузлар каби, сиртга бодраб чиқиб, ҳар қандай хотиржам ҳаловатни бебилиски ўғирлаб кетишади. Шундан сўнг қани энди кўзга уйқу инса.

Юнус ота дуч келган жойни эгаллаб ётган газета-журналларнинг тахлам-тахламлари-ю, боғлам-боғламларини кечанинг ўзидаёқ қазноққа ташиб қўйишни мўлжаллаган эди. Мазбут манқа кириб келганида бу ишга у астойдил киришган эди. Аммо божаси Одил қудуқчиникига бориб, уни тушиб олган қудуғидан чиқишга кўндирмаса ҳам бўлмасди. Шамол ҳам тинай демасди. Мазбут манқага эргашиб Юнус ота божасиникига кириб борганида Ойдин коса қудуқ бошини тарк этиб, одатдаги ўз юмушларини бажариб юрар, овқат ғамини қилар, ўғлини шоширганча, "Чопиб бориб холанг билан поччангни тезроқ айтиб келмасанг, отангни

[1] *Давоми. Бошланиши олдинги сонларда.*

устига ўзимни ташлаб юбораман, майли ўлсак, иккаламиз билла-билла ўлайлик", деган аҳдини аллақачон ёдидан чиқариб юборгандек эди.

– Келинг, почча, – эрини қудуқ ичидан чиқариш учун эмас, Юнус отани меҳмондорчиликка чақиргандек у қўлини тавозе-ла кўксига қўйди. – Ичкари кириб, бир пиёла қайноқ чой ичиб олинг.

– Божа қудуқдан чиқсинлар-чи, чой қочмас, – Ойдин косанинг гапидан ғаши келса-да, Юнус ота бўлажак ғалва-ғишавалар хавотири юзасидан ўзини ортиқча гапдан аранг тийди.

– Бу кишининг топиб олганлари шу қудуқ, – кундоши ҳақида сўйлаётгандек аламли илжайди Ойдин коса. – Кўмдириб ташлайин дейману, қўни-қўшниларникига челак кўтариб сув қидириб юришим қолувдими, деб шайтонга ҳай бераман.

Юнус ота унинг қўни-қўшнилариникида, қавму қариндошлариникида, қаерда бўлмасин, ўзининг йўқолган ё алмашиб қолган қандайдир косасини излаб юргани учун "коса" лақабини орттирганини, энди агар шунақа қиладиган бўлса "сувчи"ми, "тиланчи"ми, "гадо"ми ёинки феъл-атворга мослаб лақаб тўқийдиганлар томонидан ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган яна бир лақаб орттириб олиши мумкинлигини эслатмоқчи эди, аммо унинг юмалоқ юзидан, пириллаб турган жунунваш кўзларидан айтган гапи аллақачон эсидан чиқиб кетганини фаҳмлаб, индамай кўя қолди.

– Қопқоғини ёпиб қўйганмисизлар? – деб сўради Юнус ота Уташаннинг барча тешик-тирқишларигача кириб борган шамол ҳовли юзида хас-хашакларни учирма қилиб юрганидан хавотирланиб. – Устига бирон нарса тушиб кетмасин дейман-да.

– Қопқоғи ёпилган, – бу борада ўзининг тарихчалик айбсизлигини билдирганича бамайлихотирлик билан деди Ойдин коса. – Чиқсангиз чиқинг, чиқмасангиз устингиздан қопқоқни ёпаман, дедим.

– У нима деди? – шу саволнинг жавоби орқали божасининг аҳвол-руҳиясини билиб олиши мумкинлигига шубҳа қилмаган Юнус ота ошиғич равишда сўради.

Ойдин коса қандайдир теран мулоҳазага берилгандек, бирпас жавоб бермай, сукут сақлаб турди. Юнус ота саволини такрорлаш учун оғиз жуфтлаётганди, у негадир жавоб қайтариш ўрнига туйқусдан ҳўнграб юборди. Ўзини босиб олишга ҳарчанд уринса-да, бўғзига тиқилиб келаётган чексиз аламларни боса олмай, ҳиқиллайверди.

"Пешонам қурсин нима кўрдим ўзи бу ерга келиб... Қилди-қилди шу ишни отам қилди. "Қудуқни яхши кавлайди бекорчихўжа ҳар ёқларда санқиб юрмайди", деб эси кетарди мана энди тирик бўлсайкан кўрарди, ҳар ёқларда юрмаганини ўзи тушиб ётиб оладиган қудуғини кўрсатардим, мақтаганингизни кўринг, дердим. Шу уй уй бўлсин деб қанча тежаб-тергаганимни билса эканки унинг ёнини олсам ҳали бир кун келиб ўлиб кетсам устидан ўша ўзи кириб оладиган қудуғининг қопқоғи ёпилиб ана иннайкейин кўради кўрадиган кунини. Кейин фойдаси бўлмайди афсус-надоматларининг ҳозир етмаган бўлса ўшанда етади қадримга. Аммо менга барибир уйидан илон чиққандек орадан сал бир гап ўтгудек бўлса қудуққа қараб чопиб қолишини эшитган одам оғзи қолиб, кети билан кулади-да. Одамлар билишмайди бунинг қанақалигини, аммо бир кунмас-бир кун барибир билиб олишади. Ўшанда кўчагаям чиқолмай қудуғига тушиб ётаверсин кейин битта калишни оёғимда тўзитганимга неччи йил бўлди. Одамларнинг ҳотинига ўхшаб қўша-қўша калиш-махси деяётганим йўқ-ку? Шунақа дейдиган бўлсам, биттамас мингта қудуғигаям яшириниб қутулолмайди ҳалиям эшик санаб юришимга косани баҳона қилишимни одамлар пайқашмайди. Ҳақиқатдан ҳам косаси-

ни алмаштириб ёки адаштириб қўйган деб ўйлашади. Йўқса бор-йўғи тўртта коса деб бутун бошли Уташан кўчаларини қайси аҳмоқ айланиб чиқарди. Қудуғига яшириниб олгунча, хотинга мундо-оқ хотинмисан деб илиқ-милиқ қарашни ҳам билмайди. Ҳалиям шу биттани қизиғида туғиб олганим қолаверардим-да икки қўлимни бир тепа қилиб. Шуни бурнига бир нима бўлган дўхтирга обориб кўрсатинг десам, вақти келиб ўзи очилиб кетади дейишдан нарига ўтмайди. Пулини бермаган бўлса ўзидан соқит қилиш учун Карим дўхтирга ўхшаган бирон-таси шунақа деган бўлса дегандир-да, ишониб кетаверадими одам деган! Овози дўриллаб боряпти ҳали шу бурни тиқилиб гапиришини деб унга қиз тополмай яна эшик санаб юрмасайдим...”

Ойдин косанинг нималардир демоқчи бўлиб, тилига тирсак чиққандек ёинки ўз сирини ўзи ошкор қилиб қўйишига туйқусдан фаҳми етиб қолгандек, кўзининг сийдигини оқизишга зўр бераётганининг ўзи ҳам аллақандай тубсиз ва иркитлик-ларга тўлиб-тошган қудуқни эслатар, унинг тубидан азалий иллатларнинг янги маконда энди унган алафлари тор новдаларида қадимий заминнинг завол билмас исирғалари ялт-юлт товланганча илиниб туришарди. Одил қудуқчи, чамаси, қудуқ ичида туриб ҳам улардан огоҳ бўлган, кўрмаса ҳам кўрган, эшитмаса ҳам эшитган – шу асно ўз қадр-қимматини тубанда туриб юксалтиришга саъй-ҳаракат қилганича хотинининг ич-этидан ўтиб кетадиган қандайдир зўр луқмани унинг башарасига улоқтирган кўринарди. Йўқса, Ойдин коса кўзининг сийдигини оқизиб ўтирмай, тилига эрк берган, ичида гап қолдирмай ҳаммасини ташқарига улоқтирган бўларди – у чоғда Одил қудуқчининг ота-бобосидан қолган бу ҳовлини елкамнинг чуқури кўрсин деб, ўзининг исмати қонамаган қизлик уйини қидириб кетишига тўғри келарди.

Юнус ота, кўзга шунча ёш келиши мумкинлигини бовар этолмай, ортида тилтоғ[1]ланиб қолгандек кўзлари ғилтиллаб, бот-бот бурнини тортиб турган Маз-бут манқага, кетдик, ишорасини қилди.

Улар икковлон ҳовли этагидаги қудуқ ёнига боришди. Дарҳақиқат, қудуқ қопқоғининг тамбаланган эшик каби ёпиғлигини кўриб Юнус ота:

– Мазбутвой, қопқоқни бир четга суриб қўйинг, озгинаям очиқ жой қолдирилмабди-я, отангизнинг нафаси тиқилиб ўлиб қолмадимикан, – деди бунақа ҳодисаларнинг кўпам фожиа эмаслигига ишора қилаётгандек бамайлихотир то-вушда.

Мазбут манқа унинг айтганини адо этиб, четга чиқиб турди.

Юнус ота қудуқдан сув тортиб чиқарадиган ғалтак ўрнатилган икки томондаги устун-ёғочнинг ўнг томондагисини қўли билан ушлаб, очиқ қудуқ устига энкайди.

– Божа қаердасиз? – деб сўради қудуқ тубида милтираб турган сувдан ўзгасини кўрмаганидан Одил қудуқчи аллақачон чиқиб кетдимикан деган гумонда.

Қудуқдан садо чиқмади.

– Қопқоқ ёпиқ эди-ку? – Юнус ота Мазбут манқага ҳайрон бўлиб қаради.

– Ўзларига кўзга ташланмайдиган жой қилиб олганлар, – тушунтириш берди Мазбут манқа.

– Оббо пишиғ-ей, – деди Юнус ота қойил қолгандек бош чайқаб. Кейин яна қудуқ устига энкайди. – Биламан, шу ердасиз божа, – деди энди уни қўлга туширгани аниқдек.

– Балониям билмайсизлар, – деган умумлаштирилган хулоса қудуқ ичидан гум-бирлаганча акс садо берди.

[1] Тилтоғ – соқов.

– Нима қиласиз ҳаммани қийнаб? – унинг кўрс муомаласидан бироз жаҳли чиққан эса-да, айни дамда буни ошкор этишнинг мавриди эмаслигини, ўзини оғир-босиқ тутишга мажбурлигини Юнус ота ҳис этганча навбатдаги даставезини қудуқ ичига йўллади.

– Ҳамма билан менинг нима ишим бор? – қудуқ ичидагининг Одил қудуқчи эканлигини билмаган биров учун бунақа гаплар қайсар руҳлар мажлис-машваратидаги баҳс-мунозарадан ўзгаси бўлиб туюлмасди.

– Кап-катта одамсиз, – жаҳли чиққанини билдирмасликнинг иложини тополмай қолди Юнус ота.

– Кип-кичик одам қаерда экан? – қудуқ ичидан уни масхаралаётгандек овоз чиқди.

– Ҳамма гапни тескарисига бураверманг.

– Тўғри гапни қаерда эшитгансиз?

– Бошқаларни ҳам ўйланг.

– Бошқалар мени ўйламасинми?

– Элу юрт бор ахир.

– Ким у элу юрт?

– Бошвоғингизни узиб кетибсиз.

– Сиз занжирингиздан қачон халос бўласиз?

Қудуқдан чиқмай ўтирган божасини қудуқдан чиқариш учун у билан мунозара олиб бораётган Юнус отага сув тортиб чиқарадиган ғалтак ўрнатилган икки томондаги устун-ёғочнинг ўнг томондагисини қўли билан ушлаб, очиқ қудуқ устида пастга энкайганча турган унинг ўзи туйқусдан қуйига – қудуқ ичига тушиб қолгандек, қудуқ ичидаги божаси эса унинг ўрнида тепага чиқиб олгандек туюла бошлади. Одил қудуқчининг фикрини бир жойга жамлаб олганлиги ва албатта шундан келиб чиққан ҳолда бўлса керак ўта хотиржамлиги Юнус отани тобора асабийлаштириб бетоқат қилиб қўяётганди. Чанг-тўзон кезиб юрган қудуқдан ташқаридаги оламда шу сабабли у ўзини қандайдир тубсиз ўрага (эҳтимол қудуққадир!) тушиб қолгандек ҳис эта бошлади. Қаршиси, икки ёни, орқаси баланд тўсиқлар билан тўсилган, тепада бир парча осмон ҳам кўринмас, ўша тушиб олган жойининг исканжасида кимирлай олмайдигандек кўринарди Юнус ота. У бундан қутулиш учун албатта қудуқ ичига тушиб олмаса бўлмаслигини ҳис эта бошлаб, ҳатто бир оёғини кўтариб қудуққа киритишни мўлжаллаб бораётганида орқада турган Мазбут манқа унинг елкасидан ушлаб ўзи томон тортди ва:

– Нима қиляпсиз, почча?! – деганича қичқириб юборди, шу қадар қаттиқ қичқирдики зўриқишдан манқаланиши йўқолибми-ёйилибми кетгандек бўлди.

Юнус ота уйқудан уйғонгандек чўчиб ўзига келди.

Ўғлининг қўрқиб кетганидан, деярли бақиргудек бўлиб чинқиргани, қудуқ ичидаги отасига ҳам бориб етгани боис, унинг гулдираган овози акс садо берди:

– Қўявер, поччанг ҳам ўзини қутқазмоқчи бўлаётгандир.

Юнус ота ёқасиз яктагининг ёқаси ичига туф-туфлади. Ўзини бир-икки қадам ортга олган бўлди. Гарчи, Мазбут манқанинг турткиси билан ўзига келгандек кўринса-да, ички бир куч етовида ҳамон илгари интилиб турарди. Ҳаттоки, ёшлик чоғларидаги каби тирсагини кескин ҳаракатда солиб, бир зарб билан Мазбут манқани қулатганча, ўзи қудуққа шўнғишнинг роҳатбахш орзусидан титраб турарди.

– Ўзингизни халос этинг, – қудуқ ичидан эшитилиб қулоқларига ўрнашиб олган овоз унинг барча андиша-мулоҳазаларини бир пул қилганча ўзи томон чорламоқдан толиқмас; олам аро кезган чанг-тўзон асносида миясидаги қасирғаларидан ҳушини йўқотаёзгандек бўларди.

– Эҳтиёт бўлинг, почча, – огоҳлантирарди Мазбут манқа уни қаттиқ ушлаб олганича.

Шамол Юнус ота этагини тортқилар, қандайдир чийилдоқ овоз чиқазганча нималаргадир ундаётгандек кўринарди. Хас-хашаклар, қоғоз парчалари учирмасидан ҳосил бўлган майда қуюнчалар теварак-атрофда тиним билмай айланишарди.

– Ҳа, ҳа, – Мазбут манқанининг сўзларини тез-тез бош ирғаганича маъқуллаётгандек кўринса-да, аллақайларда саросар кезинаётган хаёлот оламининг аллақандай жозиб сеҳру тароватидан ўзини халос қилолмай, ич-ичидан қудуққа тушиш тийиқсиз истагини ҳамон жиловлаб ололмасди Юнус ота.

– Яхшиямки, узоқроқ кетмай ёнингизда турганим, – дерди Мазбут манқа ўзининг саъй-ҳаракати Юнус отани фавқулодда фалокатдан эмин сақлаб қолганига кулли ишонч билан..

Ранги оқариб, кўзлари алланечук бежо чақнаб турган Юнус отанинг ичидан аллаким, итга ўхшаб нега оёғим остида ўралашиб, ортимдан ёпишиб олгансан, деганича Мазбут манқадан ётсираб, ундан қандай қилиб ўч-алам олиш борасида мулоҳаза юритаётганга ўхшарди. Хайрият, Юнус отанинг қўлида бирон-бир яроқ бўлмагани, йўқса кўзига итдан ҳам баттар кўринаётган Мазбут манқани бир ёқли қилганча, фикру хаёлини забт этиб турган қудуққа шўнғиган бўларди. Шундаям бўй бергиси келмаганидан юлқинганича:

– Қўйвор! – дея ўзиникига ўхшамаган, бегона овозда хитоб қилди.

Шу чоққача иккиланиброқ турган Мазбут манқа бу хитобдан сўнггина вазиятнинг нечоғлик таҳликали тус олганини илғаб, поччасини наинки қўлдан қўйвориш, балки уни қудуқ бўйидан олиб кетмаса бўлмаслигини фаҳмлаб етди.

У энди Юнус отанинг қўлтиғи остидан маҳкам сиқиб ушлаб олди ва онасини чақирди. Гоҳ супурги ушлаб, гоҳ хокандоз кўтариб ўзининг муҳим юмушлари билан пешайвон саҳнида ўралашиб юрган Ойдин коса дарҳол етиб келиб, поччасининг ҳам кўз очиб кўрган завжаи ҳалоли каби унинг ёнига қудуққа тушиб олмоқчи бўлаётганини билиб, аввалига ҳангу манг бўлиб қолди, кейин лаби лабига тегмай чиллаёсин ўқиётгандек гинахолик қила кетди.

– Во-ой, почча, шу умидда сизга ўғлимни юбориб чақиртириб келувдимми? – адашмай нишонга бориб тегадиган тиғдор савол билан бошлади дийдиёсини у. – Сиз ҳам қудуққа тушиб олсангиз мен-ку мен, ўзи кўнгли ярим Ойтош опамнинг қариганда ҳоли не кечади? Мастми-аластми унинг ўзининг ўрганган қудуғи, тушиб кетаверади, сиз унинг ёнига тушаман деб ўтакангиз ёрилиб кетса ё бошқа бирон фалокат рўй бериб қолса, бунинг иснодини Уташанда қандоқ кўтариб юрамиз? Сувини ичиб юрган қудуғимиз ўлик чиққан қудуқ бўлиб, ҳаромга айланиб қолмайдими? Шуларни ўйламадингизми, поччажон, сизни нима жин урди ўзи?!

Ойдин коса энди бир дарди икки бўлиб, баралла ув торта бошлади. Она-бола бўлиб Юнус отани уй томон судраб кетишди.

– Бу қудуққина ўлгурнинг бир балоси бор шекилли, – дея жаврарди қочиб кетмасин деб Юнус отанинг чап қўлига чирмовиқдек тармашиб ушлаб олган Ойдин коса унинг ўнг томонида жасорат кўрсатиб келаётган ўғлига. – Отанг-ку, майли, бир балолардан халос бўламан шу қудуқ ўлгурга тушсам деб ўзининг баҳонасини ўзи ўйлаб топади, туппа-тузук юрган поччангни ҳам ўзига оҳанрабодек тортганини айтмайсанми.

– Мен ҳам халос бўлмоқчийдим, – эс-ҳушини йўқотгандек кўринган Юнус ота кутилмаганда ғўлдираб қолди.

– Во-ой, поччанг ҳам отангнинг ўзгинаси бўлиб қолибди-ку, – афсус-надомат билан бош чайқаганича яна ўғлига мурожаат қилган Ойдин коса Юнус отага таъна-маузлик билан қараб қўйиб, жавоби ўзига аввалдан маълумдек дашном аралаш савол ташлади. – Сиз нимадан халос бўлмоқчийдингиз, почча?

– Ҳаммасидан! – эълон қилди энди Юнус ота. – Ҳаммаси жонимга теккан!

– Во-ой ўлмасам! – бўш қўли билан юзини тирнаётгандек ҳаракат қилди Ойдин коса. – Шу ёшда шунақа гапни айтгани уялмайсизми, почча?!

Юнус ота, дарҳақиқат, ёши бир жойга бораётгани, бунақа ёшда ҳеч нарса жонига тегмаслиги, жонига тегса-да буни билдирмаслиги кераклиги ёдига тушдими, жуда руҳсиз ҳолда мунғайиб қолди.

– Уят, – дер эди Ойдин коса бу сўзни такрорлаб хатм қилса маъноси бўртишини билгандек. – Уят!

Юнус отани уйга киритиб, кўрпача устига ётқизиб (ўзини билиб-билмай ҳолдан тойиб қолган эди), устидан эшикни маҳкам ёпиб, шилдироқ зулфини тушириб, ичкаридан асло очиб бўлмайдиган қилиб кетишганидан сўнг, унинг шижоати батамом сўнди ва пинакка кетиб, уйқусида аллақандай чуқурга тушиб кетаётгандек бўлаверганидан ҳечам ҳаловат тополмай, ўқтин-ўқтин чўчиб тушганича, бироз ором олган бўлди. Кейин илкис кўзларини очиб, очилган кўзларини тўғридаги деворнинг лойсувоғидан чиқиб ётган сомонларига тикканича бирпас ётди. Қизиғи шунда эдики, у қудуққа назар ташлаганида ер остининг тубидаги зилол сувда ўзининг аксини кўрган, унга боқиб турган ўзлиги ҳозирги ҳолатида эмас, болалиги тимсолида намоён бўлган, шунинг учунми, қудуққа тушиб олишга жаҳд қилган, ўз ёшини унутган, бўлар-бўлмас қиликлар кўрсатиб сабийларча хатти-ҳаракатларга мойиллиги ошгандан-ошиб бораётгани билан Уташанга мавҳум пайғомлар келтирувчи ҳар нарсага елка қисиб, ҳар нарсадан ҳадик олувчи муждачи-хабарчи ўртасидаги тенгсиз муҳорабада унинг ложарам вужуди дош беролмай абгор ҳолатда чилпарчин бўлиб ётса-да, қайсар руҳи бўй бермаган, бўй бергиси келмаган, ундан ўз гавҳар-нурини ҳақли равишда талаб этганди. Елкасидаги жигарранг почтачи сумкасини базўр эплаб кўтарган болакай. Из тушмаган қор. Газеталар. Намиқиб кетгандек тобора елка эзади. Хатлар. Очиқ нигоҳини ташқарига тиккан кўча эшиклари. Ичкаридан эшитилган ҳовлиқма қадам товушлари. Умидворлик. "Ўзинг келмасанг ҳам, хабаринг келдими болам? Англашилмовчилик – ҳози-ир, ўзингизми ё хабарингизми? Нега ҳадеб мендан сўрайверасизлар – Юнусвой, тинчликми?" Мен уларнинг йўқолганлик хабарларини ташийман.

Унинг мижжаларига ёш қалққан, аммо унинг ўзи буни пайқамас, аллаланган гаҳворасида бармоқчалари учларига тикилиб, бармоқчалари учларини сўриб ётган сабийлик жисму жонини қуршаб олган эди. Ўз бармоқларидан таралган ҳикматни сўриб кун кўриш фароғатини тўймоқдан ўзгаси сомонга ийланиб деворга ёпиштирилган лой каби сиртки қобиқни мустаҳкамлаб боравергани-ни ҳис этаётгани унинг буришиб-қотган терисини аллақандай майинлаштириб, суяк-ускуналарига сингиб кетган оғриқларга малҳам бўлаётгандек эди.

Қудуққа туша олмаган бўлса-да, унга тушиш истагининг ўзидан шу қадар фароғат туяётган Юнус ота энди Мазбут манқа ва унинг жодугар онаси Ойдин косанинг қаршилигини бир зарб билан кунпаякун қилиб юбориши кераклигини ўйлаб турган чоғида устидан ёпилган эшикнинг ташқаридаги шилдироқ зулфини кўтарилган товуши эшитилди.

У илкис ўгирилди.

Ўша бадарға этилган масканида, қаерга келиб қолганини билолмаётгандек қимир этмай ётарди – лаҳзалик гуноҳнинг мангу каффорати. Эшик очилиб, ташқарида сарсари кезган шамолнинг эпкини ичкари урилди ва остонада отасининг алқашидан юзи ёришган Ёфас[1] каби бир зот пайдо бўлиб:

– Уйғондингизми? – деб сўради уни мангу ғафлатдан бедор бўлгани билан қутлаётгандек.

У ҳайратда эди. Нима бўлганини, нима бўлаётганини дабдурустдан фаҳмлаб ололмаётгандек эди. Алоқ-чалоқ, маълумдай туюлганлар орасида пайдо бўлиб қоладиган қандайдир мавҳумлик, ундан келиб чиқадиган аниқ нарсалар, таниш юзларнинг нотанишлиги, нотанишларнинг қандайдир яқинлиги – нимага йўйишни ҳам билмайсан киши.

У туриб ўтирди.

Шунда остонадаги унинг қаршисига – шолча устига тўшалган кўрпачага келиб ўтирди. Оқ-сариқдан келган юзини кенг пешонаси ёриштириб турган, текис бурнининг икки томонидаги қандайдир мовий нур таратаётган, митти кўзларининг бафуржа ва бехавотир боқиши кўнгилга хотиржамлик соладиган, экилган заминидан ўсиб чиқаётиб тўхтаб қолгандек кўринган қулоқлари бемалол ёзилишга маҳталдек диккайиб турган, бўй-басти миқтидан келган ўрта яшар кишининг елкаларида қоқиб ташланган тупроқ юқи кўзга ташланиб турарди.

У ана шу тупроқ юқига маҳталдек тикилиб қолди. Уташаннинг муждачи-хабарчисига ана шу тупроқ юқи хабар берди.

– Сизни ким чиқарди? – деб қуруқшагандек титроқ овозда сўради.

– Сизнинг истагингиз, – жавоб бўлди қаршисидагидан.

– Мени?! – ҳайратланди у.

– Мен йўқ эди, – жавоб бўлди қаршисидагидан. – Сиз бор эди. Эшик қоққанга ким дейишса, мен деса эшик очилади; эшик қоққанга ким дейишса, сиз деса кучоқ очилади, – қаршисидаги ўрнидан турди.

У ҳам ўрнидан қўзғалди.

Қаршисидаги қучоғини кушод ёзди.

У талпинди – ўзи томон талпинди.

– Хуш кебсиз, – деди Одил қудуқчи кўришиб бўлишгач, уни тўрга ўтиб ўтиришга қистаб.

Унга гумонсираётгандек қараб қўйди.

– Ҳо-ой, дастурхонни опке, – ташқарига қараб қичқирди Одил қудуқчи. – Нима, божам ҳар куни келиб юрибдимикан.

Ҳа, шунда остонада бир қўлида қўроқ дастурхон, иккинчисида туника чойнак кўтарган Ойтош буви пайдо бўлди. Момоулоқдан қайтибди-да, деган хаёлда Юнус ота нимадир сўрамоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтламоққа шайланган эди, унинг овозидан ўзига келди.

– Хуш кебсиз, – дерди Ойтош бувидек кўринган Ойдин косанинг овози. – Яхшиям, сиз бор экансиз, мана шунақа оғир кунларимизга ярайсиз.

Одил қудуқчи, гапни кўпайтирма, дегандек унга бир ўқрайган эди, Ойдин коса шоша-пиша дастурхон ёзиб, чойнакни эрининг олдига қўйди-да, тезгина чиқиб кетди.

– Ҳадеб чой олиб кираверибди, чой олиб кираверибди, – дерди Одил қудуқчи чойнакка пиёладаги чойни шопириб, қайтарар экан. – Ўртадаги дастурхонда икки-

[1] Ёфас – Нуҳ алайҳиссаломнинг Сом, Хом, Ёфас исмли ўғиллари бўлиб, ривоятларга қараганда, пинакка кетган отасининг уят жойи очилиб қолганини кўриб кулган Хом билан жанжаллашган Ёфасдан тўралган туркий қавмлар олқиш-дуо олган экан.

та шапарак қўйилган, эри уни ушатиб, қани нонга қаранг, чойдан олинг, дейишдан нарига ўтмаскан. Уч чойнак чой бўшагандан кейин у чидолмай, дераза оша пешайвонда бемалол урчуқ йигириб ўтирганни, ҳо-ой янга, деб чорлабди; ҳа-а, чойнак бўшадими, деб сўрабди урчуғини кўтарганча деразадан бош суқиб янга. Шўрва пишгунча сут-пут олиб келиб бериб туринг, дебди.

У кулди. У ҳам илжайди.

– Шунақа, – деди у. – Айтиб бўлмайдиган нарсаларни қандай ҳаракат қилиш лозимлиги кўрсатади.

У бош ирғаб у узатган пиёлани қўлидан олди.

– Шамолнинг шашти сал пасайди, – овқат билан бирга ташқаридан мужда олиб кирди Ойдин коса. – Кўз очиргани қўймади-я!

– Энди бошланди, – Одил қудуқчи узаниб унинг қўлидаги патнис устидан косаларни бирин-кетин Юнус ота ва ўзининг олдига қўйди.

Ойдин коса чиқди.

– Қани, овқатга қаранг, – манзират қилди Одил қудуқчи.

Юнус ота негадир чуқур хўрсинди.

– Халос бўлиш орзуси халос бўлишдан ҳам қимматроқдир, – унинг хўрсинишини ўзича нимагадир йўймоқчи бўлди Одил қудуқчи.

Юнус почтачи кейинчалик, бутун умрини сарфлаган нарсаси лаҳзада кунфаякун бўлиб кетган чоғда бу гапнинг маъно-моҳиятини фаҳмлагандек бўлган эди. Эҳтимол фаҳмлай олмагандир ҳам. Ҳеч қачон ҳеч ким бунинг теранликларига шўнғий олмас. Халос бўлмоқ зикри наволарини самовотнинг ўзи жаранглатиб ётади.

– Мен айтсам ишонмасди, – Одил қудуқчи ҳеч нима кўрмагандек косага нон бўктирар экан, ҳозиргина Ойдин коса чиқиб кетган ташқарига имо қилиб қўйди. – Мана, сизнинг шарофатингиз билан Мазбутвойнинг ҳам димоғи очилиб, манқаланиши йўқолди, ажабмаски, бундан кейин кўрмагандек бўлиб кетса.

Бу хушхабар Юнус отани ҳанг-манг қилиб қўйди.

– Қўрқув-ҳадик ҳам халоскор бўла олади баъзан, – деди Одил қудуқчи. – Сизнинг азму шижоатингиздан ўтакаси ёрилаёзганидан шундай бўлди.

Овқатдан сўнг у кетишга изн сўради.

У уйига қайтаётиб, йўлда мулла Шайдуллага дуч келди.

Салом-алик қилишди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Мулла Шайдулла унинг қаёқдан келаётганидан хабар топди. Қавму қариндошлик ришталарини боғлаб юрмоқликнинг саломатлик ва умр зиёдалигига таъсири чандон зўр эканлиги борасида ҳадислардан бир-иккита мисоллар келтирди.

– Божангизни баъзан қудуққа тушиб олади дейишади, шу ростми? – деб сўради кейин осмону фалак гап-сўзларидан сўнг бирров ерга тушиб билиб олиш машғулотининг ҳам қизиқарли бўлишини рад этмаган ҳолда мулла Шайдулла.

Юнус ота бош ирғади.

– Астағфирулло, – мулла Шайдулла ингичка иягидаги сийрак соқолини тутамлади. – Кап-катта одам, шу равомиди?

– Қудуқдан чиққандан сўнг юз-кўзига қараб бир таниб, бир танимай қоласиз, – деди Юнус ота сирли қилиб. – Арши аълога чиқиб келгандай бўлади.

– Шамол, – юпқа матодан тикилган ёзги чакмонининг орқа томонига тортилиб кетаётган этакларини тўғриламоқчи бўлиб энкайди мулла Шайдулла. – Шунинг таъсири ҳам кучли.

У индамай нари кетаётиб эди, бир нима эсига тушиб, яна ортга қайтди.

– Раҳматли падари бузрукворимиз айтар эдиларки, – дея гап бошлади у агар савол-жавоби чиқиб қолгудек бўлса буни ўзидан соқит қилиш оғир кечмаслигининг олдини олаётгандек, – модомики, одам қудуққа тушгач ўлмаса-да, истинжосиз бўлса қудуқнинг барча суви чиқарилур. Акс ҳолда, у сув макруҳ саналади.

Юнус ота божасининг қудуқ қазишни бошлашдан ер остида сув милдираб кўриниши-ю челак тўладиган ҳолга етгунча барча ирим-сиримларини бажо келтиришини яхши билганидан, бу ёғига кўнгли тўқ эди.

– Божам бу нарсаларга жуда каттиқ қарайди, – деди у мулла Шайдулланинг оғзидан ҳар хил гаплар чиқиб, Уташан ҳавосини булғамаслиги учун. – Унинг, қудуққа бир томчи ҳаром нарса ёхуд бирон-бир ҳайвонми, парранда-даррандами тушиб кетса, ўлик-тиригига қарамай ўша қудуқнинг ҳамма сувини чиқариб ташлаш керак, деган гапларини ўзингиз ҳам ҳовлингизда қудуқ қазиганида эшитгандирсиз.

Мулла Шайдулланинг қиёфасида ортга қайтганига надомат чеккаётгани ифодаси учқунлади ва энди бош ирғаб Юнус отанинг айтганларини тасдиқлашдан бўлак илож топмади.

– Ҳа-а дарвоқе, падари бузрукворимиз ҳам ҳаётлик чоғларида божангиз билан шу хусусда баҳсу мунозара юритиб ул кишига меҳрлари бисёр, зиёда бўлган эди, – дея эслади мулла Шайдулла, кўчанинг ўртасиди қоққан қозиқдек бўлсаям ширингина суҳбат қуриб турибмиз-ку, шошиб ҳам қайга борардик, деяётгандек юз-кўзларига табассум дориб. – Қудуққа нажас тушса унинг барча суви ташқари чиқариб тўкиб ташланади деганларида божангиз айтдиларки, баъзи сершув қудуқларда бунинг имкони йўқ, қанча сув тортиб чиқарилса яна шунча сув тўпланиб қолаверади, дедилар.

Мулла Шайдулланинг бирпас донишманд қиёфасида фаромуш ҳолда турди.

– Падари бузрукворимиз божангизнинг елкаларига қоқиб қўйганча, балли, дедилар, – деди кейин ўнг қўли билан чап елкасини силаб қўйганча. – Бунақа пайтларда қирқ челак сув чиқариб тўкиб ташланса, қудуқ пок бўлур дедилар.

Юнус ота бош ирғаб маъқуллагач, муроса-модора актига имзо чекилиб, у ўз йўлига кетди – инига сув тушган юмронқозиқ сув йўлини ёпгани каби мулланинг қудуқ борасида бошқа фитна-фасодлар ўйлаб топишига изн берадиган баҳонайи сабаблар бадар кетишди.

Кундуз кунги тўс-тўполон шамол Уташан осмонида ҳамиша муаллақ турадиган Чингизхоннинг оқ булутини қайларгадир ҳайдаб юборгач, сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари тиғдек тилиб ўтар эди. Таранг тортилган ёғий камонидан учган ўқлардан жони узилган юртпарвар навкарлар шу тариқа яқинларига осмон илми орқали мужда етказишга жаҳд қилишаётгандек туюларди. Осмон – шаҳид юлдузларнинг гўристони. Бу ҳодиса-белгилар тун ярмидан оққанда Юнус отанинг уйқусини учириб юборганини сезиб-пайқар эди. Ойтош буви ҳам ўша, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупанинг нариги четида, савачўп билан саваланган пахта солинган кўрпа қатида она қурсоғидаги каби ғужанак бўлиб ётганича. Норвиш бувиникида момоулоқ маҳали содир бўлган воқеани хаёлидан чиқаролмас, ғужанак ҳолда ўзини ухлаганга солиб ётса ҳам мижжа қоқмаганди.

Ўша воқеага гувоҳ бўлмаганида у ҳозир ширин уйқу оғушида, эҳтимол тушида қизи билан исмалоқ терган даврларини кўриб ётган бўлармиди?

Кеч кузакда лалми ерларга сепилган бўғдойлар униб чиқди. Исмалоқ териб челакка ташлаётган онаси ёнида, кўкка талпинаётган майсалар орасида майса каби ҳилпираган қизалоқ табиатнинг ўзини ҳам чексиз қувонтираётганга ўхшайди. Шамоллар ортидан елиб-югуриб бораётиб айни номозшом чоғи унинг майса каби вужуди шафаққа сингиб кўздан йўқолади. Ойтош буви ўзининг таҳликали товушидан ўзи чўчиб тушади.

"Қайдасан, қизалоғим?"

Юнус ота бош кўтарди.

– Ҳо-ой! – деди оҳиста овозда. – Босиринқиряпсанми?

Ойтош буви индамади. Унинг мижжалари намланганди.

Юнус ота унинг елкасидан туртиб уйғотсаммикан-йўқмикан деб ўйлаб турган чоғида:

– Ухлаганим йўқ эди, – деди синиқ товушда, ўзига ҳамдард излаётгандек.

– Мен ҳам ухлолмадим, – чуқур хўрсинди Юнус ота.

– Мени-ку ичи бағрим адо бўлган, – деди нимадандир гинахолик қилаётгандек Ойтош буви. – Сиз ухласангиз бўларди.

– Бўривой ёнимизда юрсаям бўларкан, – деди Юнус ота ҳимоясиз қолишганидан ўкинган каби эшитилар-эшитилмас оҳангда.

– Одам ичи эзилиб кетгунчаям юраверади, шекилли, – тахмин қилаётгандек бўлди Ойтош буви. – Қизимиз тепадан томоша қилиб турган бўлса нима деб ўйлаётган бўлсайкин?

– Нимаям деб ўйларди? – аччиқлангандек бўлди Юнус ота. – Ичи ачийди-да, қўлидан бошқа нимаям келарди?

– Бир кўклам бўғдойзорга чиқиб исмалоқ териб келганимизда мен хамир қориб ўтирсам ёнимга келиб, аяжон мен узоқларга кетиб қолсам нима қиласиз деб эди, – ҳиркираган товушда сўзлаганича Ойтош буви бўғзидан отилиб чиқишга чоғланган йиғисини тўхтатиб олишга уринди. – Кейин унинг бу гапи тамоман эсимдан чиқиб кетувди. Энди рухсори кўз ўнгимга келди дегунча, ўша гапи хаёлимдан ўтаверади-да.

– Сен уни уришиб бермовдингми? – Юнус ота аввалларидек исмалоқ сомсалари таъмини эслаб, ютинди. – Бунақа гапларни бошқа гапирма демовдингми?

– Хаёлимга келиб ўтирибди дейсизми?

– Ҳа, хаёлга келмаган кўп ишлар бўлиб кетди.

– Эзиб юборди.

– Шу-да.

– Бошини олиб кетиб юборгиси келади одамнинг.

Ойтош бувининг бу гапи Юнус отани чўчитиб юборди. Кўз ўнгида лоп этиб Одил қудуқчи жонланди. Қудуқ туби – бош олиб кетилган жой. Иложсиз у ёққа ҳам йўл ёпиқ.

– Унақа дема, – ич-ичидан бостириб келаётган чидаб бўлмас қандайдир хўрликдан Юнус ота дод деб юбораёзди, лекин тилига мутлақо бошқача сўзлар қалқиб чиқди. – Ҳамманинг ҳам бошида бор бундай кўргиликлар.

– Турган-битганимиз ғам-қайғу экан-да? – чорасизлик кўчасига кириб қолганига энди тан беришдан ўзга илож йўқлигини тушуниб етгандек бўлди Ойтош буви.

– Шунақа экан-да.

Ойтош буви индамади. Хаёлини чалғитиш учун кеча подачи айтганининг устидан чиқиб, Норвиш бувиникига улоқ олиб келиб, сўйиб, терилаб-саранжомлаб, кейин подасининг ортидан жўнаб кетганини эслашга уринди. Тунда устидан юлдуззор осмон босадими ёки у ердаги уйғоқ руҳларнинг сергак нигоҳлари тинч қўймайдими, ишқилиб, билиб-билмаган ҳолда одам ёлғизлик гирдобига тушиб қолади. Кундуз кунлари, ҳарқалай, бошқалар билан гангур-гунгур нималаргадир андармон бўлиб, одам ўзлигидан чалғийди, омманинг ичида шу омманинг бир заррасидек юраверади – тун ёлғизлигига юзма-юз бўлгач, ҳеч қаёққа қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Ойтош буви борсаммикан-бормасаммикан, дея ҳардамхаёл бўлганича, яна барибир даврадошлари томон талпиниб қолишининг сабаби ҳам шунда эди. У буни ўзи билиб-билмай қилса-да, туннинг эзиб юборар чоғларида ҳам кундузнинг хаёли бироз чалғитишини яхши билади. Ўзи билан ўзи бўлиб қолишдан Худо асрасин. Шу сабабли у тун ярмидан оққанда ўша, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупанинг нариги четида, савачўп билан саваланган пахта солинган кўрпа қатида она қурсоғидаги каби ғужанак бўлиб ётар экан, ўзини чалғитиш учун Норвиш бувиникига кириб боришганини, у улоқнинг терисини ошлаб ўтирганини хаёлида жонлантиришга уринарди.

Юнус ота Ойтош бувидан яна бирон садо чиқишини бирпас кутди.

Садо чиқавермагач, хайрият ухлаб қолди шекилли, деган хаёлда юлдуззор осмондан кўзларини узмай ётаверди. Ҳа, кудуққа тушиб олиш каби қайларгадир чиқиб кетиш истаги ҳаммада ҳам бор экан. Ҳатто, кампири ҳам бундан мустасно эмас экан. Аммо чидаш керак. Хайрият, у ухлаб қолди, йўқса, унинг гапларига жавоб беришга тўғри келарди, жавоб бераётганида ёлғон гапиришни ёмон кўрадиган Юнус ота рост гапларни ҳам айтолмаслигини, айтишнинг иложи йўқлигини яхши биларди.

Ойтош буви эса, навраста қиз каби “мени-ку ичи бағрим адо бўлган, сиз ухласангиз бўларди”, деб бир умрлик ёстиқдошининг кўнглига оғир ботадиган гап қилаганидан ўзини-ўзи яниганича кечага айланган бугунги воқеаларни хаёл чиғириғидан ўтказарди.

– Ўзимга пўстакча қилиб оламан, – деди Норвиш буви ошлаб ўтирган терисини уларга кўрсатиб, бу ҳақда ҳеч ким сўрамаган бўлса ҳам.

Кампирлар уйга киришди. Дуойи фотиҳадан сўнг уларнинг ўзлари енг шимариб ишга киришишди.

Қозон осиб, момоулоқ гўштини бир пайсаям қолдирмай, қозонга босишди. Унинг устидан сув қуйиб, тагидаги оловга узоқ ёнадиган ўрик ғўлаларини қалаштириб қўйишди. Шундан сўнггина, кўнгиллари тинчиб, уйга киришди. Дастурхон атрофида давра қуриб, момоулоқ гурунгини бошлашди. Одатдагидек тахмину гумонлар билан бири тоғдан, иккинчиси боғдан келадиган ҳар хил гапларни гапириб ўтиришган чоғда суҳбат мавзуси ўз-ўзидан Уташанда пайдо бўлиб раиснинг ёрдами билан Хумда ҳовли-жой қилиб жойлашишган мусофир – Беркинбойга бориб тақалди. Аввалига унинг юртини сув босганда қанчалик қийналганини, бор-будидан ажраганини ўз кўзлари билан кўргандек бир-бирларига гал бермай ҳикоя қилиб чиқишди. Кейин ўтаётган ҳар бир кун учун шукр қилиш кераклигини, қийналган мусофир уларга Худо томонидан ибрат бўлсин деб юборилганини, улар ҳақиқатдан ҳам ёшу қарига катта ибрат бўлиши кераклигини гапиришди. Шунақа гаплар билан аста-секин ҳақиқатга яқинлашиб, ҳақ гапларни кавлаштира бошлашганини ҳам сезмай қолишди.

– Синамаган отнинг сиртидан ўтма, – деганича мақол билан гап бошлаб қолди ҳар нарсаларни кавлаштириб юришдан эринмайдиган Қиммат кампир. – Уни киссавурлик қилиш одати бормиш, шуни раис билганмикан.

Қиммат кампирнинг бу гапини эшитиб, Ойтош буви бир сесканиб тушди.

– Ўзи қайсидир қўлида бармоғиям бештамас, тўртта эмиш, – шанғиллаганча давом этарди Қиммат кампир Ойтош бувининг юрагига тиғ санчиётгандек бўлиб. – Ҳа, чинчалоғи эмиш, хў-ўв илгариги замонларда қўли эгриларга шунақа жазо беришган-да.

– Баъзи бир юртларда ҳозир ҳам шунақа эмиш, – пойгаҳдаги жойини эгаллаган серзарда кампир бировга зарда қилаётгандек шу гапни айтди-ю, дарҳол жимиди.

– Ўғриям Худонинг бандаси, уларниям онаси бор. Оқ сут берган жигаргўшасининг нобакор бўлиб чиққанига қандай чидайди? Шу ниятда оқ ювиб, оқ тарамаган-ку? – Ҳилол биби деган, юзидан нур ёғилиб турган оппоқ сочли кампир анчадан буён миқ этмай ўтирганди, у умуман камдан-кам оғиз очарди, ҳозир кўзлари ёшланиб, ўзини тутолмай қолди.– Қайси куни андарваштлик дугонамдан кап-катта невараси домангир бўп қопти. "Нега бировнинг ҳақига хиёнат қилма, деб ўргатгансиз, мана энди ҳаётда қийналиб юрипмиз-да", депти-я. Боёқиш дугонам мана энди шилтаси қотиб, неварам ақл ўргатиб ўтирса-я, деб йиғлайди.

Ҳилол биби сўзлаши асносида ўша дугонасига ичи ачибми, бошқа нарса ёдига тушибми жичча кўзёши қилган эди, бошқалар ҳам ўзларини тутолмай мижжаларини енглари учи билан билдирмайгина артиб олишди. Анча вақт орага пашша учса эшитилгулик сукунат чўкди. Шундан сўнг улар ўзлари билан ўзлари бўлганича хаёл суриб ўтиришган эдики...

Кундуз кунги тўс-тўполон шамол Уташан осмонида ҳамиша муаллақ турадиган Чингизхоннинг оқ булутини қайларгадир ҳайдаб юборгач, сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари тиғдек тилиб ўтар эди. Таранг тортилган ёғий камонидан учган ўқлардан жони узилган юртпарвар навкарлар шу тариқа яқинларига осмон илми орқали мужда етказишга жаҳд қилишаётгандек туюларди. Осмон – шаҳид юлдузларнинг гўристони. Бу ҳодиса-белгилар тун ярмидан оққанда Ғулом Шарифнинг ҳам уйқусини учириб юборди. Нега бунақа бўлдийкин? Безовта куннинг эртасига ўтар тун. Таҳликааро сезилмагандек туюлган кундузнинг бошоғритар безовта ташвишлари осмон қозонида чатнаган юлдузлар каби сиртга бодраб чиқиб ҳар қандай хотиржам ҳаловатни бебилиски ўғирлаб кетишади. Шундан сўнг қаники кўзга уйқу инса.

Айниқса, кундуз куни кўра-била туриб ҳеч нима дея олмагани, ҳеч нима қила олмагани энди бутун тафсилоти билан унинг хаёлига бостириб келмоқда эди. Нима дейиш мумкин кўра-била туриб, нима ҳам дейиш мумкин кўра-била туриб?!

Ҳамиша нимчасининг ўнг томонидаги кўкрак чўнтагига солиб юрадиган, тугмачасини босса қопқоғи "ширқ" этиб очиладиган, орқа томонида аллақачон дорилбақога рихлат этиб кетган бўлса-да, ҳамма ҳали тирик деб ишониб юрган доҳий калласининг ёнлама қабариқ тасвири туширилган кумуш занжирли соат Беркинбойнинг ишончли қўлида эканлиги ҳам Ғулом Шарифнинг хуфтон кўнглини ёритмади, ёрита олмади унинг кўмир ташлангандек қорайиб кетган ичини.

Буни Беркинбой билдимикан? Била олдимикан буни Беркинбой? Билсаям ўзини билмасликка олди, билмасаям ўзини билмасликка олди у туллак – соатни хўжайинга совға қилиб қўя қолмади.

Ғулом Шарифнинг кўнгли ўша соат воқеасидан кейин қандайдир алоғ-чалоғ, ўзида бўлиб-бўлмай юрарди. Тўғри, Беркинбой соатни унга кўрсатганида гарчи анча хотиржам бўлган эса-да, сўраб ололмаган, нималардандир андиша қилган, ўзини сипо кўрсатган эди. Энди эса, мана тун ярмидан оққанда (тун ярмидан оққанда барча туйғулар донг қотиб, қўрқув ҳиссигина ўтакани ёриб юборгудек бутун ваҳшати билан намоён бўлиб инсонни кўзлари шоҳкосасидан сакраб чиққудек ҳолда ўрнидан сакраб туришига, ваража тутгандек ўзини босиб ололмай иродасини қўлдан чиқариб юборганча қилт-қилт қалтирашига, жаҳон айвони кенглигига қарамай, ҳеч қаерга бошини олиб кетолмаслигини яхши билгани учун бу дунёга сиғмай қолишига, ерости уқубатларини беихтиёр ўйлаб қолиб, ота-боболарининг ёдидан кўтарилиб кетган арвоҳларини кўз ўнгига келтира бошлашига ва яна қанчадан-қанча лаҳзанинг маълум улушларидагина инсон зоти бошидан кечириши мумкин, зарур, муқаррар бўлган ҳисларни қўзғатиб юборсайкин!) у нималардандир безовталаниб, қанчалик уринмасин, кўзларига уйқу инмай, ўрнидан туриб кетмоқда эди. Боши аринг уясидай ғувуллай бошлаган эди.

Нима қилсам экан? Беркинбой соатни кўрсатганида андиша-пандиша қилиб ўтирмай, бу меники деб қўлидан олиб кўя қолишим керак эди-да. Йўғ-э, нималар деяпсан. Ҳали униям кимлигини яхши билмайсан-ку? Хўп, юртини сув босган экан; хўп, юрт излаб чиққан экан; хўп, келиб бу ерга жойлашди – хўш, нима бўпти? Эҳтимол у КГБ[1]нинг одамидир. Ҳа, ростдан шунақа. Йўкса, кела солиб бунақа ишларни қилолмасди.

Ҳа, ҳа, эшитганман, шунақа дейишган, у ёқнинг одамлари шунақа жойларни обод қилишга устамон бўлишармиш. Яна бу катта, бу кичик демай дуч келган ишларни қилиб кетаверишармиш. Уларнинг иши ўзи шунақаймиш. "Маркс"[2]нинг раиси айтувди шекили, биттаси райкомнинг идорасида анча йиллар кўмирчилик қилибди, аслида у подполковникми-полковникми, ишқилиб шунақалардан экан. Эгнида алмисоқдан қолган бушлат, оёғида товони ейилиб кетган кирзавой этиги бўлган экан. Эрта-ю кеч райком идораси орқасидаги кўмирхонада уймалашиб, идорага ким киряпти, ким чиқяпти, зимдан кузатиб, билиб юрар экан.

Бир кун келиб райком котиби қамаладиган пайтда бу сир очилиб қолипти. Сўроқ пайтида райком котиби қандайдир айбини бўйнига олмай турган экан, ҳалиги кўмирчи подполковникми-полковникми формасида кириб келибди. Кўкрагида қатор орден-медаллари бор эмиш, хизмати синганидан кейин олади-да, у олмай бошқа ким олсин. Аввалига уни райком котиби танимабди. Қаёқдан ҳам танисин? Соқол-мўйлови тиканакдек ўсиб ётадиган, кир-чир, ёнига яқинлашсанг қўланса ҳидидан бошинг айланиб кетадиган, Худо урган жуҳуддек букур кўмирчи кайда-ю қадди-басти келишган, кўзлари чақнаб, ёноқлари ялтираб, чарсиллаб турган ҳарбий қайда? Албатта, танимайди-да. Аммо қачонгача танимайди? Райком котиби унинг кимлигини билгач, тамом бўлибди, ҳамма айбни биратўласи бўйнига олибди-ю шу-шу миқ этмабди, оғиз очмай қўйибди.

Тун ярмидан оққанда Ғулом Шариф хаёлига келтирмасликка қанчалик уринмасин, барибир йўқотган соатини ўйлай бошлар, йўқотган соати бўлса-бўлмаса Беркинбой ҳақида мулоҳаза юритишига мажбур қилар, бу мажбурият юрагига ваҳима солар, ўрнидан туриб кетарди. Бўлак иложи йўқ эди. Мана шу жонсараклик унинг тасаввурини ишга солиб юбориб, турли ижодий режаларни тузишга ундарди. Уйқуси учган ланъати бу тунда, бутун инсониятнинг мияси фалаж бўлиб

[1] КГБ – комитет государственный безопасности (давлат хавфсизлик комитети).

[2] Маркс – Карл Маркс, жамоа хўжалиги номи.

ётган кезда – яъни, тонгга яқин унинг миясига ғалати хаёл – соатни ўғирлаш ҳақида фикр келиб қолди. Шунақасиям бўладими? Ўзининг соатини ўзи ўғирласа-я?! Шунда, яъни бутун инсониятнинг виждони ҳам мудраб ётган кезда у ҳақиқатдан ҳам ўғирлик қилгандай пешонасини тер босганча ўрнидан сакраб туриб кетди. Юраги санчиётганини сезди, чап қураги остига ханжар урилгандай бўлди. Тўшак устида анчагина карахтланиб ўтириб қолди. Кимсан, Ғулом Шариф шундай ишга қўл урса-я?! У бошини чайқай-чайқай, тушга нималар кирмайди, хаёлга нималар келмайди, дея ўзига-ўзи тасалли берганича яна ўрнига чўзилди. Узундан-узун уйқусизлигининг давомида ўй-хаёли, тасаввури денгизда кутурган бўрон тиниб кема сокин тўлқинлар устида бемалол сузиб кетгандек секин-аста бир маромга тушиб олди, кўзларини юмганча мабодо ўғирлаган тақдирда ҳам у соатни қайта олиб юролмаслигини, ё синдириб ёинки бадрафхонага ташлаб қутулиши мумкинлигини ўйлади.

Э, тўхта, ахир бу ёмон режа эмас-ку, ҳалиги фикр миянгга беҳуда келганга ўхшамайди, дарвоқе, шунақа қиладиган бўлса, ҳеч ким кўрмаса, нима бўлганини билмаса, хавотиру таҳликалар уни қайта безовта этмаса бунинг нимаси ёмон? Эҳтимол Беркинбой соатни қайда қолдирганини ёдидан чиқариб, унутиб юборар – бу эса нур устига аъло нур (нур аълан нур) бўлади. Шунда туйқусдан миясига урилиб аввал чўчитиб-қўрқитиб юборган хаёл бир маҳал унга тасалли бера оладиган имкониятлар эшигини очди. Ғулом Шариф ширин ўйлар сура бошлади, мийиғида жилмайиб қўйди, ҳаттоки, бироз мизғиб ҳам олди. Тўғри, мияси толиққаниданми, пича босинқираги ҳам, босинқирашини ўзи билиб ётди, ўрнидан туришга уринди, ётган хонаси бурчагида Беркинбойнинг тиржайиб турганини кўриб, бегона одам эмас-ку, деган ўйда вужудини титратаётган қўрқувни нари ҳайдамоқчи бўлди. Аммо бунинг уддасидан чиқолмади, негаки, Беркинбойнинг кўзи ўзиникига ўхшамай қолди, аллақандай кўкиш аланга соча бошлади. Ғулом Шариф нуқул бундай кўзларни қаердадир кўрганини эсламоққа уринди, аммо ҳарчанд уринмасин, эслолмади, бу уни ташвишга солди, энди уйғонмасам бўлмайди деб чиранган эди, хайрият, уйғониб кетди. Унинг аъзойи бадани қақшаб оғрир, ич-ичидан келаётган титроғини босолмай турарди. У сал-пал ўзига келиб олгач, ўрнидан турди. Қуёш нури дераза пардаси ёнидан у ётган жойга узунасига кўндаланг тиғдай тушиб турарди.

Агар у соатни совға қилиб қўя қолганда эди, Ғулом Шарифнинг қўрқув-ваҳимлари ортга чекиниб, дунё кўзига чароғон кўринган, хотиржам тортган, то бошқа кўнгилсизлик чиқмагунча одамдай бўлиб одам қатори яшаб юрарди. Ваҳший йиртқич ўлжасининг бўғзига сўйлоқ тишини ботирмоқ роҳати иштиёқида лип этиб кўзга ташланган қуйруғу қўрқувдан нарра бўлиб кетган дум изидан шиддат билан қуюндек ташланиши ўрмонга қанчалик таҳдид солса, Ғулом Шариф ботинининг аллақайси қоронғи пучмоқларида мудраган ебётар, пишқириқ-шишқириқ текинхўр ялқов ҳис-туйғуларни қайдандир пайдо бўлган ваҳима шунчалик чўчитиб, ҳуркитиб юборган эди. Энг қизиғи, чақчайган ёнар кўзлар, оёқ остида ётган суяклардан чақнаган фосфорлар, соялар, шарпалар, увиллашлар, улишлар, нолалар, уккилашлар, чувуллашлар, қичқириқлар, так-таклар, тик-тиклар, шовуллашлар қуршовида ўрмоннинг қўрқинчли кўриниши маҳобатли тус олгани каби Ғулом Шарифнинг кундуз куни билинмаган ботиний ваҳималари тунда жунбушга чиқди; у ўзини гоҳ тор камера бурчагидаги кетсиғмас тувакка бовл қилиб ўтирганини; гоҳ оппоқ корга бурканган изғиринли ўрмонда танитмас увада кийимларда дилдираб шохлари муздан шовуш боғлаган дарахт томирига болта ураётганини, устига

тўкилаётган муз парчаларининг майда бўлаклари юз-кўзига санчилаётганини; тошдангина иборат қандайдир бош-кети кўринмас гиёҳбитмас баланд тоғ ёнбағрида негадир панама кийиб олган шафқатсиз назоратчининг сал тегиб кетсаям баданни куйдириб юборадиган қамчиси остида елкасига ортмоқланган (ердан ўзи кўтариб олганми, бошқалар қўйишганми – буниси номаълум!) зил-замбил тошни етти букилганча қайсидир номаълум томонга бемақсад кўтариб бораётганини тасаввур этиб, кўзларига уйқу инмас, юраги қинидан чиқиб кетгудек безовта ура бошлар эди. Ўзини чалғитишга қанчалик уринмасин бари бефойда; баъзан мингчага санасам ухлаб қоламан деб ўйлаганича санай бошлаб уч юздами, тўрт юздами беш юздами ёинки тўқсон тўққиздами нима учун санаётгани ҳам ёдидан кўтарилиб, ўзини яна ўша қандайдир севимли бўлиб қолгандек туюлган бесамар хаёллари оғушида кўрар, ўйлайвериб ўйлайвериб ўйлайвериб (ўшанда эркин мавзуда иншо ёзган жинни қирқ саккиз саҳифали бир чизиқли дафтарнинг дастлабки саҳифасининг биринчи қаторига "эрталаб поезд бир манзилдан йўлга чиқди" деган сирли гапдан сўнг "тақатақ-тақатақ" ғилдираклар овозига монанд сўзлар билан дафтарни тўлғазгани ва энг охирги бетга "ва иккинчи манзилга етиб келди" деб иншони тугатгани ҳақидаги ҳангомани эшитиб унинг устидан кулишган (дарвоқе, тақатақлар ичида йўл манзаралари; тақатақлар ичида кекса бир йўловчининг поезд деразасидан ташқари боққанича умр ҳам шундай шитоб ўтиб кетганидан оғир ўй-хаёлларга чўмгани, қалби қандайдир ҳувуллаб қолгани, барча орзу қилган-интилган нарсалари самарасизлигини туйқус пайқаб қолганидан мижжалари намлангани, энди ўксинишлар ва кўзёшларнинг бари бефойдалигини ҳам билиб тургани; ортда қолаётган қишлоқ ва шаҳарларда беҳисоб одамларнинг ғивирлашгани жиннихонадаги унчалик ҳаваскор бўлмаган адиб ўз битикларини "Йўл саргузаштлари" деб номлаганининг ўзиёқ матндаги қусурларни ювиб юбормасмиди?) эди!) толиқиб кетганидан қайлардадир қулоғига чалиниб ўзи ҳамиша беписанд қараб келган оятлардан айтилиши лозимлигини ёдга олиб қолар, аммо бирортаям калимадан хабардор бўлмагани боис "бисмилло"дан нари ўтолмай, тили акашакдек қотар эди.

Кундуз кунги тўс-тўполон шамол Уташан осмонида ҳамиша муаллақ турадиган Чингизхоннинг оқ булутини қайларгадир ҳайдаб юборгач, сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари тиғдек тилиб ўтар эди. Таранг тортилган ёғий камонидан учган ўқлардан жони узилган юртпарвар навкарлар шу тариқа якинларига осмон илми орқали мужда етказишга жаҳд қилишаётгандек туюларди. Осмон – шаҳид юлдузларнинг гўристони. Бу ҳодиса-белгилар тун ярмидан оққанда шаҳидон оламидан бохабар инсонлар уйқусини учириб юборгани нари турсин, Норвиш бувининг ҳовлисида, ўтинхона орқа деворининг пахса девор билан туташадиган жойида очилган туйнукнинг чап томонида ўзининг тўкилган жунлари ва хас-хашаклар узра узанган олдинги оёқлари устига тумшуғини қўйганича ғарибона аҳволда ётган итга ҳам тинчлик бермаётганди. Нега бунақа бўлдийкин? Безовта куннинг эртасига ўтар тун. Таҳликааро сезилмагандек туюлган кундузнинг бошоғритар безовта ташвишлари осмон қозонида чатнаган юлдузлар каби сиртга бодраб чиқиб ҳар қандай хотиржам ҳаловатни бебилиски ўғирлаб кетишади. Шундан сўнг қаники кўзга уйқу инса. Энди у ўз номини унутгани етмагандек, унинг ўзини ҳам унутиб қўйишган; ҳар куни шундан бошқа иш-юмуши йўқдек теварак-атрофида гиргиттон бўладиган кампиршо ўз кулбасидан чиқиб келиб ялоғига ювинди тўкмаган – алам қиладигани шунда эди. Куннинг иккинчи ярмида аллақайдан баланд устунга ўхшаб ўралашиб келиб қолган қасирғали тўс-тўполон

чарақлаб турган қуёш юзини тўсиб қўйгани, бунақа воқеани ҳеч кўрмагани уни аллақандай гангитиб, саросимага солиб қўйгандай эди. Ҳа, у ўз исмини унутиб қўйгани бежиз эмасди, боёқишнинг миясида нимадир содир бўлиб, кўзига аламбало нарсалар кўринмоқда эди, мудраб кетишга уринса-да мудрай олмай чўчиб-чўчиб тушмоқда эди. Қўшнининг коққан қозиқдек қимирламай турадиган аччиқданак ўрик дарахтининг катта шохи қасирлаб деворни босганча бу томонга ағанагани, унинг томидаги бўёқланмаганидан занглаб тешилиб кетаёзган тунука нариги томонга тарақлаб тушгани – ҳаммаси бир бўлиб унинг ўтакасини ёриб эсхонасини чиқазиб юбораёзган, шу тариқа ўз исмини унутишга мажбур қилган эди. Шундан сўнг ақалли меҳрибон кампиршо бир бора қора бериб, унинг номини атаб чақирганда ҳам ёдига тушиб қоларди. Аксига олгандек, уям ўзига ўхшаган аллақандай букчайган, бурушган-тиришган дугоналари билан уйга қамалиб олганча гумисиё бўлиб кетди. Қаердандир гумбурлаган ўқ овози ҳам қулоғига урилиб, исми ёдидан чиққан бўлсаям, аждодларидан қолган савқи табиийси ва хотира маданиятига ҳурмат-эҳтиром туфайли у занжирини узиб бошолмон қочиб қолишга чандон уринганидан ўзини беҳад ҳоритиб қўйди. Хайрият, шамол қандай тўсатдан бошланган бўлса, теварак-атрофни ҳали қоронғилик эгалламасдан шундай тез тўхтади, йўқса у шу занжири билан ўзини-ўзи бўғиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Катаги номаълум кучларнинг бир ҳамласидаёқ тит-питиси чиқиб кетган эса-да, олдинда яна қандайдир катта фалокатлар содир бўлиши муқаррарлигини унга ерга қоқилган қозиғи-ю бўйнида қолган шалдираган занжири буюк аломатлар сингари ишора бериб турарди. Аллақачонлар куннинг иккинчи ярмида аллақайдан баланд устунга ўхшаб ўралашиб келиб қолган қасирғали тўс-тўполон чарақлаб турган қуёш юзини тўсиб қўйганида у ўз ҳаётига нуқта қўйилганига ишонган эди. Энди эса ана шу икки буюк аломат туфайли нималардир умидвор ҳам бўлиб турарди. Фалокат ҳам, ҳалокат ҳам, нажот ҳам шу занжиру шу қозиқда қолгандек эди, бу нимарсалар унинг ўзиники эди. У қўшнининг аччиқданак ўрик дарахтининг катта шохи сингари ҳали синиб тушмаган эди, унинг томидаги буёқланмаганидан занглаб тешилиб кетаёзган тунукаси сингари қайларгадир тарақа-туруқ қилганча учиб ҳам кетмаган эди. Заранг ерга мусти мустаҳкам қоқилган шу қозиқ, бўйнидаги шалдираган шу занжир унга кўмакдош бўлиб, уни тутиб қолган эди. Фақат талотўп воқеалар таъсирда еб-ичганларини ҳам билмаган бўлишса-да, чалаярим жиғилдонларига урган момоулоқнинг суяк-сандонинимми, жағ-дандонинимми йиғиштиришаётганида уни эслашмагани алам қилмоқда эди. Чимдан тикланган, устига ҳам чим бостирилган катаги қандайдир номаълум кучларнинг бир ҳамласидаёқ кунпаякун қилиб ташлангач, у золим зулмидан қочиб шаҳарни тарк этган бешовлон ёнки етовлон биродарга эргашиб бориб, улар баланд тоғ устидаги ғорни маскан тутишгач, ўзи ҳам ғор оғзида олдинги оёқларини узатиб ётиб олган чўпон ити каби кўрингани билан аслида унинг ўзи билмаган мавҳум насл-насаби, Уташаннинг кўча-кўйларида тунлари беҳуда санғиб бир-бирларига илакишган такасалтанг кучукларнинг жайдари зурриёди бўлгани унинг аламини чандон зўрайтирмоқда эди. Чўпон ити каби шароит тақозоси-ла у ҳам зулм ва зулмат жабрдийдаси бўлиб кўринаётган эса-да, шу мавҳумлик туфайли бешовлон ёнки етовлон биродарга эргашган ҳамжинси каби уч юз йил уйқуга шўнғиб, лаҳзалик мизғигандек яна ўрнидан даст туриб кета олмас эди[1]. Норвиш буви ҳовлисидаги гўр каби катакда кун бўйи ялоғига тўкиладиган ювиндиларни кутиб яшаш, ҳар-ҳар замонда туйнукдан тилини осилтирганча тумшуғини чўзиб суқилиб кириб келадиган куйиккан қанжиқлардан му-

[1] "Қуръони Карим"нинг "Каҳф" сурасидаги "Ғордаги суҳбатдошлар" ривоятига ишора.

род ҳосил этиб қувониб ангиллаш қайда-ю, бош-адоқсиз дала-тузларда чўпонга ҳамкор-ҳамсаф бўлиб юриш қайда?! Аммо барибир аждодларининг миллион йиллик ёлғизлик андуҳларини мияси қабатларидан кир тирноқлари билан титкилаб топганидан энди очиқ осмон остида мангу қолиши мумкинлигини тасаввур этиб қалт-қалт титрарди. Қандайдир беҳудуд чексизликдаги якка-танҳоликни сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари ҳамда самовот қаватларидан ёғилаётгандек наволар шипшиб тургандек бўлаётгани унинг юрагига янада баттар ваҳима, қўрқув солар эди. Суяклари тупроқ остида қолиб кетган аждодларининг илк, ибтидоий руҳлари эса ингиллаган-вингиллаган овозлар чиқаришига сабаб бўлмоқда эди.

4

.....

.....

.....

.....

.....

5

У сесканиб кўз очди.

Ўша бадарға этилган масканида, қаерга келиб қолганини билолмаётгандек карахтланганича қимир этмай ётарди – лаҳзалик гуноҳнинг мангу каффорати. Оламни тарк этишни истамай чиранаётган тун. Субҳи козиб ва субҳи содиқ ўртаси – чиранаётган салтанат. Зулмат ҳукмронлиги.

У ўрнидан қўзғалди, ҳовли этагидаги ташнобга бориб қайтди. То ювиниб келгунича Ойтош буви супадаги ўринларни йиғиштириб, гиламу кўрпача тўшаб, дастурхон ёзган, тунука чойнакка чой дамлаб келишга ҳам улгурган эди. Ой-юлдузлар қоронғилик бағрида қолиб кетгандек, гап-сўзсиз нонушта қилишди. Кейин ўз иш-юмушлари билан банд бўлишди. Юнус отанинг кўнглини қазноғи ёзди – газета-журналларнинг тахлам-тахламлари-ю, боғлам-боғламларини кўздан кечирар экан, барчасини бир жойга бадастур йиғиб қўйганидан ўз-ўзича қувонди. Ойтош бувининг кўнглини кўрпаси ёзди – пахтаси савачўп билан саваланган кўрпани қавир экан, ангишвона тутмаган бармоғига санчилган игна санчиғидан ҳузурлангандек бўлар эди.

Уташанга газета-журналлар, хат-хабарлар, мавҳум муждалар келадиган мана шу кунда бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасини елкасига олар экан, Юнус ота, бугун сешанба, деб ўйлади. У жума куни ҳовуз қувурининг оғзини беркитиб уни биров очиб кетмаслиги учун пойлоқчилик қилиб ётган чоғида Уташанга ўшанда номаълум, энди отнинг қашқасидек маълум Беркинбойни учратди, уни уйига олиб келиб бир кеча жой берди; шанбада ариқ ёқалаб бориб, йўлда Наби муаллим билан гаплашди, токзорнинг бир қисмига соя солиб, зарари тегса-да, кесиб ташлашга кўнгли бўлмаган оқ ўрик дарахтининг соясида дам олиб ўтирди, шу ўрикнинг остида бир маҳаллар ота-онаси пахсадан девор тиклаб, шох-шаббалар билан усти ёпилган кулбага ёз ойлари кўчиб келиб истиқомат қилишганини, ўчоқ-кумғонлари ташқарида эканлигини эслаб, уларнинг нафасларини туйгандек бўлиб ўкинди; якшанбада ҳар ёқларда сочилиб ётган газета-журналлару қандайдир каталоглар,

тарихий китобларнинг боғлам-боғламлари, тахлам-тахламларини қазноққа ташиб бир жойга бадастур қилиб қўяётганида Мазбутвой отасини қудуқдан чиқариб олишга кўмак сўраб келди-ю, у ёққа бориб умр бўйи ўзига тааллуқли бўлмаган ишлар билан машғул бўлиб юрганини пайқаб қолганидан ўзининг ҳам қудуққа тушиб ўтиришига бир бахя қолди, аммо бундай қилмади, Уташанда қадимдан мавжуд меҳмоннавозлик удумини унутмаган Одил қудуқчининг ўзи қудуқдан чиқиб у билан гаплашиб меҳмон қилди, барибир ичидан бир нима узилиб қудуққа тушиб қолгандай бўлганини ҳис этганча аламини кимга изҳор этишни билолмай у яна қайтиб келаверди; якшанбадан душанбага ўтар кечаси сокинлашган тунда юлдуззор осмон бағрини олов вақти қора қозон остида чатнаган учқунлар каби учар юлдузларнинг овозсиз шувурлари тиғдек тилиб ўтаётганига термилган қўйи, ўша, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупада уйқуси учганича ётганида ерсупанинг нариги четида савачўп билан саваланган пахта солинган кўрпа қатида она қурсоғидаги каби ғужанак ҳолда узанган кампири ҳам бедорлигини пайқаб, у билан тун соясини муҳокама қилаётган сингари ичсиқар гаплардан гаплашишди. Барчаси аниқ-равшан, бугун сешанба, Уташанга почта келадиган кун, аммо ўртада бир кун йўқ-ку, душанба қайда қолди? У ҳарчанд пешонасини тириштириб ўйламасин, якшанбадан душанбага ўтар кечаси душанбага эмас, сешанбага ўтиб қолганидан душанбани тополмай, охир-оқибат уни ўғирлатиб қўйганига ишонч ҳосил қилди. Ҳа, катта-ю кичик хат-хабарларни эга-эгаларига етказмаса кўнгли тинчимайдиган, эгасиз мавҳум газета-журналлару каталогларни, тарихий китобларни, аллақандай телеграммалардан тортиб уч-бурчак хатларгача тахлаб, боғлаб, тахлам-тахламлару боғлам-боғламларни кўз қорачиғидек асраб, ҳеч қачон ҳеч нимани йўқотмаслигига аниқ ишониб, Уташанда ярим асрдан буён почтачи-муждачилик қилаётган Юнус ота қариганда бус-бутун кунни йўқотиб ўтирибди, устига-устак, бу ҳафтанинг бошланиши, оламнинг яралиши, одамнинг зуваласи ердан узилган душанба куни эди. Бировнинг бус-бутун кунини бошқа биров ўмариб кетиши мумкинми, ахир? Ҳар кимнинг ўз кун, ой, йиллари – умри ҳам бунақада ҳеч қандай муаммосиз бошқа бировларга ўтиб кетаверадими? Буни ҳеч ким сўраб-суриштирмайдими? Бунақа инсон бўлгандан кўра девор остида думини қисиб ётган ит авло эмасми?

Шунақа ўй-хаёллардан боши қотган Юнус ота почтахонага етай деганда, йўлнинг нарёғидаги наввойхона ортидан, қабристон томондан атай қисаверганидан ўнг кўзи тамоман юмилиб қолгандек кўринган Адашвой чиқиб келиб, қандайдир қарзини сўраётгандек тумшуғини кўтариб салом берди. Юнус ота унинг саломига алик олиб, почтахонага кириб кетмоқчи эди, Адашвой ғўриллаган овозда дабдурустдан:

– Бизгаям дурустроқ хат-хабарлар чиқяптими ўзи мундоқ? – деб сўраб қолди, уйда ўтириб қолган қари қиз дарвозаси яқинидан пайқалган ҳар шарпага қулоғини динг қилгани каби.

Юнус почтачи-муждачига Уташанда бунақа саволлар берилиши қанчалик табиий бўлса, бунақа саволнинг Адашвой томонидан берилиши шу қадар нотабиий ва кутилмаган ҳол эди. У ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамаган, бирон жойдан хат-хабар кутиш тугул ҳатто кўпчилик сўрайдиган ойнаи жаҳон-телевизор дастур-программасига ҳам қизиқмаган, тасодифан дуч келиб қолган кезларда ҳода ютган каби бўйнини қайира олмай ўтиб кетаверарди. Шунинг учун унинг бу саволи Юнус отадек тажрибали ва кўпни кўрган почтачи-муждачини ҳам эсанкиратиб қўйди ва у тили ғўлдираганча:

– Қаердан келиши керак эди? – деб сўради.

– Буни сиз биласиз-да, – осмондан келганича Адашвой Юнус отага аллақандай иддао билан қаради. – Билганимда сиздан сўраб ўтирармидим?

Олиб борган ёмон хабарлари учун ўзи гуноҳкордек бўйнини қисган, яхшиси бўлса қувонганидан осмонга сакраган – ярим асрлик почтачи-муждачилигида у кўз кўриб, қулоқ эшитмаган не-не ҳодисаларга гувоҳ бўлган эди-ю, бунақасига энди дуч келиб турибди, нима деярини билмай тили акашакдек қотди.

Адашвой-ку, ҳар соҳада ҳаваскор кўча йигити, ҳатто унинг амакиси, ҳар хил қилвирликларни ўйлаб топишга устаси фаранг Олмос кисавур (қўли кесилганидан кейин ҳам анча йил яшаб, умр бўйи кесилган қўлига аза тутиб бошқа аъзоларидан норози бўлганча кўзи ёниб ўтган жаннатий) тирилиб келиб бу гапни айтганда ҳам Юнус ота нималигини бовар этолмай ёқа тутамлаган бўларди. Бу почтачи-муждачига айтиладиган гап эмаслигини исботлагиси келгандек почтахона ортидан тасодифан чиқиб қолган ит ҳам дарҳол думини қисганича, ортга қайтиб, кўздан ғойиб бўлди – уялди шекилли, ўзи қаерларда яшаяпман деб. Адашвой бўлса ўша-ўша – оқ сариқдан келган юзидаги ифодаларга кўра ҳамиша ғоят жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган бир ишни бажаришга ошиқаётгандек кўринган, аммо ҳеч қачон ҳеч қаерга ошиқмаган ва жиддий ишларни бажаришни хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда бир кўзини юмганча иккинчи кўзи билан ер остидан қаёққадир ўткир син солиб қараганича Уташаннинг почтачи-муждачисидан ўз ҳақини талаб қилаётгандек жавоб кутар эди.

Юнус ота, оёқ остидан чиққан бу балони қандай даф қилсам экан, дегандек бирпас чуқур мулоҳаза ичида ўйланиб турди. Унинг шу тарзи иш берди, Адашвой ҳар қандай мулоҳаза юритаётган одам қаршисида дош беролмай, ўзининг авра-астари ағдарилиб қолиши мумкинлигининг олдини олишга киришиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: у жойи жаннатда эканлиги аниқ амакисининг бир танишини, тўғрироғи, жонажон бир қадрдонини бозорда узоқдан кўриб қолганини, раҳматли амакиси уни аллақачонлар ўлиб кетган деб ўйлаб юриб ўзи бу дунёни тарк этганини, у тириклигини, у ўлмаганини, мутаҳҳам гадой бир пирашкачи туфайли уни кўздан йўқотиб қўйганини айтиб бераркан, эҳтимол ўша қадрдондан хат-пат келганмикан, деб сўраётганини тушунтириб берди.

– Ҳа-а, – дея оғир сўлиш олди Юнус ота, унинг даъвоси нималигини ҳануз тўлиқ тушуниб етмаган эса-да, хат-пат борасидаги илинжини англаб. – Ҳар бир хат-хабарни эгасига етказиб бермасам томоғимдан сув ўтмайди, Адашвой. Хат келдими – тамом, номингизга кўзим тушгани заҳоти у кимдан келди, нимага келди, деб суриштириб ўтирмай дарҳол етказиб берган бўлардим.

– Энди-и бунақа хатларнинг ичини очиб ўқиб кўришади деб эшитамиз-да! – баланддан келди умрида бировдан биронтаям хат олмаган Адашвой ўз нархини оширмоқчидай бўлиб.

– Бу ёлғон! – кескин рад қилди Юнус ота, гарчи Адашвойнинг тахминида ҳам ҳақиқат йўқ эмаслигини ичида пайқаб турса ҳам. – Бу ёғидан ҳеч хавотир олманг.

– Эшитганимизни айтамиз-да, – Юнус отани қандайдир жиноят устида қўлга туширмоқчи бўлаётгандек қисталанг қиларди Адашвой.

– Сиз яхшиси, ўша хат-пат ёзадиган одамларингизни тезлаштиринг, – асаби қўзиётганини билдирмасликка уриниб ундан қутилмоқчи бўлди Юнус ота. – Бу ёғини бизга қўйиб бераверинг.

Аммо у қутилмоқчи бўлиб тутилган, гапда адашган эди – чамаси, Адашвой ҳам шуни кутаётган эди.

– Йўқ, сиз менга бунақа оҳангда гапирманг, – деб қолди Адашвой ҳамияти қўзигандек. – Хат-пат ёзадиган одамларингизни тезлаштиринг дейсиз, нима, бу гапингиз билан мени масхара қиляпсизми? Агар сиз айтган нарсанинг иложи бўлгандайди, ўзим билардим, хатнинг нима кераги бор эди.

Адашвойнинг мантиғи тўғри эди. Ҳақ гапни айтмоқда эди. Аммо унинг бездек бўлиб туриши Юнус отани ич-ичидан титратиб юборди. Куни кеча, қаттиқ шамол эса бошлаган пешиндан сўнг божаси Одил қудукчиникига борганида унинг ёнига, қудуққа тушиб олгиси келганида ичидаги бошқа мени, ҳэ, онагинангни сени, ўзи ким бўпсан бекорчиҳўжа валакисаланг, деганича туйқусдан бош кўтариб келаётувди, Юнус ота уни амаллаб босди. Шундай қилгани унинг ўзига ёмон таъсир қилиб, алами келди.

– Мен нима дедим, ўғлим? – деди энди нотайин ўғриваччани ўғлим деб атагани учун қудуққа тушишга даъват этган ичидаги менидан дакки эшитиб.

– Биззиям ўзимизга яраша ҳурмат-иззатимиз бор, – деди Адашвой тумшуғини кўтарганича энди ўша қудуққа тушиб олишга жаҳд қилмоқчи бўлган Юнус ота билан мунозарага киришмоқчи бўлаётгандек.

– Ҳа, албатта, – тасдиқлади Юнус ота ортиқча гап айтиб қўйишдан ўзини тийиб.

– Бу почтахона-ю кутубхонада нималар бўлаётганини сўраб-суриштираётганимиз йўқ-ку?! – бир кўзи баттар юмилиб кетганча қандайдир уят ишга ишора қилаётгандек бўлди Адашвой.

Юнус отанинг хаёлида лоп этиб ўтган гал почтахона биносига етиб ичкари кираётганида йўлнинг нариги томонидаги новвойхонадан битта нон кўтариб келаётган кутутбхоначи жонланди. Унинг қуюқ салом берганини, ҳиди узоқдан димоғимга урилиб, чидолмай қолдим, деганини, нондан манзират қилганини, энди мен бораверайин-а, дея боғланиб қолгандек сузук кўзлари билан кулиб боққанини-ю шунда гавдаси ҳам қийшайиб кетгандек бўлганини эслади.

Адашвой Юнус отага синовчан тикилиб турарди.

Юнус ота негадир ич-ичидан титраб, ёш болага ўхшаб асабийлашаётганини пайқаб, ўзини босиб олишга уринди, сукут сақлади.

Хайрият, шундан сўнг катта портлаш содир бўлиши мумкинлигини Адашвой ҳам пайқаб қолдими, димоғида кўча сарсонларнинг қандайдир ҳуштагини чалганча, Юнус отани унутгандек индамай кетаверди.

Аммо Юнус отанинг боши лўқиллаб, кўз олди қоронғилашиб кетгандек бўлди. У ўзини амаллаб босиб олди. Бир кўнгли, почтахона биноси йўлагига қадам босмай яна ортга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасига кўзи тушди-ю, бундай қила олмаслигини, почтахонага кирмаса бўлмаслигини, у шунга маҳкум эканлигини фаҳмлаб, ўша, Одил қудуқчини қудуқдан чиқазиб олмоқчи бўлиб кейин ўзи қудуққа тушишнинг бетийиқ истагидан ўзини тутолмагани каби бир вулқон етилиб кела бошлади. Ўзини амаллаб тийди. Ёши бир жойга бориб қолган, қарийб ярим асрдан буён Уташанда почтачи-муждачилик қилиб келаётган, уруш йилларида очиқ дарвозалар ёнида кафтдек хат туфайли ҳушдан кетиб йиқилиб-қулаган, дод солган, фарёд чекканларни кўриб ҳам тишини-тишига босган, чидаган, чидаб келган, сабр-тоқатигина эмас, ўзи ҳам тош-метинга айланиб кетган тош-метин одам бунақа қила олмасди; додлаш, оҳ уриш, фарёд чекиш мумкинлиги ёдига тушганида Одил қудуқчиники каби қудуқ топиши, Одил қудуқчи каби қудуқ тубига тушиб олиши, ўша тубсизликларда ўзига ўзи назар солиши кераклигини ўйлаб, кўзига дунё қоронғи кўринишдан ташқари юраги исканжага олиб сиқа бошлар эди. Ҳозир ҳам шунақа ҳолат юз

бермоқда эди, у дарҳол елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасининг чўнтакларидан бирини пайпаслаб қоғози устига "глицерин" деб ёзилган тугмача дори топди ва қоғоз уячалардан дарҳол иккитасини суғуриб олиб, нос капалаётгандек тилининг остига ташлаб юборди. Бошининг лўқиллаши кучайди, аммо энди унинг кўнгли бироз тинчиган эди, тили остидаги тугмачалар шунақа таъсир қилади, бошида бир безовта қилиб, кейин-кейин асабларини секин-аста жойига туширади, кўкракда тугилаётган тугунлар тугунбошларини ечади, ёзади, чап ёнбошга думалаб қолишдан вақтинчалик асраб туради – унинг ёрдам-кўмаги шу. Одамлар туккан тугунларни тугмача дорилар ечиб-ёзади – дунёнинг тескари эканлиги шу.

У почтахона биноси йўлагига олиб кирадиган эшик кесакисига бирпас суяниб тургач, кутубхоначининг яна қийшанглаганча чиқиб келиши мумкинлигини хаёлига келтириб, муҳим нарса ёдига тушгандек дарҳол ҳушёр тортди. Ўзини ўнглаб, падарига лаънат ҳаммасининг, деганича қандайдир мавҳум онгни тубдан ўзгартириб-янгилатишга қаратилган, Уташанга ёғилиб келгани билан аниқ манзили кўрсатилмаган почтадан улги олган каби мавҳум сўкиниб, ташқи эшикдан бинонинг нимқоронғи йўлагига қадам босди. Почтахона очилганидан буён эътибор бермайдиган нарсалари – энсиз йўлакнинг икки томонидан кирган одамни сиқиб, исканжага олаётгандек туюладиган оҳак суртиб оқланган сомонсувоқли пахса деворлар, пол қилинмаган оёқ остида ташқаридаги каби тупроқ тўзиб ётиши, шифтдаги тўсинлар орасидан ўлжага ташланишга шайланган заҳарли илонлар сингари ярим белидан ташқарига осилишган қамишлар Юнус отани қандайдир ҳақоратлаб-таҳқирлаётгандек бўлиб, унга оғир ботди. Булардан ҳам баттар нимқоронғилик қуюқлашиб говгумлашиб борган йўлак охиридаги чап томонда кутубхона эшигининг сирлилиги уни баттар ҳақоратларди. У почтахона эшиги дастасини пастга қайириб, ўзига тортиб очди ва остонадан ичкари ҳатлади. Эшикни очиқ қолдирмаслик учун бир лаҳзагина хонага терс туриб қолганида ортидан:

– Во-ой, сизмидингиз? – деган таниш овоз қулоғига урилиб, ўзини ичи ағдар-тўнтар бўлиб кетгандек ҳис этди ва қайрилганида териси шилиб олингудек соқоли қиртишланганидек қотма заифона чеҳраси йилтираб, юз-кўзи кулиб турган кутубхоначига рўпара бўлди. – Эндигина мен кетмоқчи бўлиб турувдим, қаранг-а, сиз келиб қолдингиз, – гупиллаб турган атир ҳидидан Юнус отанинг кўнгли ағдарилаёзди. – Майли, Норқулжонни энди сизга қолдираман, – у сузилаётгандек ортига қараб қўйди. – Ўзингиз адабини бериб қўйинг уни!

Дарҳақиқат, норғул гавдаси туфайли катта кўрингани билан почтачи жиккакина кутубхоначига қараганда анча ёш эди. Шунга қарамай, баъзида уни йиғлатиб ўтиргани устидан чиқиб қолса Юнус ота хижолат чекар эди. Ҳозир унақа эмаслиги алайно-ошкор кўриниб турар, кутубхоначи хандон-хушон, бир гапириб ўн кулгиси келиб турарди. Норқул тўсиқ ортидаги столда энкайиб олганча, ўзини қандайдир муҳим иш билан банд кўрсатиш ташвишини чекарди. Юнус ота ўғривачча Адашвойнинг кўнгилни хира қиладиган гапини ўйлаб келаётгани, шундан сиқилиб-торикқани туфайли дабдурустдан тўқнаш келиб қолган кутубхоначи билан ҳол сўрашиш-сўрашмасликни ҳам билолмай талмовсираниб қолди.

– Майли, хўпми? – деб муштчаси билан тўсиқ ортига пўписа қилиб қўйганча, кейин Юнус отага яна бирров табассум ҳадя этиб, кутубхоначи шилт этгандай унинг ёнидан ўтиб эшикни қия очиб чиқиб кетди.

Юнус ота димоғига ўрнашиб қолган атир ҳидини ўзидан ҳайдаётгандек қўли билан ҳаракат қилиб, тўсиқ ортига ўтди. Норқул қандайдир бўғриққандек ўтирар,

хона бурчагида кичкина столча устида дастурхон ўрнида ёйилган газетада бурдаланган нон, колбаса пўчоқлари негадир йиғиштирилмаган эди. Столча остида эса "барматуха"[1]нинг бўшаган шишаси ётарди.

Юнус ота индамай темир стол устидаги газета-журналларни, хат-хабарларни алоҳида-алоҳида қилиб сумкасига жойлай бошлади. Бир маҳал, ҳеч кутилмаганда, Норқул қўлидаги ручкасини шахт билан столга ташлаб, қаддини тиклади.

– Ҳа-а?! – деди Юнус отага чақчайиб қараганича дағдаға қилаётгандек. – Нега менга бунақа қарайсиз?

– Қанақа қарадим? – кифт қисди Юнус ота, тўлиб-тошиб тургани учун гапни калта қилиб.

– Биламан, биламан, – қандайдир иддао билан пишқирди Норқул. – Бутун Уташан-путашанингиз билан шу боёқишга ёпишиб олгансизлар. Висир-висир, пичир-пичир – ўзи сизларга гап бўлса. Ҳамма илм-зиё олсин, китоб ўқисин деб шу жойни очиб ўтирибди. Шу кичкина ойликчага бошқа биров ишлармиди? Биламан, бекорчи юрса юрадики, бунақа иш қилишни ўйламайди.

Юнус ота индамагани сайин Норқул авжига чиқарди.

– Уям одам! – Норқул негадир кўрсаткич бармоғини тик кўтариб, шифтга нукаётгандек ишора қилди, Худонинг яратувчилик куч-кудратини эсига олиб бундан Юнус отани ҳам огоҳ қилмоқчи бўлди, шекилли. – Ўйнаб-кулгиси, кўнглини ёзгиси келади. Мана, чет элларда ҳамма одамнинг эрки ўз қўлида...

Қизиқиб кетганидан айтиб юборган сўнгги гапининг асл маъно-мазмуни ёдига тушиб қолдими, нима демоқчисан, бизда эрксизликми, буни қанақа исботлайсан, деган айблов қулоғи остида шапалоқдек жаранглашидан ҳадиксираганича, теварак-атрофга аланглаб назар ташлади. Хонанинг пахса деворларига узоқ-узоқ син солиб кўзи тешилгудек бўлиб қаради. Айниқса, камсомонликдан ёрилган сомонсувоқли тирқишларга чексиз ҳадик билан ҳайиққанича қўркув аралаш нигоҳ ташлади. Юнус отанинг миқ этмай ўз ишини қилаётгани нафратини қўзиётган бўлса-да, энди ўз айби билан чув тушишига бир бахя қолгани учун, яшираман деб баттар ошкор қилганини хавфсираганича хаспўшлашга ўтди.

– Шунақа деб айтишади-да, – деди у қандайдир ёлғон хабарни эшитиб, унга изоҳ бераётгандек. – Аммо у қанақа эркинлик? Хотин киши билан хотин киши, эркак киши билан эркак киши бемалол ётиб юраверишларини айтишадими?

Дарҳақиқат, айтиб юборган беҳуда гапини хаспўшлайман деб Норқул ўз сир-асрорларини очиқ-ойдин фош қилиб қўйишига оз қолди. Шу сабабли, тайинсиз гапларни минғирлай бошлади. Ўрнидан туриб Ғафур Ғулому Абдулла Ориповдан омухта қилиб, аллақачонлар дунёи боқийга рихлат этган бўлса-да, ҳамма ҳамон тирик деб юрадиган доҳий ҳақида ўзи ўқимаган бўлсаям қулоғи остига ўрнашган аралаш сатрларни ўқий бошлаб, унинг ҳақиқатдан ҳам ўлмаслигини исботлашга киришиб кетди. Юнус ота ўзини унга эътибор бераётгандек кўрсатса-да, эътибор бермай стол устидаги ўзига тегишли бир даста газета-журналлару хатларни сумкасининг алоҳида-алоҳида чўнтакларига жойларкан, хатлар орасида туйқусдан хат бўлиб хат, открытка бўлиб открыткага ўхшамаган, ўтган сафаргидек оппоқ томонида маъносини билиб бўлмайдиган бешбурчак муҳр ва ёзиши қийин бўлган қалам билан хира ҳарфларда кўз илғар-илғамас "Уташан" деган ёзув сабт этилган, рангли томонида Саҳрои Кабир каби саҳро, шамол тўзитган қамғоқ ва саҳронинг ўртасида нинанинг учидек кўзга базўр ташланадиган оролча акс эттирилган расм ҳамда

[1] "Барматуха" – шўро даврида арзон винонинг халқ тилидаги номи. Ичкилик ёппасига авж олган мамлакатда "барматухачи"лик кенг ёйилган эди.

мана шу манзараларни алоҳида-алоҳида кўрсатувчи орқа томондагига ўхшаш учта бешбурчак марка ҳам ёпиштирилган эди.

У почта мудирига қаради. У ҳамон қўлини кўксига қўйганича деворда осиғлиқ доҳий портретига қасамёд қилаётгандек, шеър ўқиш билан машғул эди. Юнус ота бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасини елкасига илди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилганча чиқиб кетди. "Юнус ота, сиз қандай хабарларни кўтариб кетмоқдасиз? Зил-замбил бу юклар исканжасидан ўзингизни қачон халос айлайсиз, хабарчи ота?!"

Шу-шу у бу ерга қайтиб қадам босмади.

Ойтош буви ошқовоқ барглари соя солган ўша супада энкайиб ўтирганча патнисдаги бир пиёла гуруч орасидан тошларни териб ўтирарди. У Юнус отани кўриб, бир кимирлаб қўйди, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди. Юнус ота етиб келиб, сумкасини супа қирғоғига тап этиб ташлади ва ўзи ҳам сумка ёнига ўтирди.

– Чиқиб кўрпачага ўтиринг, – деди Ойтош буви патнисни орт томонига олиб қўяркан.

– А, йўқ, – деди Юнус ота қўл силтаётгандек ҳаракат қилиб. – Ҳозир бир-икки жойга бориб, поштани тарқатиб келмасам кечкурун сўраб келишади.

– Анави меҳмонингиз энди Хумга қандайдир шеригини ҳам бошлаб кепти, – деди Ойтош буви чойнакдаги совуброқ қолган чойдан пиёлага қуйиб, унга узатаркан сиз кўтариб юрган хат-хабарлардан ҳам муҳимроғи бор, деяётгандек бўлиб.

– Вой падари қусури-ей! – деб юборди Юнус ота бу фавқулодда хабардан ҳайратга тушиб.

Унинг кўз ўнгида дарҳол Наби муаллим жонланди. Қулоғи остида унинг "мактаб-ку тинч, аммо ўзимиз нотинч бўладиганга ўхшаб турибмиз", деган гапи эшитилгандек бўлди.

– Астойдил нотинчлик энди бошланмасайди, – деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

– Нима дедингиз? – сўради Ойтош буви бу гапга тушунмай.

– Бирон нотинчлик туфайли келгандир-да, – деди Юнус ота энди негадир дили хиралангандек.

– Ҳа, юртида қурғоқчилик бўлган экан.

– Қизиқ, унисиники сув босган эди, – деди Юнус ота қандайдир муҳим нарсани хаёлига келтиришга ҳарчанд уринса-да, хаёлига келтира олмай. – Энди бунисининг баҳонаси қурғоқчилик бўптими?

– Билмасам, – кифт қисди Ойтош буви. – Бу гапларни айтган Қиммат дугонам ҳозиргина чиқиб кетди, сал барвақтроқ келганингизда ўзидан сўраб олардингиз. Исминиям билиб олипти денг.

– Исми нимайкан? – Юнус отанинг ҳарчанд хаёлига келтиришга уринган билан тополмаётган нарсаси лоп этиб ёдига тушди, шоша-пиша сумкасини оча бошлади.

– Ёшиузоқ экан исми ўлгурнинг, – дерди Ойтош буви танимаган-билмаган одами ҳақида Қиммат кампирнинг етказган хабарини айнан сўзма-сўз такрорлаб.

Юнус ота сумкасидаги хатлар орасидан хат бўлиб хат, открытка бўлиб открыткага ўхшамаган, ўтган сафаргидек оппоқ томонида маъносини билиб бўлмайдиган бешбурчак муҳр ва ёзиши қийин бўлган қалам билан хира ҳарфларда кўз илғар-илғамас "Уташан" деган ёзув сабт этилган, рангли томонида Саҳрои Кабир каби саҳро, шамол тўзитган қамғоқ ва саҳронинг ўртасида нинанинг учидек кўзга базўр ташланадиган оролча акс эттирилган расм ҳамда мана шу манзараларни алоҳида-алоҳида кўрсатувчи орқа томондагига ўхшаш учта бешбурчак марка ҳам ёпиштирилган ўша нарсани олиб, тикилиб қолди.

– Намунча кўз узолмай қолдингиз? – сўради Ойтош буви Юнус отанинг қўлидаги нарса ўзига ҳам тааллуқли бўлишини чин дилдан истаганича. – Бўривойимиздан хат-хабар кептими? Эсон-омонгина, бошгинаси оғримай юриптимикан ишқилиб?

– Йўқ, – бош чайқади Юнус ота. – Бўривойимиздан хат-хабар келганида дарҳол сенга айтиб, суюнчисини олган бўлардим. Буни қаердан келганиям, кимга келганиям номаълум – фақат "Уташан" деб ёзилган, холос.

– Бунақа нарсалар жуда кўп келадиган бўп қолди-ку, – деди Ойтош буви ажабланарли жойи йўқ дегандек у томон қараб қўяркан. – Шуни сиз ҳеч тагига етолмадингиз етолмадингиз-да.

– Етолмасам ҳам керак, – очиқ-ойдин тан олди Юнус ота. – Улар, юборадиган нарсаларимизни уташанликлар талашиб-тортишиб ўқишади, деб хомхаёл қилишса керак-да.

– Туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади, – деди Ойтош буви бунақа нарсаларни теп-текин юборадиганларнинг каллаварамлигига ишора қилиб. – Қоғознинг шўри.

– Шунақа дейсану, аммо бунинг остида катта гап бўлши керак, – Ойтош бувининг шунча вақтдан буён кўра-била туриб, яна фикрини чалғитадиган гапларни гапираётганидан норози бўлганча тўнғиллади Юнус ота. – Ҳукумат беҳуда пул сарфламайди. Булар-ку майли, аммо манавига мени бошим қотиб турибди. Ўтган гал Беркинбойни ҳовуз бўйида учратишимдан аввал ҳам худди шунақа, аммо суратлари мазмунидан сув тошкинига ишора қилинган бошқотирмага ўхшаш нарса келувди, бу галгиси ҳақиқатдан ҳам қурғоқчиликдан дарак бераётгандек...

Ойтош бувининг хаёли аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободга тушиб, барвақт қазо этган қизига, ундан қолган невараларига, айниқса, отасига ҳампо бўлган Бўривойига оғиб кетгани боис Юнус отанинг айтаётганларига унча эътибор қаратмади. Ичи тўлиб турганидан бирор баҳона топиб йиғлаб олиш учун баҳона қидирарди.

Ғалати муҳрлар босилган, ғалати суратлар акс этган, фақатгина "Уташан" деган ёзуви сабабли елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасидаги мавҳум хабарнинг Ойтош бувининг, "Анави меҳмонингиз энди Хумга қандайдир шеригини ҳам бошлаб кепти", деган гапи билан қандайдир боғлиқ томони бордай эканлигини Юнус ота ҳар қандай одамга айтса ҳар қандай одам ҳам ёқасини тутамлаб, оғзини очиб қолиши турган гап эди. Аммо Ойтош бувининг беихтиёр хаёли чалғиганидан бу гапни қулоғи ёнидан ўтказиб юборди. Уташан пайдо бўлганидан буён (унинг пайдо бўлиш тарихи қадимги тош асри даврига бориб тақалишини қоятошлардаги суратлар ҳамда бутун шоп-шалопи билан дафн этилган қандайдир уташанлик шаҳзоданинг мумиёланган жасадидан минг йиллар давомида эски деворлар "тап" этиб йиқилиб тушганда тўзиб кетадиган тупроқ ҳидими, кул ҳидими ёинки тупроқ ва кул омухтасидан чиқадиган каби таралган бир ҳид тасдиқларди. Нурлар ва ранглларни ўрганиш орқали миллион йиллар ортига ўзлари бориб келгандек аниқ хулосалар чиқара олишадиган ҳозирги замон олимлари эндиликда мана шу ҳидни ўрганиш илм-фанга улкан тарихий кашфиётларни тақдим этишини башорат қилишарди) бунақа ҳодиса юз бермаган, талашиб-тортишувларга, тахминий хулосалар чиқарилишига, гурунг-гаштакларга сал-пал туртки берадиган гап-сўзлар ҳам қулоққа чалиндими бас, ерда ётмас, энига ва бўйига, ёнига ва ортига қўшиб-чатилиб, бичиб-тўқилиб кенгайгандан кенгайиб кетаверарди. Кейинчалик уларнинг орасидан қайбири росту қайбири ёлғон эканлигини

ажратиб олиш ҳам мушкуллашиб, бора-бора афсона-ю ривоятларга айланиб, боболар кириб-киртишлашга эринишганидан ғовлаб ўсиб кўкракдан пастга тушгани боисидан донолик белгисига айланиб кетган соқолларини тутамлай-тутамлай, қанча тутамлагани билан тутамига сиғдиролмай овора бўлишган узун қиш тунларида чўғи совуб қолган танчанинг нариги бурчагида мунчоқдек қоп-қора кўзларини жавдиратиб турган невараларига тили тезроқ чиқсин деб бу афсона-ю ривоятларни сўйлаб беришар, уларнинг қайларгадир қочиб кетган хобларини келтириш учун олабўжи-ю ажина-ю жинларни ҳам тобора мукаммалашиб бораётган оғзаки асарларига хоҳлаганларича тиқиб ташлайверишар эдилар.

Наилож, ҳозир эрта қазо қилган қизини эслаб ўз дарди билан ўзи бўлиб қолган Ойтош бувининг миясини қоқиб қўлига берсанг ҳам бунақа гапларга эътибор қаратиши душвор эди. Шу сабабли, Юнус ота бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасини елкасига илиб кўчага чиқиб унинг адоғига етганида, шу кўчани кўндалангига кесиб ўтган бошқа кўчанинг чап томонидан келаётган Беркинбой ва унинг ёнидаги кишига кўзи тушди. Бир кўнгли уларнинг кўзига ташланмаслик учун ортга бурилиб кетмоқчи бўлди-ю, энди кечлигини пайқаб муюлишда кутиб турди

Беркинбой уни узоқданоқ кўриб, ҳатто ёнидагига ниманидир шипшиб тушунтиргандек бўлса-да, яқинлашганида шошиб қолгандек иккала қўлини ҳам кўксига босиб салом берди. Кейин қўшқўллаб кўришди. Ойтош буви, газета-журналларнинг тахлам-тахламлари-ю боғлам-боғламлари, супага соя солиб турган ошковоқ новдалари ҳам қолмай, қуюққина сўрашишди. Ўзидан кейин ёнидаги, ҳақиқатан ҳам қурғоқчилик уриб-қақшатиб кетган жойдан келгани ғижимлангандек афт-башарасидан шундоққина кўриниб турган, иссиқ кийим-боши анчадан буён сув кўрмаганга ўхшаган, ёноқлари ич-ичига ботиб кетган, ўқдек қадалувчи кўзлари киртайиб, остидаги халтачалари қорайган кишига йўл очиб, уни Юнус ота билан кўришиб-сўрашишга даъват этди.

У тил ўрганишга энди киришишини изҳор этаётгандек бош ирғаб, қўлини узатиб кўришди. Беркинбой унга кўришаётган кишисининг таърифини қилиб турди.

– Уташаннинг тарихи шу кишининг қўлида, – деди у ўзи асло ишонмаган бу гапларга ёнидаги ҳам ишониши керак эмаслигини намоён этаётгандек ишшайиб. – Агар уйларига кирсангиз ҳайрон қоласиз. Бу киши мол йиғмаганлар, дон тўпламаганлар, ҳамма жойдан келган ҳамма газета-журналлару китоб-каталоглар шу кишининг уйида.

Беркинбой сўзлар экан, ёнидаги оғзини очганича ишониб-ишонқирамай унинг оғзига қараб турар, бу гаплардан ўзига тегишли бирор-бир фойда борми-йўқлигини тахминламоқчи бўларди.

Беркинбой ҳамроҳининг қарашидаги маънони илғаб, ҳовриқишларидан тўхтади ва уни Юнус отага таништириб, ўзи каби кўп азоб чекканини, раиснинг ҳузурига олиб бораётганини, раиснинг олижанобликларига ўзи гувоҳ бўлганини, бу гал ҳам раъйи қайтмаслигига ишонишини айтиб хайр-маъзур қилди.

Улар кетишди.

Юнус ота муюлишда қандайдир ўй-хаёллар оғушида туриб қолди. У энди бу воқеалар ўзига аввалдан қандайдир маълум бўлганини, қандайдир эсида йўқ тушларида кимлардир нималарнидир шипшиганини, аммо мана шунақа нарсаларга эътибор қаратмай идроки шунга яраша Уташан воқелигининг ташқи жиҳатлари билан кифояланиб қолганини ўйлаб қолганди.

Ҳа, ҳар қандай одам учун ҳам қийин масала эди унинг хаёлидан ўтаётганлари. Хум тепалигидан катта йўлга тушиб олиб, Уташан кўчалари оралаб раис хузурига йўл олган бу икковлоннинг паспорт-гувоҳномаси ўзининг елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасида эканлигига ишонган каби Юнус ота устига "Уташан" деган сўз ёзилган мавҳум хабар ҳақида ўйларди. Уни бировга кўрсатиш керакми-керакмасми эканлигини, кўрсатса нима деб кўрсатишини, ортидан қандай гап-сўзлар чиқиши мумкинлигини қанчалик бош қотириб мулоҳаза қилишга уринмасин, ҳеч ҳам тагига етолмасди. Бу мавҳум хабарда Уташан ҳаётини ўзгартиришга тааллуқли қандайдир ишоралар яширинганини фаҳмлаб тургандек кўринса-да, улар нималардан иборат эканлигини, қачон, қаерда, нима учун, қанақа каби саволлар қаршисида ожиз қолаётганини англаб, бу борада ҳеч кимнинг фаҳм-фаросати ўсиб-улғаймаганини, илми етиб-етилмаганини ҳис этаётганди. Мана шу ҳиссиёт исканжасида елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасидаги мавҳум хабарларни бировга кўрсатиш ўз бошига ташвиш келтиришдан бўлак нарса эмаслигини, ҳозир ҳеч ким ҳеч кимни ва ҳеч нарсани самимий тушунмаслигини, тирноқ остидан киру оёқ остидан фалокат қидиришини, қидирган нарсасини албатта топишини, шунақа пайтларда ердан чиққанми осмондан тушганми қаердан келганлиги-ю зоти номаълум қаҳрамонлар пайдо бўлиб қолишини, уларга гап уқдириб бўлмаслигини, улар дарҳол енг шимариб ишга киришиб кетишларини, тегишли жойларга ўз қаҳрамонликларининг оқ нонини оқлаш учун туҳмат-бўҳтонларини етказишдан тоймасликларини, тегишли жойлар ҳам бунақа туҳмат-бўҳтонларга маҳтал туришларини, хилват хонада дарҳол сўроқ бошлаб юборилишини, қора таёқлару гурзидек муштлар ишга тушишини, оғиз-бурнидан қопқора қонини оқизишларини, қабоғини кўкартириб ортига тепишини, бундан баттар шармисорликларга дуч қилишлари мумкинлигини оний лаҳзаларда хаёлидан ўтказган Юнус ота ҳатто ўша мавҳум хабарларни сумкасида сақлаб юришнинг ўзи ҳам катта хавф эканлигини ўйлаб қолди. Уларни ёқиб юбориш ёинки йиртиб-майдалаб бадраф-мадрафга ташлаш кераклиги режасини туза бошлади, бунақа вақтда бунақа режа пишиқ-пухта тузилмаса ўзини ошкор қилиб қўйиб янаям мудҳишроқ оқибатларга олиб келиши мумкинлигини хаёлидан ўтказди. Шу ҳисобдан олиб қараганда, Ойтош бувининг эътибор бермагани ҳам яхши бўлган эди.

Хум қиямалигида жун йигириб, урчуқ айлантирадиган аёллар Беркинбойнинг хотини ҳам шу ердалиги учун гапни чўзиб ўтиришмади, меҳмон келганмиди, деган сўроқларига, ҳа, меҳмон келган эди, деган жавобни олгач, қаноатланиб кўя қолишди. Аммо бошқалар бундай қилишмади. Беркинбой раисга чойхоначилик қилиб унга анча-мунча гапини ҳам ўтказа олиши, Юнус ота баҳонасида бу ерда танда қўйиб дарҳол ўз ишини топгани, устига-устак мана энди ўзига ўхшаган қайсидир бетайинни етаклаб келгани, энди бундан бу ёғи нима бўлишини Худо билиши – даштда шамол қўзиб ҳосил қилган жинтўполон йўлида учраган хас-хашагу кучи етган нарсаларни учирма қилгани каби гап-сўзлар ҳам бўйига, ҳам энига тобора кенгайиб борарди. Қуюқлашган зулмат чоғи пайдо бўлган меҳмон – Беркинбой ҳақидаги гап-сўзлар энди-энди босилай деганида, мана яна янгиси чиқиб турибди.

Тонг отиб, кун ёришиб тунги таҳликлардан халос бўлганидан қувониб йўлга чиқар экан, Ғулом Шариф, бугун сешанба куни эканлигини ўйлаган, жума куни Мамарайимга ҳовлиси этагида қурилаётган молхонанинг эни тор бўлиб қолганини айтган, энди охурларни ташқаридан қуриб девордан молларнинг калласи сиғадиган тешиклар очишни, охур ёғин-сочиндан қуруқ туриши учун тепасида айвонча

қилишни буюриб, унга фаҳм-фаросат бобида дашном берган; шанбада эрталаб Уташанда қандайдир меҳмон пайдо бўлганини эшитиб, хаёлига дабдурустдан бу ортимдан қўйилган одам эмасмикан, деган фикр урилган, шу фикр уни хавотирга солишдан ҳам кўра негадир қувонтириб юборган, ўзини ҳамма нарсани олдиндан пайқайдиган доно арбоб сифатида кашф этган, ҳатто "ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" деган, мақолдан ҳам кўра Уташанда зарбдорлик қурилишларига ундаган шиорлар каби янграйдиган нақлни минғирлаб бир неча марта айтган, шу асно Уташанда пайдо бўлган меҳмонни қаршилаб унинг ҳожатини чиқарган, соатини йўқотган шанбадан яшанбага ўтар кечаси турли хавотирли ўй-хаёллар оғушида ухлолмай чиққан; якшанба куни Беркинбой юритиб юборган чойхонага бориб анча-мунча кўнгил ёзган, маишат қилган, тунга бориб безовталиги яна қўзғаган, аммо барибир тонгни қаршилаганидан қувонган эди. Барчаси аниқ-равшан, бугун сешанба, аммо ўртада бир кун йўқ-ку, душанба қайда қолди? Ёки бугун душанбамикан? Йўқ, сешанба экан. У ҳам Юнус ота каби ҳарчанд пешонасини тириштириб ўйламасин, якшанбадан душанбага ўтар кечаси душанбага эмас, сешанбага ўтиб қолганидан душанбани тополмай, охир-оқибат уни ўғирлатиб қўйганига ишонч ҳосил қилди. Ҳа, аввалига нимчасининг кўкрак чўнтагига солиб юрадиган, қопқоғининг тугмачасини босса "ширқ" этиб очиладиган, ортида аллақачон дорилбақога рихлат этган бўлса-да ҳамма ҳамон тирик деб ишониб юрадиган доҳийнинг қабариқ тасвири туширилган соатини йўқотиб қўйган Ғулом Шарифга нимадир бўлди-ю, энди бус-бутун кунини ҳам ўмариб кетишди. Аммо бу ҳақда бировга на айтиб, на шикоят қилиб бўлар эди. Нима, шикоят аризасига менким фалончи-пистончи Ғулом Шариф фалон хўжаликнинг раиси, якшанбадан душанбага ўтиб, тонгни эсон-омон қаршилаб душанбага эмас, сешанбага ўтиб қолдим, деб ёзадими? Бунақа ёзадиган бўлса, ўзининг жинни бўлиб қолганини аниқ исботлаб бермайдими? Уни жиннихонага олиб кетмасликларига ким кафолат бера олади?

Мана шундай ўй-хаёллар оғушидаги Ғулом Шарифнинг ичида туйқусдан бошқа бир Ғулом Шариф пайдо бўлди-ю, уни яниганича, тўхта, ҳадеб "ким кафолат бера олади, ким кафолат бера олади?" деб вайсайверасан, сен учун нега биров кафолат бера олиши керак экан, деб уни яний бошлади. Ичидаги Ғулом Шарифга қақшатқич зарба беришга чоғланган ташқаридаги Ғулом Шарифнинг туйқусдан эси киргандек бўлди. Ҳа, рост айтади, ҳақиқатдан ҳам жинни бўлиб қолганимни, миям ишламаётганини мана шу биргина "ким кафолат бера олади?" деган тентакона гап билан исботлаб ўтирибман. Йўқ, ҳеч кимга ҳеч кимнинг кафолати керак эмас, кафолатнинг боши афсус, охири товон бўлишини чўпоннинг далада дайдиган ити ҳам билади ва бунақа нарсалардан ўзини узоқроқ олиб юради, йўқса аллақачонлар бўриларга ем бўлиб кетарди. Бунақа бошоғритар бекорчи гапларнинг кераги йўқ, аммо бус-бутун душанба куни қаёққа гум бўлдийкин? Ҳар кимнинг ўз кун, ой, йиллари – умри ҳам бунақада нима бўлади? Буни ҳеч ким сўраб-суриштирмайдими? Бунақа инсон бўлгандан кўра девор остида думини қисиб ётган ит авло эмасми?

Ғулом Шариф ўша куни Беринбойга розилик беришга бориб қўйиб, кейин одатдагидек ярим тунда яна безовталаниб ўрнидан туриб кетган, ўзига-ўзи, энди шуниси етмай турувди, дея ғўдранган, уф тортган, ортиқча даҳмазадан қутилиш ҳақида боши санчиб ўйлаган эди. Шунга кўра қурғоқчилик офатидан эмин қолган одамни совуққина кутиб олишни дилига туккан эди. Аммо меҳмон Беркинбой билан хонасига кириб келганида аввалдан ўйлаб қўйганлари, пишиқ-пухта режалари, айтмоқчи бўлганлари, ғазаб-сиёсатлари – барча-барчаси пардай тўзиб, Ёшиузоқни

кўрган заҳотиёқ унга қандайдир раҳми келаётгандек бўлди. Ҳаттоки, кўнглини кўтариб қўйгиси келди, аммо унинг яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам қиёфасини заррача ўзгартирмай, миқ этмай бош эгиб тураверадиганлар тоифасидан эканлигини билиб индамади. Беркинбой даромадни узоқдан олиб, фалокат бир келса қўша-қўшалаб бир-бирининг думидан тортиб чиқаверишини, аввал катта кетиб парво қилмай юрган одамлар кейин-кейин унинг қаршисида ожиз қолишини, шунда ҳар ким ўз ташвиши билан бўлиб кетишини – қавму қариндошлик, оға-иничилик, яқинлик деган нарсалар унутилишини, яшаб турган жойини сел босганида буни ўз бошидан ўтказганини, мана энди Ёшиузоқ боёқиш ҳам қурғоқчилик жабрини чекканини, шундай пайтда унга ёрдам қўлини чўзиш инсонпарварликдан эканлигини – оғзи ялоғ мутаҳҳамлар буни билмаслигини, била олмаслигини – давлатимизнинг асосий манбаи ҳам мана шу, айнан мана шунақа одамлар – кўпдан-кўп, ўнлаган, юзлаган, минглаган, миллионлаган Ёшиузоқлар эканлигини исботловчи қисқагина нутқ ирод қилиб, шу баҳона "давлат манбаи"ни таништириб ҳам ўтган эдики, бу Ғулом Шарифга кутилганидан ҳам зиёда таъсир қилди.

– Ҳарқанча ёрдам керак бўлса берамиз!– деб юборганини ҳам пайқамай қолди.

– Ҳарқанча ёрдамнинг зарурат йўқ,– деди Ёшиузоқ кичкина юзида суви қочган бодрингдай беўхшов сўппайган бурнини тортиб қўяркан. Унинг чоққина гавдаси, хатти-ҳаракатларининг сустлиги "жиндай нуқсон"и борасидаги Беркинбойнинг айтганларини рад этаётгандай туюлар, одамни шубҳа-гумонга солиб қўяр, аммо туксиз қошлари остидаги бит кўзлари кишига қаттиқ, тешиб юборгудек боқарди. – Пича ер берсангиз бас, у ёғини бир амаллармиз...

Беркинбой Ёшиузоқ томонга яниётгандек қараб қўйди. Ғулом Шарифнинг ҳам ғазаби қўзиди – ўзи киму катта кетишини.

– Шунинг ўзи ҳарқанча ёрдам-да, – дарҳол гапга аралашди Беркинбой, шуниям билмайсанми нодон, дегандек Ёшиузоққа қараб қўйиб.

Ёшиузоқ кифт қисиб қўйди. Шунда унинг тескари одам эканлигини Ғулом Шариф билгандек бўлди. Шунақалар ҳам бўлади, аммо кўпинча ҳар сўзингни ўн марталаб бош ирғаб тасдиқлаб турадиганлардан кўра бунақа телба-тескарилар мард ва танти чиқиб қолишади. Ғулом Шарифнинг хаёлидан шу фикр ўтди-ю, Ёшиузоқ кўзига бирданига бошқача кўриниб кетди.

– Энди нимаям дердик?– Ғулом Шариф ўзгарган кайфиятда қўлларини икки томонга оққуш қанотларидек ёйиб юбориб ноилож қолганлик ифодасини билдирди ва: – Биз томонларга шу чоққача ҳеч ким кўчиб келгани йўқ эди, – дея уларнинг ҳар иккаласига тааллуқли бўлган муҳим сирни ошкор қилишга чоғланди. – Ҳолбуки, бошқа ёқлардан келадиганлар учун енгилликлар борлигини яшириб ўтирмайман. Район марказидан қатнаб ишлайдиган бир ўрис муаллимага келинг, шарт-шароит яратиб берамиз, деб қанчалик ялиндик, кўнмади, кўнганида тилимиз анчагина узун бўлиб юрар эдик. Шунинг учун айтаманки, четдан келадиганлар учун бизда ҳам лимит[1] ажратилган, уни тўлғазиб қўйишни биз ҳам хоҳлаймиз, аммо талабгор чиқмагач иложимиз қанча? Ҳамма жойга қариндош-уруғ ортидан, ака-ука ортидан, дўст-биродар ортидан боришади-ю, нега биз томонларга келишмайди деб хафаям бўлиб кетамиз. Шу яхшими? Қон-қариндошлик, ака-укачилик, дўст-биродарчилик бизнинг ҳам қўлимиздан келади, ахир! Ҳаммамизга ҳурматли Бўри Қосимович бир-биримиздан ўрганишимиз лозим дейдилар. Қаранг, қанақа доно гап! Яна битта ниҳоятда зўр гаплари бор. Битта қишлоқ одамларининг тор фикрлари доирасига ўралашиб қолмаслик керак, деб айтадилар. Зўр-а!

[1] Лимит – бирор нарсанинг мўайян чегараланган миқдори.

Ёшиузоқ мик этмай қулоқ соларди. Бироқ, унинг ҳеч нимани эшитмаётганлиги юз-кўзларидаги ифодалардан билиниб турарди. Шу тариқа, Ғулом Шариф бу иккаласини чамаси узоқ Сибирь томонлардан келадиганлар каби тасаввур этдими, улар учун айтилиши лозим бўлган гапларни буларга тақаб, жамоа хўжалиги учун кемтик бўлган жойни тўлдириб қўяётганидан мамнундек кўринди.

Шу куни кечқурунок, пода қайтар маҳали нимтатир кўкиш туманлик парда янглиғ Уташан узра ёйилган маҳалда, димоққа тутаётган тезак, қизиётган ёғ, исириқ ва яна нималарнингдир ҳидлари ап-аралаш урилиб кўнгилда аллақандай маҳзунлик уйғотиб турган чоғда Мутал жарчининг овози сокинлик бағрини ёриб юборгудек янграб қолди. Мутал жарчи тўй-маъракалар олдидан, кўклам чоғи далага қўш чиқариш маҳали одамларни чорлаб, айрим ҳолларда подадан қайтмаган мол-ҳоллару эчки-улоқларни излаб жар солиб қоларди. Мол эгаси иккита нон кўтариб олдига борса, у қаерда ва қачон йўқотганлигини суриштириб ўтирмай, белгиларини сўраб олади-да, қишлоқнинг ўзида жар солаверади. "Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, пешонаси оқ, бир шохи синган ғунажинни кўрганлар борми-ёв!" деб бир гал жар солиб юрганида ўша ғунажин қаршисида кўзини бақрайтириб турганини кўрмай ўтиб кетганини қишлоқ аҳли ҳангома топилмаганида эслаб туришади. Шунақасиям бўлади. Аммо унинг бу сафарги жар солиши қандайдир ноаниқ, овозида ҳам одатдаги дадиллик етишмаётгандек кўринарди.

– Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар – эртага уй ҳашарига-ёв, эшитганлар дармонда, эшитмаганлар армонда...

Бўз қирда гуруҳ-гуруҳ давра олиб, гурунг қилиб ўтирганлар ҳайрон қолишди.

– Кимникига экан? – сўради бирови.

– Ким билсин? – кифт қисди иккинчиси.

Соқоллари тиканакдек ўсиб кетган чувак юзли, миқти гавдали Мутал жарчининг ўзи қора бериб қолган эди, дарҳол унинг ўзини чақириб олишди.

– Бери келинг-а, Муталбой ака.

Мутал жарчи ўз санъатини намойиш қилмоқчи бўлгандай жар солганча уларга яқинлашаверди.

– Бўлди, бўлди!– дейишди унга. – Кар эмасмиз, эшитдик. Фақат кимникига эканлигини қўшиб айтинг-да.

– Қачон бировнинг номини қўшиб жар солувдим, – деди Мутал жар солаётгандек бақироқ товушда.

– Тўғри, ҳамиша шунақа айтавергансиз, аммо ҳозир кимникига эканлигини билмай қолдик-да, хабаримиз йўқ эди-ку.

– Мен ҳам билмайман.

– Ие, унда қайдан эшитдингиз, ким буюрди?

– Раис бува.

– Ўзларими?

– Ҳа-а.

– Ўзлариникигами ёки?

– Билмадим.

– Ҳа-я, билмайсиз-а, бирровгина сўраб келсангиз қандай бўларкин?

– Ўзларингиз сўрайверинглар,– Мутал жарчи кетишга чоғланди. – Бу менинг ишим эмас.

– Эртага одамлар қаерга боришларини билолмай юришса сизга айби тегади, – деди шунда кимдир. – Қанча кучаниб, кекирдагингиз йиртилгудай жар солсангиз

ҳам фойдаси бўлмайди, яхши чақирмаган, бунақа жарчидан акиллаган ит яхши дейишади.

Бу жўяли асосга эга бўлган гапнинг "акиллаган ит" қисми Мутал жарчининг пешонасига туйқусдан тикандек санчилиб, санчиқ уйғотган бўлса-да, у ўзини зўр-базўр босганича ўйланиб қолди. Кейин бир силкиниб, ўзига келиб олди-да, нари кетди. Ярим соатлардан сўнг, теварак-атроф говгумлашиб қолганда у умрида биринчи марта одам номиниям қўшиб жар солди:

– Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар – эртага хўжалигимизга кўчиб келаётган Ёшиузоқ аканикига уй ҳашарга-ёв – эшитганлар армонда, эшитмаганлар дармонда, ҳамма Хум тепалигига ҳашарга чиқаверсин-ов!..

"Акиллаган ит" ёмон таъсир қилган эканми, Мутал жарчи Ёшиузоқ раис буванинг чойхоначиси Беркинбойга қўшни бўлаётгани, Хум тепалигида хўжаликлар яна биттага кўпайгани, Ёшиузоқнинг наврўзғорлигини ҳам эътиборга олиш лозимлигини солаётган жарига қўшиб айтаётган эдики, бунақа узундан-узоқ жар солишлар қадимги қиличбозлик даврларида ҳам бўлмагани аниқ эди – айтмоқчи, Мутал жарчи аждодларининг илдизи соҳибқирони аъзам Чингизхонга бориб тақалишини очиқ айтмаса-да, аҳён-аҳёнда шунга ишора қилиб қўярди. "Қорамағиз-қизғиш юзимиз, бодомқовоқ қисиқ кўзимиз, туғилгандан кейин биринчи соч олдиришда бошимиз тепасида қолдирилган кокилимиз – билдингми энди; жар солишимиз, тўс-ноғора дўмбирлатишимиз, карнай-сурнай чалдиришимиз – билдингми энди; сут шопириб қатиқ ивитишимиз, халтага солиб зардоб томизишимиз, қурут қотиришимиз, талқон эзишимиз, гўшт қотиришимиз – билдингми энди..." Унинг шунақа мавҳум гап-сўзлари орасида ўктин-ўктин отаси Зубай жарчининг жар солиб эскилик саркитини тарғиб қиляпти деган айблов билан урушдан кейин айни саратон чилласида эшакка сув бераман деб қудуқдан сув тортиб чиқараётган маҳалда ушлаб кетишгани, сув челакда қалқиб тўкилгани, ташна эшак ҳанграб қолгани, раҳматли бувиси дод солгани, раҳматли онаси ҳушдан кетиб йиқилгани, раҳматли бобоси ҳаётида биринчи марта йиғлаб юборгани, раҳматли амакиси улардан тонгани, раҳматли тоғаси уларнинг остонасига шундан сўнг қадам босмай кетгани, раҳматли қавму қариндошу раҳматли хеш-акраболар – раҳматли, раҳматли, раҳматли – бири юмшоқ тўшакда, бири касалхонада, бири қийналиб, бири тўсатдан барибир қазога чап беролмай, ўшанда қилган қилғиликларини эслаб-эсламай кўз юмишгани, кўзлари қаро тупроққа тўлгани, ер тўймагани, тўймаслиги, ҳали ҳам ютиб ётгани, ютоғич бўлгани, отаси ўша йили қишда ўрмонда дарахт кесгани, дарахт кесаётиб йиқилгани, йиқилиб жон бергани, орадан ўн йил ўтиб ўлимидан сўнг отасининг оқлангани ҳақида Юнус почтачи учбурчак хат келтиргани, хатда жарчилик хавфли касб бўлмаганини тан олиб, узр сўрашгани ёзилгани, уни ўқиб ҳаммалари йиғлашгани, онасининг ўшанда ҳаёт бўлиб яна ҳушдан кетгани, амакиси-ю тоғаси, қавму қариндошлару хеш-акраболар бир-бир қора бериб қўйишгани, шунақа бўлишини билардик дейишгани, аёлларнинг чувиллашгани, қишлоқ аҳлининг баҳслашгани, ўзининг узрингни энди энангникига тиқ деб жаҳл қилиб хатни бурда-бурда йиртиб ташлагани, азбаройи қасдма-қасдига жарчиликни қўйвормагани, қўйвормаслиги, керак бўлса бутун дунёга бу ҳақда жар солиши борасида маълумотлар ҳам учраб қолар, у бу маълумотларни қаторасига бирданига айтиб юбормаса-да, ҳар ёқлардаги гап-сўзларидан териб сараланмами-сайланмами қилиб олса бўлар эди.

Мутал жарчининг жар солиш асносида айтиб ўтганлари уташанликларни ўйлантириб қўйди. Ҳа, бу анов-манов, ариқ тозалаш, ток кўмиш, кўча супуриш деган-

дай жайдари ҳашарлардан бўлмайди, шекилли, негаки раиснинг ўзи бош қўшяпти. Ўз-ўзидан маълум, айтмаса ҳам бўлади, қўшни сифатида Хум қиямалигида яшовчилар у ерда ҳозиру нозир бўлиб, асосий ишларни ўзлари бошқаришлари аниқ. Ҳашарчиларнинг обу овқати, ўтирадиган жойи, коса-товоғини улар кўтаришсаям катта гап. Аввалги Андарвашт – ҳозирги Заҳматободдан ҳам ҳашарчилар келишар. Нега келишмасин? Ахир шу жамоа хўжалиги ҳудудида бўлганидан кейин келади-да. Осмондан тушганми, ердан чиққанми – қаердан пайдо бўлгани ҳали номаълум бу одамнинг кейин-кейин ўзлари билан эллашиб кетиши учун ҳозирданоқ нималардир қилиб қўйиш керак-да, шундай қилинмаса бўлмайди. Нафсиламрини айтганда, хумликлар айтмоқчи, бу ерларда яшовчи барча аҳолиям қачонлардир қаерлардандир кўчиб келишган. Урушлар, қатағонлар, қув-қувлар, қоч-қочлар – бундай тузукроқ ўйлаб қаралса, Худонинг ўзи юборадиган офатларига қараганда одамзот қўзғайдигани кўп бўлиб чиқади. Икки оёқ бир этикка тиқилган шунақа вақтларда жон ширин туюлиб, қадрдон уй-жойи, яқинларини тарк этиб одамлар дуч келган жойларга бош олиб кетиб қолишади. Бухорода қандайдир офат юз берганида аждодлари бу ерга келиб қолишганини уташанликлар баҳонаи сабаб билан эслаб қолишмаса буни кўпчилиги ҳатто билмайди ҳам, аввалги Андарвашт – ҳозирги заҳматободликлар эса очарчилик вақтида юртларини ташлаб ер тирнаб бир нарса топса бўладиган шу жойларга йўл олишган, хумликлар ҳам ўзларини қайлардадир ҳаёт кечиришаётган асосий қавмнинг бир қисми деб ҳисоблашади. Гўёки барча четдан келган, барча муваққат – ҳаттоки, арик бўйларида осмонга бўй чўзиб барқ уриб туришган тераклар ниҳоли ҳам бу ерларники эмас, ёнғоқлар ўзларини грекман дейишдан тойишмайди, помидор ўстирганни "кофирсан" деб қувиб юришгани ҳам кўпчиликнинг эсида, энди эса картошка-ю булғори қалампирсиз шўрва ичишмайди. Шу боис, чуқурроқ ўйлаб қаралганда, Беркинбой ва унинг таниши Ёшиузоқнинг ташрифидан ажабланишнинг ҳожати ҳам йўқ, фақат аввалларида тўда-тўдалашиб бу ерларда одамлар томир ёйган бўлсалар, бу иккови тўдасидан ажраган бўри сингари ёлғиз-ёлғиз келишган эди, кўпчиликни ажаблантирган томони ҳам шунда эди. Тўғри, Беркинбой қанчиғи-ю боласини судраган нар бўридай бўлса, униси эски қанчиғидан ажраб қолиб янгисини излаб юрган каби келишган эди.

Бу кеч барчани бунақа ижтимоий кераксиз гаплардан ташқари, Уташан аҳлини Ёшиузоқнинг уй ҳашарига қуруқ қўл билан бориб бўлмаслиги ҳақидаги муаммо кўпроқ безовта қилмоқда эди. Юнус ота елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган сумкасини супа четига қўйиб, Ойтош бувининг қўлидан совуброқ қолган чой қуйилган пиёлани олаётиб унинг, "Анави меҳмонингиз энди Хумга қандайдир шеригини ҳам бошлаб кепти", деган гапини эшитганида Хум қиямалигини кўз ўнгига келтириб, кўпаядиган бўлишипти-да, деб ўйлагани-ю, дарҳол Наби муаллимни эслагани бежиз эмасди. Ҳа, бора-бора хумликларга ҳам қийин бўлиб қолмасайди ишқилиб. Беркинбой ҳам, Ёшиузоқ ҳам уларга етти ёт бегона. Аста-секин бунга ҳам ўрганиб-кўникиб кетишар, аммо-лекин қўй оғзидан чўп олмагандай кўринса-да, бунақа нарсалар Наби муаллимни нақадар жиғибийрон қилишини Юнус ота кўз ўнгига келтириб, бош чайқаб қўйди. Ўзини ҳарқанча узоқроқ олиб юришга уринмасин, энди кеч, элдан қолиб бўлмас, айниқса, Беркинбойни биринчи учратган одам сифатида унинг ошнасиникига ҳашарга бормаса бўлмас эди. Юнус ота ўйлай-ўйлай, маслаҳат олиш учун Тилак миробдан кўра тузукроқ одамни хаёлига келтира олмади. Шунинг учун уникига йўл олди. Мироб ҳовлисининг этагида майкачан бўлиб олган ҳолда мушакларини ўйнатиб, қулочга келиб қолган теракнинг илдизи-

га болта уриш билан машғул эканлигидан Юнус отанинг келганини пайқамай ҳам қолди. Ҳар болта тушганида теварак-атрофга терак танасидан хўл пайрахалар сочилар, мироб эса "ҳах-ҳах" деганича қанақадир шаҳвоний овоз чиқазиб, ўз ишидан завқланаётганини намойиш қилар эди. Юнус ота унинг хатти-ҳаракатларини пича кузатиб турди. Яна бир-икки болта тушгач, терак қулади. Тилак миришкор пешанасидаги терни кафти билан сидириб ташлаб, қаддини ростлади.

– Ҳорманг, – томоқ қирганича йўталиб қўйди Юнус ота.

– Э, келинг, – деганича мироб анча мулойим қиёфада кўришиш учун қўл узатди.

– Тинчликми?

– Ҳа-а энди, лозимлиги чиқиб қолди-да.

– Бу теракларнинг ҳали вақти бор экан, – теракнинг болта тушган танасига назар ташлаб унинг ёшини тусмоллаб аниқлаган Юнус ота билинар-билинмас бош чайқаб қўйди.

– Биламан, – тумшуғини кўтарганча бўйнини белидан ечган белбоғи билан артаркан Юнус отанинг нима демоқчи бўлаётганини яхши фаҳмлаб турганидан мироб гапни калта қилди. – Янги келган кишиникига олиб бормоқчиман.

– Ёшиузоқникигами?– сўради Юнус ота.

Мироб бош иргаб қўйди.

– Бу ҳашарга биз нима олиб борсак экан?– ўсмоқчилади Юнус ота.

– Атаганингизни олиб бораверасиз-да, – теракни барвақт кесиб қўйганини Юнус ота ҳам эслатганидан сўнг миробнинг энди ичи сиқилиб, ўз ишига пушаймон қила бошлаганди.

– Таниб-билмаган одам бўлса.

– Нега унақа дейсиз? – ғалати тарзда ишшайди мироб. – Ҳамма айтсаям, келиб-келиб шу гапни сиз айтманг-да энди! Ўзингиз уларга йўлбошловчилик қилиб, яна ўзингиз таниб-билмаган одам бўлса дейсиз-а, э қўйинг-э!

Мироб энди теракнинг аламини қандай қилиб бўлса ҳам бировдан олгиси келиб турарди.

Юнус отанинг хаёлига лоп этиб ўша – ўзининг елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасида ётган хат бўлиб хатга, открытка бўлиб открыткага ўхшамаган ғалати қоғозлару ҳамда уларда акс этган бири сув тўфони-ю иккинчиси қурғоқчилик балосидан муждалар каби расмлару муҳрлар, "Уташан" деган бир хилдаги ёзувлар келди. У, икковлоннинг паспорт-гувоҳномаси ўзининг бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасида эканлигига ишонганини қўрқа-писа эслади. Бундан миробнинг хабари бор, шекилли, деган хаёлда унга хавфсираб-гумонсираб қараб қўйди. Энди ўша ўзи ўйлаган, Уташан ҳаётини ўзгартиришга тааллуқли қандайдир ишоралар амалга ошиб, уларнинг нималардан иборат эканлиги яқин орада ошкор этилгач, хуфёна муждаларни хуфёна сақлагани учун ўзининг бадарға этилаётганини тасаввур этиб, сесканиб кетгандек бўлди. Ҳали-ҳануз бўйнининг тер аралаш қиртишини рўмоли билан артиб ўтирган миробнинг қўлидаги болтага ўз ажалига қарагандек жунжикиб қараб қўйди. Терак танасига ҳар болта урганида унинг "ҳах-ҳах" деганича қанақадир шаҳвоний овоз чиқазиши қулоғи остида янграб, миясигача шанғиллаб кетди. Шу овознинг зарбини ўз танасида ҳис этгандек бўлди.

– Биз таниб-билибмидик? – мироб Юнус отанинг узоқ жим қолганини ўзининг ҳақлигига йўйиб, фикрида давом этишни лозим кўрганди. – Шундоқ-шундоқ, уй қуриш учун ҳеч вақоси йўқ экан деб эшитдим, йиқитавердим-да, кейин бир гап бўлар, бошқа нимаям олиб борардим?

Юнус ота яна бош ирғади.

– Сиз шундоқ бораверинг, – деди Тилак мироб Юнус отанинг “бу ҳашарга биз нима олиб борсак экан” деганини эслаб. – Уларга шунчалик яхшиликлар қилиб, йўл-йўриқлар кўрсатганингизнинг ўзи етади.

– Қанақа йўл кўрсатибман уларга? – минғирлади Юнус ота кун кечида ҳовуз бўйида Беркинбойни йўлиқтирган тақдирга лаънатлар ўқиб.

– Сизнинг ўрнингизда ҳар бир уташанлик бўлганда ҳам шу ишни қиларди, – унинг юз-кўзига қандайдир пушаймонлик ифодалари қалққанини пайқаган мироб ўзича таскин-тасалли беришга чоғланди. – Ахир биз савоб ишлар қилиб ўрганганмиз-да. Азал-азалдан, ота-боболаримиздан бизга фақатгина ана шунақа амалларгина қолган, холос. Қолган барчасини биз ўткинчи деб билганмиз. Энди савоб ишларни қилаверайлик-чи, оқибати нима бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатар.

Шундай деб, Тилак мироб ўрнидан туриб, оғзидан чиққан сўзларнинг амалда исботини намойиш қилишга киришгандек кафтларига туфлади ва қаттол ёғий қаршисида жангга шайланган навкар камон ёхуд найзани тутгани каби болта дастасини маҳкам қисимлаб олиб, йиқилган терак танасини тезроқ яланғочлаб олишига халақит бераётган шох-шаббаларни шаҳвоний иштаҳа билан чопиб ташлайверди.

– Йўқса мен борай, – деди Юнус ота ундан жўяли маслаҳат олиб бўлганини билдириб.

– Ҳа майли, – рози бўлди мироб ҳам жўяли маслаҳат берганига ишониб. – Чой қилардик.

– Бошқа вақт, – деди Юнус ота унинг охирги сўзи маъносини теран илғаб.

Юнус ота кетди.

Мироб ўз ишида давом этди.

Юнус ота негадир йўл-йўлакай Мутал жарчининг отаси Зубай жарчини эслаб, урушдан кейин айни саратон чилласида эшакка сув бераман деб қудуқдан сув тортиб чиқараётган маҳалда уни ушлаб кетишганинини кўз ўнгига келтирди. Негалигини ўзи билмаса ҳам, ич-ичидан тўлиқиб, мижжалари намлаганини ҳам пайқамай қолди. Худди Одил қудуқчиникида қудуққа тушиб олиш бетийиқ истагини жиловлай олмай қолганидаги ҳолати қайтарилаётганини пайқаб, ўзини босишга, хаёлини чалғитишга уринди. Ахир ўшанда нима бўлганди? Сув челакда қалқиб тўкилганди. Ташна эшак ҳанграб қолганди. Мутал жарчининг раҳматли бувиси дод солганди. Унинг раҳматли онаси ҳушдан кетиб йиқилганди. Унинг раҳматли бобоси ҳаётида биринчи марта йиғлаб юборганди. Раҳматли амакиси улардан тонганди. Раҳматли тоғаси уларнинг остонасига шундан сўнг қадам босмай кетганди. Раҳматли қавму қариндошу раҳматли хеш-ақраболар – раҳматли, раҳматли, раҳматли – бири юмшоқ тўшакда, бири касалхонада, бири қийналиб, бири тўсатдан барибир қазога чап беролмай, ўшанда қилган қилғиликларини эслаб-эсламай кўз юмишганди. Кўзлари қаро тупроққа тўлганди. Ер тўймаганди. Ер тўймас. Ҳали ҳам ютиб ётибди. Ҳали ҳам ютоғич. Зубай жарчи ўша йили қишда ўрмонда дарахт кесганди. Дарахт кесаётиб йиқилганди. Йиқилиб жон берганди. Орадан ўн йил ўтиб ўлимидан сўнг унинг оқлангани ҳақида Юнус почтачи учбурчак хат келтирганди.

Юнус ота ўша хатни ҳозир эгаларига тутқазаётган каби қўллари қалтиради. Шумиди унинг айби? Хатда жарчилик хавфли касб бўлмаганини тан олиб узр сўрашгани ёзилганди. Уни ўқиб ҳаммалари йиғлашганди. Мутал жарчининг онаси ўшанда ҳаёт бўлиб яна ҳушдан кетганди.

Нега ундан Мутал жарчининг амакиси-ю тоғаси, қавму қариндошлару хеш-ақраболари домангир бўлиб қолишганди? Нега шундай бўлганди? Кей-

ин ҳам ўзларининг қилғиликлари аламини нега ундан олишга уринишгани боисини Тилак миробникидан фаромуш ҳолда чиқиб ўз уйи сари йўналган фаромуш қария Юнус ота туйқусдан алайно-ошкор, очиқ-ойдин фаҳмлаб қолди. Ҳа, ўшанда Мутал жарчининг отаси Зубай жарчининг оқлангани ҳақидаги учбурчак хатни ҳам худди ҳозир ўзининг елкага осадиган бандининг ийиғи чиқиб кетган почтачилик сумкасида ётган хат бўлиб хатга, открытка бўлиб открыткага ўхшамаган ғалати қоғозлар каби эгасига етказмай, сақлаб қўйиши, Зубай жарчининг тақдири мавҳумлигича қолиши керак эди. Унинг хеш-ақраболари-ю қавм-қариндошларига шу зарур эди. Уташаннинг почтачисидан уларнинг домангирлиги шунда эди. Ўз айблари устидаги пардани гўёки етти ёт бегона бўла туриб у кўтариб юборгандек эди. Кейин нима бўлганди? Барчаси яна бир-бир қора бериб қўйишганди. Шунақа бўлишини билардик дейишганди. Аёллар чувуллашганди. Уташан аҳли баҳслашганди. Мутал жарчи узрингни энди энангникига тиқ деб жаҳл қилиб хатни бурда-бурда йиртиб Юнус почтачининг бетига отганди.

Одил қудукчи каби қудуққа тушиб олиш бетийиқ истагини ҳамон жиловлай олмаётган Юнус ота ўзи каби ёлғизлик ғам-андуҳларини қаритаётган Ойтош буви ўтирган ерсупани хаёлидан чиқармасликка уриниб, уйи томон ошиқарди.

У уйи томон ошиқарди.

Ёлғизлик ғам-андуҳларини қаритаётган Ойтош буви уларни озгина бўлса-да фаромуш қилишнинг имкони Уташан билан боғлиқ эканлигини ҳис этарди. Шу Уташан бўлмаганида унинг лоши аллақачонлар тупроқ остида эриб-чириб йўқолиб кетарди. Илон-чаёнлару қурт-қумурсқаларга ем бўлиб кетарди унинг лоши аллақачонлар агар шу Уташан бўлмаганида. Шундай экан, унинг мойтупроқ билқиллаган тору танг кўчалари-ю уваланиб тушаёзган пахса деворларининг остини босган шўрхокларни яширмоқчи бўлгандек тан-тўшини эркин қўйиб юборган ковул-шувоқларигача Ойтош бувининг куйиб-ёнган дили ҳоврини босгудек бўла оларди. Тунлари қиш қаҳратонида чўғи ўчиб илиб қолган танча бурчагида, ёзнинг иссиқ кунларида қовоқ новдалари тепасидан соя бериб турадиган ерсупанинг бир четида савачўп билан саваланган пахта солинган кўрпа қатида она қурсоғидаги каби ғужанак ҳолда узанганича, кундузлари таппи-тезакларнинг аччиқ-аччиқ дуд-тутунлари бўркаган ўчоқ бошида чўнқайиб ўтирганча, тахта эшикларнинг кесакисига суянганча ҳўнг-ҳўнг кўзёшларини оқизган Ойтош буви ёлғизлигининг аламангиз оғриқларига шу Уташан малҳам қўйганидан бир жони қирқта бўлиб чидай оларди. Кампирлар даврасида кейинчалик у мулла Шайдулланинг бир гапини эшитиб, Худо одамни яратишда менинг шунақа бўлишимни ҳам аввалдан кўриб-билиб турган экан-да, деганича юраги орзиқиб тушганича, ёқа тутамлаган эди. Ҳа шунақа, деган экан мулла Шайдулла отасининг оғзидан эшитиб, миясига муҳрлаб олганларини овоз чиқазиб айтиш асносида раҳматли падари бузрукворининг қиёфасини ҳам кўз ўнгидан ўтказганича: отам айтардиларки, одамни яратишда унинг зуваласини қориш учун Худо ерга турли-туман фаришталарни юборди, аммо ер гуноҳкор банда деб Яратганнинг ҳузурида оқ юзимни қаро қилмағайман деди, уларга тупроқ бермади; ахийри Азроил деган фариштасини юборди; ер унга ҳам кўнмади; шунда Азроил айтдики, мен учун Худойимнинг ҳукми ҳар нарсадан устундир, тупроқ бермасанг кетмагайман деди; шунда ер Азроилдан қайтариб олиш шарти билан одамнинг лойини қориш учун унга тупроқ берди; Худойим одамнинг лойи устига қирқ кеча-ю қирқ кундуз тинимсиз ёмғир ёғдирди – ўттиз тўққиз кун ғам-андуҳ, қайғу-алам ёмғирлари ёғиб

ўтгач, қирқинчи кунида шодлик-қувонч, шодиёналик ёмғирини ёғдирди. Дарвоқе, Уташаннинг етти яшаридан етмиш яшаригача ёд бўлиб кетган бу нақл-ривоят момулоқчи кампирлар даврасида ҳам бот-бот эсга олишиниши бежиз бўлмай, нафсиламрини айтганда, хат-савод борасида ўзи кўр-соқов эса-да, мулла Шайдулланинг китоб кўрган раҳматли отасидан ва отасига ҳужрадош-ҳамнишинларнинг оғзидан эшитиб хотирасига муҳрлаб олган оғзаки илмининг энг қаймоғи шу эди десаям бўлаверарди. Раҳматли отаси ва отасига ҳужрадош-ҳамнишинлар руҳидан миннатдор ўлароқ бу қориёд қилганларини дабдаба-ҳашам билан такрор-такрор гуфтитў қилиши учун давра танламаслиги унинг қиёфасига руҳоний салобат бахш эта оларди. Самовот навосининг унларидан ўзга сас-сабар илғанмаган қадимул айёмдаги ер юзининг илк ҳодисаси барчани бирдек мутаассир эта олар, ўз илдизининг тупроғи юмшатилиб ишлов берилаётгандек буни эшитганда оми-ю уламо, такаббуру хокистар, ёшу қари, эркагу аёл – барча бирдек ўй-хаёллар оғушида бошини хам қилиб ўтирар, ҳеч ким шубҳа-гумон васвасасида уни ноқулай аҳволга солиб қўядиган бўлар-бўлмас ўринсиз саволлар ташламас, шунақа пайтларда мулла Шайдулла бутун диний илмларни сув қилиб ичиб юборгандек булбулигўё бўлиб кетар, ўзини етти қават осмон устида учибми-сузибми юргандек масруру хушҳол сезарди. Ёлғизлик ғам-андуҳларини ҳаётининг ўттиз тўққиз кунида қаритаётган Ойтош буви ҳам кўнглига таскин-тасалли бағишлаб, умидвор қилиб тургувчи фурсат, ўша қирқинчи кун ёвуқлашаётганидан барча ғам-андуҳларини ортга ташламоқчи бўлар; Юнус ота эса, сочим оппоқ оқармоқдадир, бошимга нур илашмоқдадир, деб қайсидир ашуладан эшитиб, ёдида сақлаб қолгани етмагандек, ахён-ахёнда димоғида хиргойи қилиб қўядиган гапи билан унинг бу умидворлигини янада мустаҳкамлар эди. Абру найсонлар, атру ифорлар, мунаввар ёғдулар, хуш-хандонликлар, учрашувлар, дийдорлашувлар, табассум-кулгилар қирқинчи кунга тақалиб келиб; ўттиз тўққиз куннинг азобу изтиробларини, айрилиқ-жудоликларини, йиғи-уввосларини йўқлик қаърига итқитишига у астойдил ишониб бормоқда эди – “сочим оппоқ оқармоқдадир, бошимга нур илашмоқдадир”[1]. Шунда у билан билла-билла, ялаб-юлқаб ўстирган, бўйи етганда қизларининг энди яшаб роҳат кўраман деб турган уч мучал кўриб ошқозон ўсмаси билан оғригани-ю, қисқа фурсат ичида у чўпдай қуриб, тусдай қоп-қора қуюқ сочлари битта қолмай тўкилиб кетганини, шаҳло кўзлари чўккан ўра тубидаги каби милтираб қолганини, боёқиш дўзах азобини бошдан ўтказганини ҳам ўша ўттиз тўққиз куннинг гирдибодида йўқлик қаърига улоқтиришиб, тиниб-тинчимаган жамалак сочли, кўзлари шаҳло, ифорли гулларга чўлғанмиш қизалоқларининг қўлларидан тутишади ва қирқинчи куннинг шоён оқ нурлари аро нилуфарлар барглари шудрингларга коса тутган мангу ўтлоқларда қувнашади: “Қайдасан, қизалоғим?!”.

Ёлғизлик ғам-андуҳларини қаритаётган Ойтош буви сесканиб ўзига келди. Ўзи билмаган ҳолда нурсизлана бошлаган кўзларидан қовжираган гулдек ажинлар кавлаган ёноқларига оқиб тушган бир-икки томчи ёшни шоша-пиша уринибгина қолган кенг-қовул одми чит қўйлагининг кенг-қовул енги билан артиб олди-да, ўзининг ўттиз тўққиз кунида ястланиб ётган Уташаннинг шу кунлардаги ташвишини қилмаса бўлмаслигини заҳматкаш қалбининг теран пучмоқларида дабдурустдан ҳис этиб қолди. Ҳа-я, ўз юртида содир бўлган қурғоқчилик туфайли бу ёққа келиб қолган, энди Хум тепалигида жойу жалол қилиш ниятидаги бир мусофирнинг уй ҳашари ҳақида ўйламаслик Ойтош бувидек уташанлик заҳматкаш

[1] Тўра Сулаймон (1934-2005) – ўзбек шоири.

аёлнинг заҳматкаш қалбига бегона эди – гарчи унинг ўзи мададга муҳтож бўлиб, ёлғизлиги ғам-андуҳлари гирдобида эса-да.

"Ойдин сийним товоқ-повоқ қилиб борсаям бўларди, – ўйларди у энди синглиси иккови ҳақида аллақачонлар дорилбақоға рихлат этиб кетган мунис онанинг хаёли билан. – Агар у бормайдиган бўлса, бунинг ташвишини ўзим қилардим. Ёки Ойдин сийним борармикан? Ҳарнечук, кичик. Хумлик аёллар кўришсаям, ҳа, Ойтош опасининг ўрнигаям сийниси кепти-да, аҳилликларини қаранглар, деб ўйлашади. Ўзи бормай, бирон нима пишириб Мазбутвойдан бериб юборсаям бўлаверади. Онагинамнинг бир зумда супра ёзиб, бир зумда ошхамир олиши, пишиқ-пухта зувалалардан қайишдек чалпаклар пиширишлари Ойдин сийнимга шундоққина ўтиб қолган. Опа қалайсиз, деб шу кунларда кўча эшикдан бирров бош суқиб кириб келмади-да. Эри қудуққа киргудек бўлса, поччажон қайдасиз, деб югуришни билади. Майли, боши омон бўлсин. Шу икковимиз-да, бошқа кимимиз бор? Бир акамизми, укамизми бўлгандайди – ота ўрнида ота бўлиб, бошимизда бошпаноҳ бўлиб турарди. Энди иккимиз бир-биримизга ота ўрнида ота, она ўрнида онамиз-да, бошқа нимаям қилардик – тақдиримиз шу экан. Мазбутвойнинг димоғи очилиб қолганиям яхши бўлди-да, сийнигинам шугинани ўйлаб ҳам кўп сиқиларди. Озиб-тўзиб кетганини, онагинамга ўхшаб ўзига қарамай юради. Шундоқ-шундоқ, Хум тепалигида шунақа ҳашар бўляпти экан, деб эшитган бўлса, у албатта боради, бормасдан қолмайди – онагинам ҳам ҳашар деганини эшитдими тамом, кимники экан, қанақа ҳашар экан, деб сўраб-суриштириб ўтирмасдан дарҳол супра ёзиб, тахта-ўкловини қидириб қоларди. Ун тополмаса, супрага ўраб қўйган хамиртурушидан қотирма пиширириб ҳам кетаверарди, кейин нима қиламан, деб ўйламасди. Ҳашар экан-ку, элдан ажраб қоламизми, дерди. Мутал жарчи тозаям овозини баралла қўйиб жар солди-ку, Ойдин сийним эшитган чиқар. Ё эшитмай қолдимикан? Эшитмай қолган бўлса, эслатмапсиз деб мендан домангир бўлади-да. Нега домангир бўлмасин? Мен унга ишониб, у эшитмай қолиб – икковимиз ҳам боролмай қолсак нима бўлади? На опаси, на сийниси бир товоқ нарса пиширириб юборишга ярамапти, дейишади-да – буни эшитса раҳматли онагинамнинг руҳи чирқираб қолмайдими..."

Ана шундай боши-кети йўқ ўй-хаёллар оғушида Ойтош буви битта-яримта оёғи чаққон бола ўтиб қолгудек бўлса, синглисиникига юбориш мақсадида кўча эшиги томон йўналди. Кўча эшигига етай-етай деганда, тўсатдан хаёлига урилган қандайдир мулоҳаза туфайли тўхтаб қолди. Шу тариқа анча вақт ўйланиб турди. "Мутал жарчининг жар солганини эшитса-эшитмаса ўзи бирровгина хабар олса бўларди. Ҳозир бировни юбориб, борасанми-йўқми, деб сўраттирганимдан кейин, опам ўзи боргиси келмай мени юбортирмоқчи бўляпти, деган хаёлга бориб юрмасин тағин. Ўзим муштдай зувала олиб, қовоғу пиёз билан юпқа пиширириб жўнатиб қўя қолмайманми?".

Ойтош буви мана шундай ўй-хаёллар оғушида, қандайдир очиқ-ойдин равшану ана шу очиқ-ойдин равшанлиги билан англаб бўлмас чигалликлар келтириб чиқарган мавҳумликдан қутулиш йўлини ўз-ўзича ахтараётгандек, бош чайқай-чайқай ортга қайтганини димоғи очилганидан юз-кўзига ҳам анча нур кириб қолган Мазбут қандайдир савқи таббий ҳис-ла пайқаб қолдими ёинки қилиб турган қилиғи боис онасига нима деярини билмаганидан тасодифан оғзидан чиқиб кетдими – бу ёғи қоронғи, аммо аниқ кўргандек айтиб берди.

Гап шундаки, Одил қудуқчининг божаси Юнус отанинг ҳурмати учун қудуқдан чиқиб, меҳмоннавозлик юзасидан унга, "Мана, сизнинг шарофатингиз билан Мазбутвойнинг ҳам димоғи очилиб, манқаланиши йўқолди, ажабмаски, бундан кейин

кўрмагандек бўлиб кетса", дегани бежиз бўлмай, ўша кун, ўша лаҳзадан бошлаб Мазбутнинг манқаланиши йўқолган, бундан барчаларининг, айниқса, Ойдин косанинг боши осмонга етган эди. У энди, "Шуни бурнига бир нима бўлган, дўхтирга обориб кўрсатинг, десам вақти келиб ўзи очилиб кетади дейишдан нарига ўтмайди, пулини бермаган бўлса ўзидан соқит қилиш учун Карим дўхтирга ўхшаган бирон-таси шунақа деган бўлса дегандир-да ишониб кетаверадими одам деган; овози дўриллаб боряпти ҳали шу бурни тиқилиб гапиришини деб унга қиз тополмай яна эшик санаб юрмасайдим..." дея ичида ўйлаганларини, хайрият, ташида айтиб юбормагани учун хушнуд эди. Мана энди, унга дўхтирнинг ҳам, табибнинг ҳам кераги бўлмади – Одил қудуқчи айтмоқчи, вақти-соати етди, дард ўзи кетди. Дўхтирга олиб борганида бурнининг тешигини очаман деб, ким билсин нима қиларди; яна бу дўхтири курмағур, узоқдаги суякка кўзи тушган итдек тамагирлик билан қараши қуруқ қўл ёки қўли юпқа одамларни довдиратиб-эсанкиратиб қўяди. Ҳаммаёғинг ошиб-тошиб ётган бўлсаки, ма ол, сен ҳам бахраманд бўл, оқ халат кийволиб ғўддайиб юрган билан иш битмайди, десанг. Ўзи таги йўқ-да. Йўқ бўлгач, нима қиласан? Ўғирлик қиласанми? Бунгаям отнинг калласидек юрак керак. Ғарлик қиласанми? Айтишга осон. Яна, ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл эмиш. Оғзидан ўт пуркаган элбошиларда топилмаган инсоф ўғри-ю ғарда нима қилади?!

Узун гапнинг қисқаси, калта ип бойловга етмас, Мазбут димоғи очилгани билан ўша-ўша валакисаланг ўспирин, феъл-атвори ҳам ўша, ғалати қилиқлари йўқолмаган эди. У шолчаси йиғиштириб олинган уйда усти сирланмаган каттакон сопол товоқни тақир ерга тескари қўйиб, ўзи узала тушиб ётиб олганча, чап қулоғини товоқнинг орқа томонига ёпиштириб бутун диққат-эътиборини Беркинбойга тақлидан ернинг қаъридан келадиган ниманидир эшитмоққа чоғлаган эди. "Қанақа қилиб нимани эшитаркан-а?" деб ўйларди у, бу саъй-ҳаракатлари ҳеч кандай натижа бермаётгани учун асабийлаша бошлаб. У Беркинбойдан кўрганини қилиб, ўзича қандайдир натижага эришаман деб ўйлаган бўлса, бекорларнинг бештасини егани кўп ўтмай аён бўлди. Беркинбой каби сопол товоқни тескари қўйволиб қулоғини тутганча узоқдаги қадам товушини эмас, икки одим нарида остонага келиб турган онасини ҳам пайқамади.

Бошқа вақт бўлганида айюҳаннос солганича ўғлининг уйга кириб олиб нималар қилаётганини дарҳол оламга достон қиладиган Ойдин коса энди унинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалати қилиғига остонада оғзини очганича, ҳаттоки халақит бериб қўймай тағин, дегандек қимир этмай қараб турарди. Хаёлида турли фикрлар чарх урарди. Димоғи очилиб, энди-энди эркин-равон гапира бошлаган, эс-ҳуши балодеккина кўринган ўғлига жин-пин текканми ёки биронта зўр ишнинг этагидан тутмоқчи бўлганми, у шуни билгиси келарди. Мазбут (энди у манқа эмас!) эса, қулоғини товоқнинг орқа томонидан олмай кўзларини аланг-жаланг қилганича, ҳаттоки, бир замонлар ликиллаб турган дум ўрнидаги думғазасининг нозик ҳужайраларигача живирлашиб кетаётганидан юраги орзиқиб ҳамон ер қаъридан бирон садо келиб қолишидан умидвор бўларди. Унинг бирон каромат кўрсатишини кута-кута, ахийри Ойдин косанинг тоқати тугади.

– Уйга кириб олиб нима қиляпсан? – деганича оддийгина сўраши мумкин бўлган саволни шақиллаб изҳор этдики, бунинг орасида Мазбутнинг кўнглини кейинчалик хира қилиши мумкин бўлган анча-мунча маъно-мазмунлар ҳам ўз ифодасини топган эди.

Мазбут чўчиб ўрнидан турди.

– Э, ая! – деди беихтиёр Ойдин косани биринчи марта кўраётгандек.

– Кучукдай чўзилиб олиб нима қилаётувдинг?

Мазбут ердаги товоқни тезгина қўлига олиб, ортига яширмоқчи бўлди.

– Ҳеч нима!

– Ростини айт.

– Ҳеч нима!

– Ҳеч нимангни кўзингга кўрсатиб қўймай тағин, – Ойдин косанинг ўғлига меҳр-муҳаббати ҳарчанд беқиёслигига қарамай, бу гапидаям муболаға йўқлигини важоҳати кўрсатиб турарди.

– Жувонмарг, ҳеч тинч юрасанми ўзи? – Ойдин коса ўғлининг қандайдир шубҳали иш билан боғланиб қолган деган гумонда юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

– Мен нима қилдим?

– Ортингга беркитган товоқни жойига қўй!

Мазбут индамай онасининг айтганини қилиб, товоқни токчага элтиб қўйди.

– Ўзи сенларни қилиқларингни биров эшитса нима дейди? – Ойдин коса бу қилиқларни кимгадир тезроқ ўзи айтиб бериш истагида ҳаттоки юраги орзиқиб кетди. – Отанг қудуқ ичига кириб олса, сен эса товоқни ерга тескари қўйиб қулоқ солиб ётсанг.

– Бировга айтманг-да, – шафқатсиз ҳақиқат билан юзма-юз келгач, Мазбут бурнини "шилқ" тортиб қўйди. – Мен холамнинг ҳовлисида нима ҳаракат бўлаётганини билмоқчийдим.

– Ие?! – оғзи анг-танг очилиб қолди Ойдин косанинг. – Шпионликни ўрганяпсанми?

– Қанақа шпионлик?

– Ўз оғзинг билан айтдинг-ку, – унинг тилидан тутмоқчи бўлди Ойдин коса. – Холамнинг ҳовлисида нима ҳаракат бўлаётганини билмоқчийдим деб. Бу шпионлик бўлмай нима?

Дарҳақиқат, Мазбут Беркинбойга тақлидан қилаётган хатти-ҳаракатининг бунақа нозик жиҳатлари чиқиб қолиши мумкинлигини хоби хотирига келтирмаганди.

– Хўш, нима бўляпти экан холангни ҳовлисида? – Ойдин косанинг ўзи ҳам қизиқиб қолиб сўради.

– Билмадим.

– Билмасанг нима қиласан кучукдай чўзилиб?

Мазбут манқа вазиятдан қутулиш учун хаёлига келиб қолган гапни худди товоққа қулоғини қўйиб гувоҳ бўлган каби айтди-қўйди:

– Холам кўча эшиги томон юрмоқчи бўлдилару, кейин ниманидир ўйлаб қолиб яна ортга қайтдилар.

– Бизникига келмоқчи бўлгандир?

Мазбут кифт қисди.

– Унда ғизиллаб бориб, холангникидан хабар олиб кел, – деди Ойдин коса ортига буриларкан. – Эртага Хумда ҳашар бўларкан, сиз овора бўлиб ўтирманг экан, аямнинг ўзлари борадилар экан, де.

Ойдин коса чиқиб кетди.

Мазбут чуқур хўрсиниб, ўзи тасодифан гувоҳ бўлган ҳодисани – Беркинбойнинг сирти сирланмаган каттакон сопол товоқни хўжалик идораси чойхонаси айвонида ерга тескари қўйиб, узала тушиб ётиб олганча чап қулоғини товоқнинг орқа томонига ёпиштириб ниманидир эшитмоқчи бўлаётгандек анча вақт шу зайлда тош қотганини, кейин ўрнидан сакраб туриб товоқни уста ошпазлардек чаққонлик би-

лан қўлига олиб ўнглаганини, ўнг қўлининг бармоқлари учида моҳир раққослардек айлантириб, келяпти, дея қандайдир қўшиқни панг овоз билан димоғига хиргойи қилганча диконглаб ичкари кириб кетганини, у буни кўриб ўз кўзларига ишониб-ишонмай турганида орт томондан бировнинг томоқ қирганча акиллагандай қисқа-қисқа йўталганини эшитганини, ўгирилиб шу томонга раис бованинг келаётганини кўриб жон-пони чиқиб кетганини ва кўзга ташланмаслик учун энкайганича жуфтакни ростлаб қолганини эслади. Кейин токчадаги товоққа сирли матоҳга қарагандай бирпас оғзини очиб қараб турди-ю, кифт қисиб қўйди. Ойтош холаси хусусида тўқиб айтганларининг миси чиқиб қолмаслиги учун, шоша-пиша кўчага отланди ва теварак-атрофнинг кимсасизлигига гувоҳ бўлгач, сассиқ така ўйноқлаётгандек гоҳ югуриб, гоҳ тўхтаб уники томон йўл олди.

(Давоми келгуси сонда)

Ёлғон сўз –

қалб душмани.

* * *

Кўр кўргани,

кар эшитгани ҳақида сўзлайди.

Қирғиз халқ мақоли



ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ КЕЛАЖАГИГА УМИД БОР

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА

“Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналлари томонидан 2017 йилда элликка яқин ҳикоялар чоп этилган. Биз аввало, ҳикояларни услубий йўналишига кўра икки гуруҳга ажратдик. Булар: анъанавий реалистик ҳикоялар ва ноанъанавий рамзий ҳикоялар.

Биринчи гуруҳга ўттиздан ортиқ ҳикояларни, иккинчи гуруҳга эса бармоқ билан санарли ҳикояларни киритиш мумкин.

Бу ҳикояларни мавзулаштириб қаралганда, замонавий реалистик ҳикоялар, тарихий, рамзий-модернистик, фантастик каби турларга ҳам ажратиш мумкин. Жумладан, Озод Мўъмин Хўжанинг “Бўлди, бўлди, бўлди!”, “Юрак бағри бутун...” (“Шарқ юлдузи”. №4. Б. 102–111.) ҳикоялари илмий-фантастик ҳикоялар гуруҳига киритилса, “Умид гули” (Хуршид Дўстмуҳаммад), “Нажмиддин Кубро” (Қурбонбой Шониёзов) асарларини эса тарихий ҳикоялар туркумига киритиш мумкин.

Бу ҳикоялар мазмунан ижтимоий-маиший, тарихий, фантастик, лиро-романтик кечинмали каби мавзуларга ҳам бўлиниб кетади. Муаллифларнинг ёшига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни яна гуруҳлаштириб ўрганиш мумкин. Катта авлод, ўрта авлод, ёш авлод ҳикоячилиги тарзида тадқиқ этиш мумкин. Табиийки, профессионализм, бадиият нуқтаи назаридан қаралганда, энг сара ҳикоялар катта ва ўрта авлод вакиллари томонидан яратилганини таъкидлаш лозим.

Бевосита таҳлилга киришадиган бўлсак, тарихий мавзудаги ҳикояларда бироз жонланиш юз берганини айтиш керак, бинобарин миллатимиз тарихида чуқур из қолдирган тарихий шахслар образи яратилгани қувонарли адабий ҳодисадир. Масалан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Умид гули” (“Шарқ юлдузи”, 2017, №2. Б. 18–29.) ҳикояси Абдурауф Фитрат ва Ботунинг тарихий образи яратилиши билан эътиборга молик. Ҳикояда серқирра ижод соҳиби адабиётшунос, драматург, шоир, публицист Фитратнинг шогирди Боту билан ижодий мулоқоти, мулоқот натижаси ўлароқ нашр учун тавсия этилган икки энлик мактубнинг ёзилиш тарихи баён этилади. Ҳақиқатан ҳам ёзувчининг Фитрат, Боту образи ва 20-30-йиллар тарихий-адабий муҳитини тўлақонли тасаввур этиш, уни маҳорат билан чизиш учун тарихий-адабий материалларни чуқур ўргангани кўриниб турибди. Ҳикояда муаллиф тарихий шахс образи ва унинг ўй-хаёлларини, дунёқарашини жонли, ҳаққоний акс эттириш мақсадида ўзбек адабиётининг таниқли вакили бўлган Фитратнинг ижодий биографиясидан жуда унумли фойдаланган. Шу билан бирга Хуршид

Дўстмуҳаммад тарихий давр колоритини тўлақонли бериш мақсадида 20-30-йиллар адабий тилидан ҳам асар матнида ўринли фойдаланган. Назаримизда, буюк адабий шахсиятлар ҳақида асар яратиш заҳматини чекиб келаётган таниқли ёзувчимиз ўзининг шу йўналишдаги ҳикоялари сирасида янгиланиш қилган. Чунки, у шу кунга қадар америка ёзувчи Э. По ҳақида драматик асар, М. Достоевский ҳақида ҳикоя яратган эди. Ниҳоят, Х. Дўстмуҳаммад катта ижодий йўлни босиб ўтиб, ўзининг асл миллий ўзанига қайтди. Умуман олганда, йил давомида адиб қаламига мансуб икки асар, яъни "Умид гули" ҳамда "Эрта баҳор" ҳикояларининг бирида Фитрат образи ва унинг миллат учун чеккан изтиробларининг бадиий талқинини кўрсак, иккинчи ҳикояда ёзувчи Чўлпон шеъриятидан унумли, ижодий фойдаланганини қайд этмоқ ўринли. Миллатимиз тарихида чуқур из қолдирган буюк шахсларнинг шонли, намунали, идеал ҳаёти ва қисматини акс эттириш чинакам адабиётнинг, хусусан, ўзбек адабиётининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак. Чунки, авлодлар доимо идеалларга муҳтождир. Биз ўша идеалларга қараб интиламиз. Шу маънода, Фитрат ҳақида ҳикоя яратилиши нур устига аъло нур бўлган. Тарихий мавзудаги асарлар орасида Қурбонбой Шониёзовнинг "Нажмиддин Кубро" ҳикояси мўғул босқинчиларига қарши курашган тариқатчи миллий қаҳрамон Нажмиддин Кубро образи ва хоразмлик ватанпарварлар тимсоли ўта драматик лавҳаларда ёритилганлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Ҳақиқатан ҳам ҳикояда жанг лавҳалари, ўн икки яшар ўғил ва ота, Нажмиддин Кубро ва унинг издошлари, умуман, хоразмликларнинг мардонавор кураш тарихи таъсирчан сатрларда ифодаланган. Бу муаллиф асарини илк бор ўқишимиз, шахсан менда бу тарихий ҳикоя яхши таассурот қолдирди.

Табиат ва ҳайвонот олами ҳақида қизиқарли, ўқишли асарлар яратиб келаётган Нормурод Норқобиловнинг икки ҳикояси, яъни "Эркак", "Ўғри"да болалар образи, уларнинг ички руҳий кечинмалари ниҳоятда ишонарли, жонли очилган. Ҳикоялар ҳажман ихчам, уларда муаллифнинг айтмоқчи бўлган аниқ гапи бор. Хусусан, отадан эрта етим қолган оиланинг бош эркаги – бола бир қоп буғдойни тегирмондан чиқариб, ун қилиш учун ўзининг ёшига нисбатан катта иш қилиб, барча майда-чуйда қийинчиликларни енгиб ўтиб, зиммасидаги вазифани адо этади. Ёзувчи мазкур икки ҳикоя орқали болаларнинг таъсирчан, ўзига хос дунёсини маҳорат билан очиб беришга муваффақ бўлган.

Шойим Бўтаевнинг "Онам, болам ва мен" ҳамда Абдуқаюм Йўлдошнинг "Бозор" ҳикояларида жамиятдаги муҳим ижтимоий муаммолар реалистик, баъзан эса рамзий шартли символлар тили билан очиб берилади. Хусусан, "Онам, болам ва мен" ("Ёшлик", №5. Б. 14-27) ҳикоясида мавжуд жамиятдаги адолатсиз қарорлар, бу қарорлар қурбони бўлган одамларнинг изтироблари, коррупция эгаллаб олган ҳукуматнинг асл башараси очиб ташланади. Ҳикояда жабр кўрган аёл, "Айфон" телефон тутган йигит (у аслида тепага гап етказувчи жосус), Ҳасанбанк, "Панда" лақабли ўқитувчи, Мудир образлари киноявий рамзий реалистик услубда баён этилган. Шойим Бўтаевнинг шу кунга қадар тўплаган ижодий тажрибалари, ўзига хос бадиий услуби мазкур ҳикояда ҳам кўриниш берган. "Бозор" ("Шарқ юлдузи", №6. Б. 41-56.) ҳикояси ҳам кўп жиҳатдан ушбу ҳикояга яқин. Сабаби ҳар икки ҳикоя китобхонда батафсил тасвирий услуби билан ёрқин таассурот қолдиради. Аммо ўзбек ҳикоячилиги тарихини кузатадиган бўлсак, қисса ҳажми билан тенг ҳикояларни ҳам топиш мумкин. Бу ўринда Шукур Холмирзаевнинг баъзи ҳажман катта ҳикояларни эслаш етарли, назаримизда. Ш. Бўтаев ва А. Йўлдош ҳикояларининг бадиийтини ҳажм эмас, балки мазмун ҳал қилган. "Бозор"

ҳикоясида жамиятдаги шубҳаланиш, сохта бўҳтон, туҳмат тўнкаб, оддий кишиларни жиноятчига чиқариб, қама-қама қилишлари телевидение ходими режиссёр Давроннинг кечмишлари мисолида ҳикоя этилади. Шунингдек, ҳикояда қаҳрамон диалоглари жуда пухта тузилган. Мазкур ҳикояда ҳам "Онам, болам ва мен" ҳикоясидаги каби туҳмат қилиш учун далил тўпловчи муттаҳам одам образи "Зира сотувчи" қиёфасида тасвирланади. Умуман олганда, ҳар икки ҳикояда жамиятдаги ноҳақлик, адолатсизлик, фирибгарлик, коррупциянинг башараси очиб ташланади. Масъул ташкилот раҳбари ўз билигича мустақил қарор чиқара олмайди. Улар кўғирчоқ раҳбарлардир. Шу жиҳатдан қаралганда, ҳар икки ҳикоя ўзининг жиддий ижтимоий иллатни маҳорат билан кўрсатиб бериши билан 2017 йил ҳикоялари орасида сара ҳикоялар сифатида эътироф этилишга лойиқ.

Жамиятдаги ижтимоий муаммолар талқини Назар Эшонқулнинг "Қўл" ҳикоясида ниҳоятда теран, ишонарли, неореалистик, рамзий романтик киноя билан акс эттирилганини алоҳида урғулашни истар эдик. Ҳикояда оддий, камбағал Салом тегирмончи (ёки қаҳрамоннинг иккинчи номи Салом тандирчи)нинг оиласида содир бўлган ғайритабиий бир воқеа ҳикоя қилинади. Яъни кунлардан бир кун Салом тегирмончи оилавий дастурхон атрофида овқатга қўл чўзаётган гавдаси, жасади кўринмайдиган эгасиз қўлни кўриб қолади. Воқеалар шу даражада қизиқарли, драматик тус оладики, Салом тегирмончи олдинига ўзидан шубҳаланиб, сўнгра қўлни тутиб олиб, унинг мавжудлигига иқрор бўлгач, оилада пайдо бўлган текинхўрни йўқотиш учун турли чора-тадбирлар ўтказади. Хусусан, бу ярамас текинхўр қўлдан қутулиш учун эр-хотин фолбин, қўшноч, иситувчи, совутувчиларни уйига чақиришади. Ҳар қандай ирим-сиримлар текинхўр "Қўл"га таъсир ўтказа олмайди. Фолбин аёл, мулла Аблаз, Келдиёр мулла, Панжи муаллим, маҳалла раиси, Нозир, Оқсоқол, бутун бошли изқуварлар гуруҳи бу кўзга кўринмайдиган эгасиз қўлни ушлаш, уни йўқ қилиш учун роса уринишади. Аммо бу лаънати "Қўл" йўқолмайди... Умуман олганда, Назар Эшонқул шу кунгача ёзган ҳикояларидаги каби мазкур янги асари "Қўл"да ҳам шу пайтгача ўзбек прозасида кўриниш бермаган янгича, кутилмаган, метафоралашган образ яратади. Ёзувчи кўзга кўринмайдиган "қўл" тимсолида жамиятда тобора авж олиб бораётган текинхўр, бошқалар меҳнати ҳисобига яшайдиган текинтомоқлар, текинхўр-дангасалар образини умумлаштиради. "Қўл" ҳикояси беихтиёр XX аср ўзбек ҳикоячилигининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикоясини эсга солиб юборади. Аслида, ҳар икки ҳикояда оддий, камбағал аммо меҳнаткаш Қобил бобонинг саргузаштлари билан Салом тандирчининг саргузаштлари бир нуқтада кесишади. Фақат ҳар икки ҳикоядаги тасвир услуби ўзгача. Қаҳҳор соф реалистик услубда оддий халқнинг амалдорлар томонидан таланишини, пора олиб еб-ўрганган қози, амин, приставларни фош этган бўлса, Назар Эшонқул камбағал, ҳисоб-китобли яшайдиган Салом тандирчининг бир талай ирим-сиримчилару амалдорлар томонидан таланишини рамзий метафорик "Қўл" образи атрофида кечган воқеалар орқали акс эттиради.

Ҳикоя якунида Салом тандирчининг уйи вайронага айланади, бутун қишлоқдаги оддий одамларнинг уйида шундай текинхўр қўллар пайдо бўлади. Бу нимага рамзий ишора? Бизнингча, ёзувчи жамияда содир бўлаётган ижтимоий муносабатлар, турли ташкилот ва идораларда давом этиб келаётган жиддий масалага эътибор қаратади. Яъни битта одам жон бериб ишлайди, қолган дангаса ва истеъдодсиз шахслар эса истеъдодли ва меҳнаткашнинг соясида ялло қилиб яшайди. Мана шу

ижтимоий муаммога ёзувчи рамзий маънодаги "текинхўр Қўл" образи орқали ишора қилади.

Зуҳра Мамадалиеванинг "Избосар" ("Ёшлик", 2017. №7. Б. 28-37.) ҳикоясида қаҳрамон ҳаётида содир бўлган ғайритабиий бир воқеа ҳикоя этилади. Яъни ҳикоя қаҳрамони амалдор Избосар бир кун эрталаб уйғонганида итга айланиб, ит қиёфасида уйғонади. Бу ҳикоя Ф. Кафканинг "Эврилиш" ҳикоясини ёдга солиб юборади. Кафка қаҳрамони қўнғизга айланиб қолган бўлса, З. Мамадалиеванинг қаҳрамони итга айланиб қолади. Аммо бу билан биз муаллиф Кафкадан таъсирланган деган хулосани чиқармоқчи эмасмиз. Аслида, эврилиш мотиви ўзбек фольклори жанрларида, масалан, эртак, достонларда учрайдиган мотивлардан саналади. Жаҳон адабиётшунослигида мазкур янгиланган адабий ҳодиса "Метаморфоза" деб аталади. Хуллас, муаллиф ўзининг "Избосар" ҳикоясида итга айланиб қолган қаҳрамоннинг трагизми орқали инсониятга сабоқ беришга ҳаракат қилади. Ҳикоянинг муҳим янгилиги унда "Метаморфоза" мотивининг қўлланиши билан белгиланади. Янги ўзбек прозасида саноқлигина адибларимиз бу мотивдан фойдаланишди. Жумладан, Нодир Норматов "Бир кун чумоли бўлиб..." ҳикоясида қаҳрамонини чала эврилтирган эди. Яъни қаҳрамон бир гиёҳни еб қўйиб тонгдан шомгача, чумолилар билан суҳабатлашиш имкониятига эга бўлиб қолади. Назар Эшонқулнинг "Баҳовуддиннинг ити" ҳикоясида радиомухбир итга эврилади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Кўз корачиғидаги уй"ида қаҳрамоннинг кўзи хонага эврилади. Умуман олганда, "Метаформоза" мотиви қўлланилган асарларда қаҳрамон тўла ёки чала эврилишга учраши мумкин. З. Мамадалиеванинг "Избосар" ҳикоясида қаҳрамон тўла эврилади. Ҳикоя ниҳоятда қизиқарли, равон тилда ёзилган. Воқеалар шиддати, экспозиция, кульминация, ечим барча-барчаси танқидчининг ҳам, китобхонни ҳам қониқтиради. Муҳими, муаллиф итга эврилган қаҳрамон тақдири орқали итдек хор бўлиб ўлган димоғдор, ўзгаларни эзиш эвазига бойлик тўплаш йўлида ҳаёти фожиавий якун топган кишининг қисматини маҳорат билан тасвирлайди.

Зулфия Қуролбой қизининг "Ёмғирли йўлка", "Бойвучча" ("Шарқ юлдузи", 2017. №3. Б. 20-36.) ҳикояларида ҳар доимгидек ёлғиз аёл образи тасвирланади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бу ёзувчимизга савол бермоқчи эдим. "Зулфия опа! Сизнинг ҳикояларингизда, умуман асарларингизда аёл образини яратишдаги қора ранг, тушкун кайфият қаердан пайдо бўлаяпти?" Алданган, турмуш ўртоқлари томонидан ташлаб кетилган, бойлигини, меросини бировга ишона олмаётган саргардон аёллар образи бу қадар бўртиқ тасвирланиши мумкинми? Мумкиндир. Аммо, бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатиб келмоқдаки, З. Қуролбой қизи эзилган, хўрланган, итқитилган, жабрдийда аёллар образи билан китобхон онгини фалажламоқчи бўлади. Агар биз танқидни бироз ошириб юборган бўлсак узр сўраймиз. Аммо илмий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Зулфия Қуролбой қизи ўз асарларида доимо китобхонда сентиментал кайфият уйғотишга ҳаракат қилади. Майли, уйғотсин... Лекин бу қадар тушкун, қора кайфият билан эмас... Асарларимизга ёруғ нур, тозалик беришимиз, образларимизга тиниқлик, мусаффолик, адабий иқлимга тоза, мусаффо ҳаво беришимиз керак эмасми? Адабиёт кишиларни яшашга ундаши, курашишга отлантириши, ишлаш ва яшаш, севишга кайфият, ишонч пайдо қилиши керак эмасми?

Қўчқор Норқобилнинг "Уруш сурати" каби бир қатор кичик ҳажмли, митти ҳикоялари ёзувчи ижодида услубий янгиланиш бўлганини кўрсатмоқда. Аммо услубий янгиланиш ўзиданми, ташқариданми, буни ҳали аниқлаш керак. Аммо тан

олиш керак, уруш ва урушнинг дахшатли оқибатлари ҳақида ўзбек адабиётида тинимсиз ёзиб турган муаллиф бу – Қўчқор Норқобилдир.

Бундан ташқари, Ҳабиб Абдуназарнинг "Ҳужра" ("Ёшлик". 2017. №6. Б. 35.), "Даштдаги олов", "Бошпана" ("Шарқ юлдузи", 2017. №5. Б. 51-58.) ҳикояларида қишлоқ ҳаёти, дашт одамлари, оддий кишиларнинг турмуш тарзи, уларнинг ўйлари-фикрлари, изтироблари талқини эътиборни тортади. Ҳабиб Абдуназар шеърият даҳлизидан наср йўлига эндигина кириб келган муаллифларимиздан бири. Ҳар ҳолда унинг тасвирларидаги бадиий тиниқлик ўзбек ҳикоячилигининг келажагига умид бераяпти.

Шунингдек, Хоразм адабий муҳитида шаклланган Шуҳрат Маткаримнинг икки ҳикояси ("Шарқ юлдузи", 2017. №7. – Б. 19-32.) "Оғриқ", "Гапиришга қўрқадиган одам" ниҳоятда катта профессионализм билан ёзилган. Хусусан, "Оғриқ" ҳикояси китобхонни оҳанрабодек ўзига тортади. Унда қаҳрамон ўз танаси ва юрагидаги оғриқларини лирик кечинмали тарзда ҳикоя қиладики, асардан бирорта камчилик топа олмайсиз. Ажиб бир гўзал услуб қалбингизни фараҳбахш туйғуларга тўлдиради. Ёш ўспирин йигит ва қиз ўртасидаги тоза туйғуларнинг тиниқ ва самимий тасвири, шунингдек, бошлиқ билан ходим ўртасидаги ички зиддиятлар ниҳоятда ҳаётий ва ҳаққоний акс эттирилган.

Шу билан бирга 2017 йил ҳикояларининг умумий таҳлили бугунги ўзбек ҳикоячилиги бадиий савия жиҳатдан анча бўшашганлигини кўрсатиб турибди. Буни биз афсус билан айтишимиз керак. Кимдадир тил чатоқ, яна кимдадир бадиий ният аниқ эмас, яна кимдадир образлар тиниқ эмас, яна кимдадир ноаниқ галлюцинатив ҳиссиётлар талқини етакчилик қилади. Албатта, бундай ноқисликлар чинакам, профессионал ўзбек ҳикоячилигининг илдиз-илдизига болта бўлиб урилади.

Аммо шунга қарамасдан, Сарвар Тўраевнинг "Қишнинг сўнгги оқшоми" ("Шарқ юлдузи". 2017. №5. 69-73.), Озод Мустафонинг "Танбур ва кумуш тўғноғич ("Шарқ юлдузи". 2017. №11. Б. 101-11.), Маъруф Менглининг "Ота" ("Шарқ юлдузи". 2017. №7. Б. 75-77.), Шуҳрат Маткаримнинг "Оғриқ", "Гапиришга қўрқадиган одам" ("Шарқ юлдузи". 2017. №7. Б. 19-32.), Наби Жалолиддиннинг "Чувалчанг ёққан кеча" ("Шарқ юлдузи". 2017. №8. Б. 34-38.), Қамчибек Кенжанинг "Жума ёмғири" ҳикояларига хос қатор ижобий хусусиятлар (бадиият ва тил нуқтаи назаридан) ўзларининг алоҳида ўрнига, алоҳида таҳлилу талқинларига эга эканлигини эътироф этиш жоиз.

Оноре де Бальзак "Дунёда француз миллати, француз мамлакати йўқ бўлиб кетса-да, француз адабиёти қолади" – деган экан. Бу ҳеч қандай муболағасиз, бўрттиришларсиз айтилган ҳақ гап эди. Ҳурматли ёзувчиларимизни "Дунёда ўзбек миллий адабиёти, ўзбек миллий ҳикоячилик" мактабини бутун жаҳонга кўз-кўз қила оладиган оригинал ҳикоялар яратишга ундаб, Абдулла Қаҳҳор ишонганидек, келажаги буюк ўзбек адабиётининг тўхтовсиз ривожига умид билдириб қоламиз.

QALBI QAYNOQ BOLAMIZ



Dilshod RAJAB

Bizniki

Oynaday yaraqlagan
Yo‘llar ravon bizniki.
Oy-quyosh charaqlagan
Nurli osmon bizniki.

Zavqu shavqqa kon hayot,
Dilimizda kuy-bayot,
O‘qi, o‘rgan, qil ijod –
Cheksiz imkon bizniki.

Dunyoga bo‘ylashamiz,
Tengma-teng so‘ylashamiz,
Aslo, bo‘sh kelmagaymiz,
Katta maydon bizniki.

Tonglari kulib otgan,
Yaratganga xush yoqqan,
Jahon lol bo‘lib boqqan
O‘zbekiston bizniki.

O‘tyuraklar

Yurtimizning to‘rt fasli –
Bizga atalgan asli.

Yoz – ochiq ayvonimiz,
Kuz – to‘kin dasturxondir.
Qish – momiq choponimiz,
Bahor – yashil maydondir.

Almashar fasllarda,
Kamol topib boramiz,
Yurt mehrini dillarga
Nonday yopib boramiz!
Qalbi qaynoq bolamiz!

Qani edi

Bo‘lsang sog‘lom, sarishta,
O‘ylab aytsang so‘zingni,
Ham o‘qishda, ham ishda
Ko‘rsatolsang o‘zingni.

Bosiq bo‘lsang, tegmasang
Hatto senga tekkanga.
Hayvonlaru qushlarni
Yaxshi ko‘rsang ukangday.

Ko‘cha-ko‘yda sen haqda
Gap bo‘lganda keksalar,

Dilshod RAJAB – filologiya fanlari nomzodi. 1964-yilda tug‘ilgan. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti (hozirgi TDPU) o‘zbek tili va adabiyoti fakultetini tamomlagan. Uning "Otamning bog‘i", "Daryo ko‘ngil", "Jilvon o‘g‘loni", "Alifbo", "Tanish tovushlar", "Sukut sarhadi", "O‘n o‘rtoq", "Hamro polvon", "Poyezdning bolasi", "Baxshi bola – yaxshi bola" kitoblari nashr etilgan.

Bosh barmoqni ko‘rsatib:
“Voh, bola!” deb qo‘ysalar.

Qarg‘a

Men – qarg‘aman, qarg‘aman,
Bekor so‘kib qarg‘amang.

Menku bir beozor qush,
Sizga nima qildim, xo‘sh?

To‘g‘ri “qag‘-qag‘” etaman,
O‘z ko‘nglim chog‘ etaman.

Buning nimasi yomon,
Axir, qish sovuq chunon.

Turmaymanda tirab hol,
Anov musicha misol.

Kuylayman – “qog‘” etaman,
Ko‘nglimni chog‘ etaman.

Demang: “Shunday pallada
Balo bormi “yalla”ga?”

Bahor yozdamas faqat,
Kuylash kerak hamma vaqt.

Shunda qolmaysiz qotib,
Va qayg‘u-g‘amga botib.

Xulosa

Oyim aytdi sovuqda
Turmay uyga kir-kir.
Gapga ko‘nmay hovlidan
Chiqdim bosib bir-bir.

Tani muzday bir shamol
Esar edi hur-hur.
Yurdim bekordan-bekor
Sovuq qotib dir-dir.

Mana, endi yotibman
Tanim og‘rir zir-zir.
Yo‘talaman qur-qur,
Bosh aylanar gir-gir.

Do‘stim, senga maslahat,
Quloq berib tur-tur.
Kattalarning gapiga
Yo‘q demasdan kir-kir.

Shunda yaqin yo‘lamas
Dardu balo qurg‘ur.

Archa

Erkalatib uyimiz
Eng to‘riga o‘tqazdik.
Qo‘llaringga turfa xil
O‘yinchoqlar tutqazdik.

Yangi yilda yasharib
Yal-yal yashnab turibsan.
Bizchi, oltin yoshlikning
Bir yilini “yutqazdik”.

Qish manzaralari

Simyog‘ochning simlari
Ko‘rinadi tor bo‘lib.
G‘aroyib qish kunlari
Laylak kelar qor bo‘lib.

Qiyqim-qiyqim oq mato –
To‘kilar qor parchalar.
Minglab ninasi bilan
Qalpoq tikar archalar.

Turnamas, turnaqator
Sumalaklar tizilgan
Oynalarda muzgulzor –
Ayozgullar chizilgan.

Soch-soqoli oqargan,
Qishbobo kezib yurar.
Muz qalamda g‘aroyib,
Shakllar chizib yurar.

МАРДИКОРЛАР

Комедия



Саид АНВАР

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

1. ЭРКАБОЙ – 60 ёшларда, қишлоқдан келган, аммо шаҳарнинг пасту баландини билган инсон.
2. ЙЎЛДОШ – 30 ёшларда. Эрканинг шогирди, содда йигит.
3. МИЛТИҚБОЙ – 50 ёшларда. Собиқ маҳалла нозири. Анчайин қув.
4. АРСЛОН – 75 ёшда. Янги бойлардан. Кўзи яхши кўрмайди. Қулоғи оғирроқ.
5. НОЗИГУЛ – 30 ёшда. Арслоннинг хотини, содда-ю, аммо ичидан пишган.
6. ХОЛИҚ – 50 ёшда. Бойлик бўлса ҳамма нарсага тайёр одам.
7. САЛТАНАТ – Арслоннинг қизи. Ўқимишли, ақл-идрокли. Битта айби тўладан келгани. 25 ёшда.
8. НУРИДДИН – 25 ёшда. Қилтириққина, аммо ўта "замонавий" йигит.

Воқеалар "қадим-яқин" замонларда, оддий хонадонда бўлиб ўтади.

Саҳнанинг ўнг томонида чала битган осмонўпар иморатнинг ярми кўриниб турибди. Чап томонда кўча эшиги, данғиллама уй. Юқоридаги уйнинг эшиги очиқ. Ўртада сўри. Унинг устида эркакнинг шими, бир пой туфлиси, аёллар рўмоли ётибди. Эшик қўнғироғи жиринглайди.

ЮҚОРИ УЙДАН ОВОЗ. Вой, эрим!.. Қўйворинг!

Қўнғироқ жиринглайди.

ОВОЗ *(баралла)*. Ҳозир! *(Шивирлаб)* Қўйворинг деяпман! Қанақа одамсиз ўзи?!

Қўнғироқ жиринглайди.

Саид АНВАР – 1962 йилда туғилган. Қўқон педагогика институтини тамомлаган. "Оралиқдаги одамлар", "Қизиқчининг қилиғи ҳам қизиқ", "Касб танламай мен ўлай", "Муҳиддин Дарвеш", "Яшасин, фонограмма!" сингари китоблари нашр этилган. "Осмондан тушган одамлар", "Хизматдамиз, хизматда" комедиялари саҳналаштирилган. "Жиблажибон" телесериали муаллифи.

ОВОЗ *(баралла)*. Ҳозир дедим-ку! Ҳозир! *(Шивирлаб)* Яширининг, эрим! Сизни бу ерда кўрса соғ қўймайди!

Юқоридаги уйдан Нозигул халатининг тугмаларини қадаб, белбоғини боғлаб, сочларини тартибга солганча чиқади. Сўридаги рўмолни олиб, бошига ўрайди. Шим билан туфлини уйга отиб, кўча эшиги томон юради. Уйдан ички кийимдаги Милтиқ чопиб чиқиб, Нозигулни орқасидан қучоқлайди.

НОЗИГУЛ *(Милтиқни силтаб ташлайди)*. Э, йўқол-э!

Милтиқнинг боши деворга урилади, гурсиллаб ерга қулайди.

НОЗИГУЛ. Яширининг! Эрим келди деяпман! Яширин!

Милтиқбой гандираклаб уйга кириб кетади. Нозигул эшикка қараб юради. Милтиқ гарангсираб уйдан чиқиб, атрофга аланглайди. Сўридаги кўрпача остига яширинмоқчи бўлади. Оёғини ёпса боши очилиб қолади, бошини ёпса оёғи. Яна атрофга аланглайди. Юқоридаги, очиқ турган эшик орқасига беркинади.

НОЗИГУЛ *(эшикка)*. Ким у?

Жимлик.

НОЗИГУЛ *(зарда билан, бақириб)*. Ким деяпман?
ОВОЗ. Менман, хоним, менман! Аскарингизман, генералим!
НОЗИГУЛ. Уфф! *(Эшикни очади)*.

Қўлида халталар билан Арслон киради.

АРСЛОН *(пешонасидаги терларни рўмолчасига артиб)*. Ухлаётганмидингиз, азизам? Узр, узр!
НОЗИГУЛ *(киноя билан)*. Роса кўзим учиб турганди-да.
АРСЛОН *(унинг сўзларига парво қилмай)*. Бозор эрта битиб қолди. Уни устига арзон-гаров мардикор-усталар учраб турибди-да! Аммо тоғни урса талқон қиладиган паҳлавонларни бошлаб келдим! *(Эшикка)* Киринглар, йигитлар!

Қўлида халта билан Эрка, унинг ортидан Йўлдош киради. Нозигул уларга беписанд кўз ташлайди, лабини буради.

АРСЛОН *(чала битган иморатларга ишора қилади)*. Ошхонанинг чаласини битказишади. Кейин нимаки топшириғингиз бўлса, уларни ҳам сўзсиз бажаришади. Бозорликни ичкарига кўяқолай, а?

Арслон халталарни кўтариб, ўнг томонга ўтиб кетади. Эрка атрофга аланглайди, қўйнидан вино олиб, ҳўплайди, шляпасини ҳидлайди. Нозигулнинг тикилиб турганини кўриб, жентельменлардай эгилиб, шляпасини қўлида силтаб, таъзим бажо этади. Нозигул лаб буриб, ўнг томонга юради. Шу

пайт юқоридаги эшик "гийқ" деган овоз чиқариб, ёпилиб қолади. Унинг ортида майка-турсида, солдатлардай икки қўлини ёнга тушириб турган Милтиқ кўзга ташланади. У кўзларини пирпиратиб, бироз тураді-да, чопиб келиб Эрка билан Йўлдошнинг ўртасига туриб олади. Нозигул бош чайқаб, қўллари билан юзини беркитганча, сўрига ўтириб қолади. Йўлдош оғзини очганча олдин Милтиққа диққат билан разм солади, сўнг Эркага қош учирады. Эрка чап кўзини юмиб, бош қимирлатиб, "Парво қилма" дегандай ишора қилади. Арслон ортига қайтади.

АРСЛОН. Ҳамма масалликларни музхонага жойлаб қўйдим, хоним. Буларга бирор егулик тайёрлаб... *(Милтиққа кўзи тушиб, ўйланиб қолади. Кўзойнагини ечиб, яна қарайди. Бармоқларини букиб, санаган бўлади. Милтиққа бошдан-оёқ разм солади).* Ие, буниси қаёқдан пайдо бўлди? Осмондан тушдими, ердан чиқдими? Мен иккита мардикор бошлаб келгандим, шекилли?

НОЗИГУЛ *(лаб бурib).* Домулло, иккитасининг устига яна иккита кўзойнак тақиб олсангиз бўларкан.

АРСЛОН (*ишора қилиб).* Кўзойнагим ўзим-да, мана тақиб олганман.

НОЗИГУЛ *(баланд овозда).* Эй, ўша кўзойнагингизнинг устига яна иккита кўзойнак тақиб олсангиз бўларкан. Бошлаб келган сиз, мен қаёдан биламан?

АРСЛОН. Ҳа-а-а-а!

НОЗИГУЛ. Бунга гап тушунтургунча... *(Қўл силтайди)*

Арслон ҳайрон, кўзойнагини қўлига олиб, яна тақиб йигитларга қарайди. Бармоқларини букиб, яна санайди.

НОЗИГУЛ *(овозини баландлатиб, Арслоннинг енгидан тортиб).* Ҳой, менга қаранг, домулло, қариб кўзингизга учта нарса иккита бўлиб кўринадиган бўлиб қолдими? Мановилардан сўранг, учта эди улар ўзи! *(Йўлдошга қўлини ниқтаб)* Учта эдиларинг-а?

ЙЎЛДОШ. Н-н-нима… б-б-б-биз… ҳалиги… Мен бу ерлик эмасман!

НОЗИГУЛ *(Эркага).* Уч киши эдиларинг-а?

ЭРКА *(бепарво).* Ҳа, уч киши эдик, чамамда, чоғимда, мўлжалимда! Бу укамизга домуллонинг кўзи тушмабди-да, бозорда. Ўзи укамиз четроқда юради. Спортга муккасидан кетган. Спорт билан шуғулланган-шуғулланган. Жаҳон чемпиони бўлмоқчи, югуришдан. Биз иш топсак, ортимиздан чопиб келаверади.

НОЗИГУЛ. Ана, эшитдингизми?

АРСЛОН (*Нозигулга юзланиб, бош чайқаб).* Жаҳон чемпионатига боролмайман мен! Қанча ишим қалашиб ётибди.

НОЗИГУЛ. Уфф! Биров буни жаҳон чемпионатига боринг дедимикан! *(Эркага Арслонни имлаб)* Қулоқлари кетган. Овозингизга яна бир парда қўшиб юборасиз!

ЭРКА. Ҳа-а-а-а-а! Бозорда ҳам Али десам, Вали дейишаётганди, шунга экан-да! *(Бемалол саҳнани айланиб, Милтиқни кўрсатиб, ҳар бир сўзини таъкидлаб, баланд овозда)* Бу укамиз жаҳон чемпиони бўлмоқчи, югуришдан, домлажон!

АРСЛОН (*қўли билан Милтиққа имлаб).* Ҳа-а-а-а-а!

ЭРКА *(Арслонга тақлид қилиб).* Ҳа-а-а-а-а! Шунга ҳеч бекор турмайди. Югургани, югурган! Сиз борганда ҳам мардикор бозорининг атрофида югураётганди, кўрмабсиз! Автобусгаям, машинага ҳам чиқмайди. Биз иш топсак, ортимиздан чопиб келаверади. Мана кўряпсиз, етиб келиб турибди.

АРСЛОН. Ҳа-а-а-а! *(Милтиқнинг қаршисига бориб, қўл узатади)* Арслон *(таъкидлаб)* бой!

МИЛТИҚ *(қалтираб қўл узатади)*. Милтиқ *(таъкидлаб)* вой!

АРСЛОН (*Милтиққа*). Чемпион бўлиш учун, югуришнинг ўзи камлик қилади. *(Кўкрагига бармоғини ниқтаб)* Бизга ўхшаган спонсорларнинг ортидан ҳам югуриш керак! Аммо сиз кўзимга иссиқроқ кўриняпсиз... Сизни қаердадир кўргандайман...

ЭРКА *(Арслонни четга тортиб)*. Радиода, йўғе, телевизорда кўргансиз, Арслонбой ака, телевизорда кўргансиз... "Маҳалламиз маликалари"да чиққан! Машқларини охирига етказиб олсин, албатта сизнинг орқангиздан ҳам югуради. Ўзингиз спонсор бўласиз, Арслонбой ака! Ҳозир бизга ишни кўрсатинг, ишни. Вақт ўтяпти, пул кетяпти, чамамда, чоғимда, мўлжалимда.

АРСЛОН. Ҳа-а-а-а! *(Кўрсатиб)* Манови иморатни битказасизлар.

ЭРКА. Гап бўлиши мумкин эмас.

АРСЛОН. Цемент, қум, оҳак, ғишт ичкарида. Сифат деган нарса бўлмаса, пул бермайман. *(Эшик томон юради)*

НОЗИГУЛ *(унинг ортидан)*. Мени кандидатскийим нима бўляпти?

АРСЛОН. Бўляпти. Зўр-зўр ҳимоячилар билан гаплашиб қўйганман, кўнглингиз тўқ бўлсин, азизам! Кўча кўрган йигитларданмиз, сизни ҳимоя қиламиз! Бугун ҳам университетга тушиб, ҳимоячиларнинг эсларига солиб қўяман!

ЭРКА *(томошабинга)*. Ҳех! Уйида ҳимоя қилолмай ўтирибди-ю, кўчада ҳимоя қилармиш! *(Милтиққа ишора қилиб)* Ўйинчилар ялло қилиб юрибди-ю стадионида!

АРСЛОН (*Эркага*). Бир нарса дедингизми, биродар?

ЭРКА. Яхши бориб, эртароқ келинг, дедим!

АРСЛОН. Раҳмат!

Арслон кўча эшикдан, Нозигул ўнг томонга чиқади.
Милтиқ остонада ётган шим билан туфлини олиб,
шошилиб юқоридаги уйга кириб кетади.

ЙЎЛДОШ *(Милтиққа ишора қилиб, дудуқланиб)*. Б...бу п-п-палид осмондан тушдими, ердан ч-ч-ч-чиқдими?

ЭРКА *(сўрига чиқиб, ёнбошлайди, сўмкасидан вино шишасини олиб, гап орасида бемалол ҳўплаб-ҳўплаб ичади)*. Сенга нима? Буям бизга ўхшаган мардикор экан, чамамда, чоғимда, мўлжалимда. *(Кўча эшикка ишора қилиб)* Поччамизнинг ўрнига ишлаётган эканлар. Ҳе-ҳе-ҳе! Аммо ишни битказмай туриб, ишларини бузиб қўйдигов! Хонимнинг қош-қовоғини кўрдинг-ку? Энди навбат бизга. *(Нозигул томонга ишора қилиб)* Бизниям рози қилмай кўрсин, дунёга жар солиб юбораман. "Учта эдик", деб бекорга ёнини олганим йўқ. Аммо кетворган нарсамикан?

ЙЎЛДОШ *(қўл силтаб)*. Э-э-э, а-ака, шунақа гапларни қўйинг! Бузуқи ишлар қилгани келибмизми, биз?! Ўзи бунақа палидларни мелисага топшириб юбориш керак.

ЭРКА *(кулиб)*. Э, каллангга қойилман, мулла Йўлдошбой! Чақир, чақир бўлмаса мелисани. Ўзинг шапкали одамни кўрсанг, *(ўргулаб, шошмасдан)* у военнийми, учувчими, ё бирор ерда қоровул – бошида шапкаси бўлса бас, олти бекат наридан юрасану, яна мелисага берармиш.

ЙЎЛДОШ (*куюниб*). Шунақа қилиб юриш менга ҳавасми, ака, ҳавасми?! Отам уйлайман деганига уч йил бўлди. Ўшаларга ёрдам бўлармикан, бир-икки танга топармиканман, деб юрибман бегоналарнинг эшигида сарғайиб. Ўғирлик қилмаганман, одам ўлдирмаганман, жиноятим – тинчгина, ҳалол меҳнат қилиб пул топаётганим. Э, мелисаларингиз бунга қарармиди?

ЭРКА. "Паспортингизни кўриб қўяйлик!" дедими, бу ёғи тамом!

ЙЎЛДОШ. Ўлманг! Паспортимни ушлашгани, мени ушлашгани! Қатор-қатор қарорлар, фармонлар чиқиб ётибди, булар умуман ўқишмайдими, эшитишмайдими, панага судрашади. Чўнтаклар, халталар қолмайди: тинтишади, топганингизни тортиб олишади.

ЭРКА. "Кимсан, паспортимни олишга, кўришга сени ҳаққинг борми ўзи? Аслида, сен "наряд"дан чиқиб келяпсанми ё "парад"дан?" деб сўрайдиган инсон йўқ!

ЙЎЛДОШ. "Наряд"данми, "парад"данми деб сўраш учун юрак бўлиши керакми? Бизда юракнинг ўзи йў-ғу! Аллақачон олиб қўйишган. Бўрига йўлиққан қуёндай қалтираб турасиз.

ЭРКА. Ўғри ушлаш ё жиноятчини топиш, қўлга олиш учун калла бўлиши керак! Нима қилишади? Улардаям бола-чақа бор, ушлаганини шилишади-да. *(Кулади, винодан ҳўплаб, дўпписини ҳидлайди)*

ЙЎЛДОШ. Паспортимга катта ҳарфлар билан, "Ушбу паспорт эгаси қонун ҳимоясида!" деб ёзиб ҳам қўйилган! Демак, мени қонунлари қўллайди. Шу юртда боболаримнинг, момоларимнинг гўри – қабри турибди! Биров уларни босиб ўтаман деса, мени ўлдириб, кейин ўтади! Аммо мен ўз юртимда мени ҳимоя қиладиган қонун ҳимоячиларидан қочиб юраман! Уят! Уят! Уят!

ЭРКА. Эй, кеча шаҳарга келиб, бугун менга маъруза ўқимагин, ука! Бунақа ишларни бугун кўраётганим йўқ. Гапирсам достон бўлади. Пул топиб уйланмоқчимисан, гап йўқ. Мен билан бирга бўлсанг кам бўлмайсан: ўзим сени онаси ўпмаганига ўйлантириб қўяман.

Юқоридаги уйдан мелиса кийимидаги Милтиқ чиқади. Йўлдош қўрқиб қочмоқчи бўлади, сўмкасига қоқилиб йиқилади. Эрка шошиб вино шишасини сўмкасига яширади, ўзини ўнглаб ўтиргач, Милтиққа синчиклаб қарайди, чаккасини қашлайди. Милтиқ Нозигул чиққан, Арслон кетган томонларга бир-бир қараб, туриб қолади. Эрка оғиз ва кўзларини бор бўйича очиб, киприкларини пирпиратади. Сўнг ўзига келиб, қўлларини бир-бирига ишқаганча, Милтиқ томон юради.

ЭРКА. Ие, ие, ие, камандир, ўзингизми, ўзингизми? Боя кўзимга иссиқ кўрингандингиз-у, шу эслайман дейман, шу эслайман дейман, бу эс қурғурнинг ўзи қолмаган-да, эслолмайман-да! Барибир формада бўлмасангиз танимас эканман, вей, чамамда, чоғимда, мўлжалимда! Қўлни узатинг, ўғил бола! *(Милтиқнинг қўлидан тутади, таъкид билан)* Омон-мисиз, соғ-мисиз, бор-мисиз? Бола-чақалар тинчми? Участкаларни обход қили-и-иб юрган экансиз-да, а, чамамда, чоғимда, мўлжалимда?

МИЛТИҚ. Ҳа, энди, ака...

ЭРКА. Оббо, сиз-эй! Учрашган жойимизни, кунимизни, ҳолимизни қаранг! Кейинги пайтларда майка-турсида хизмат қиладиган бўлиб кетибсиз-да?

МИЛТИҚ. Биласизми, ака?..

ЭРКА *(сўзини бўлиб)*. Биламан, ука, биламан. Сигаретдан олинг-э, гапни кўпайтирмасдан.

Йўлдош ёнбошлаганча оғиз ва кўзларини бор бўйича очиб, уларни кузатади. Милтиқ Эркага сигарет узатади.

ЭРКА *(сигаретани қутиси билан олиб)*. О! Тозасидан-у. Сигаретпурушлардан ўлжами дейман-а? Ҳа, бугун ўнг томоним билан турган эканман. *(Ҳузур қилиб*

чекиб, қутисини чўнтагига солиб қўяди) Яна, "Сигаретдан бер", деб сизни овора қилиб ётмай, чўнтагимда турақолсин, *(кулади)* ўлжанинг ўлжаси бўлиб! *(Йўлдошга кўзи тушиб)* Ие, ие, ие! Келавер, бу ёққа кел! Милтиқбой аканг – бу, қўркма, ўзимиздан. *(Милтиққа)* Тўғрими, камандир?

МИЛТИҚ. Тўғри-ю... Энди, ака, бошқа куни гаплашсак... Бугун зарур ишларим бор эди... *(эшик томон юради).*

ЭРКА. Ҳов, камандир, куённинг расмини чизмоқчимисиз? А? Жўнамоқчимисиз? Бизам ортингиздан бораверамиз бўлмаса. Мана, гувоҳимиз бор. *(Йўлдошга)* Эй, бу ёққа келсанг-чи, қалтирамасдан! Бикинимга ўтир! Мен борман, қўркма! *(кўрсатиб)* Икковлашиб мелисахонага борамиз! Маҳаллаларда қандай, қанақа, қай ҳолатда хизмат қилиб юрганингизни бир бошда-а-ан айтиб берамиз бошлиғингизга.

МИЛТИҚ. Ака, ёмон кўнгилга борманг. Шундай ўтиб кетаётсам, *(Нозигул кетган томонга ишора қилади)* кўчага сув сепишаётган экан... Мени кўрмай қолиб, бир челак сувни устимга сепиб юборди. Кейин...

ЭРКА *(қаҳ-қаҳ уриб, қотиб-қотиб кулади).* Ишондим, камандир, ишондим. Кейин кирдингиз."Уст-бошингизни дазмол қилиб бераман, ечининг!" деди, ечиндингиз-а?

МИЛТИҚ. Ҳа-а...

ЭРКА. Сиз суқсурдай йигитсиз, улар *(Нозигул томонга ишора қилади)* ўн гулидан бир гули ёпилай-ёпилай деб турган жонон. Гапни бир бор экан, бир йўқ экан, деб бошласангиз бўларди. Дазмол босиб ўтиришларингга кичкина бола ҳам ишонмаса керак?! *(ишора қилиб)* Шимингиз остонада ётганди-ю? Гапларингиз унча қовушмаяпти, камандир.

ЙЎЛДОШ. Қовуш... қовуш...

ЭРКА. Ҳа-а-а! *(кулиб, аскияга буриб)* Тўғри айтасан, булар энди қовушган экан, палакат босиб биз келиб қолибмиз, шунга гаплари қовушмаяпти.

МИЛТИҚ *(ёнидан пул олиб, Эрканинг чўнтагига солади).* Бунақа гапларни қўйинг, ака. Ундан кўра, мени дуо қилиб, икки юзтани отворинг.

ЭРКА. Ие, ие, камандир, гуноҳингиз иккита бўлиб қолаяпти-ю!

МИЛТИҚ. Гувоҳ?

ЭРКА. Гувоҳ эмас, гуноҳ! Майка-турсида, айни хизмат қилаётган пайтингизда қўлга тушдингиз чамамда, чоғимда, мўлжалимда! Бу – бир! Тўғрими?

МИЛТИҚ. Ака...

ЭРКА. Акаламай туринг! Қўйиб берсам сал туриб бувимлайсизам! *(Арслон чиққан томонга ишора қилиб)* У арслонннинг оғзидан *(кўкрагига ниқтаб)* нақ Эрка қиём акангиз, ғирт ёлғонни гапириб, "Телевизорда кўргансиз", деб тортиб олди, чамамда, чоғимда, мўлжалимда!

МИЛТИҚ. Ака, йигитчилик деб қўйибди. Бир бўлди-да...

ЭРКА. Ие, вей, сизам йигитчиликни биласизми? Кўчага чиқсак, тиззамизнинг кўзи қалтираб туради, вей! "Дўппини чўнтакка уриб, рўмол ўраб юрсакмикан?" деган хаёллар ҳам ўтади калладан-эй! Кўзингиз тушиб қолса бўлди, "Нима қилиб юрибсан? Ҳиди келяптими?" деб идорангизга судрардингиз. "Ишлаб юрибмиз! Олти ой ишлаб, хўжайин банкрод бўлиб қолган экан, олти *(таъкидлаб)* минг сўмлик бўлдик! Аламига ичдик! Йигитчиликда бир бўлди-да", деб минг таваллолар қилмайлик, пинагингизни бузмасдингиз, чамамда, чоғимда, мўлжалимда! Тўғрими, камандир?

МИЛТИҚ. Ҳа, энди хизматчилик...

ЭРКА. Яшанг! Энди бизам "хизматчилик" деб бир хуморбосди қиламиз.

МИЛТИҚ. “Хуморбосди?”

ЭРКА. Ҳа, хуморбосди. Бир кун қўлингизга тушиб қолсак, ўн беш кун тепамизда турволиб, ўлгудай ишлатардингиз. Ўтирган уйингизнинг бетонидан тортиб, шифери-ю сувоғигача қўлга тушган қасоскорлар – бизга ўхшаган текин ишчи-мардикорлар қурди, қуруқ нонни сувга бўктириб еб... Чамамда, чоғимда, мўлжалимда!

МИЛТИҚ. Текинга ишлатмаганман, пул ҳам берганман...

ЭРКА. Ҳа, ўн беш кун деганда ўлик-тириклигини бола-чақасига билдириб қўйсин деб пулам бергансиз! Ўзим бойваччалигингизнинг номер биринчи гувоҳи бўлганман-ку! Ўн беш кун ишлаганимдан кейин, яримтага яраша пул бергандингиз...

МИЛТИҚ. Йў-ғе?

ЭРКА. Ҳа-а-а! Уйингиздан чиқиб, чўнтак қуруқ, қишлоққа борволиш учун бирорта таниш излаб турсам, шеригингиз келиб ушлади. “Устайўқлов”, деб мени олиб бориб яна сизга топширди. “Ҳозир шу ердан ишлаб чиқдим!” деган гапимга парво ҳам қилмадиларинг. Қайтанга кўл ташлашиб, хо-холашиб устимдан кулдиларинг! Яна ўн беш кун қуллик қилдим, тўғрими? Мана замонлар ўзгариб, бизгаям кун туғиб қолибди, бир кун бўлсаям тепангизда турволиб, ишлашингизни томоша қили-и-иб, бир маза қилайлик, “Хизматчилик!” деб.

МИЛТИҚ. Жон, ака, бошқа сафар ҳар қандай ишингиз бўлса мен балогардон. Аммо ҳозир бормасам бўлмайди.

ЭРКА. Бормасангиз бўлмайдими?

МИЛТИҚ. Бўлмайди.

ЭРКА. Сираям иложи йўқми?

МИЛТИҚ. Сира иложи йўқ.

ЭРКА. Бўлмаса, қани, *(қўли кўксида, эшикка ишора қилади)* бошласинлар! Бизам мелисахонага бормасак бўлмайди. Сира иложи йўқ, ўзларидан бўлсин, юрсинлар.

МИЛТИҚ. Сиз мелисахонада нима қиласиз?

ЭРКА. Бошлиқларнинг оёғига бош уришингизни томоша қиламан.

МИЛТИҚ. Мен бош урарканманми?

ЭРКА. Албатта, сиз. Аввало, бугунги хизматларингизни бир бошдан ҳикоя қилиб берамиз ҳалол-пок инсон сифатида. Кейин *(Милтиқнинг костюми енгидан ушлаб)* мана бу формада яна хизмат қилиб юрганингизни айтамиз.

МИЛТИҚ. Бу формага нима қилибди?

ЭРКА. Устингиздан уч кишилашиб ечиб олишганди-ку!

МИЛТИҚ. Қачон?

ЭРКА *(кулади)*. Ҳе-ҳе-ҳе! Ҳов, сиз бизни ҳеч нарсага ақли етмайдиган, фаросатсиз мол деб ўйлаяпсизми, мол?! Биздаям кўз бор кўрадиган. Бир эмас иккита қулоқ бор – эшитадиган!!! Эшитдик-да!

МИЛТИҚ. Нимани эшитдингиз?

ЭРКА. – Тўхтанг, ҳозир. *(Йўлдошга)* Нимага сен бир нарса қилиб қўйган боладай оғзингни очиб ўтирибсан? Бор ишингни бошлаб тур, ҳозир сенга ёрдамга чиқишади. Бор дедим!

ЙЎЛДОШ *(қўли кўксида)*. Хўп, ака, хўп. *(Чиқади)*

ЭРКА *(Милтиққа қўлларини силтаб)*. Олдин сиз менинг битта саволимга жавоб беринг. Милиция ходимининг асосий вазифаси нимадан иборат?

МИЛТИҚ. Халқнинг тинчлигини, хотиржамлигини сақлаш.

ЭРКА. Ўлманг. Энди ана шу вазифани сидқидилдан бажараман деб туну кун тиним билмаётган, керак бўлса бу йўлда азиз ҳаётини қурбон қилишга тайёр бўлган милиционерлар қанча?

МИЛТИҚ. Минглаб.

ЭРКА. Яшанг! Ана шундай улуғ, шарафли, савобли касбнинг эгаси, қонун ҳимоячиси бўла туриб қонунни бузган, ҳатто жиноят қилган ходимларни нима қилиш керак? А? *(Кафтини қулоғига қўйиб)* Эркавой акангизнинг қулоғи сизда, жавоб беринг. Ўзим жавоб берай бўлмаса. *(Милтиқнинг формасидан ушлаб)* Бундай муборак формага доғ туширган кимсаларни, формасини ечиб олиб, катта кўчага олиб чиқиб, кетига тепишади. Тўғрими?

МИЛТИҚ. Т-т-ўғри.

ЭРКА. Тўғри бўлса бу формада нима қилиб юрибсиз?! Сизни товламачилик билан пул ундираётганингизда қўлга олишганди. Эсингиздан чиқдими? Ўша куниёқ формангизни ечиб олиб, ишдан ҳайдашганди, кўчага олиб чиқиб кетингизга тепишганди чамамда, чоғимда, мўлжалимда. Форманинг иккинчисини топширмаган экансиз-да!

МИЛТИҚ. Ҳай... *(Сўз тополмай чайналади)*

ЭРКА. Жиноятингиз камдай яна формада юриб, мана бунақа ифлос ишларни қилаяпсиз! Сиздақаларнинг жойи қаерда эканлигини ҳам айтайми? Қамаш, менга қолса, сиздақаларни экскаватор билан чуқур ковлаб, кўмиб юбориш керак. Қамашса, тешик топиб чиқиб келаверасизлар-да! *(жимлик)* Хизматга борасизми, яна? Зарур ишингиз бордир балки?

Милтиқ жим. Нозигул киради. Уларга бир-бир кўз ташлайди.

НОЗИГУЛ *(Милтиққа шивирлаб).* Кетмадингизми?

ЭРКА. Э, қаёққа кетади, келин! *(Сўмкасидан винони олиб ҳўплайди, қулиб)* Сизнинг хизматингизни бажариб бўлган бўлса, энди бизнинг хизматни қилади. Сизнинг ишингиз битган бўлса, бизники энди бошланаяпти... Хех-хех-хех!

НОЗИГУЛ *(жеркиб).* Нималар деяпсиз?! Қаёқдаги тузсиз гапларни айтманг, энангизнинг уйида эмассиз.

ЭРКА. Бай-бай-бай! *(Кулади)* Қалампир ютганмисиз, тилингиз мунчаям ширин. Нон-чойнинг ўрнигами бу гаплар?

НОЗИГУЛ. Алжимасдан ишингизни бошланг!

Нозигул зарда билан чиқади.

ЭРКА *(Нозигулнинг ортидан бошини чайқаб).* Вой-бўй! Зардалари осмонни бузади-я! *(Милтиққа)* Эшитдингизми, камандир, ишни бошлайсиз экан. Боринг, келинга айтинг, поччамизнинг эскироқ уст-бошидан берсин, кийиб олинг, яна "покиза" формангиз ифлос бўлиб қолмасин! *(Милтиқнинг қулоғига)* Гап орамизда қолади, бировга миқ этмайман. Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп. Биз учун ҳам бир хизмат қилсангиз қилибсиз-да! *(Кўз қисади)*

Милтиқ қўл силтаб, Нозигулнинг ортидан чиқади. Эрка сўрига ёнбошлаб, виносидан ҳўплайди, закускасига Милтиқ берган пулларни чўнтагидан олиб, ҳидлайди.

Йўлдош четдан мўралайди, атрофга аланглайди. Эрканинг олдига боради.

ЙЎЛДОШ *(ҳаяжонда).* Вей, вей, ў-ў-ўзингизмисиз? Ў-ў-ўзингизмисиз?

ЭРКА *(масхаралаб).* Ў-ў-ўзимман, ў-ў-ўзимман! Ў-ў-ўзингга нима бўлди?

ЙЎЛДОШ. Б-б-биласиз-ку, ҳа-ҳа-ҳаяжонлансам т-т-тилимга к-к-калима келмай қ-қ- қолади. М-м-мелиса сизга п-п-пул бе-бердими, ака?

ЭРКА *(пулларни санаб туриб, масхаралаб).* Кў-кў-кўриб, кў-кў-кўриб т-т-турибсан-ку!

ЙЎЛДОШ. У-у-уларам бераркан-а, м-м-мен ф-ф-фақат олади деб юрардим.

ЭРКА. Беришади, беришади. Олгандан кейин бермаса бўлмайди-да! Фақат улар тузук-тузук *(кўкрагига бармоғини ниқтаб, кучайиб)* бизга ўхшаган катта-катта, обрўли одамларга беришади. Беш-олти йилдан буён шаҳарда бекорга юрганимиз йўқ, ука. Ошна-оғайни, беш-олтита узатадиганлардан орттириб қўйганмиз. Сенлар холос, қишлоқда, "Алкашсан, топганингни ичасан-а!" деб мени ерга урадиган!

ЙЎЛДОШ. Т-т-тан бердим, ака, тан бердим. Ҳ-ҳ-ҳозир мелисани ишлатамизми?

ЭРКА. Ишлатасан! Ишлаш мени обрўйимга тўғри келмайди. Сен ғишт урасан, командир лой қориб, ғишт узатиб туради. Бурнини ерга ишқаб, сўкиб-сўкиб ишлат. Мен бир дўконларни обход қилиб *(шишага ишора қилиб)* заправкани янгилаб, ошна-оғайниларни кўриб келаман.

Эрка эшик томонга юради. Йўлдош унинг йўлини тўсади.

ЙЎЛДОШ. Йў-йў-йўқ, ака. Одам жуда ғалати бўлиб кетяпти. *(Ғишт уриш, кетмон чопишга ишоралар қилиб)* Мен ғишт урсам, командир лой қориб бериб турса!.. "Лойни қуюқ ёки суюқ қилибсан, яхши пишмабди!" деб дўқ ҳам урсам камига. Йўқ, умуман ҳақиқатга тўғри келмайди, ака. Улар фақат буйруқ беришга ўрганган одамлар бўлса...

ЭРКА. Нима бўпти? Уям одам – ишлайди-да!

ЙЎЛДОШ. Шошманг, ж-ж-жон ака, шошманг. Ҳалиям қалтироғим босилгани йўқ. Камандирни ишга солиб беринг, кейин кечгача айлансангиз, мана бу сўрида ёнбошлаб, ухлаб олсангиз ҳам майли.

ЭРКА. Уфф! Ҳўкиздай кучи бор, эшакдай ишлайдиган одам топиб берсам ҳам тинчимас эканман-да, мен! Бўпти, запаска ҳам қулоғини ушлаб кетаркан.

Эрка бўш шишани сўмкасига солиб, тўласини очиб, сўрига ёнбошлайди. Эски уст-бошда, қовоқ-тумшуғи осилиб Милтиқ киради.

ЭРКА. Ў-ў-ў! Сарполар муборак бўлсин, камандир! Ярашибди, ярашибди, кўз тегмасин, тфу-тфу! Ишни тугатганингиздан кейин шунақаси қишлоққа олиб кетаверсам бўларкан, буғдой қўриқчиликка! *(Қаҳ-қаҳ уриб кулади)* Менга бунақа еб қўйгудай бўлиб қараманг, йигитчиликда бир бўлди-да, энди. Сойиб Хўжаев айтгандай, бир кунлик тўй ўтар-кетар. Йўлдошвойга лой қориб, ғишт узатиб турсангиз бўлди, қолганини ўзи қойил қилади. Қани, марҳамат.

Эрка битмаган иморатларга ишора қилади. Йўлдош олдинда, Милтиқ орқада ўнг томонга юради.

ЭРКА. Ҳа, айтганча, камандир, келинимизга айтинг, гапингизга юради-ю, чойнон, аччиққина закуска бўлса узатворсин, бу ёғи таталаб кетди. Бир тишлам нон еб олмасам, кечгача етолмайман!

Иккови чиқади. Эрка сўрига ёнбошлаб, винонинг қолганини кўтариб ичади. Нозигул чойнак-пиёла олиб киради.

ЭРКА. Ие, ие, келин сизи овора қилиб қўйибмиз-ку! Узр.

Нозигул чойнак-пиёлани сўри устига зарда билан қўяди.

ЭРКА *(томошабинга)*. Вой-бўй! Зардалари метрликми ё килолик? *(Нозигулга)* Чойга бекор уринибсиз, бир йўла муздайроғидан олиб чиқавермабсиз-да! Дастурхонни менга беринг, мен солақолай.

НОЗИГУЛ *(жаҳл билан)*. Уриниб қолманг яна, ўзим соламан.

ЭРКА. Сиз учун *(кўз қисиб, кулимсираб)* бир уринсак-уринибмиз-да.

Иккови дастурхонни талашиб турганда, эшикдан Салтанат киради. Уларга кўзи тушиб, лаб буради, зарда билан гурс-гурс қадам ташлаб, ўнг томонга ўтиб кетади.

ЭРКА *(унинг ортидан)*. Ҳов, бир пиёла чойимиз бор. *(Нозигулга)* Қарамади. Ноз-фироқ ҳам қадду қоматга қараб бўларкан-да, а?

Нозигул сал кулимсирайди.

ЭРКА. Аммангизми?

Нозигул бироз кулади.

ЭРКА. Холангизми?

Нозигул баралла кулади.

ЭРКА. Опангизми?

НОЗИГУЛ. Қизим!

ЭРКА. Нима? Ва-ҳа-ҳа! Аскияниям қотираркансиз, яшанг!

НОЗИГУЛ *(жиддийлашиб)*. Бунинг нимаси аския? Ҳақиқатан ҳам қизим. Аниқроғи, поччангизнинг эркатой қизлари. Шу хонадонга келин бўлиб тушганимдан буён мана шунақа зарда, аччиқ-тирсиқ.

ЭРКА *(нон ковшаб)*. Ўғил зарда қилса уйлаш, қиз зарда қилса эрга бериш керак, тамом-вассалом! Бирортасини топиб...

НОЗИГУЛ. Қани ўша бирортаси?! Шаҳарда қиз чиқариш – азоб. Биров бировни қўйинг, ҳатто қўшнисини ҳам танимайдиганлар бор! Сўраб-суриштириб, бормаган хонадоним, ўртага солмаган одамим қолмади. Бирига қизимиз ёқмаса, иккинчисига хонадонимиз... Боринг бўлай, йўғинг бўлай деб куёв томонни кўндирсак, келин қурғурга куёв ёқмайди. Бирини қирриқ дейди, бирини тиррик.

ЭРКА. Ўх-хў! Сизниям дардингиз оғир экан. Аммо тешик мунчоқ кўчада ётмас, дейишади эскилар. Кўнгилни кенг қилаверинг, тенги чиқиб қолар. *(Шишани қўйнига солиб, эшик томон юради)*. Энди мен бориб, би-ир ошна-оғайниларимдан хабар олиб келай.

Эшик қўнгироғи жиринглайди. Эрка чўчиб, ортига қайтади.

ЭРКА. Э, юракни туширди-ю! Келин, биров келди шекилли, ўзингиз қаранг. Яна пагонлилардан бўлмасин!

Эрка сўрига қайтади. Нозигул эшикдан чиқади.

НОЗИГУЛ *(зардали овозда)*. Ҳа, нима дейсиз?

Жимлик. Эрка қўли билан қулоғини эшик томон буради.

НОЗИГУЛ *(майин овозда)*. А? Нима? Ие, вой, шунақами?! Қадамларингга ҳасанот. Ассалому алайкум, жуда яхши-да, жуда яхши келибсизлар.

Нозигулнинг овози эшитилмай қолади. Эрка қулоғининг орқасига уриб-уриб яна қулоғини эшик томон буради. Овоз эшитилмайди. Қўл силтаб, қўйнидан шиша олиб, уни ҳўплайди. Ичимлик тушмагач, шишани яна қўйнига тиқади. Нозигул кириб, ҳаяжон билан ҳовлини айланиб юради.

НОЗИГУЛ. Вой, ўлмасам, вой, ўлмасам. Энди нима қилдим? Энди нима қилдим?

ЭРКА *(ҳайрон)*. Тинчликми, келин? Ўт тушдими?

НОЗИГУЛ. Ҳа-а, ўт тушди, ўт тушди. Тушганда ҳам бемаҳалда тушди. Совчилар келибди, совчилар!

ЭРКА. Ие, ановини қаранг, бўрини гапирсанг қулоғи кўринади, деганлари шуда! Қадамимиз ёқибди.

НОЗИГУЛ. Кўринмай кетсин, ёқмай ўлсин! Дадаси йўқ-ку, дадаси.

ЭРГАШ. Қўлларида телефон деган нарса бор, бир оғиз қўнғироқ қилинг, зумда етиб келади.

НОЗИГУЛ. Ҳа-я! *(Шошиб юқоридаги уйга кириб кетади, дам ўтмай бўшашиб чиқади)*. Қариб, эсиям кирарли-чиқарли бўлиб қолди. Телефонини уйда қолдириб кетибди чол! *(Қўлидаги телефони силтайди)*

ЭРКА. Манзилини айтинг, бу ёғига эрисангиз, ўн минутда есть қиламиз.

НОЗИГУЛ. Э, савдогарда манзил нима қилади. Молга бориб келаман, деб юрганди, Қозоғистонга кеттими, ё Отчопарга Худо билади. Бу совчилар бир келибди, қайтиб келадими, йўқми?!

ЭРКА. Ўзингиз савол-жавоб қилиб юбораверинг, хотинларми ахир совчилар?

НОЗИГУЛ. Замоннинг тескарилигини кўриб турибсиз-ку, ака. Ҳозир йигит томон қолиб, қиз томон совчиликка боряпти. Аёллар ўғлини сандиққа беркитиб, қизлардан совчи кутяпти. Қиз томонга бирорта эсини еган эркак совчи бўлиб келмаса, хотинлар совчиликка умуман бормай қўйди. Хуллас, эсини еган эркаклардан биттаси қизимизга совчи бўлиб келибди.

ЭРКА. Бу ёғи шунақа бўлиб кетган денг! Бунчалигини билганимда шаҳарга кўчиб келиб, бирорта семизроқ жонондан совчи келса, жон-жон деб тегиб олардим. Ва-ҳа-ҳа!

НОЗИГУЛ. Кулманг. Ўзи буларни битта дугонам, "Кўкидан уч юз берсанг, уйингга совчи юбораман", деган шарт билан топиб берганди.

ЭРКА. Ў-ў-ў! Бу ёғи доллорли совчилар денг. Аммо пулни бегона қилибсиз-да, биз арзонроққа ҳам топиб берардик совчиларни. Хонадонларда ишлаб юриб, нечта-нечта қари қиз, тул кампирларга эр, неча бева чолга хотин топиб бермадигу, савоб-да, савоб деб.

НОЗИГУЛ *(бирдан жонланиб)*. Бўлди, бўлди, сиз дадаси бўласиз!

ЭРКА *(сакраб тушади)*. Вой-эй! *(шишани кўрсатиб)* Манови виножонни мен ичдимми ёки сиз? Нималар деяпсиз?

НОЗИГУЛ. Йўқ, деманг, жон ака. Бунақа ишларни қилиб юрган экансиз, йўқ деманг. Гап-сўзидан совчи эримни умуман кўрмаган. Бир бора эрим бўлиб, шу совчиларни кўндириб беринг.

ЭРКА. Юз марта ҳам эрингиз бўлишим мумкин, аммо совчи масаласи... Тўғри совчи бўлганман, аммо... Эр ролини ҳечам бажармаганман. Милтиқбой бўлақолсин, ўзи биз келгунча...

НОЗИГУЛ. Э, у ёш-ку! Уни дадаси эканлигига совчини уриб ҳам ишонтириб бўлмайди.

ЭРКА. Бу ахир умр савдоси... Кейин биз эрингиз билан бунга даговор қилмаганмиз. Ғишт териш, сувоқ қилишга келишганмиз.

НОЗИГУЛ. Нима фарқи бор? Шу уйдаги ишларни бажарсангиз бўлди-да. Келинг, яхшиси янгидан шартнома тузамиз. Сиз эрим бўласиз. *(ўнг томонга ишора қилиб)* Анавиларнинг бири келиннинг тоғаси, иккинчиси амакиси бўлади. Кўплашиб совчини кўндириб берсаларинг, келишилган пулни оласизлар. Кўндиролмасанглар...

ЭРКА. Йўқ, йўқ, бу шартингиз бизга тўғри келмайди. Жуда нозик иш – бу. Совчиликда сигирни – амма, ҳўкизни – тоға дейишга тўғри келади. Мундоқ қиламиз: совчиларни кўндирсак, шартлашилган пулни икки баробар қилиб берасиз. Кўндиролмасак, ўша пулнинг ўзини оламиз. *(таъкидлаб)* Бизники кунбай-да!

НОЗИГУЛ. Ҳо-о! Сизга сих ҳам, кабоб ҳам куймас экан-да. Хўп, кўндиролсанглар пулни икки баробар қилиб бераман, кўндиролмасанглар келишилган пулнинг ярмини оласизлар.

Эрка бармоқларини букиб, санаб, пешонасини қашлаб, ўзича ҳисоб-китобни бошлайди. Нозигул юқоридаги уйга кириб кетади. Уйдан учта костюм-шим кўтариб чиқади.

ЭРКА. Жуда бошни қотириб қўйдингиз-вей! Мақташ керак, қизингизни билмасак нима деймиз?

НОЗИГУЛ. Мақтайверинг! Ниҳоятда мўмин-қобил денг, меҳнат деса ўзини томдан ташлайди денг! Кейин гапнинг келишимига қараб давом этаверасиз-да.

ЭРКА. Майли-ю, аммо мен *(қўйнидан шиша олиб, кўрсатади)* мановиндан ҳар замонда олиб турмасам, феълим чатоқ, кайфим тарқаса, тилимга гап келмай ўрисча гапирвораман! Чўрт побери! Чорт побери! Чорт побери! Ана бошланди!

НОЗИГУЛ. Ўзингиз ҳам чорт пебери экансиз-ку! Унданам бўлади. *(Костюмлардан бирини узатиб)* Манг, мановини кийиб, одамга ўхшаб олинг.

ЭРКА. Вой, вой, вой! Одамга ўхшамай нимага ўхшаймиз?! *(Костюмни олиб)* Ўҳ-ҳў, дунёга келиб эгнимизга илмаганимиздан-ку! Куёвлигимизда ҳам киймагандик бунақасини! Майли, кияман, аммо ёмон феълим бор: *(таъкидлаб)* кийган кийимим ўзи узилиб тушмагунча эгнимдан ечмайман мен, шунга рози бўлсангиз кияман.

НОЗИГУЛ. Уфф! Қандай бало одамга йўликдим-а? Бўпти, совчиларни кўндирсангиз – сизга сийлов. Манови уйга кириб, кийининг.

Эрка лаб буриб, уйга кириб кетади. Нозигул костюмларни кўтарганча ўнг томонга ўтади. Юқори уй эшигидан янги костюм-шим кийган Эрка кўринади. У

томошабинга "Қалай?" ишорасини қилиб, кўздан йўқолади. Нозигул сўрига янги тўшаклар солади, яна чиқади. Эрка бўйнида олтин занжир, қўлларида тилла узуклар билан пайдо бўлади. Уларни бир-бир томошабинга мақтаган бўлади, яна кўздан йўқолади. Нозигул кўча эшик томон юради.

НОЗИГУЛ *(эшикка).* Вой, келаверсинлар, келаверсинлар!

ХОЛИҚ *(томоқ қиради, овози).* Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

НОЗИГУЛ *(қўли кўксида, ичкарига имлаб).* Келсинлар, келсинлар, қадамларингга ҳасанот.

ХОЛИҚ *(қўлида тасбеҳ билан киради).* Ассалому алайкум, яхшилар! *(Атрофга аланглаб, ҳайрон қолади).* Дадангиз бормилар ўзи? *(Томоқ қиради)*

НОЗИГУЛ. Шу ердалар, шу ердалар. Сўрига чиқиб туринг, ҳозир. *(Юқоридаги уйга қараб).* Ҳов, чиқақолинг, дадаси, меҳмонлар кутиб қолди.

Холиқ атрофга кўз югуртиради. Кошона иморатларга қараб "маъқул" дегандай тасбеҳ доналарини ўйнаб, томоқ қириб, қош учириб, бошини қимирлатади. Эрка бошида шляпа, бўйнида галстук билан осмонга қараганча гердайиб уйдан чиқади. Омонат остонанинг четини босгани боис, гандираклаб йиқилади. Холиқ ўзини очганча қотиб қолади. Нозигул Эрка томон чопади.

НОЗИГУЛ. Остонамиз нобоп-да, остонамиз нобоп.

ЭРКА *(Нозигулга).* Нобоп бўлса тузаттириб қўйсангиз ўласизми?

НОЗИГУЛ. Тузаттирамиз, дадаси, тузаттирамиз. Ишқилиб ёмон йиқилмадингизми, дадаси?

ЭРКА *(белини уқалаб, кучайиб).* Йиқилавериб, юмалайвериб кўникиб кетганмиз. Ҳатто Шоҳимардондаги бир юз саксонталик пиллапоядан ҳам йиқилиб, бир юз биринчисигача юмалаб тушганмиз, бунингиз нима бўлибди. Чорт побери! Чорт побери!

НОЗИГУЛ *(Эркани уст-бошини қоқиб, сўрига бошлайди).* Ҳозир, чорт побери ҳам бўлади, дадаси! Совчилар келди, совчилар!

ЭРКА *(ҳайрон).* Овчилар? Бу ерда нима қилади овчилар? Қуён-пуён бормикан бу жойда?

НОЗИГУЛ. Овчилар эмас, совчилар?*(Холиқ томонга имлайди)*

ЭРКА. Ҳа, совчиларми!? *(Жилмайиб Холиққа юзланади).* Э, келсинлар, келсинлар! Қадамингизга гуллар очилсин, ароқлар сочилсин!

ХОЛИҚ. А? Ассалому алайкум! *(Томоқ қиради)*

ЭРКА. Ваалайкум ассалом!

ХОЛИҚ. Безовта қилиб қўймадикми?

ЭРКА. Йўқ, йўқ! Қани, қани, ачом-ачом қиламиз...

ХОЛИҚ. Кўришиб ҳам қўямиз...

Иккови қучоқлашиб кўришади, сўрига ўтиришади.

ЭРКА. Соғ-саломатмисиз? Мана бу ёстиқни орқангизга қўйволинг!

ХОЛИҚ. Безовта бўлмасинлар! Раҳмат!

ЭРКА. Уйдаги катта-кичикларнинг ҳаммаси чопқиллаб-чопқиллаб юрибдими, мўлжалда, чамамда, чоғимда?

ХОЛИҚ *(тасбеҳ доналарини санаб).* Оллоҳимнинг паноҳларида, ҳаммалари минг бора шукроналар айтишиб, ўйнаб-кулиб юришибди!

Ўнг томондан ясаниб олган Йўлдош билан Милтиқ чиқади. Улар бир-бирига "Сен юр, сен юр" қилади. Нозигул уларнинг ортидан итариб юборади. Милтиқ қоқилиб, йиқилади. Йўлдош уни босиб тушади. Холиқ оғзини очганча, Эркага ҳайрон боқади.

ЭРКА *(уларга имо қилиб)*. Амакиси билан тоғаси ҳам шу ерда эди. Иккови битта бўлдими ҳазилни бошлашади. (*Икковига).* Ҳов, бўлди, меҳмон бор, ҳазилни кейин қиласизлар, бу ёққа келинглар.

Йўлдош ортига қайтади, Милтиқ сўрига яқинлашади.

МИЛТИҚ. Келинг, ака, саломатмисиз?

ХОЛИҚ. Яратганларига шукр! *(Томоқ қиради)* Раҳмат, ўзларинг омонмисизлар?

МИЛТИҚ. Раҳмат. Қани, бир нарса денг, тақсир!

ХОЛИҚ. Йўқ, йўқ, *(Эркага юзланиб)* акамлардан бўлсин.

ЭРКА. Илоҳо омин, олайлик олдирмайлик, тагида қолдирмайлик! Қўлимиз қадаҳдан, оғзимиз арақдан бўшамасин, Облоҳу акбар!

Холиқ қўлидаги тасбеҳга анграйиб қараганча туриб қолади. Сўнг тасбеҳни ёнига қўйиб, юзига фотиҳа тортади. Нозигул дастурхон олиб киради.

НОЗИГУЛ. Хуш келибсизлар!

ЭРКА. Бор бўлинг, ке...

ХОЛИҚ. Омон бўлинг!

НОЗИГУЛ. Олишиб ўтиринглар *(Чиқади).*

Холиқ тасбеҳни қўлига олиб, Нозигулнинг ортидан суқланиб боқиб, томоқ қиради, ютинади.

ЭРКА. Ишлар яхшими, меҳмон? Хизматлар билан чарчамай юрибсизми?

ХОЛИҚ. Шукр, *(томоқ қиради)* шукр, юрибмиз, ўзларинг яхшими? Ишларинг дурустми?

ЭРКА. Ҳа, энди тирикчилик экан, бир куни Ҳасанбойда бўлсак, уч кун Юнусободдамиз. Бириникини суваб, иккинчисиникини бўяб, бойларнинг пулини олиб юрибмиз-да!

Милтиқ Эркани туртади.

ХОЛИҚ. "Суваб", "бўяб?" *(Томоқ қиради)* Сизни савдогар деб эшитгандик?

ЭРКА *(сал дудуқланиб)*. Савдогармиз, савдогармиз... Қурилиш моллари сотганингиздан кейин тил ҳам курувчиникига тортиб кетаркан-да. Синиқдан бошқаси юқади, дейишади-ю, *(кулади)* бизгаям юққан.

МИЛТИҚ. "Суваб" деганлари, текислаб, ҳисоб-китобни жойига қўйиб, деганлари.

ЭРКА. Шундоқ, шундоқ. Чамамда, чоғимда, мўлжалимда.

МИЛТИҚ. "Бўяб" деганлари, тушунасиз энди, савдогарчиликда алдаш деган нарса бўлмаса, фойда бўлмайди. Шунга акамиз бир-иккитасининг кўзини ҳам бўяйдилар...

ЭРКА. Ҳа-ҳа-ҳа. Баракалло, мулла Милтиқбой, гапларимнинг мағзини тўғри англабсиз. Буни савдогарлар сўзи билан айтганда, биринг дўпписини иккинчисига кийдириш, десаям бўлаверади. Чамамда, чоғимда, мўлжалимда.

Кулишади. Нозигул мева-чева, ичимлик олиб киради.

НОЗИГУЛ. Яхши ўтирибсизларми?

ХОЛИҚ. Раҳмат, раҳмат.

ЭРКА. Чорт побери! Чорт побери!

НОЗИГУЛ. Бўлди, бўлди, дадаси! Мана олиб чиқдим! (*Ичимликларни сўрига қўйиб, чиқади).*

ЭРКА. Шундан бошланг, Милтиқбой! Очилсин, қуйилсин! Гапни гапга қўшади. Чамамда, чоғимда, мўлжалимда. Айбга буюрмайсиз, тақсир!

ХОЛИҚ. Йў-йў-йў... Аммо биз бундайин нарсаларни оғзимизга олмай қўйганимизга олти йилдан ошди-ёв! Сизлар бемалол...

ЭРКА *(Милтиққа)*. Қуймайсизми, камандир?

ХОЛИҚ. Камандир дедиларми? Бу укамиз?..

ЭРКА. Ҳамма ишга ўзлари бош-қош бўлиб, бошқариб турганлари учун укамизга "камандир" деган лақаб қўйганмиз. *(Милтиқнинг олдидаги пиёлани қўлга олади)* Қани, камандир, бу нарсани маҳтал қилиб бўлмайди, олдик.

Милтиқ билан Эрка пиёлаларни тўқиштириб ичишади.
Холиқ томоқ қиради, уларни кузатиб, ютиниб-ютиниб қўяди.

ЭРКА. Оҳ-оҳ-оҳ! *(пиёла билан қорнига ишора қилиб)* Кечаги ака-укалари билан ачом-ачом қилиб кўришди! *(Холиққа)* Меҳмон, мана бу қанд-қурслардан олинг! Писталардан чақинг! Пули тўланган!*(кулади)*

ХОЛИҚ. Оляпман. *(томоқ қиради)* Сизларнинг олганларинг, мени олганим!

ЭРКА. Маладец, меҳмон. Раҳматли Эргаш Каримов, биринчи билан иккинчисининг ўртасидан қил ҳам ўтмасин, деган. Қуйинг, камандир! Аммо жуда тозасиданмикан?

Милтиқ пиёлаларга ароқ қуяди.
Холиқ беихтиёр пиёлаларнинг бирига қўл узатади.

ЭРКА. Ие, тақсирим?..

ХОЛИҚ. Узр, узр! Сизга узатиб юбормоқчи эдим. *(тасбеҳ чайқалиб турган қўлидаги пиёлани Эркага узатади)*

ЭРКА. Бу гапингиз унча ўрнашмади, тақсир. Айтадиган гапингни ўйла, қўлингга тушганини қўйма, деб айтган битта донишманд. Мана шунисини қўймайсиз энди!

ХОЛИҚ *(томоқ қириб)*. Аслида, ҳамма нарсани ўзи яратган. *(тасбеҳини чўнтигига солади)* Яратилган нарсани увол қилмоқлик, гуноҳдир, бўтам, гуноҳ!

ЭРКА. Бор бўлинг, тақсир! Мана энди, дилингиздагини гапирдингиз!

ХОЛИҚ. Бале, бўтам, бале! Буям оламнинг бир мўъжизаси: тилни равон, қўрқоқни паҳлавон қиладур!

ЭРКА*(ароққа ишора қилиб)*. Бале! Унда тилни равон, ўзимизни паҳлавон қилиб олайлик!

ХОЛИҚ*(томоқ қиради, Милтиққа)*. Кам бўлманг, камдан қуйманг! *(атрофга аланглаб, ароқни ичиб юборади)*

ЭРКА. Э, қойил-э! Ҳақиқатан ҳам ўзимиздан экансиз!

ХОЛИҚ *(ичкарига имлаб)*. Ҳа, энди тўкин дастурхонни ижод қилиб қўйишди, бизам ижод қилмасак нонкўрлик бўлади-ю!

ЭРКА. Яшанг, бешни ташланг!

Нозигул косаларда овқат олиб киради.

ХОЛИҚ *(шошиб чўнтагидан тасбеҳини олади)*. Кейин, бу дунёда ҳеч бир зот тоқ ўтмаслиги керак, деганлар.

ЭРКА. Бале!

ХОЛИҚ. Эру хотин бўлмоқлик – ҳам қарз, ҳам фарз!

ЭРКА. Бале!

ХОЛИҚ. Икки ёшнинг бошини қовуштирмоқ – икки бора савоб!

ЭРКА. Бале.

Нозигул чиқади.

ХОЛИҚ *(Нозигулнинг ортидан суқланиб қараб)*. Чаққонгина эканлар *(Эркага)*. Энди гапнинг индаллоси... Боя Эргаш Каримов нима деган дединг?

ЭРКА. Иккичиси билан биринчисининг ораси...

ХОЛИҚ. Хўп топиб айтган эканлар-да, Эргаш Каримов! "Хотин борлиги учун ҳам ич, хотин йўғи учун ҳам ич", деб ҳам Эргаш акам айтгандилар, чамангизда, чоғингизда, мўлжалингизда!

ЭРКА. Аҳмад Мирзо деган укамиз ҳам бу ҳақида қотириб шеър ҳам ёзган: "Ичаман, қўлдаги қадоқ учун..."

ХОЛИҚ (*пиёлага ишора қилиб*). Айнан бизни ёзган экан-ку шоир...

ЭРКА. Эй, қанақасига сизни ёзади. Қадоқ билан қадаҳнинг фарқига борасизми ўзи? *(кафтига ишора қилиб)* Қадоқ деб мана буни айтади! Мана бу қадоқ ҳақида айтяпти шоир!

ХОЛИҚ. Энди битта ҳарфга тортишиб ўтирамизми. "Қадоқ" бўлди нима-ю, "қадаҳ" бўлди нима... Ақл топиб пул топмаганлар бу ҳақида ўйлайверсинлар... Уям қадақ *(пиёлага ишора қилиб)* буям қадаҳ!

ЭРКА. Куймайсизми, камандир! Тақсиримники тоқ бўлиб қолди-ку!

Қуйилади, ичишади.

ХОЛИҚ *(томоқ қиради, газак ковшаб)*. Энди, биродар, эшигингизга қулчиликка келдик. Қариндош бўлайлик, сизда қиз бор экан, бизда бир ўғил...

ЭРКА. Бале!..

ХОЛИҚ. Хайрли ва савобли ишни бошлайлик.

ЭРКА. Тўппа-тўғри. Хайрли ва савобли ишни ортга суриб бўлмайди. Бизам шуни деб ўтирибмиз-да. Кун кеч бўлмай қишлоққа кетишимиз керак.

ХОЛИҚ *(томоқ қиради)*. Лаббай?

МИЛТИҚ. Кун кеч бўлмай битган ишнинг битгани, бугунги ишнинг қиш...га қолмагани маъқул, деяптилар.

ХОЛИҚ. Ҳа-а-а!

Нозигул палов олиб киради.

НОЗИГУЛ. Чойинглар борми? Дастурхонга қараб ўтиринг, меҳмон.

ХОЛИҚ *(ютиниб)*. Қараб ўтирибман. Ўзингиз ҳам чиқинг, ўтиринг.

НОЗИГУЛ *(кулимсираб)*. Биз, ака, кейинроқ чиқамизам, ўтирамизам. Сизлар бемалол. *(чиқади)*.

ХОЛИҚ *(унинг ортидан ютиниб, томоқ қириб, мамнун бош чайқайди)*. Очиққина, гап-сўзлари ҳам ширингина эканлар, менга маъқул.

ЭРКА. Ким?

ХОЛИҚ *(Нозигул томонга ишора қилиб)*. Бўлғуси келинимиз-да.

Эрка кулавериб ётиб қолади.
Камига Холиқнинг елкаларига, тиззаларига уриб-уриб қўяди.
Холиқ ҳайрон бўлиб, Милтиққа боқади.

МИЛТИҚ. Бу киши *(Нозигул томонга ишора қилиб)* бўлғуси келинингизнинг оналари бўлади!

Эрка янада баттароқ кулади.

ХОЛИҚ. Нима?! Оналари?! Бу киши оналари бўлса, бўлғуси келинимиз бешикдамилар дейман?!

ЭРКА *(қаҳ-қаҳ, уриб кулиб)*. Вой-вой. Яшанг, бешни ташланг, туппа-тузук аскиячи экансиз-ку!

МИЛТИҚ *(Эркани туртади, Холиққа)*. Йўқ, жа унчалик эмас.

ЭРКА *(ўзини босиб)*. Ҳа, ҳа! Оғзингизни тўлдириб, "келиним" десангиз дегулик. Қадам ташласалар – ҳовли титрайди, кетмон урсалар – сопини синдиради.

Милтиқ афтини буришитириб, Эркани туртади.

ЭРКА. Ҳа, айтганча, қизимиз тушмагур ниҳоятда меҳрибон, отам дейдиганлардан! Раҳматли онасининг қирқи ўтмасдан, "Дадажон, уйланинг, жуда қийналиб кетдингиз!" деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Ҳа, туриб олди. *(йиғламсирайди)* "Ҳеч бўлмаса, онангнинг йили ўтсин, тупроғи совисин", дейман, қани энди қулоқ солса! "Йўқ, уйланасиз!" дейди. *(Баралла йиғлайди)*

ХОЛИҚ. Ўзингизни босинг, биродар, ўзингизни босинг!

ЭРКА. Бунақа, мастпарвар... йўғ-э, отапарвар қизни кўрмагандим, биродар, кўрмагандим. *(Йиғлайди)*

Бошлангичлар делосини қаён супрат этдинг, Шаврилин, Шаврилин!
Меҳнат таълимини кимларга ташлаб кетдинг, Шаврилин, Шаврилин!
Шўрва навбати келганда кетиб қолган, Шаврилин, Шаврилин!

Холиқ билан Милтиқ қотиб қолишади.
Милтиқ Эркани туртади.

ЭРКА *(бирдан ўзига келиб)*. Ие, узр! Хаёл олиб кетибди. Бу кунларга етгунча, қанча кўчаларга кириб чиқмадик. Бир замонлар мактабда қоровул бўлиб ҳам ишлаганман. Туман марказидаги ўрис мактабида Шаврилин деган татар оғайнимиз ўлиб қолди. Гўринг нурга тўлгур, жуда қўли очиқ одам эди. Ярим кечаси борсангиз ҳам яримтани топарди. РайОНОга ҳамма музика ўқитувчиларини, қоровулу фаррошларни тўплашди. "Шаврилин районда номер биринчи бошланғич таълим

ўқитувчиси эди. Уни ҳурматини жойига қўйиб кўммасак, тепадан гап эшитиб қолишимиз мумкин. Аммо унинг "отаммў"лаб йиғлайдиган бирорта уруғ-аймоғи йўқ экан. Шунга марҳумнинг уйига йиғлаб кирасизлар", дейишди. Йиғилганлар, "Шаврилин деганлари бобомиз бўлмаса, отамиз бўлмаса, нима деб йиғлаймиз?" деб гаранг бўлиб қолишди. Уларнинг ичида бўладигани ўзим эканман, бошладим:

"Бошлангичлар делосини қаён супрат этдинг, Шаврилин, Шаврилин!

Меҳнат таълимини кимларга ташлаб кетдинг, Шаврилин, Шаврилин! *(Холиқни қучоқлаб, йиғисини давом эттиради)* Ўн тўққизинчи мактабнинг қоровули менга ўхшаб таъзияга икки юстани отиб келганмикан, авжини олди. *(баралла йиғлаб)*

Часингга қараб званокни званит этардинг, Шаврилин, Шаврилин!

Энди званокни званит этиш қайдадир, Шаврилин, Шаврилин!

Милтиқ уни туртиб, Холиқдан айириб олади.

ЭРКА *(ўзига келиб)*. Яна Шаврилинга кетиб қолибмиз-ку! Нима деётгандим? Ҳа-а-а! Қизим онасининг қирқи ўтмасдан, "Битта товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, дадажон. Сизнинг иссиқ-совуғингиздан хабар оладиган бир муштипар бўлмаса, мени бу дунёда яшамаганим бўлсин", дейди.

ХОЛИҚ. Бай-бай-бай! Жаннати қизингиз бор экан-ку!

ЭРКА. "Ҳов, айланай, қизим, маҳалла-кўй нима дейди?" деганимга қулоқ ҳам солмади. Ўзи бош-қош бўлиб, мана шу дугонасига уйлаб қўйди.

МИЛТИҚ. Ошириб юбормадингизми, мулла ака?

ЭРКА *(жеркиб)*. Бу уйдаги ишларни мендан кўра яхшироқ билсангиз, командир, сиз гапира қолинг! *(Холиққа)* Тақдир экан, шунақа қилиб яшаб юрибмиз.

ХОЛИҚ. Ў-ў-ў! Қизингизнинг мақтовига сўз ожиз. Меҳрибонлиги *(йиғламсираб)* раҳматли хотинимга ўхшаб кетаркан.

ЭРКА. Ие, ўзлариям ўзимизданмилар дейман-а?

ХОЛИҚ. Ҳа, бизам куйган қулларданмиз. Ниҳоятда меҳрибон эди раҳматли келинингиз. Мени ўтқазгани жой тополмасди. Фаришта эди, фаришта. Туҳмат олиб кетди, раҳматлини.

ЭРКА *(ҳамдардлик билан бош чайқаб)*. Бай-бай-бай!

ХОЛИҚ *(кўзёшини артиб)*. Кимдир хотинимга, "Қўшнининг ўғли эрингга ўхшайди", деган гапни айтибди.

ЭРКА. Бир ариқдан сув ичиб, бир охурдан ем егандан кейин, болалар бир-бирига ўхшайди-да!

ХОЛИҚ. Бу туҳмат гап хотинимни қулатиб, кўрпага михлаб ташлади.

ЭРКА. Туҳмат ёмон-да, туҳмат ёмон. Ҳаммамиз Одам Ато билан Момо Ҳавонинг фарзандлари бўлсак. Мана, *(кўрсатиб)* Милтиқбой укамизнинг оналари мелиса бошлиғини кўрсалар бўлди, дуога қўл очиб, "Илойим, ўғлим ҳам сизга ўхшаб юрсин", деб ният қилардилар. Дуолари ижобат бўлиб, Милтиқбой бошлиғининг қуйиб қўйган ўзи бўлди. Ва-ҳа-ҳа!

МИЛТИҚ *(Эрканинг ёқасидан тутади)*. Нималар деяпсан, сен, аблаҳ?! Бўйнингни сапчадай ўзиб ташлайми ҳозир!

Иккови олиша кетади. Холиқ "ҳой-ҳой"лаб уларни ажратмоқчи бўлади. Милтиқ Эркага мушт туширмоқчи бўлади, аммо мушти Холиқнинг юзига урилади. Эрка муштлайди, Холиқнинг бурнига тегади. Нозигул ҳовлиқиб киради.

НОЗИГУЛ. Ҳой-ҳой-ҳой! Эсларингни едиларингми? Ҳов, бас, мусулмонлар, бас! Меҳмон ўтирибди, совчи ўтирибди.

Иккови қотиб қолади. Холиқ қонаган бурнини артиш билан банд.

НОЗИГУЛ. Хафа бўлмайсиз, меҳмон, хафа бўлмайсиз. Булар жуда жиззаки, сал нарсага муштлашиб кетаверади. Аммо қизимиз бунақа эмас, айтдим-ку, мўмин-қобилгина. Ҳамма тўполонни буларга берган *(дастурхонга имлаб)*. Мевалардан еб ўтиринг, ўз боғимиздан. *(Холиққа қулиб, икковига хўмрайиб чиқади).*

ЭРКА. Ҳа-я, меҳмон еб ўтиринг, еб ўтиринг.

ХОЛИҚ *(дастрўмолини юзига босиб).* Еб ўтирибман, еб ўтирибман. Яхшиям синглимиз бор эканлар, сал кирмай турганларида, ўлиб ўтирармидим.

ЭРКА *(зўраки қулиб)*. Ёмон ният қилманг-э, фаришталар оминига олади! Ҳа, боя туҳмат ҳақида калом айтаётгандингиз...

ХОЛИҚ. Ҳа, кимдир, *(Милтиққа қўлини ниқтаб)* балоларга йўлиққур кимдир, *(Эркага қўлини ниқтаб)* замбаракнинг ўқига дучор бўлгур кимдир, «Қўшнининг ўғли қуйиб қўйгандай эрингнинг ўзи», дебди-да. Бу гап хотинни кўрпага қулатди, қайтиб ўрнидан турмади.

Эрка ҳамдардлик билан бурнини тортади, бош чайқайди,
чўнтагидан дастрўмол қидиради, тополмайди.
Кўзёшини, сўнг бурнини галстугининг учига артади.

ЭРКА. Бай-бай-бай! Ичингиз тўла дард экан-ку, шунча дардни кўтариб юрган иродангизга раҳмат. Хафа бўлаверманг, ўғлингизни уйлантириб олсангиз, ҳафта ўтмай сизниям уйлаб қўяди келинингиз.

ХОЛИҚ. Ростданми?

ЭРКА. Бизда ёлғон гап бўлмайди. Ўзимдан қиёс-да. Айтдим-ку, ҳафта ўтмай мени ўзи бош-қош бўлиб дугонасига уйлаб қўйди деб. Яқиндан буён янги гап топиб олибди. "Хўроз бир гала товуқнинг кўнглини олади, сиз битта хотин билан ўтиб кетаверасизми?! Хўрозчалик ҳам бўлмайсизми, дада!" дейди.

(Давоми кейинги сонда)



Кўришаман тонг билан дийдор

Эгам
РАҲИМ

Ҳаёт

Қандай ширин, қандай кўркамсан,
Нима бўлур сенинг билан тенг.
Боғу роғим, ҳовлим, ўлкамсан,
Мурувватли қучоқларинг кенг.

Бунёдкорсан, инсон қўлига
Тутқазгансан қудратли жилов.
Нур сочгансан унинг йўлига,
Сен эрурсан нокасларга ғов.

Сени деган авлод-аждодим,
Сени деган бутун мавжудот.
Одам ўтган изини ёдлар,
Қўйиб сенга меҳру эътиқод.

Одамзотнинг суянган тоғи,
Ўзинг борсан унинг бахтига.
Сен борсанки, гул очар боғи,
Суянади тожу тахтига.

Умр қисқа, йиллар саноқли,
Инсон деган боради қариб.
Бу – ҳақиқат, одамзот нақши,
Сен қоласан яшнаб-яшариб.

Эгам РАҲИМ (1918–1977) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Хоразм давлат педагогика институтида (ҳозирги Урганч Давлат университети) таҳсил олган. Ижодкорнинг "Бахт йўли", "Янги қадам", "Қўшигимсан, Хоразм", "Нурли излар", "Жайҳун нидоси" сингари тўпламлари нашр этилган.

Сўқмоқлар

Сўқмоқлар, сўқмоқлар, сўлим сўқмоқлар,
Бунча ҳам сирлисиз, ривоятга бой.
Саргузашт, тарихга тўлиқ сўқмоқлар,
Инсонга ошносиз кўпдан, ҳойнаҳой.

Ким йўл бошладию кимлар ўтдилар,
Биров шодлик билан, биров аламда.
Манзилгоҳга машъал ёқиб кетдилар,
Кўмакдош деб одам қоқилган дамда.

Қайдан бошланасиз, қайда ниҳоя,
Бу савол жавобсиз, қийнайди ҳамон.
Умрингиз боқийдир, тушмагай соя,
Узоқ йиллар оша яшайсиз омон.

Уфқлар қадарли кетинг, мавж олинг,
Серқатнов сўқмоқлар мудом суюкроқ.
Кенг йўллар авжига сиз содиқ қолинг,
Нопок қадамларга топталманг бироқ.

Тонг чоғида

Кўкда ҳали юлдуз кўчмаган,
Ботиб борар ойнинг баркачи.
Ён бағирлар туя ўркачи,
Кўчаларда чироқ ўчмаган.

Уфқда тонг кўрсатиб жамол,
Бошлаб берди шаффоф эртани,
Тун топширди эстафетани,
Кашф этиб ажиб бир хушҳол.

Тоғдан эсган еллар беозор,
Ҳайдаб кетди тонгги туманни.
Офтоб балқиб жумла жаҳонни,
Нурга буркаб этди лолозор.

Ёш арчалар бағрида қиров,
Қуёш билан уриштирар кўз.
– Қани, бунинг таърифига сўз –
Деб шипшийди ёнимда биров.

Кўкда паға-паға булутлар,
Бири қувиб, бири қочади.
Офтоб нурга йўллар очади
Ва инсонни нур билан қутлар.

Тоғ оралаб, тубанга қараб,
Ирмоқлардан оқар шалола.
Сарчашмалар кўм-кўк пиёла,
Толлар қолар кокилин тараб.

Саҳар туриб сабрсиз, бедор,
Тонгни кутиб ором оламан.
Кўкка боқиб ўйга толаман,
Кўришаман тонг билан дийдор.

Қалб амри

Дийдор кўришмакка не етсин,
Сув ичади кўнгил-кўнгилдан.
Дилкаш суҳбат кўтариб кетсин
Ғуборларни беором дилдан.

Суҳбат билан ўтган ҳар онни
Олтин билан тенг деб, бил, дўстим!
Дилкаш эъзозлайди инсонни,
Қалб амрини бажо қил, дўстим!

Беқадрлар нарироқ кетсин,
Ирғитмасдан жафо тошини.
Дийдор кўришганга не етсин,
Одам силар одам бошини.

Одамийлик

Одамий бўл, одамийликдир ҳусн,
Қолгай ўтган изларингда яхши ном.
Хизматингдан эл аро ҳар лаҳза, кун
Мансуб этгай сенга ҳурмат-эҳтиром.

Эл билан бўлгин, элинг ҳамхонадир,
Дилда чўғ бўлгай мудом ташвиши.
Элу юртинг ҳам ота, ҳам онадир,
Элга хизмат чин одамийлик иши.

Дардли кун дардкашга ҳамдам бўлмасанг,
Дўсту ёрлар йиғласа, турсанг кулиб,
Қалб бўлиб шодлик ва ғамни туймасанг,
Нега келдинг дунёга одам бўлиб?

Одамий бўл, одамийликдир ҳусн,
Қолгай ўтган изларингда яхши ном.
Хизматингдан эл аро ҳар лаҳза, кун
Мансуб этгай сенга ҳурмат-эҳтиром.

Нурли излар

Кунлар, кунлар, кунлар...
Бунчалик хилма-хил, бунчалар фарқли.
Кунлар, кунлар, кунлар...
Бунчалик серташвишу бунча ардоқли.

Бири қувонтириб, шодон этади,
Кўкларга кўтариб юборар бошинг,
Баъзиси серташвиш бўлиб кетади,
Ранжу машаққатлар бўлиб йўлдошинг.

Гоҳ оламни этиб кўзларингга тор,
Юрак-юрагингни эзади.
Бир лаҳза шодликка қилиб интизор,
Кўнгил боғин ғаму ташвиш кезади.

Қани бир умрга қолиб шодонлик,
Дунёдан ранжишлар йўқола қолса.
Ташвишлар ўрнини қувонч, омонлик,
Дўстларнинг мавж урган давраси олса.

Севинч онларини ардоқлаб, қутлаб,
Шодликка шодликлар улаб ўтайлик.
Дўстларни саодат билан қутлуғлаб,
Ҳаётда нур излар солиб кетайлик.

Ақл – эскирмас кийим,
билим – туганмас булоқ.

Қирғиз халқ мақоли



Октавио ПАЗ

Жимирлаган абрлар хаволарнинг мавжида

Ташриф

Юракни тошдек қисган тун аро сокин сузиб
шаҳардаги кулбамга табиат кириб келар.
Зангор билакларида – барглардан билакузук
ва билакузукларга ярашган кўз – тайрлар.
Дарёни олиб келгай қўлларидан етаклаб,
ҳозиргина узилган юлдузлар – саватида.
Эргашиб келган денгиз ётиб олар эркалаб
оқ кўпик – думи ўйнар гиламим қаватида.
Дарахтнинг сукутидан мусиқа униб чиққай,
мева тугади сўнгра сўзлар шаклида, шиғил.
Ярқираб пишгач ҳил-ҳил,
сўзларни дарахт тўккай.
Пешонам – қоронғи ғор, чақмоқлар чақилмоқда.
қанотлар қоқилмоқда – еллар қочар ҳар ёнга...
Айт, табиат, чиндан ҳам сен келдингми меҳмонга,
ё тушимга кирдингми аврагувчи арвоҳдай?

Кўча

Кимсасиз бир кўча – зоғ учмас.
Зулматда йиқилдим тўқнашиб,
яна турдим ва юрдим бирпас
кўприк бўйлаб, хазонни босиб,
кимдир ортда келмоқда пусиб.
Шошиб юрсам – тезлашади у,
изимга қарасам – йўқ ҳеч ким.

Октавио ПАЗ – (1914–1998). Мексикалик шоир. Нобель мукофоти лауреати. Ижодкорнинг "Инсон илдизи", "Сенинг равшан соянг остида", "Дунё чеккасида", "Қуёшнинг тоши", "Яхлит шамол", "Ёлғизликнинг чалкаш йўллари" каби китоблари нашр этилган.

Нима қилай? Атроф қоронғи,
чопаман, муюлишга етганда –
ўтаман нариги томонга,
сўнг биров изимга тушмаску,
дуч келса ҳам ўша аллаким
тўқнашар ва дегай: "Йўқ ҳеч ким!"

* * *

Ичингда ухлаб қолсам
ё ичингда уйғонсам
ўзагингда очсам кўз
оққина юз қоракўз
қора оқ яна қора
жонимга тегиб борар
уйқусизлик кун каби
қамаштиргай кўзимни
хотиранинг ёлқинли
капгири олиб келар
олиб кетар ёдимдан
сени қоракўзимни

Икки вужуд

Учрашгайдир икки вужуд –
тунги уммон бағридаги
тўлқинлардек гоҳида.

Учрашгайдир икки вужуд –
тунги заминда қовушган
илдизларнинг шохидай.

Аммо, баъзан икки вужуд – икки айро совуқ тош.
Тун – тун бўйи саҳро каби
кимсасиз ва яланғоч.

Аммо, баъзан икки вужуд – иккита совуқ ханжар.
Ва тун бўйи бир-бирига
ярақлатиб тиғ санчар.

Ва, баъзида икки вужуд – йилт этиб учган юлдуз,
бўм-бўш кўкда ўзларидан
қолдиргайдир ёруғ из.

Шаббода

Барглар айтгач яллалар,
рақс тушар олмалар;
ифор сочиб сабога,
атиргуллар солланар.

Жимирлагай абрлар
ҳаволарнинг мавжида.
Уфқлар – бесабрлар;
ҳар ён само авжида.

Кўринмайди шафақлар,
елга ўт қўяр лола;
тутун аро чарақлаб
балқир ҳилол-ҳилола.

Мен ҳам ўзимда эмас,
мен – нурда, мен – ҳавода.
Дунё эса бир нафас,
дунё – учқур шаббода.

Тош

Тушимга ўз умрим кирганмиш;
хўп кезибман сархуш, мастона.
Мени мафтун этган ажиб туш
таъбирини ўйлаб ҳайрона.

Аммо тушим бузилди, ногоҳ,
ва ўнгимда тош этди асир.
Энди ҳушим ўзимда, бироқ
туш узилган – узилмас занжир.

Бандиликка кўндим, ахийри,
шундай савдо тушди бошимга.
Боғлаб қўймиш тушлар занжири
мени гўрнинг мармар тошига.

Бутоқ

Баланд шохда, гўёки товуш
таранг торни титратган каби
яйрар ҳамда сайрар митти қуш.

Патли ўқдек учар шувиллаб,
тилим-тилим қилар бутоқни –
сас таралгай мисли ашула.
Қарағайнинг пайраҳаси соз –

гулханида тириклай ёнгач,
адо бўлгай ул олтин овоз.

Ҳа, беҳуда тикдима кўзим:
энди сайрар қуриган шоҳда
гунгу соқов жимликнинг ўзи.

* * *

Кўчамизда юрибман, аммо
қадамимнинг саслари бу дам
ўзга кўйда бермоқда садо.
Ўша кўчада ҳам
эшитаман ўзимни,
тунги одимларимнинг сасин;
у кўчада, лекин
сохтадир тумандан бошқаси.

Кетмоқ ва қолмоқ аро

Кетсамми ё қолсам, саросимада
ёруғлик қаърида сўнаётган кун
оламни бағрига босар онадай
ва кўрфаз сингари тинчланар очун.

Бари кундай равшан... Омонат бари...
Қоғозлар, китоблар, пиёла, коса
жимгина йитади – қолгай номлари...
Мана... лек илашмас қўлга ҳеч нарса...

Чакка томиримда парвозлар зарби,
қонимнинг қадрдон саси. Нур оқар
рангин чироқларнинг жимири каби
бефарқликнинг қалин девори ёққа.

Нигоҳимга сиғдим – ақлимга сиғмас –
ўзимни кўряпман қорачиғимда.
Борлиқ тадорикда, мен оний нафас –
кетмоқ ва қолмоқлик оралиғида.

Рус тилидан Ғулом МИРЗО таржимаси



Ғулом МИРЗО – 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) ўқиган. Ижодкорнинг «Яхшиям сиз борсиз», «Унутилган ҳур», «Офтобга қайтаман», «Қалб томчилари» шеърий тўпламлари нашр этилган.

* * *

16 ноябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоир ва таржимон Файзи Шоҳисмоил ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Хотира кечасида адибнинг авлодлари, шогирдлари ва адабий жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

* * *

20 ноябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ҳазрати Шайх Сузук отанинг маърифий қарашлари" мавзуида анжуман ўтказилди. Анжуманда Асқар Обидовнинг "Хожа Аҳмад Яссавий ва Сузук ота" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

20 ноябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллуди ва ижодига бағишланган хотира кечаси ва фотокўргазма ташкил этилди. Тадбирда адибнинг авлодлари, адабий жамоатчилик вакиллари ва Ёзувчилар уюшмаси фаоллари иштирок этдилар.

* * *

21 ноябрь. Ёзувчилар уюшмасида "Тараққиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони" ижтимоий лойиҳаси асосида чоп этилган Қўчқор Норқобилнинг "Бу ерларда ҳаёт бошқача", Исажон Султоннинг "Ҳазрати Хизр изидан", Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Осмон оғуши", Луқмон Бўрихоннинг "Титраётган тоғ" номли асарлари тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

27 ноябрь. Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий анжуман ташкил этилди. Анжуманда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети талабалари, адабий жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

* * *

27 ноябрь. Тошкент давлат Шарқшунослик институтида таниқли публицист ва ёзувчи Аҳмаджон Мелибоевнинг Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига бағишланган маънавият дарси ташкил этилди.

* * *

28 ноябрь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким таваллудининг 70 йиллигига бағишланган "Қанча севсанг, шунча яшайсан, фақат" номли хотира кечаси ташкил этилди.

* * *

28 ноябрь. Шоира Гулчеҳра Нуруллаева ҳамда ёзувчи Шароф Убайдуллаевга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолиги гувоҳномалари топширилди.

* * *

30 ноябрь. Ўзбекистон Миллий университетида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

* * *

30 ноябрь. Ёзувчилар уюшмасида шоир ва таржимон Асқар Маҳкам таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан "Шоир эмас, ростгўй эдим" номли хотира кечаси ўтказилди.

* * *

2 декабрь. Урганч шаҳридаги "Қутлуғ қадам" маданият марказида Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Қўзи Давлат таваллудининг 80 йиллигига бағишланган "Устозга эҳтиром" номли адабий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

4 декабрь. Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси ва "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси ташаббуси билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 15–16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунларидан келиб чиқиб ижодкорлар олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари томонидан Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги учун қилаётган бундай саъй-ҳаракатларини, эзгу ишларини ёзувчи ва шоирларимиз асарларида акс эттирилиши лозимлиги қайд этилди.

* * *

4 декабрь. Ёзувчилар уюшмасида Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодига бағишланган "Мен элимнинг юрагида яшайман" номли адабий тадбир ташкил этилди.

* * *

6 декабрь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан 28 ноябрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги асарларни кўпайтириш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

6 декабрь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Жамолиддин Муслимнинг "Сабот манзили" номли янги китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

7 декабрь. Ёзувчилар уюшмасида Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди. Адабий анжуманда адибнинг шогирдлари, уюшма аъзолари, ижодкор ёшлар қатнашдилар.

МУНДАРИЖА

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

Хайриддин СУЛТОНОВ. Олатов чўққиларидек юксак, Иссиққўл сувларидек тиниқ ижод 4

ДУРДОНА

Манас. Қирғиз халқ эпоси. Манас аскарининг Олатовга келиши..... 8

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ. Айтишувдан Айтматовгача 12

НАЗМ

Акбар РИСҚУЛ. Тақдир менга топишмоқдай кўринди 16

Совронбой ЖУСУЕВ. Чин дилимдан шивирлайман халқ сўзин. 20

Майрамхон АБИЛҚОСИМОВА. Учрашамиз энг биринчи тор билан 31

Абдураҳмон АЛИМБОЕВ. Биз Туронга бораяпмиз уланиб 33

Эркали ЎСКЎНАЛИ. Муҳаббат қуши сайради 44

Турар КОЖОМБЕРДИЕВ. Бахтиёрлик доим сенга оқин бўлсин 46

Бурулкан КАРАГУЛОВА. Ошиқлигим, сен томонга қайрилдим..... 51

Канишай АБДИБАЛИЕВА. Қалб ҳамиша юксакда 53

Гўзал БЕГИМ. Ҳали ҳаммаси эмас (Туркум) 62

Усмон ТЕМУР. Таъзим қилгум элнинг сабрига 74

Абдумажид АЗИМ. Оқибатдан олардик сабоқ 78

ЭЪТИРОФ

Кенеш ЖУСУПОВ. Устоз. 25

Абдулла ОРИПОВ. Маънавий дарддошлик 28

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Бердибек ЖАМГИРЧИЕВ. Бахтим бўлиб юрагимда қол. 54

Рисгул ИЗЗАТОВА. Киприклардан қушдек уйқу учди жим. 56

НАСР

Бейшенбай УСУБАЛИЕВ. Минг. Ҳикоя. 35

Аман САСПАЕВ. Сарала ит. Ҳикоя. 48

Абдиламит МАТИСАКОВ. Тоғлик қиз. Ҳикоя 58

Муҳаммад ШАРИФ. Менинг қирғизим. Ҳикоя. 67

Жаббор ХАЛИЛ. Ойбек Шаҳрисабзда. Эссе. 83

Шойим БЎТАЕВ. Еттинчи тонг. Роман 101

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Тўра МИРЗАЕВ, Шаҳноза НАЗАРОВА. Биз дарёмиз, у – денгиз. 92

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА. Ўзбек ҳикоячилигининг келажагига умид бор 140

BOLALAR DUNYOSI

Dilshod RAJAB. Qalbi qaynoq bolamiz. 145

ДРАМАТУРГИЯ

Саид АНВАР. Мардикорлар. Комедия 147

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Эгам РАҲИМ. Кўришаман тонг билан дийдор. 166

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Октавио ПАЗ. Жимирлагай абрлар ҳаволарнинг мавжида. 170

Адабий ҳаёт. 174

Шарқ юлдузи

2018

11-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@mail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 2450 нусха.
Буюртма № 3

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳ:
Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Улуғбек Саидов

Copyright © "Шарқ юлдузи"

Унутилмас лаҳзалар





Чингиз Айтматов ўзбек адиблари даврасида



Аҳмад УМАРОВ. Имом ал-Бухорийнинг Хартанг қишлоғига табаррук қадамлари